



Ёшларнинг адабий, ижтимоий журнали

123 март
1982 йилдан чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:
Тоҳир МАЛИК

Таҳрир хайъати:

Ғаффор ҲОТАМ —
бош муҳаррир ўринбосари
Носир МУҲАММАД —
масъул котиб
Абдул ЖАЛИЛ
Низомиддин МАҲМУД
Рауф ПАРФИ
Тўхтамурод РУСТАМ
Аббос САИД
Темур ХУЖА
Абдуқодир ЭРГАШ
Собир УНАР
Тоҳир ҚАҲҚОР
Яшар ҚОСИМ

Муассислар:
Ўзбекистон Ёшлари Иттифоқи
Марказий Қўмитаси ва
Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси

Мусаввир: Р. ЭГАМБЕРДИЕВ
Техник муҳаррир: Р. ЖУМАЕВ
Мусахҳиҳ: М. ТУРСУНОВА

Босмахонага 30.12.91 да туширилди.
Босишга 30.01.92 да рўзсат берилди.
Қоғоз формати 84×108/16.
Шартли босма тавоқ — 8,4
Нашриёт ҳисоб босма тавоғи 12,1
85561 нускада чоп этилади.
Буюртма № 6544
Мавзелимиз: 700113, Тошкент,
Қатортол кўчаси, 60-уй.
Телефонлар: 78-97-07,
78-17-47, 78-77-16, 78-97-58.

Тошкент, «Камалак» нашриёт-
матбаа бирлашмаси.
Ўзбекистон Республикаси
«Шарқ» нашриёт-матбаачилик
консернининг босмахонаси.

© «Ёшлик» № 3—4 1992

Ки бу сур эрур олам афрўз ҳам,
Хусусан эрур фасли наврўз ҳам.

Алишер НАВОИЙ

Қушлар чуғури тонгни уйғотди. Қиши билан дилгир бўлган қуёш ажиб жилмайиш билан юз очди, дўнгликлар ортида писиб ётган кишининг сўнгги нафаслари тавбасига таяниб, узоқ вақтлар қайтиб келмас бўлиб кетди.

Бу баҳор кўнгилга ўзгача қувонч бериб келяпти. Биз озод Ўзбекистонимизнинг соғинтирган баҳорини қаршиляяпмиз. Шўнинг учун бу Наврўз — янги кун — умид кунини бўлиб хонадонларимизга кириб келади.

Фожиалар, қайғулар, ортда қолгани рост бўлсин. Ҳасадлар, ғаразлар чекингани, мустақиллигимиз йўлидаги бирлигимиз, ҳамжиҳатлигимиз рост бўлсин.

Бугун ҳар бир ўзбек Ватан қайғуси билан яшайдиган кун. Бугун нафс ва амал бандалари чекинадиган кун. Бугун ҳар бир ўзбек ким эканини англаб етадиган кун.

Янги йилни ҳар бир банда яхши умидлар билан бошлайди. Бизнинг энг улуғ умидимиз — она Ватанимиз мустақиллиги барқарор бўлсин. Халқимизнинг дол қадди тикланиб олам аро кўкрак керсин. Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин бўлсин.

Ва ниҳоят... неча асрлардан бери бўлакларга бўлиниб ётган улуғ турк халқлари — бир ота-онанинг фарзандлари бирлашсин. Айрилган эдик — бўриларга ем бўлдик, энди айри яшамоқнинг хосияти йўқ. Чин истиқлолга ягона йўл — бирлик!

Аямажизнинг изғиринли нафаси баҳорни тўхтата олмагани каби энди озодлигимизга ҳеч қандай куч раҳна сололмас, иншооллоҳ!

Бу Наврўзимизнинг яна бир фазилати — муборак ва муқаддас Рамазон ойида ўтяпти. Наврўзни кутиб олиб, Рамазон ҳайитига етишни Оллоҳ барчамизга насиб этсин. Муқаддас айёмга гуноҳларимиздан фориг бўлган ҳолда, оила аъзоларимиз билан ҳамжиҳат равишда етишдек бахтга барчамизни муяссар этсин.

Муҳтарам муслим ва муслималар! Барчангизга сиҳат-саломатлик, Оллоҳдан раҳмат ва барака тилаб қоламиз. Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло бир ота-онанинг фарзандлари бўлмиш жамийки инсонлар ўртасидан меҳру муруватни, эзгулик ва шафқатни кетказмаган бўлсин. Охирати-мизни обод қилсин. Омийн.

Муқовамизнинг 1, 4-бетларига:

Аждодлар:

— Самарқанду Бухорони бизлар қурганмиз.

Авлодлар:

— Бизлар эса сиз қурганни бориб кўрганмиз.

Аждодлар:

— Биздан қолди шўх дарёлар, кўллар мусаффо,

Авлодлар:

— Уларни ҳам қурутгаймиз бир кун, иншолло...

2-бетда:

Темурнинг ғазот урушига отланиши.

Шарафиддин Али Яздийнинг Самарқандда 1628-29 йилларда кўчирилган «Зафарнома» асаридан.



Эркин
Воҳидов

Султонмурод

Султонмурод давлатманд одам эди. Сахий, маърифатли бой эди. Совет ҳокимияти унинг мол-мулкани мусодара, ўзини элдан бадарға қилди. Бор-йўғидан, ватанидан мосуво бўлиб, узок элларга жўнаб кетар экан, Султонмурод алам ичида шундай сўзларни айтди:

*Шафқат этмай бахтим қаро қилганлар
Шафқатга зор, бахти қаролар бўлгай.
Мени ватанимдан жудо қилганлар
Ватанда ватандан жудолар бўлгай.*

*Ҳеч қачон, ҳеч ерда ҳеч кимсага, бас.
Талаб олган моли буюрган эмас,
Ер-сувими олган нобакор ул кас
Ер устида ерга гадолар бўлгай.*

*Соҳиблик мулк — обод, соҳибсиз —
вайрон,
Эгасиз биядан соғилар айрон.
Юз йил «Хўжасизлик қайдан?» деб
хайрон —
Халойиқ тутгани яқолар бўлгай.*

*Бунда гаплар кўпу ишлар бўлгай оз,
Эл маъруза егай ва кийгай қоғоз,
Юртнинг эгалари мудом ваъдабоз,
Ишларида юз минг хатолар бўлгай.*

*Ерида захр унар бўлгай бу ўлка,
Жафоларга кўнар бўлгай бу ўлка,
Камоли беҳунар бўлгай бу ўлка,
Дўконида ўтмас матолар бўлгай.*

*Бенамоз, беҳудо, бедин бандалар
Устидан шайтонлар қилгай хандалар,
Имон, эътиқоди парокандалар
Бошида кичкина худолар бўлгай.*

*Ҳукумат! Қотилинг ўзингдан чиқар,
Адл чинорларинг қўпорар, йиқар,
Лак-лак сургун қилар, зиндонга тиқар,
Бошингда туганмас жазолар бўлгай.*

*Юртбошилар оқил эса, ҳойнаҳой,
Эл ҳоли бунчалар бўлмас эди вой,
Инсон бой бўлмаса, халқ бўлarmi бой?
Саволим авлодга нидолар бўлгай...*

Султонмурод шу сўзларни айтиб, отга камчи босиб, Олатоғдан ошиб Қашқарга равона бўлди.

1989, апрел

ВАТАНДА ВАТАНДАН

ЖУДОЛАР БЎЛГАЙ...

Узоққа бормадик андиша билан...

Узоққа бормадик андиша билан,
Тил топа олмадик ҳамшиша билан.
Одамзодга дўст ҳам ёв бўларкан тил,
Кўприк бўларкан ҳам ғов бўларкан тил.

Олисга етмасдан ўчди унимиз,
Чунки бегонага қолди кунимиз.
Гул бўл, тиканак бўл — чаманингда бўл,
Булбул бўл, қарға бўл — ватанингда бўл.

1989, апрел



Раис ва шоир

Пиллакор раиснинг даъвати ила
Шоир меҳмон бўлгач қишлоққа келиб,
Мадҳ ёзди юксак шеър санъати ила
Пиллани тиллага қофия қилиб.

Йил ҳам ўтгани йўқ, меҳмондўст раис
Чорвадор колхозга ўтганин билиб
У қасида ёзди қалби тўла ҳис,
Туяни бияга қофия қилиб.

Раис ишдан кетди, у энди — собиқ,
Шоир хабар олмас назарга илиб.
Энди у шеър ёзар услубга содиқ —
Раисни даюсга қофия қилиб.

1989, май



Унтер Пришибеев

Жаноб Пришибеев, сўз яна сизга!
Яна кўчаларда қўр тўкиб юринг.
Худо қувват берсин томоғингизга,
«Тарқал, эй халойиқ» дея буюринг.

Қаранг, во ажабо, бу бемаза халқ
Яна эркинликни истаб қолибди.
Жонига текканмиш ҳокими мутлақ,
Бундоқ хом хаёлни қайдан олибди?

Келиб нуқта қўйинг бу орзуларга,
Халойиқ зотини майдондан қувинг.
Ҳақиқат қаерда — айтинг уларга,
Адолат нимадир, кўрсатиб қўйинг.

Гарчи Россиядан чиққансиз, жаноб,
Унда сизга жой йўқ, у ер ёмондир.
Халқи бетавозе, шаккок, беодоб,
Сизга муносиб жой бизнинг макондир.

Унтерлар жонига оро бу маъво,
Халқи мусичадек юввош ва увол.
Минг бор, жам бўл, деса жам бўлмас, аммо
Бир бор, тарқал, деса тарқалар дарҳол.

Жаноб Пришибеев, марҳамат бизга,
Қадрингизга етиб, асраб суййлик.
Поёндозлар тўшаб оёғингизга,
Юксак мартабалар бериб қўййлик.

Токи қайта чўксин узоқ сукунат,
Токи эл бўғзидан чиқмасин нафас.
Сокин кўчаларда сиз гоҳи фақат
«Тарқал, эй халойиқ!» деб турсангиз бас.

1989, май



Шароҳи Ҳақиқат

*Тошкентдаги Тўхтабой
масжидининг имоми
Обидхон Собитхон ўғли
билан суҳбат*

Тоҳир Малик. — Суҳбатимиз мамлакатда жиддий ўзгаришлар рўй бераётган пайтга тўғри келяпти. Ҳаммамизда турлича ўй, турлича ташвиш. Ватанимиз мустақиллиги, демократия келажаги қандай бўлади деган ҳаёл билан бандмиз. Раҳбарият демократия ва адолатга янада кенг йўл очишни, халқларга яхши қунларни ваъда қиляпти. Биз эса мана шундай яхши қунларни кўриш умиди билан яшаймиз. Чунки неқбинлик билан яшаш бизга отамерос.

Бугунги жамиятимизда муаммолар ниҳоятда кўп. Шулардан бири — ДИН ВА ЖАМИЯТ деган бир тушунча атрофида суҳбатлашиб олсак. Кейинги йиллардаги эркинликлардан фойдаланиб, барча турдаги динлар қаддини кўтариб, янги ривожланиш далласига киряпти. Бемор узоқ давом этган хасталиқдан бошини кўтариб, ўрнидан турган кезларига ўхшайди бу давр. Маълумки, бундай бемор ўрнидан тургач боши айланади, қувватсизланади, ҳатто, йиқилиб тушиши ҳам мумкин. Таъбир бироз қўполроқ бўлса ҳам, динларнинг аҳволи шунга ўхшаб кетади. Ҳозир дин жамиятнинг қаддини тиклашга мадад бера оладиган куч сифатида тикланыпти. Бир масжиднинг имоми, ислом динининг билимдони сифатида аввало исломнинг, янада кенгрок фикрласак, умуман, диннинг жамиятдаги ўрни ҳамда вазифасини нималарда деб биласиз?

Обидхон қори Собитхон ўғли: — Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм. Алҳамду лиллаҳ, вассолату вассалому ала росулиллаҳ.

Ислом давр такозоси билан бир замонда майдонга чиқиб, кейин вазифаси тугагандан сўнг чеккага ўтиб, қўл қовуштириб тураверади деган ўткинчи таълимот эмас. Балки у инсон ҳаёти, тириклиги билан бирга эгизак ҳолда вужудга келган ва инсон ер юзига қадам қўйган биринчи кундан то ҳозирга қадар у билан ҳамона ва ҳамроҳдир. Отамиз ҳазрат Одам алайҳис-салом ерда ҳаётни бошлаб берган биринчи инсон бўлиш билан бирга илк пайғамбар ҳам эдилар. Демак, Оллоҳ таоло бу оламга дини исломни инсонга ҳамроҳ, йўлдош қилиб юборган.

Бугунги кунда одамзот фойдаланадиган асбобу ашёлар, масалан, ойнаи жаҳон, радио, компьютер ва ҳоказоларга бир эътибор берайлик. Бу нарсалардан қандай йўсинда фойдаланиш керак, унга қай ҳилда муносабатда бўлиш лозим? Бунинг учун ўша жиҳозларнинг ёнига қўшиб юборилган китобчасига мурожаат қилиш зарур. Мабодо асбобнинг бирор жойида носозлик пайдо бўлиб қолса ҳам, ўша китобчасига қараб ислоҳ қилишга тўғри келади. Бизни ўраб турган бу олам, ҳаёт, ҳар қандай муқаммал ишланган компьютеру жиҳозлардан неча минг марта мураккаброкки, уни тушунмоқ, бузиб қўймасдан узоқ вақт ундан оқилона фойдаланмоқ учун ҳам албатта «устаси»нинг ўзидан юборилган йўл-йўриқ, кўрсатма бўлиши керак.

Радио бузилиб қолса, «менинг фалон жойимни бура», деб ўзи кўрсатма бермайди ёки ёнидаги китобчани ўзи ёзиб келмайди. Модомики, инсонни ҳам унинг иктиёридан ташқари қимдир «ясаган» экан, у амал қилиши лозим бўлган йўл-йўриқ, кўрсатмани ҳам ёлғиз ўша яратувчи бера олади. Инсоннинг ўзича ёзиб олган китобчалари, таълимотлари эса барибир иш бермайди. Узоқ сафарда халақит бергани учун йўлнинг қайсидир нуктасида ўша китобчалар ўзидан-ўзи тушиб қолаверади. Ҳаёт йўлидаги ҳақиқий дастур бу илохий китобдир. Ҳамма замонда, ҳамма маконда унга эҳтиёж сезилади. Узоққа бормай замонамизга қарасак, бугунги кунда унга бўлган муҳтожлигимизнинг ниҳоятда ошиб кетганини кўрамиз. Биз йиллар бўйи худди маст одамларга

ўхшаб, эҳтиёжимиз нималарда эканлигини сезмадик. Ҳушимизга келиб кўзимизни очиб қарасакки, жуда кўп нарса ютказибмиз. Ана энди шошиб-пишиб, ҳаммасининг ўрнини тўлдиришга ҳаракат қиляпмиз. Лекин бу иш бирданга бўлмайди. Жамиятнинг аҳволи дин воситаси ва ёрдами билан тузалса — тузалади, бўлмаса, ҳалокатга юз тутади. Тарихдан маълум, олам вақт-вақти билан тозаланиб турган. Одамлар имон, инсоф йўлини рад этиб нафс йўлига юриб кетганларида, Нух пайғамбар даврларида, ундан кейин ҳазрат Лут пайғамбар даврларида олам бир тозаланган эди. Мана, ҳозирги кунларда ҳам шундай бир даврни кузатиш мумкин. Лекин, Оллоҳ кўрсатмасин, дин-эътиқод ёрдамида тозаланиб олиш бошланиб қолди ҳам мумкин. Бу тузалмаган маразни кесиб ёки куйдириб ташлашга ўхшаган оғир жараён бўлади. Юқоридан бир куч келиб ҳамма нарсени эзиб, янчиб, таг-туғи билан кириб тозалашидан аввалроқ биз, мусулмонлар, инсоф-диёнат, яхшилик билан, эзгулик билан тозалаб олишимиз керак. Чангалга ўт кетса, ҳўлу курук баробар ёнади. Муҳаммад алайҳиссалом ҳам айтганлар, мабодо, мусулмонлар бир-бирларига амри маъруф қилиб, тўғри йўлни кўрсатмасалар, биргаликда ҳақиқат учун ҳаракат қилмасалар, унда Оллоҳнинг ҳукм-фармони келишини кутиб турсинлар. Ҳаттоки, қиёмат қойимга яқин қолганда, Маккаи мукаррама каби табаррук шаҳарнинг остонасида, бир гуруҳ одамларни ер ютади, деганлар. Шунда Ойша разиллоҳу анҳо онамининг: «Ё, Расулиллоҳ, бу қандай бўлди, ахир, ўша ерда яхши одамлар ҳам бўлса керак эди-ку?» — деган гапларига жавобан: «Ҳа, яхши одамлар ҳам бўлади, лекин, ўша яхши одамларни ҳам ёмонларга қўшиб ер ютади. Сабабки, яхшилари ёмонларни тўғри йўлга чақирмади, тавфиқ йўлини кўрсатмади, ўзи билан ўзи овора бўлди, ўшанда балки кўрққанидан, балки, баъзи нарсаларни мулоҳаза қилганидан ўзинини билгил, ўзгани кўйгил, қабилда иш тутиб, бепарво юрса, ҳамма баробарига, ҳалок бўлади. Аммо фақат қиёматга боргандагина, қайта тирилиш бўлганида, ўша яхшилар ўларнинг ниятларига яраша тирилади ва ёмонларга тўғри йўл кўрсатмагани учун жавоб ҳам беради», деган мазмундаги ҳадислари бўлган. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам, мусулмонларнинг четда туришларига ҳеч ҳақлари йўқ. Айниқса, уламолар жамиятнинг ҳаётига бевосита дахлдор одамлар. Дунё бўйича динга қарши курашнинг энг каттик кўринишлари, мана, сиз билан бизнинг бошимиздан ўтган. Демокриманки, динга қарши кураш бўлди, лекин, унинг ривожланиши учун оммавий сафарбарлик эълон қилинган йўқ. Шундай бўлса ҳамки, динга қизиқиш кучайиб бораётганини кўриб турибмиз. Демак, бир нарсанинг кучи ошибдими, яъни бир томондан кучли тўлқин келяптими, уни тўхтатиб қўйишнинг иложи йўқ эканми, яхшиси унга бир йўл очиб бериш керак. Бу борада шу жамиятнинг устида турган биринчи сафдаги одамларнинг масъулияти ниҳоят даражада ошиб кетади. Диний раҳбарларнинг масъулияти ҳам ниҳоятда оғир. Оғир масъулиятни кўтарадиган одамларнинг ўзлари ҳам шунга яраша вазин табиятли, сабр-тоқатли бўлишлари керак, деб ўйлайман. Лекин, тўғриси айтганда, бундай одамлар камга ўхшайди. Бу ҳам табиийдир, чунки ўтган йиллар мобайнида диний таълимотлар, диний ходимларни тайёрлаш ишлари охириги ўринларга суриб келинди. Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда диннинг аҳамияти ниҳоятда буюкки, энди у бошқа таълимотлардан кўра ҳам биринчи ўринга чиқиши, дин тақдирига биринчи галдаги вазифа деб қаралиши керак.

Т. М. — Маданий инқилоб даврларида худосизлар жамияти бўлган. Худосизлар жамиятига ҳам минглаб, балки миллионлаб одамлар аъзо бўлишган. Ана шу худосизлар жамиятининг ҳаракати билан масжидлар, бутхоналар вайрон қилинган. Ёки маълум бир қорхоналар ихтиёрига берилган. Бу жамият чала тушган боладай бўлган экан, кўп ўтмай ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди. Кузатишимга қараганда, исломга ва бошқа динларга берилган эркинликлар хурсанд бўладиган даражада самара бермапти, ёки атеистлар ташвишга тушадиган даражада ҳам натижа бермапти. Ҳисоб-китоб тили билан айтсак, масжидга чиқаётган мусулмонлар 5-6 фоиздан ошмайди. Фақат жума ва ҳайит намозларида одамлар кўп келади, лекин уларнинг кўпчилигини тўла маънода мусулмон деб ҳам бўлмаса керак: худди нимадандир кўрқиб келишаётгандай туюлади. Кўпчилиги, назаримда, қиёмат азобидан кўрқиб келади. Бундай одамларни ўз амалидан кўрқиб, юқори ташкилотларга бўйсунадиган одамларга ўхшатаман. Менинг тушунчам бўйича, ҳар бир мусулмон фақат Оллоҳнинг қазабидан кўрқиб керак. Бу масаланинг бир томони, иккинчи томони — динга берилган эркинлик мусулмонларни бирликка ундамай, аксинча ихтилофлар келтириб чиқаряпти. Айниқса, муфтий ҳазрат атрофидаги гап-сўзлар, турли имомлар атрофидаги гап-сўзлар, келишмовчиликлар, шикоятбозликлар, юмалок хатлар ёзиш масжидларга ҳам кириб келган, буни яширмаслигимиз керак. Қолбуки, ислом динининг энг биринчи вазифаси инсофга ўргатиш, одамларни аҳилликка, бирликка ўргатиш бўлиши керак эди. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб олишининг ярамадлиги ҳақида Расулиллоҳнинг ҳадислари ҳам бор, тўғрими? Фарз намозларида сафга турилган пайтда, ораларингизда жой очилиб қолмасин, дейилади. Демак, мусулмонлар жипслашиб яшашлари керак. Оралари очилиб қолса, бўш жойга шайтон ораларкан. Ҳар бир инсон боласини эзгуликларга даъват қилуви лозим бўлган масжидларимизнинг ўзида, ана шунга амал қилинмаяпти. Муфтий ҳазрат атрофларидаги гапларга яна қайтсак, «К. П.» газитида яна бир нотўғри хабар чикди, унда сизнинг номингиз ҳам зикр этилган. Мана шу келишмовчиликлар, мана шу хабарлар, мана шу ташвишли ҳолат ҳақидаги муносабатингизни билишни истар эдик.

О. С. — Сўзни аввало диний эътиқод ҳақидаги гапларингиздан бошласак. Кўча-кўйда, тўй-ҳашамда турли юмушлар билан ўралашиб юрганларга нисбатан оладиган бўлсак, масжидга кам одам келаётгани тўғри.

Қиёматдан кўрқиб... Бу дегани ўша сиз айтгандек Оллоҳнинг қазабидан кўрқиб дегани. Қанийди, одамларнинг ҳаммаси ҳам қиёматдан кўркса. Мусулмон киши қиёматнинг бўлишига қаттиқ ишонади. Қиёматга ишонмаган, ундан кўрқмаган одам мусулмон ҳисобланмайди. Имтихон яқинлашгани сайн талабалар сергак тортиб, дангасалар ҳам сал-пал кимирлаб қоладилар. Имтихон бўлиши ёки комиссия, ревизия босиши аниқлигига бўлган ишончгина одамни ўзининг хатолари, камчиликлари ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Зиёли акаларимиздан бирлари менга эътироз билдириб, сиз қиёмат ҳақида кўп гапирар экансиз, бу аҳволда ёшларни кўрқитиб, даҳшатга солиб қўясиз-ку, дегандилар. Лекин қизиги шундаки, натижа у ақамиз хавотирлангандек бўлмаяпти, ёшларнинг қизиқишлари, исломга, масжидга бўлган меҳр-мухаббатлари тобора ортапти. Агар улар даҳшатга тушганларида масжидга келмай қўярдилар. Биз қиёматнинг даҳшатлари ҳақида гапириш билан бирга ёшларга

сизларнинг хали гунохларингиз кам, балки, йўқ ҳисоб, гуноҳ савоб ёзиладиган дафтарларингизнинг варақлари хали оппоқ турибди, унга илоҳим фақат савоблар ёзилсин, ҳаётга сизлар эндигина кириб келяпсизлар, умрларингизнинг охиригача мана шу мусаффолик, поклик сизларга ҳамроҳ бўлсин, ўшанда қиёматнинг азоб-уқубатлари, даҳшатларидан сизларга ҳеч қандай хавф хатар бўлмайди, балки қиёмат Оллоҳ томонидан мукофот топширилдиган кун бўлади, деб пайғамбар алайҳиссаломнинг башоратларини эслатамиз. Аммо, ҳаёти, бебаҳо умри дилозорлик, ёвузлик, ҳаромхўрлик, зўравонлик билан ўтаётган, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, ваҳшиёна кун кечираётган одамлар-чи?! Уларни қайси мард йўлга солади, одам қилади ёки ҳеч бўлмаса тийиб қўя олади? Ким?.. Милициями, суд, прокурорми, КГБ, армиями? ...Хўш, шулар ҳам дейлик, унда қачон? Шунча йиллардан бери нега тугагнмади бу иллатларни? Нима учун улар эътиборсизлар. Покловчи нарсаларнинг ўзи покиза бўлиши керакмасми? Сув агар тоза, пок бўлмаса қандай қилиб у билан кир ювиб бўлади. Лойка сув ёки мағзава билан қўйлақ ювса тозарадимми?

Эгри йўлдан тўхтаб, Оллоҳнинг ўзидан кечирим сўраб, иккинчи бу ёмонликни қилмайин, деб онт ичиб ҳақ йўлга кирмаган, инсофиймонга келмаган одамга фақат ҚИЁМАТ жавоб бўлади. Бу дунёда бировларнинг ҳаққини еган одамларнинг қорни қиёмат кунини шиширилиб ичига дўзах оловидан солиб қўйилади...

Бу дунёда бир-бирларини ғийбат қилган одамларнинг тилларини Оллоҳ таоло бир неча чақиримга узайтириб қўяди. Тили оғзидан чўзилиб чиқиб, худди илондек ерда, одамларнинг оёқлари остида эзилиб, янчилиб, қонларга беланиб, гўштлари титилиб, судралиб юради. Ғийбатчи — бўхтончилар минг кўксига муштраб «Мен мусулмон!» деса ҳам қиёмат азобига гирифтор бўлади.

Бу дунёда нопок йўлларга кириб кетган, ўзининг қонуний жуфти ҳалоли бўла туриб, бошқа ахлатхоналардан «ризқ» ахтарган бузуқ одамларнинг уят ерларини худо ҳамманинг олдида жуда ҳам шармандали холда бесўнақай қилиб қўяди, ундан қиёмат майдонига йиринг, қон, ифлос нарсалар оқиб ётади.

Бу дунёда арок ичишга одатланиб қолганларнинг оғизларига ўша ифлос суюқликлар тўғрилаб қўйилади...

Бу сўзлар кимгадир ёқмаслиги мумкин. Лекин, на-чора, биз ҳаммамиз пайғамбарликларига иймон келтирган зот — Расулulloҳнинг ҳадисларида шу маънолар баён этилган. У киши умматларини ана шундай аҳволга тушиб қолмасликлари учун олдиндан огоҳлантиридилар.

Энди мусулмонлар ўртасидаги баъзи бир келишмовчиликлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, бунинг сабабларини ўтган ўн йилликлар давомида халқимиз бошига тушган кулфат-мусибатлардан излаган бўлардим. Узоқ вақт қоронғу ертўлада ўтирган одамлар бирдан ёруғликка чиқариб қўйилса, нима ҳолат рўй беради? Одамларнинг кўзлари қамшиб бир-бирларига урилиб кетдилар. Ҳозир ҳам худди шунақа бўляпти. Еки ҳали ўзингиз айтган мисолингиз — дини ислом эндигина оёққа туряпти. Оёққа турган кишининг қоқилиб-суриниши, урилиши табиий. Ундан ташқари биз ҳали исломнинг мактабини ўтамадик. Ҳозирги кунда Ўрта Осиёнинг ўзини мисол қилганимизда туб миллат аҳолисининг ҳаммаси ўзини мусулмон деб билади, исломга мансуб деб ҳисоблайди. Ҳақиқатда ҳам шундоқ. Ва бу барчамиз учун хурсанд бўладиган ҳолат. Аммо шунча мусулмоннинг қанчаси масжидга қатнайди, қанчаси мусулмонлик қонун-қоидаларига ҳаётида тўла

амал қилади, намоз ўқийди ва ҳоказо? Албатта, жуда кам. Энди ана шу доимо намоз ўқийдиган «жуда кам» мусулмонларнинг қанчаси ислом талаб қилганидек, гўдакки чоғиданок иймон мактабига ўқишга кириб. Қуръон тарбиясини олиш бахтига муяссар бўлган?

Гўдакка она сутидан ортик фойдали, зарур озуқа дунёда йўқ. Шу озуқа ўз вақтида, етарли даражада берилмаса бола ўсмай қолса-да, лекин жуда заиф, нимжон бўлиб ўсади. Катта бўлганидан сўнг, заифлигини юзига солиш эса инсофсизлик бўлур эди.

Она сутидан маҳрум бўлганидек, ёшлик чоғида Қуръон тарбиясини олиш бахтидан бебаҳра қолиш мусулмонларимизни бугун мана шу аҳволга олиб келди. Халқ худосизлар қазиган ариқдан қўп сув ичди. Даҳнанинг бошига ўтириб олиб, сувини тинмай лойкалатиб унга атеизм, коммунизм захрини қуйиб турган бу жамият яна ҳам Оллоҳнинг раҳмати билан шу ерга келганда қутилиб қолди. Бугунги низолар, жанжаллар, исломнинг мусаффо, ҳеч нарса аралашмаган булогидан сув ичолмаганимиз оқибатидир. Лойка сувлар қоринни оғритмоқда. Шунинг учун мен мусулмонларнинг бу томонини ҳам, у томонини ҳам том маънодаги айбдорлар деб ҳисобламас эдим.

Шоир айтганидек:

*Ҳар ерда ҳоким ҳақ, арбоблар ғолиб,
Қонун шуларники, шуларда қолип,
Энг катта айбдор бир четда қолиб,
Ҳазони бошқалар ўташга тушди.*

Ҳа, ҳазони мусулмонлар ўтаяпти. Ўша сиз айтган диний ходимдаги қусурларнинг сабабларини ҳам ичкарироқдан: узоқроқдан излаш керак. Қозонга яқинлашсанг қораси юқади, дегандек, бу динсиз жамиятда яшаб туриб, унинг қора қуясида энгига оз-моз юктирмаган, ҳеч хато қилмаган ким бор экан? Энди икки оғиз сўз ГИЙБАТЧИЛИК ҳақида. Ғийбат — бировнинг айбини олдида ошқора айта олмасдан орқасидан гапириш. Тухмат эса бировнинг шаънида йўқ нарса ҳақида асоссиз, ҳеч бир далил-ҳужжатсиз гап тарқатиш. Ислом дини зарурат юзасидан, ҳаром ҳайвонлар гўштини (масалан, тўнғиз) очдан ўлиш хавфи туғилганда озгина истеъмол қилишга рухсат этган. Аммо ҳеч бир ҳолатда, ҳеч қандай зарурат баҳона мусулмон одамга бир-бирининг гўштини ейишга рухсат этилмаган. Ҳозирги кунда туппа-тузук такволи одамлар қўлда сўйилмаган гўштни емайдилар-у, лекин мусулмон биродарларининг гўштини бемалол еб ётибдилар. Бу гапга ажабланманг. Қуръоннинг «Хужурот» сурасида бировни ғийбат қилиш унинг гўштини ўлимтик холда ейиш билан баробар эканлигини Оллоҳ таоло эслатган.

Мана, ҳозир сиз одамларнинг оғзида юрган турли миш-мишларга, «К. П.» ва «Ислом нури» рўзнома-ларида чиккан мақолаларга ҳайрон бўлиб, унча ишонқирамасдан менинг ўзимдан сўраяпсиз. Дарҳақиқат, биров ҳақида бир нарса дейишдан олдин, унинг устидан ҳукм чиқаришдан олдин ўша одамнинг ўзи билан мулоқотда бўлиш керак. Аммо муҳбирлар бу оддий ҳақиқатдан чекиниб бир томонлама йўл тутишган. Уларнинг таъбирича, худди бир томон оппоқ, иккинчи томон эса қоп-қора.

Аслида эса гап бундай: Диний идорада Аъзам Алиқбаров исми киши иш бошқарувчи бўлиб хизмат қилади. Муфти сафарда бўлган пайтларида диний идоранинг раҳбарлиги шу одам қўлида бўлган. Ҳаж сафарига борувчиларга ўрин тақсимлаш ишига ҳам шу киши ҳўжайинлик қилди. Аъзам ака ким, деб кимдан сўра-

манг, бу одам дахрий, эски коммунист» деган жавоб эшитасиз. Бу одам узок вақтлар Масковда масъул лавозимда ишлагани маълум. Энди ҳозирга келиб, пенсияга чиққан пайтларида мусулмонларнинг идорасига келиб олиб, диндорларнинг ички ишларига аралашиб, сен хажга борасан, сен бормайсан деб уларнинг ибодатларига хўжайинлик қилиши инсофданми?! Ҳа, худосизлар хизматини ўзинга маъқул кўргангидан кейин, ўша ерда ишлаб, кам бўлмагандирсан... Энди қариган чокла пенсияни е-еб, аввалида қилган гуноҳларига гавба қилиниб ётмасдан, яна уламоларнинг ишига аралашиб, нонларига шерик бўлиш нахот худосизга уя бўлмаса?.. Қариб қуюлмаган деб шунга айтса керак-да!

Ундан ташқари бунақа соҳадаги кишилар ўта уста бўлади, «фақир киши панада» деганларидек, ҳеч кимга кўринмай ишлайди, деб эшитган эдик-ку? Айғокчиликни ҳам эплаганга чиқарган экан!

Мен Алиакбаровни танқид қилиб қўйдиму худди худони танқид қилиб қўйгандек балага қолдим. Во ажабо, баъзи мусулмон биродарларимизнинг аслида ўзлари фош қилишлари мусулмонлик бурчлари бўлган кишини фош қилиб қўйсам, нега ҳақллари чиқади? У биродарларимизнинг эътиқодлари бўйича, диний идоранинг иши «уларсиз» юрмас эмиш. («Ислом нури» 13-сон, 3-бет, лукма, қавс ичидаги жумлага эътибор беринг). Ҳаж масаласи билан шу Алиакбаровнинг ўзи шуғулланиб, жойларни ўзи тақсим қилди. Хоҳласа — берди, хоҳламаса — бермади. Ҳатто «Тўхтабой масжидидагилар ховлиқмасин, уларга битта ҳам ўрин бермаймиз, улар хажга бормайди», деган сўзларни айтган. Агар бу гапларни муфти айтсалар, биз бунчалик хафа бўлмасдик.

Т. М. — Алиакбаровнинг ислом илмидан хабарлари борми?

О. С. — Аъзам ақанинг қаерда, қайси диний китобни ўқигани ҳам номаълум, мадрасанинг юзини тамом кўрганмас. Унинг ўрнида бир мусулмон одам ишлаши керак эди. Ҳамманинг кўз ўнгида уйингизни ўғри уриб кетса, алам қиладими, йўқми? Эшитишимча, шу гаплардан кейин, Алиакбаровни ОТПУСКАГА чиқаришибди. Сувдан қуруқ чиқшининг йўли ҳам кўп экан. Сув эса лойқаланиб қолаверар экан. Ҳа, шундай. Алиакбаровга ўхшаш аслида дин ишига мутлақо нолайиқ одамлар ёки ўшалар билан оғиз-бурун ўпишиб, уларнинг кўрсатмасисиз бирор қадам босолмайдиган манкурт кишилар мусулмонлар ичида бор бўлган жойда фитна бўлмай иложи йўқ. «Аргументы и факты» ҳафталигининг бир неча сонларида (36, 40, 51) масихийларнинг черковларига ҳам дахрийларни текиб ташлашгани, христианларни ҳам ўз ҳолига қўйишмагани ҳақида ўқиган бўлсангиз керак.

Т. М. — Жуда кўп гапларингизга қўшилган ҳолда, битта эътирозим ҳам бор. Сиз касалнинг келиб чиқиши тарихини айтдингиз, тўғри, касални доволаётган пайтда унинг тарихига эътибор берилади, лекин кўпроқ амалий ишлар ҳам қилинади-да. Исломга бўлиб ўтган тазйиқлар, таъқиблар, таъқиқларни унутишга ҳаққимиз йўқ. Чунки тарих — бизни тарбиялайдиган бир фан. Энди ўтмишда йўл қўйган камчиликларимиздан тўғри хулосалар чиқаришимиз керак. Таъқиб ва тазйиқлар фақат ислом динига эмас, насроний динга, яҳудийларга — барча динларга нисбатан

бўлди. Барча динларнинг ириқ вакиллари қамалди, сургун қилинди. Лекин, яҳудий ва насроний динларига қараганда, бизнинг ислом динимиз вакиллари орасида ихтилофлар кўпроқ кўзга ташланиб қолмаяптимикин? Орасида кучли ихтилоф бўлган дин ёки партия давлат ишларига тўлиқ аралашиб имкониятларидан, жамиятни тозалаш, жамиятни ривожлантириш ишларидан маҳрум бўлади. Аввало, мана шунга идрок қилиб олишимиз керак эмасмикин? Дин мамлакат ишларига камроқ аралашсин, деб балки, мана шу ихтилоф уруғлари атайлаб сочилаётгандир? Биз онгсизлик қилиб, кўзимиз юмук ҳолда ана шу ихтилоф уруғларини татиб қўриб, нотўғри йўлдан юриб кетяпмиз. Биз Туркистон нима учун иккига бўлиниб кетганини, учта хонликнинг оқибати нима бўлганини сира унутмаслигимиз шарт. Ихтилофга сабаб бўладиган одамларни, мен тақлиф қилардим, масжидга йўлатмаслик керакмики?

Бу баҳсли масала, албатта. Эндиги савол, ислом хизби — партияси ҳақида. Айрим мусулмонлар ҳеч қандай партия керак эмас, исломнинг ўзи партия дегани, қуръони карим — низоми, ҳадислар — программа дейишяпти. Мана шу масалага муносабатингиз?

О. С. — Сиз насроний ва яҳудий динларда унчалик бўлиниш йўқ, деган бир гап айтиб ўтдингиз. Бу унчалик тўғри эмас. Масихийлик жуда кўпга бўлиниб кетган. Бизда эса худога шукр, бундай эмас. Ҳозирча гуруҳларга бўлиниб олиб, бир-бири билан курашиб ётганлар эса, асли, битта одамлар. Худо хоҳласа яқинда улар бирлашиб кетадилар, ахир ҳаммалари ака-укалар-ку. Шунинг учун ихтилоф уруғини сочяпсан, деб одамларни масжидга келтирмай қўйиш ҳам тўғри келмайдиган нарса, деб ўйлайман. Лекин, сиз айтгандай, мусулмонлардан бошқа учинчи одамлар борга ўхшайди. Адоват уруғини еб қўйиб, бир-бири билан урушаётган одамларнинг биттасини масжиддан чиқарган билан, мураса тикланмайди, чунки масжиддан чиқариш — мамлакатдан, дунёдан чиқариш деган сўз эмас. Шу Ўзбекистонда бирга яшар эканмиз, бир-биримиз билан келишмасак, гоҳ у томон қолиб, гоҳ бу томон қолиб бўлиб умримиз жанжал билан ўтаверади. Шунинг учун ҳаммамиз бир-биримизга ака-ука, ота-бола эканлигимизни тушунтириб боришимиз керак, худо хоҳласа, ҳаммамиз яна бир-биримиз билан топишиб кетамиз. Исломдаги мазҳаблар жуда унақанги кўп эмас, асосан, тўртта мазҳаб, ҳамма мазҳаб тарафдорлари бир-бирларини ҳурмат қилишлари, эътироф этишлари вожиб, аммо масихийликда юздан ортик мазҳаб борлигини китоблардан ўкиб билишимиз, булар бир-бирларини мутлоқ инкор қиладиган, мутлақо тан олмайдиган даражада бўлиниб кетганлар.

Кейинги масала — ислом партияси ҳақида. Ислом хизбини тузиш жуда зарур деган одамларга қаршилик қилишга асосимиз йўқ. Тузмаслик керак деганлар ҳам ўзича — тўғри. Аммо, Қуръон бу — устав, ҳадис бу программа, деган жўн таъбирга мен рози эмасман. Қуръонни уставга, ёки ҳадисни программага бара-варлаштириб бўлмайди. Устав ҳам, программа ҳам одам томонидан ўйлаб чиқарилган, ўзгариб турадиган нарса. Қуръон билан ҳадис эса ҳеч қачон ўзгармайди. Менингча, кимнинг қуввати — кучи етарли бўлса, шу одам ўртага тушади, ўша одам қолиб чиқаверади. Иккинчи бир ҳаракатга жон-жаҳди билан қаршилик қилаётган одамнинг эса, нимасидир бор. Ўзи заиф одамлар кўпинча кучли одамларнинг ўртага тушиб қолишдан қўрқади-да, майдонни тўсиб қолишга ҳаракат қилади. Фақат, ўртада яқка ўзим бўлсам, дейди.

Кучли ракибга рўбарў бўлиб колса, енгилиб қолнишдан чўчийди, одамзод ўзига мустахкам бўлсин, ўзига ишонсин.

Т. М. — Мен бир нарсдан чўчийман: шу партиянинг тузилиши кучларни бўлиб ташлайдигандай туюлади. Яқин тарихимизга мурожаат қиладиган бўлсак, Уктабр инқилоби арафасида ва ундан кейин «Шўроий исломия», «Уламо» деган жамиятлар ҳам бўлган. Инқилобчилар шундай жамиятларга бўлиниб, парча-парча бўлиб кетишган. Оқибатда асосий мақсад — йўналишлари бир четда қолиб кетиб, қилган ишлари бир-бирлари билан олишишдан иборат бўлиб қолганди. Ислол партиясининг юзага келиши — шундай оқибатларни бошимизга солмасмикин, деган ташвишимиз ҳам бор.

О. С. — Назаримда, ташвишга ўрин йўқ. Кўрайлик, одамлар ҳаракат қилиб кўрсин. Агар, кераксиз бир куч сифатида майдонга чиқса, ҳаётнинг ўзи бир четга суриб кўяди. Бундай ҳоллар тарихда жуда кўп бўлган. Ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам жуда кўп жамиятлар юзага чиқишган, лекин, йил ўтгар-ўтмасдан совун кўпигидай йўқ бўлиб, жимиб кетишган.

Т. М. — Яна бир масалага эътиборингизни тортаман: бундан ўн-ўн беш йил олдин чин мусулмонлар кўп эди юртимизда. Улар ҳеч нарсдан кўркмай, фақат худо дейишарди. Таъмадан ҳам йироқ эдилар. Мана энди эркинлик берилиб, дарвозалар ланг очилгандан кейин, юрагида имони бор ҳам, йўғи ҳам кира бошлади. Намозхонликдан фақат ўз манфаати учун фойдаланадиган одамлар гуруҳи пайдо бўляпти. Кўриб қўйинглар, мен мусулмонман, мен намозхонман, мен яхши одамман, дейиш учунгина намоз ўқийдиган, онда-сонда масжидга чиқадиган мунофиқ тоифа пайдо бўлди. Депутатлик сайлови арафасидаги курашларда номзодини қўйган бир биродаримиз жойларда, учрашувларда намозлар ўқиб, масжидларга чиқиб юрган эди. Лекин ибодатлари қабул бўлмадимиз, ҳар ҳолда, депутатликка ўтмади... Яқинда, бир жойда ўтириб қолдик. Нима учун у сергап бўлиб кетди, десам, коньяк ичиб ўтирган экан. Ибодатлар ҳам депутатликка кураш билан бирга тугаган. Афсуски, бу биттагина мисол эмас. Шунинг оқибатида, масжидларда, баъзи имомларнинг атрофларида ислол илмидан беҳабар, ҳали сиз айтгандай, ислол илмининг нозик нуқталарини билмайдиган, жоҳил одамлар тўпланиб олиб, кўп келишмовчиликларни келтириб чиқаришяпти. Яъни, болаларга шўро мактабларига борманглар, деган гапларни айтишлари, жамиятга ихтилофлар соладиган гапларни айтишларини мен фақат жоҳилликдан деб тушунаман. Ислол илмидан мукаммал хабардор муллалар, уламолар бундай гапларни айтишмайди. Хўш, мана шундай бир гуруҳлар пайдо бўлган ҳолатда биз нима қилишимиз керак?

О. С. — Шўро мактабларига бормаларинг, деётган одамларга кулоқ солинса, биз уларга юз фойиз қўшилмасак-да, лекин бу гапларнинг тагида жон борлиги кўринади. Ислол партиясини тузиш фикри қаердан пайдо бўлди? Балки, ҳозир, одамларнинг эҳтиёжини кондирини керак бўлган расмий ташкилотлар ўша талабларни кондиролмаётгани, заифлик қилиб қолгани ислол партиясига эҳтиёжни юзага келтиргандир. Шунга ўхшаш, болаларни шўро мактабига юбормаймиз, деётган кишилар нима учун шундай деяпти, деган савол ўртага қўйилса, менимча, масала ойдинлашади. Шўро мактабларининг ҳозирги аҳволи талабга жавоб бер-

маслигидан шундай гаплар келиб чиқяпти. Шўро мактабларидаги ўқитиш савиясининг пастлиги, ўқиб чиқётганларнинг кўпчилиги ўз исми-фамилиясини ҳам тўғри ёзолмаслиги, ахлоксизлик, одобсизликнинг кўчайиши бир томон бўлса, айрим ўқитувчиларнинг турғунлик даврини очикдан-очик қўмсаб, болаларнинг имонига, эътиқодига даҳл қилаётгани бир томон бўлиб ачинарли ҳолатни юзага чиқаряпти. Қизларнинг рўмол ўрашлари, миллий кийинишларига қарши тазйиклар, ҳақоратлар мусулмон одамларининг иззат-нафсига теғмоқда. Мусулмонларга келса, буларнинг орасида ҳам, боя айтганимиздек, ҳали тўлиқ шакланмаган одамлар бор. Уларнинг жаҳли чиқариб қўйилгандан кейин, нима пайдо бўлади, албатта, кўпол муомала келиб чиқади. Хўп, у ёқда зиёлилар ақли бўладиган бўлса, қўл остидагиларни шунақа ҳолатга келтирмасдан, бир тартибда ушлаб туришин. Устозлар ўзларига гап орттирмаслик учун ана шунақа вазиятларни келтириб чиқармасликлари керак эди. Ўша гап-сўзлар, келишмовчиликлар мактабдан бошланяпти, шундай нохуш кайфиятларни устозларнинг ўзлари юзага келтириб қўйишяпти-да, буни кўргандан кейин, ота-оналар чидамасдан боласини мактабга юбормайман, деган охириги сўзни айтиб, охириги ўқни отиб қўйишяпти. Бу мактабларни ташлаб, болаларимизни дунёвий илмлар билан таъминлай олмаслигимиз аниқ. Болаларимизга дунёвий билимлар жуда керак, диний билимлар қатори, сув билан ҳаво сингари. Иккови ҳам жуда керак. Мусулмон боласи ибодат қилишни хоҳласа, қизлар рўмол ўраб юришни хоҳласа, ана шундай шароитда мактабга бориб ўқишларига қаршилиқ қилишга устозларнинг қонуний, ҳуқуқий асослари бормикин?.. Бундан ташқари, қизларнинг рўмоли ўқимаёйди, қалласи ўқийди. Уларга яхшилаб илм берилса, менимча, орада зиддият ҳам келиб чиқмайди.

Т. М. — Мана шу масалада бир фикрни айтиш керак, бизда дин давлатдан ажратилган. Мактаб давлатники бўлгани учун, дин мактабдан ҳам ажратилган. Лекин, дин бир қоронғи бурчакка қамаб қўйилган, ўлимга маҳкум этилган, деган гап ҳам эмас. Мана шу, ажратилган деган тушунчани сўзма-сўз, ҳарфма-ҳарф тушунганимиз учун ҳам, биз маънавий жиҳатдан жар ёқасига келиб қолдик. Давлат одамлари ҳам, дин одамлари ҳам бир ҳаводан нафас олишади, бир сувдан ичишади, бир жойда, ҳатто бир уйда яшашлари мумкин. Айтайлик, мен давлат одами бўлсам, атеист бўлсам-да, менинг бувам ёки бувим намозхон бўлсалар. Биз қандай қилиб ажралишимиз керак? Бир-биримиз билан келишмасдан яшашимиз лозимми? Мен шуни сира тасаввур қилолмайман. Диндорлар орасидаги нифок ҳақида қуйиниб гаплашдик, давлат ва дин, дин ва мактаб орасидаги нифок ҳам жуда ҳавфли. Яна яқин тарихимизга қайтайлик: Жадидлар эски мактабларга ислоҳ киритишмоқчи эди. Дунёвий илмларни билмасдан туриб, миллатни озодликка олиб чиқиш мумкин эмаслигини тушуниб етишди. Жадидларнинг деярли барчалари жуда катта диндор олимлар эди. Масалан, Маҳмудхўжа Бехбудий ёки Мунаввар қори. Лекин қизиги шундаки, жадидларни ўша пайтдаги оқ подшою губернатордан тортиб ўз уламоларимизгача рад этишган. Туркистон ҳокими учун жадидлар ҳавфли куч эди. Диндорларнинг барчаси эмас, айрим жоҳиллар ҳам бўлган, улар назаримда, ўша эски мактаблардаги пайшанба-ликлардан куруқ қолишдан кўркишгандир балки. Уларни уламо дейиш ҳам қийин, мактабдорлар деймиз, шеклли. Энди ўша келишмовчиликнинг яна чиқиб қолишидан ташвишдаман. Ҳозир, ўзингиз айтдингиз, ислол

одамлари ҳеч қачон дунёвий илмларга қарши бўлмаган, ҳатто ҳадисларда ҳам дунёвий илмлар олиш зарурлиги айтилган. Энг сўнгги мисол: сиз имомлик қилаётган масжидга Саудия Арабистонидан Солмон қори келдилар. У киши 12 ёшларида қори бўлган эканлар. Лекин, дорилфунунда математика фанидан таҳсил кўрарканлар. Ёшларимизга, айниқса, масжидга чиқиб илм олаётган ёшларимизга Солмон қорининг ҳаётлари ўрнак бўлиши керак, деб ўйлайман. Дин ва илм олиш борасидаги ҳозир ўзингиз бошлаган фикрни давом эттирсангиз.

О. С. — Жаҳидлар ҳаракатини эслаб ўтдингиз, жаҳидларга қарши бўлган одамларни эслаб, «улар уламо эмас», деган фикр ўтди. Лекин, менинча, бу нарсаларни сал бошқачароқ тушуниш керак. Ўша жаҳидчилик ҳаракатига қаршилик қилган одамлар ҳам, мадрасанинг оддийгина савод ўргатадиган даражасидаги муаллимлари эмас.

Гап ёшлар ҳақида кетар экан, уларни қудратли тўлкинга ўхшатиш мумкин. Аммо бу кучли оқимни жиловлаб, уни жаҳият, халқ манфаатларига мувофиқ равишда етаклай оладиган куч мана шу муқаддас дину диёнатимиздир. Оталар «илгари ёшлик чоғимизда кўчада беш-тўртта қария гаплашиб турган бўлса, уларнинг олдидан қандай қилиб ўтиб кетишни билолмай истиҳола қилиб қолардик», дейдилар. Бу ўша замондаги катта ёшларга Оллоҳ ато қилган ва улар авайлаб сақлай олган дин-иймоннинг ёшларга таъсир этган салобатидан.

Илгари, исломнинг таъсири кучли бўлган кезларда, катталар билан ёшлар, ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ўз метёрида бўлган. Холбуки, очарчилик ва уруш йилларидаги оғир шароитларда ҳам ёшлар муаммоси бугунги кунлардаги каби кўркинчли бўлмаган экан. Ислом инсонни, айниқса ёшларни шарм-хаёли, сабр-бардошли, ақли, илми қилиб тарбиялайди. Аммо биз ҳали ёшларимизни ислом, Қуръон таълимотлари билан етарли суғоролмаган эканмиз. Ишқилиб очарчилик ёки бошқа бирор кўнгилсизлик юз бермасин-да. Ҳаётнинг ҳар хил қаттиқ синовларига дош бериб, бели букилмай, боши эгилмай юриб бориш учун одамзод ёшлик чоғидан бошлаб иймон тарбиясидан баҳраманд бўлиши керак. Бизлар фарзандларимизнинг мана шу ҳақларини тўла-тўқис адо этолмасак, уларнинг ҳидоятга чанқоқ қалбларини иймон суви билан қондириш йўлларини топмасак, ақллари, миялари чарчоқ нималгини билмай ишлайдиган пайтларда Ибн Синою Беруний, Хоразмийлар эгаллаган Қуръон билимларидан мукаммал бохабар қилиб қўймасак, уларга нон бермасдан, қасддан оч ўлдиргандан ҳам кўра кўпроқ зулм қилган бўлаемиз. Дарахдан мева талаб қилишдан олдин унинг атрофида неча йиллаб тер тўкиш керак. Ёшларда одоб-ахлоқ, меҳроқибат, илм-маърифат кўришни истасак уларга ислом тарбиясини ўз вақтида берайлик, дейман.

Қадим алломалар хусусида фикр юритсак, улар Қуръонни яхши ўзлаштиргандан кейин, дунёвий билимларни пухта эгаллаганлар. Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Фаробий, Ал-Берунийлар бир вақтнинг ўзида жуда катта ислом уламолари ҳам бўлганлар. Хоразмий ҳисоб-китоб илмидан фойдаланиб, Қуръони каримдаги мерос оятларидан келиб чиқиб мерос тақсимлаш борасида математик йўллар билан жуда кўп рисоалар ёзиб қолдирганлар. Бу дунёвий билим билан диний билим бир-бирларига боғлиқ эканлигининг битта мисоли. Мерос масалаларини ечиш учун одам махсус ҳисоб қоидаларини ўзлаштирмаса, бу нарсаларни тўғри

ҳал қилиши қийин бўлади. Яна, дунёвий билим ҳақида гапирганда бир жўнроқ мисолни айтиб ўтиш керак. «Правда» газетининг 1 июл сонисидаги хабар ҳаммани ҳайратга солди: коинотда учиб юрган фазогирлар бир ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлишган. Уларнинг текширишларидан маълум бўлишича, ер юзидаги шаҳарлардан қандайдир бир ғайритабиий цур чиқиб тураркан. Баъзисидан кучлироқ, баъзисидан кучсизроқ, худди осмондаги юлдузларнинг бири кучли, бошқаси кучсиз бўлгани каби. Ердаги қайси шаҳар кучли нур таратиб турар экан, деб сўрасалар. Макка шаҳри деб жавоб берибдилар. Кучсиз нур таратадиган шаҳарлар ҳақида сўрашганда, уни ҳам яшириб ўтирмасдан, бизнинг шаҳарлар, деб айтибдилар.

Бу нурларни, албатта, ҳеч вақт одамзод ёлмаган, пайдо қилмаган, ҳатто, илм-фанга ҳам ҳозирча бу сирлар номаълум. Макка — мусулмонларнинг муқаддас қабаси жойлашган табаррук шаҳар. Оллоҳ таоло уни шундай қилиб улуғ этибди экан, шу нарсанинг кашф этилиши, дунёвий илм орқали ҳосил бўлди. Ўзимча ўйлайман, муқаддас қабдан таралиб ётган шу нури биринчи бўлиб мусулмон кишилар кўриши керак эмасми? Мўъминлар кашф қилиши керак эмасми?.. Албатта, шундай эди. Қуръони каримдаги оятларда (Ар-роҳман сураси) сизларда ҳеч қандай бир куч-қудрат йўқки, Оллоҳ таолонинг қўйган чегараларидан чиқиб кетолсаларингиз, бу самовотнинг сарҳадларидан фақат қудратли бир қувват билан чиқиб кета олишларингиз мумкин, деган мазмундаги оятларни баъзи бир уламолар далил келтириб, мана шу коинотга чиқиб, фазони тадқиқ қилишга ишора бўлса керак, деган сўзларни ҳам айтдилар. Ёки бўлмаса, биринчи бўлиб космосга чиққан одам ким, деганда шошиб-пишиб: «Ҳа, бизнинг космонавтимиз — Юрий Гагарин», — деб айтишлари мумкин. Лекин биринчи бўлиб ҳавога кўтарилган, одамнинг қадами бундан кейин ҳам етолмайдиган жойларга учиб бориб келган одам, аслида, бизнинг пайғамбаримиз — Мухаммад алай-ҳиссалоту вассалом Меърож кечасида жуда кўп сирру асрорларнинг шохиди бўлиб қайтганлар. Яна бир нарсани мен бу ерда такрорлаб ўтишни жонз деб биламан, агар халқимизнинг мана шу дунёвий билимлари ривожланса, фан-техника тараққиёти агар яна ҳам юксаладиган бўлса, Қуръони каримнинг ҳали бизнинг ақлимиз етмаётган жойлари очилади. Шу кунда биз кўп уламоларнинг тадқиқотларидан шу нарсаларни аниқлаб турибмизки, илм-фан хайратда қоларли даражада Қуръони каримга хизмат қилипти. Холбуки, илгари атенстлар илм-фан ривожланса, дин туманга ўхшаб тарқалиб кетади, деб жуда шов-шув кўтаришиб, ховлиқиб юришарди. Лекин, таажжубки, бунинг акси бўляпти. Фан-техника ривожланган сари унинг ютуқларини шундай олиб келсангиз, Қуръони карим баён этган ҳақиқатларни тасдиқлаб турибди. Масалан, «Есин» сурасининг 38 ва 40 оятларида қуёшнинг ҳаракатлари, ўз орбитасида сузиб бораётгани аниқ қилиб айтилган. Лекин, офтоб ҳақидаги илм-фаннинг кашфиётлари яқиндагина тўғриланди. Бир минг тўрт юз йил илгари Қуръон шу гапни айтган маҳалда, бутун дунёга машҳур олимлар ҳали бу даражага етмаган эканлар. Уларнинг назарларида, офтоб осмоннинг марказида қимирламай туради, ҳеч қаёққа юрмайди. Бошқа сайёралар офтоб атрофида айланади, деб тасаввур қилардилар. Лекин, 16-асрга келгандан кейингина Коперник гелиоцентрик система назарияси асосида олам марказида қуёш туришини исботлади. Ундан кейин қуёш ҳам ўз ўқи атрофидаги бутун оиласи билан қандайдир бир марказ атрофида ҳаракат қиларкан, деган

фикрга фан олимлари яқинда келдилар. Демак, ислом фанга қарши эмас, балки ундан бир қанча муддат ўзиб кетган бўларкан. Қизиғи шундаки, дин бир ғани гапирган бўлса, эртасига ўша гапидан кайтаётгани йўқ. Аммо, фан кеча бир маълумотни келтирган бўлса, бугун унинг зиддини кашф қиляпти. Фан олдин тахмин қилади, режа қилади, бугун фанда тўғри бўлган нарса, эртага нотўғри бўлиб чиқаверади. Дин — битта гапиради, фан эса диннинг ўша битта қилиб келиб айтган ҳақиқатига барибир, айланиб-айланиб келиб қолади. Мана шунинг ўзи ҳам фан ҳақидаги тушунчани тўғрилаб олишга кифоя қилса керак. Мусулмонлар фанни янада чуқурроқ ўрганишлари учун бир ундов бўлса керак. Бугунги кунда Қуръони каримда жуда ҳам кўп мисоллар, жуда ҳам кизик-қизик нарсалар шу фан орқали исбот бўлаётганини кўриш мумкин. Масалан, ер атрофи ҳаво қатлами билан ўрналиб, инсон учун муносиб бўлган ҳаво қатлами ердагина мавжуд эканлигига бўлган ишораларни оятлардан ўқиш мумкин. Қуръони каримда бешта нарсани Оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди, дейилган. Шундан биттаси — онанинг қорнидаги фарзанд ўғилми ёки қизми, буни ҳеч ким билмайди, дейилган. Аммо ҳозирги кунга келиб, кўпчиликка маълумки, баъзи бир жиҳозлар орқали онанинг қорнидаги болани туғилишидан бир неча ой олдин қиз ёки эркеклигини аниқлаш мумкин экан. Аммо ҳадисга қарасак, худди мана шу оятларнинг шарҳи сифатида пайғамбар айтадиларки, онанинг қорнида ҳомила ётганига 42 кун бўлган вақтда, осмондан бир фаришта тушиб, у туғиладиган боланинг ризқини, умрини, бахтини ёзаркан. Кейин, охирида Оллоҳдан ё раббим, буни ўғил ёзайми, қиз ёзайми, деб сўраркан. 42 кун бўлганда Оллоҳ таоло айтarkan, ўғил ёзгин ёки қиз ёзгин, деб. Агар Оллоҳ ўзи билдирмаса бу 42 рақамини расулуллоҳ қаердан олганаркан? Энди, бояги яратилган асбоблар ҳам соатма-соат 42 кун тўлмагунча ажратиб бера олмас экан. Шу 42 кунгача инсоннинг ҳамма аъзолари пайдо бўларкан-у, лекин жинсий аъзоси ажрамай тураркан. Бу ёқдаги аъзолари мукаммал бўлгандан кейингина жинсий аъзоси ё ўғил, ё қизга ажрар экан. Уни эса пайғамбаримиз ўзлари айтиб қўя қолганлар. Демак, асбоблар ёрдамида у нарсани ажратган одам биринчи бўлиб билиб олган киши эмас. Фаришта аввал келиб ёзган бўлади. Фаришта билди деган сўз, у сирликдан чиқди, демакдир. 42 кунга қадар бола ўғил бўлади, қиз бўлади, фақат битта зотга — Оллоҳнинг ўзига маълум эди. 42 кун бўлгандан кейин фариштасига айтиди, демак, фариштасига маълум бўлди. Бу ёқда дўхтирларимиз билишган бўлишса, фаришадан кейин билган бўладилар. Мана бу ҳам фан билан диннинг ўртасини боғлашга кифоя қиладиган нарса.

Т. М.— Ҳозир жуда кўп диний китоблар чиқяпти. Қузатишимизга қараганда, китобларнинг саводи чатоқроқ. Оятлар турли китобларда турлича талқин қилиб етказиб берилляпти. Энг ташвишланарли ҳол шундаки, диний китоблар, Оллоҳ таолонинг сўзлари, айрим одамлар учун чайковчилик манбаъига айланиб қолди.

О. С.— Бу масалада икковимизнинг фикримиз бир хиллиги кўриниб, билиниб турибди. Оллоҳнинг оятларини, дини ислом таълимотларини пуллаб, шу орқали бойлик орттиришлик — ўтакетган даражада нодонлик, шафқатсизлик, тошбағирлик, сал кам имонсизлик. Имонсизликка олиб бориб қўядиган нарса. Пайғамбаримиз, саллаллоҳу алайҳи вассаллам, дин ишларини осон қилинлар, қийинлаштирманлар. Одамларга яхши кўрсатинлар, нафратлантирманлар, деганлар. Мана бу китобларни қиммат қилиб сотиш пайғамбаримиз-

нинг мана шу ҳадисларига қарши иш. Осонлаштиринлар, дейилган бўлса, булар қийинлаштиряптилар. Чиройли кўрсатинлар, деган бўлсалар, булар ёмонлаб кўрсатяптилар. Масалан, дунёвий китоблар магазинларда турибди, арзон баҳода. Биров қарамайди. Керак бўлган, сувдан ҳам зарур бўлган китобларимиз эса, топилмайди. Топилса ҳам қиммат. Бунинг устига қоғоз йўқ, у йўқ, бу йўқ, деб турган бир маҳалда, тепасига «бисмиллоҳ»ни ёзиб қўйиб, бу ёғи қуруқ афсонадан иборат бўлган китобларни пуллаб, сотиш билан овора бўлиб ётибдилар. У ҳам ҳаётнинг бир чеккасида давом этаверадиган мавзу, нокерак эмас-ку, лекин, ҳозирги зарур бўлмаган нарса — туш таъбирими ёки эркеклар билан аёллар ўртасидаги жинсий алоқалар қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги нарсалар видео, бизнесларга, уларнинг қилаётган ишларига, одамларга ҳар хил нарсаларни кўрсатиб, пул ишлаш билан овора бўлган чайковчи, пулпараст, молпараст, дунёпараст, нафсига қул бўлган одамларнинг ишига ўхшаб кетади. Пул бўлса, чангалда шўрва дегандек, кимнинг пули бўлса китоб чоп қилдириб, ўшандан пул ишлашга йўл очилиб қолганга ўхшайди. Бунинг ҳам бир чегараси бўлиши керак. Диний мавзуда чиқаётган асарлар учун маълум бир комиссия ташкил қилиниб, ўшаларнинг назоратидан ўтказиб, руҳсати билан кейин чиқарилса, яхши бўларди.

Т. М.— Ҳозирги кунимизда нима кўп, фолбин кўп, экстрасенс кўп. Яна бунинг устига, эшитишимизга қараганда, айрим жойларда пайғамбарлар ҳам пайдо бўла бошлабди. Бу тарих учун янгилик эмас, пайғамбаримиздан кейин ҳам бир қанча одамлар пайғамбарлики даъво қилишган. Лекин, яқин орада, бир неча юз йил атрофида шу гап йўқ эди, мана, яна чиқиб қолди. Ана шуларга муносабатларингиз?

О. С.— Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳақларида Оллоҳ таоло Қуръони каримда, охириги пайғамбар, пайғамбарларнинг хотимаси, муҳри, деган оятларни туширган. Хуллас, бу кишидан кейин бошқа пайғамбар келмаслиги аниқ. Расулуллоҳ ўзлари, мен охириги пайғамбарман, мenden кейин пайғамбар чиқмайди, деган гапларини қатъий қилиб айтганлар, ёлгон пайғамбарлар чиқишини ҳам эслатганлар. Тарихда ўзини пайғамбар деб эълон қилганлар ҳам бўлган. Лекин булар замоннинг элагидан тушиб қолиб, оқибатда, уларнинг ким эканлиги маълум бўлиб, одамлар орасида шармандаси чиқиб қолаверар экан. Энди сиз айтаётган қашқадарелик ёлгончилардан биттаси бўлади, бу ҳам узокка бормади, бу ҳам барибир жавобини олади. Бу энди қанақа ҳолат, дейилса, бу жинлар билан бўладиган муомила. Жинлар ҳозирги кунда анча қўзғолиб қолди, афтидан, буларнинг президенти ошқоралик бериб юборганга ўхшайди. Илгари қилишмаган ишларини энди қилишяпти. Ҳеч қутилмаган воқеалар бўляпти. Ушалар замон охири бўлиб қолганданми, бир хунаримизни кўрсатиб қолайлик, дебми, ҳар кимга келиб ётишибди. Лекин улар асосан илмсиз одамларга келишади. Илмли одамларни қўлга олиш қийинроқ бўлади. Баъзи бир одамлар ҳам соддароқ, илмсиз одамлардан фойдаланади-ку. Пул бериб, бошқа қилиб, ўзига сотиб олганга ўхшаш, илмсизроқ одамларни, соддароқ одамларни, лақмароқ одамларни жинлар ўзига қул қилиб, сен пайғамбар бўлдинг, деб оддий одамларда йўқ баъзи бир хабарларни ҳам бериб туради, шу билан ақлни ўғирлайди. Жинларда ҳам анча-мунча ахборот бор. Одамларнинг ақли етмайдиган ишларга уларнинг ақли етади. Лекин шу билан кўпчиликни

йўлдан уриб, ўзига сажда қилдиради, кул қилиб олади. Уша фолбинлар ҳам худди шу нарсалар. Фолбин нима-ю, ўша мен пайғамбарман деган нима, орасида айтарлик фарк йўқ. Фақат номи бошқа, холос. Бунга ишонганлар, фалончи пайғамбар бўпти, деганлар диндан чиқади. Пайғамбаримизнинг охириги пайғамбар эканликларига мункир бўлади. Пайғамбарга қарши бўлган бўлади. Одам кофир бўлиб қолиши мумкин. Худо асрасин.

Т. М.— Мана, сиз билан кўп нарсалар ҳақида фикр алмашдик. Имомнинг вазифаси фақат беш маҳал намоз ўқиш эмас. Сиз кўп одамлар билан муомилада бўласиз, хонадонларга, мактабларга, турли ташкилотларга суҳбатга бориб турасиз, худди бир жамоат арбобидек, бўш вақтингизни топиш қийин. Лекин, ҳар ҳолда, бўш вақт бўлади, ана шу бўш вақтингизни нималарга сарфлайсиз? Мана, китобларингизни кўриб турибмиз, ҳазрат Навоийнинг китоблари бор, мана, қомуслар, ҳатто Ожоговнинг «Рус тилининг изоҳли луғати» турибди. Умуман, бизни қисқа бўлса ҳам таржимаи холингиз, бугунги кунда дин ходимининг нима билан нафас олаётгани кизиқтиради. Бугунги адабиётга муносабатингиз қандай?

О. С.— Ҳаётимнинг диққат-эътиборни ўзига тортадиган жиҳати йўқ. Оддий бир ишчи-хизматчи оиласида, оддий бир диндор оиласида, имон-эътиқодли, ихлосли, илми бўлмаса ҳам, лекин шу эшитганига маҳкам амал қиладиган бир тақволи хонадонда туғилганимга, мен Худога шукр қиламан. Отам-онам машҳур одамлардан эмаслар. Оддий меҳнатқаш одамлар. Бола-чақасини ҳалол, покиза ризқ билан боқайин, деб, қийналиб ҳаёт кечираётган одамлар. Адамиз ёшлиқларидан ўғил кўрсам, Худонинг йўлида хизмат қиладиган бўлсин, деб ният қиларканлар.

Ёшлиқдан бошлаб ўзим ҳам қандайдир ички кизиқишим билан, ички муҳаббатим билан, шу дини исломга эътиқод қўйдим. Мактабда ўқиган кезларим исломга нисбатан жуда нотўғри муомила, муносабат устун бўлган пайтлар эди. У пайтларда бировни мажбурлаб кизиқтириб, унга исломни мақтаб ҳам тушунтириш қийин бўлган маҳаллар эди. Лекин Оллоҳ таолога шукрлар бўлсинки, Худонинг ўзи менинг қалбимга шу динимизга, имон-эътиқодимизга бўлган муҳаббатни берганга ўхшайди. Мактабда ўқиб юрган пайтларимиздан бошлаб, бир устозга чиқиб, қатнаб таълим олдик. Наманганда Муҳаммадхон маҳдум деган бир устозимиз бўлардилар, у киши ҳозир вафот этиб кетдилар, Оллоҳ раҳмат қилсин, ётган жойларини Худо нури билан тўлғазсин. Кейин, етмиш олтинчи йилда уйландик, уйлангандан сўнг ҳам тузукроқ илм олишга ҳаракат қилавердим. 80-йилда Тошкентдаги мадрасага кириб, тўрт йил шу жойда ўқидим. 85-йилдан бошлаб Ҳазрати Имомдаги масжидга имом ноиби бўлиб, кейин, 89-90 йилдан бу масжидга ўтиб, мана ҳозир шу ерда ишлаб турибман.

Энди ҳозирги кундаги вазиятга келадиган бўлсак, имомнинг вазифасини ўзингиз яхши тушуниб айтяпсиз. Ҳозирги бўлаётган воқеа-ҳодисалар, албатта, ҳар бир одамни кизиқтиради, ҳеч ким бундан четда туриши мумкин эмас. Расулиллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳадислари ҳам шуни такозо қилади. Замонасини яхши билган одам — яхши мусулмон, деб мақтаганлар пайғамбар. Мукаммал, бутун мусулмон бўлиш учун одамзод замонасини яхши билсин, деганлар. Яъни бу деган сўз — замонасининг сиёсатини ҳам, тарихини ҳам, адабиётини ҳам, ишқилиб, ҳозирги кунда одамларнинг

диққат-эътиборида нима бўлса, худди ўшани ҳар бир оддий мусулмон, имом, муфтий ёки қози эмас, мансабдор эмас, оддий мусулмон бу дунёнинг бугунги кундаги оқимини беш қўлдай билиши керак. Ушандагина замона билан баб-баробар қадам ташлаб юра олади. Замонга яроқли одам бўлади. Шу маънода радио ҳам, телевизор ҳам, бошқа матбуот ҳам назаримиздан четда қолмаслиги керак. Лекин, тан олишимиз керак, ҳозир ахборот ҳам, ахборот манбаълари ҳам жуда кўпайиб кетдики, қайси бирини ўқиб, қайси бирини кўришга одам вақт топа олмай қолади. Айниқса, мен жуда ҳам қийналяпман, десам бўлади. Лекин иложи борича, қўлимиздан келганча, кузатиб борамиз, ҳатто, баъзи бир одамлардан махсус ахборотларни олиб, ўшаларнинг суҳбатига бориб туришга, ўшалардан баъзи нарсаларни ўрганишга ҳаракат қиламан. Жарида ва ойномаларни ўзимиз ўқий олмаганимизни бошқа ўқиганлардан сўраб-суриштириб, кузатиб турамиз. Радио-телевизорлар, албатта, доимо кузатувда бўлиб турадиган нарсалар.

Адабиёт масаласига келсак, энди аста-секинлик билан адабиётда ҳам тозаланиш, покланиш даври келаётганга ўхшайди, лекин, очиғини айтганда, адабиёт шунча вақтнинг бу ёғида, энди сиз ҳам адабиётчи бўлганингиз учун мен Сиздан узр сўрайман, лекин очиғини айтайлик, адабиёт тирикчилик манбаи бўлиб келди. Узок вақт. Ҳалол, покиза одамлар ҳам бўлган. Лекин кўп ишлар яхши бўлмади-да. Мана энди бу ёғига адабиёт эътиқодга хизмат қилиши керак деб ўйлайман. Диёнатга хизмат қилиши керак. Адабиётнинг бир жавҳари бўлиши зарур. Шунча вақтдан буён асос деб билинган нарса — жавҳар эмас экан. Асосий жавҳар фақат пул экан. Энди фақат эътиқод, имон бўлиши керак. Охиратда бериладиган мукофотдангина одамзод умидвор бўлса, унинг иши муваффақият билан тугайди. Агар адабиёт кўчасига кириб, шу ишнинг мукофотини шу кўчанинг нариги бошига бормасдан олиш керак бўлса, оладиям, йўқотиб ҳам кетаверади. Кўп қоғозлар исроф қилинди. Кўп адабиётчиларнинг умри, афсуски, бефойда ўтиб кетди. Энди уларни халқ эсламайди. Эсласа ҳам, бир нохуш қайфият билан эслайди. Унақанги бўлиб адабиётчи бўлгандан кўра, яхшиси бир гадо бўлиб ёки фаррош бўлиб умр кечирган афзал. Буни мен фақат адабиётчиларгагина эмас, адабиётчилар мендан хафа бўлишмасин, ўзимга ўхшаган одамларга ҳам шундай дейман. Диндорларга, руҳонийларга, масжидларнинг имомларига ҳам шу гап. Ҳақиқий мукофотни биз Оллоҳдан жаннатда олишимизга умид қилишимиз керак. Ушанда ёзилган асар ҳам бир умр сақланиб қолади, тарихга тилло ҳарф билан ёзилгандек бўлади, иншооллоҳ. Бу дунёда ёзган асарингиз учун, балки тазйикка учрасиз, балки маломат тошлари ёғилар. Шунинг ҳаммасига сабр қилиб, ўша маломат тоши отилганида тиз чўкмаса, иймондан кечмаса, бу одамнинг асари тарихга битилиб, ҳамма одам учун шоҳ асар бўлиб, жаннатга борганда ҳам, иншооллоҳ, кўп яхшилиқларга сазовор бўлса керак.

Валлоху аълам биссавоб.

Суҳбатни Сабриддин Садриддин ўғли ёзиб олиб, нашрга тайёрлади.



Амир
Худойберди

ФАНО ШАМОЛИДА КЕТМАГАЙ БЕИЗ

Сиз нафсингиз гадоси,
Мен эса ишқ қулиман.
Ишқ дарахтин кеч кузда
Ғунчалаган гулиман.
Кўҳна Турон боғлари зор,
Қарғага тўлди, деманг.
Тузоқлардан омон қолган
Бир митти булбулиман.
Алпомишлар Бойчиборин
Ўтди сувлаб Амудан.

Мен ортидан қараб қолган
Қул Тарлоннинг улиман.
Сиз шайтоннинг этагига
Сажда қилган кезлари
Мен ошиқлар қадамини
Аршга элтган йўлиман.
Сиз кибр-ла ҳаволаниб,
«Осмонман» деб ўйлайсиз.
Мен донишлар ўтиб келган
Кўҳна йўлнинг гилиман.
Куй ноласи қалбингизга

Ханжар бўлиб ботмасму?
Йиғлаётган ғижжакнинг мен
Камониман — қилиман.
Алпомишнинг дарагини
Айтолмадим элимга,
Бўлолмадим ҳатто унинг
Бўйнидаги ғули ман.
Шамшири йўқ Амирдин қул
Яхши дейди ёмонлар,
Мен элимнинг шамширига
Айланмаган тилиман.

Дунё ва мен

1

Пишмаган бир бошоқ эрдим, ўрди чарх,
Ниманг қолди унда? — деб сўнг сўрди чарх.
Дилим қолди... деёлмадим, инчунин,
Неча мендин улуғларни кўрди чарх.

2

Етишдим кўкка кўз тикиб тупроққа,
Елиб-югуриб, ранж чекиб — тупроққа.
Ўйлайдурман: хуррам пайтларим салом
Бердимми бир бошим эгиб тупроққа?!

3

Васл истадим — фиरोқ бўлди насибам,
Нафас чиқиб, бир оҳ бўлди насибам.
Эй, ёронлар! Қандай одам эди у? —
Деган сўнгги сўроқ бўлди насибам.

4

Мусулмонлар ёмонламас марҳумни,
Кулол ясар айри-айри ҳар хумни.
Кўҳна бозор, синиқ сопол бўлсам-да,
Бошқалардан кам қўймади нархимни.

5

Чарх айланар — армонимга не парво?
Ғамим, қувончу шонимга не парво?
Осмон ўша осмон, ер ҳам ўша ер —
Увол кетган ёш жонимга не парво?!

6

Ўйлайдурман: қолгай бу жаҳон менсиз,
Яшайдур эл, кечадур замон менсиз.
Унуттишар яқинларим бирма-бир,
У, мен ғариб... Ўзимга ёмон менсиз.

7

Улим сўнгги девор эмас, юпанч — шу,
Заволсиздир Рух — хор эмас, юпанч — шу.
Янги либос кийганингда ҳайитда
Эскиси ҳеч даркор эмас, юпанч — шу!

8

Сен дунёдан, дунё сендан жудоми?
Лабингдаги қотган сўз не? Видоми?!
Дегайдирлар: гар имонинг бут бўлса,
Висолига эришгайсан худонинг!

9

Имон нима — кеч англадим, ғўр эдим,
Ғофил эдим, кўзи очиқ кўр эдим.
Имонсизлар «Сен биздан!» деб қўлимдан
Етаклади — пешонаси шўр эдим!

10

Кеч англадим: тавфиқ надир, сужуд на,
Илоҳ надир, руҳ нимадир, вужуд на.
Қўтаролмай гуноҳимнинг қопини
Қолганимда билдим — қўрқув, умид на.

11

Мен оламдан ўтмадим, балки олам
Мендан ўтди, эмди менинг зуволам,
Буюк кулол илқидадир, хоҳласа
Кўза ясар, хоҳласа — яна одам!

12

Соғинч қолди юрагимнинг унида,
Тошдек қотди жигаримнинг хунида.
Дийдор учун бу дунёдан кетдим мен,
Кўришгаймиз Буюк висол кунда!

13

Кетганимдан ғаним хурсанд, ё раббим?!
Кўрмадилар маним хурсанд, ё раббим?!
Улар азоб ичра қолди, маним-чи,
Рухим озод, таним хурсанд, ё раббим!

14

Устма-уст қалаңган мингта тош турар,
Ҳар тошнинг устида мингта бош турар.
Ҳар минг бошга битта тилло тож ҳамда
Ҳар тожнинг устида бир қуёш турар.

15

Дунё зеб олмишдир минг хил бўёқдан,
Дўстим, кўп гапирма қора ва оқдан.
Кўксимда гуллаган зангори ҳислар
Чиройин ғофиллар кўрсин қаёқдан?

16

Кўчада икки ит суяк талашар,
Ўтган-кетган бунга ҳайрон қарашар.
Одамлар ҳам баъзан... Билмаслар наҳот —
Фақат итларга бу қилиқ ярашар.

17

Белибос туғилиб, кафан-ла кетдик,
Икки газ матога қаноат этдик.
Кизиқ, яёв келиб, сўнг одамларнинг
Елкасида сўнгги манзилга етдик.

18

Жисмингни эзишиб латта қилишар,
Ўз қонинга бўяб чўпга илишар.
Бошга кўтаришар байроқ қилиб сўнг —
Қизиллар устингдан шундай кулишар!

19

Минг битта ғаним бор митти жонимга,
Улар ташна эрур ҳар он қонимга,
Мен-ку, қўрқмайдурман ўлимдан, аммо
Раҳмим келур фақат онажонимга.

20

Биров кўнгли оқлиги то жом айлангунча,
Бировнинг ошнолиги то том айлангунча.
Биров ўз бири қолиб бегонага дил очар,
Тинглашар дастурхонда таом айлангунча.

«Беиз кетаялман...» Укинмагин, дил!
Сен олабий ахир, олам сенинг, бил!
Умрингни сургалаб кечган ою йил
Жисминг заволида кетмагай беиз.
Учоқда кул қолгай ўтдан нишона,
Кул эса тупроққа дўнган ҳамона,
Тирикликка она бўлгай замона —
Ҳар бир мисқолида кетмагай беиз.
От изин той олар, бўталоқ норнинг,
Олий ташвиши шу ҳар бир жондорнинг.
Насли бардавомми, зурёди борми,
Ҳатто чумоли-да кетмагай беиз.
Ирмоқлар — тоғларнинг тизиди қолгай,
Боғлар ирмоқларнинг изиди қолгай,
Ўзидан ўтса-да, қизиди қолгай —
Ёрнинг жамолида кетмагай беиз.
Зурёдсиз эсанг-да, ўкинма асло,
Бу ҳикматни англа, айла дилга жо:
Бордан йўқ бўлмагай, йўқдан — бор, ҳатто
Янчилган шоли-да кетмагай беиз.
Бу боқий хилқатга эй дил, қуллуқ қил!
Сен ҳам шунинг битта заррасисан — бил!
Муродинга олам абадий кафил —
Фано шамолида кетмагай беиз.

Юрмагил, алдамчи экан у йўллар,
Номард кимсаларга бўлибсан йўлдош.
Аро йўлда қолсанг, айтгил, ким қўллар?
Энди сен узлатга олиб кетгин бош!

Узлат қандай яхши, номардлар турқин
Кўрмайсан, ғамларинг бўлади унут.
Ҳаммасидан кечиб хаёллар сургин,
Ниш отсин кўнглиннга кўмилган умид.

Ишонма, йилтираб кўринган сароб,
Кўнма, чорласа-да алдамчи тоғлар.
Боққин, ҳали жисминг бўлмасдан хароб
Теппангда қағиллаб учмоқда зоғлар!

Оқ илон оёдинда ётмайин қолди,
Ғарибликнинг тонги отмайин қолди.
Партўшақлар тошга айланди, ётсам,
Тошлар биқинимга ботмайин қолди.
Деразамдан секин кириб келар ой,
Мендан яхшиними топмайин қолди?
Боғимда, эҳ, бу кеч сўлди бир гул, ул —
Ширин дамларимдан тотмайин қолди...

Фалак, кимга зару зўрлик, менга ғамгин қўшиқ
бердинг,
Фиғонсизлар фиғонин ҳам фиғонимга қўшиб
бердинг.

Кўнгул чолғусидин маҳзун наволар тарқалур ҳар
ён,
Ки торни жон ва ишқим риштасидинми эшиб
бердинг?

Ҳусн ёрга, висол — ағёрга, менга рашк ва
мажнунлиқ,
Қайсдек бошима, найлай, минг савдо — минг ошуб
бердинг.

Олимларга зolimлар дарс берар ҳақдин, қиёматким,
Жоҳилларнинг китобин тўлдириб ёлгон-яшиқ
бердинг.

Зулму зўрлик, дили кўрлик: оқилларга маломатлар,
Наҳот жаъми залолатни иблис-ла кенгашуб бердинг?

Фиғон этсам, фиғонимни эшитмас ёр, кулар ағёр,
Ажаб, тошдин йўнилган ҳайкала мендек ошиқ
бердинг.

Қўшиқ бирла Амир доим юпанди, йиғлади, кулди,
Фалак, унга абад ғурбат эшигини очиб бердинг.



Муродим
Умурзоқ

ДУШМАН

Отам «ана кетди, мана кетди» бўлиб, ўлим тўшагида ётарди. Бир томони кексалик, бир томони уруш пайтида олган жароҳатларининг асорати уни исканжага олганди. У «маҳкам чол» бўлишига қарамай, кейинги кунларда хасталик билан олишмай қўйди. Ҳаммамиз билан бирма-бир видолашиб олгач, танасини бор бўйича «кетар қайиқ» ихтиёрига топширди.

Уни кўргани қариндош-уруғлар, гоҳ-гоҳида эса дўстларидан биронтаси келиб, анча маҳалгача уёқ-бўёқдан суҳбатлашиб ўтирарди.

Отам кам гапирар, таомниям қуш сингари чўкилаб кам ер, кам ҳаракатланарди. Етмишдан ошган хаста одамдан бошқа ниманиям кутиш мумкин...

Бир куни, одатдагидек унинг тепасида ўтиргандим, акам, ҳовлиқиб даҳлизга кирди-да, жуда безовталиқ билан мени шивирлаб ёнига чақирди.

— Ҳа, ака?

— Секин, секин... Менга қара, ҳалиги... отамнинг душмани келибди!

— Нима?! Қанақа душман?

— Малик раис бор-ку... Эски қишлоқлик...

— Малик раис? Киргизманг-э, онасини... Уни киргизсангиз отам шу бугун ўлади, ҳа, ҳа, шу бугун!..

— Кирманг дедим... қўймаяпти! Қўлида бир қоғоз халта нарса... Кираман дейди... Зўрлик қилмоқчи!

— Уриб-уриб ҳайдамайсизми, энағарни! Отамни у қамчилаб урган ахир, раислигида... Қонини ичмоқчи бўлган... Душман у! Фаним!..

Акам билан тортишиб турганимизда, ичкарида ногоҳ нимадир тарс тушиб, отамнинг ингроқ овози келди:

— Муро-од?!

— Ҳа, ота!

— Нега мунча чуғурлашасилар... Малик кептими?

— Йўғ-э! Қанақа Малик? Узимиз...

— Тўғриси айт, бола, эшитдим-ку!..

Ҳайратимни яширолмадим — акамга қарадим.

— Ҳа, кепти, ота, нима қилайлик?— деди у сўнг чорасизлангандай.

— Қаерда?

— Ҳов, ана... дарвозахона олдида турибди!

— Бери ке, унда икковинг ҳам... Вояя...

Қарасам, отам ўрнидан туришга урияпти: «Тавба, тахта бўп ётган одам...»

Акам икковимиз бараварига ёпишдик:

— Турманг, ота, турманг! Дўхтир уришади...

— Ҳей, дўхтирингни... Ёстиқ қўй, орқамга! Эшикдан қонхўр душманам келиб турсаю мен буйтиб...

Ҳайҳайлашимизга қарамай чол айтганини қилдирди: ёстиқни орқасига қўйдириб, кеккайиб ўтириб олди. Унинг кўрсатмаси билан юзини сочиқ ҳўллаб тозалаб арткик, соқол-мўйловини тарадик, яп-янги бир ички оқ кўйлагини, ўшандек гард юкмаган қалпоғини кийгиздик. Вой-бўй... буни қаранг-а! Чолнинг сарғиш юзига хиёл қон югуриб, кўзлари ғазабкор ялтиллаб кетди.

— Оғзимни йириб, ўттиз икки тишимни тўкишсаям, фанимим олдида қон тупурмасман!— деди у ўзича талтайиб.— Чақир, энди Малик раисингни! Чақир, босқинчини!

«Босқинчи» деганлари — отамдан қари, мункайган бир чол эди. Даҳлизга кириб, базўр калишини ечгач, биз билан қўл учида кўришди-да, уям соқолларини тараб, кийимларини тузатиб, ҳарбийлар каби шаҳдам кириб кетди ичкарига.

Отамнинг сирли имоси билан биз даҳлизда қолиб, эшикни бекитдик.

— Бизни киргизишмади, икки чол солишиб қолишмасайди!— деди акам хавотир аралаш, кулимсираб.

— Ай, ўлдими қариганда...

Анча ўтирдик. Айтганимиздай чолларнинг овози тобора дағаллашиб, баландлаб борарди. Бир пайт акам жуда бетоқатланиб, эшик ёнига бориб қулоғини тутди-да, секингина ёнимга келиб:

— Ие, Мурод, булар бир аёл устида тортишиб ётибди-ку!— деди ҳайрон бўлиб.

— Йўғ-э?!

— Ҳа, бориб эшит, ишонмасанг? Норой-Норой дейишади. Севги... Муҳаббат!

— Севги?! Қўйинг-э, чоллар-а?!

— Анови Қўнғиротдаги Норой момони айтишаётган бўлмасин тағин! Ҳе-хе...

— Ҳе-хе... Отам уйланаман деб қолмаса эди, пулнинг йўғида...

Чоллар қарийб бир соат суҳбат қилишди. Ниҳоят, Малик бова ҳаяжонланган бир авзода қип-қизариб чиқди-да, эшикка йўналди.

— Чой қиламиз, бова!

— Чойни бошқа вақти, улим... айтдим отанга!

Ховлиқиб ичкарига кирдим. Қарасам, отам юзлари порлаб, кулимсираб ўтирибди. Ҳаракатлари дадил.

— Ҳа, ота, тинчликми? Бунча...

— Келибди-да... Келишини билардим... Соқол кузагани билан бунақа Малик сатанглари мен... Эҳ-ҳа-а... Гўримгача олишарман, гўримгача!

...Малик раис (собик) ўйимизга узлуксиз тўрт кун келиб турди. Шу орада отам бирдан бардамлашиб, иштаҳага кирди, кийимларини негадир кунора алмаштириб, ҳазил-ҳузил қиладиган одат чиқарди. Ана шундан мен отамнинг шак-шубҳасиз соғая бошлаганини англадим ва хурсандлигимдан теримга сиғмай кетдим. Агар Малик чол яна бир ҳафта шундай келиб турганида, эҳтимол отам оёққа туриб кетармиди...

Бироқ... бешинчи куни унинг «душман»и ҳаяллади. Чошгоҳгача, тушгача, кечгача кутдик, аммо у келмади. Соқолларини кузаб, ясаиб олган отам ҳаяжонланар, инграр, қафасдаги қушдек типирчиларди. Таомга қўл урмай қўйди, нукул интизор бир қиёфада деразага

аланглайди. Чолнинг ранги бўздай оқариб кетганди...

Кейинги куни ҳам шу ҳол такрорланди. Отам энди ғудраниб, алаҳлай бошлади ва шунда биз унинг «душман»и номини айтиб шивирлаётганини, ёлбориб чорлаётганини сездик. Малик чол келмаса, шубҳасиз отамнинг нобуд бўлишига кўзимиз етди... Уни бир пинҳоний ички дард тинимсиз қийнар, бўғар эди. Ҳаммамиз ташвишга тушдик.

Мен отамнинг қаршисида ўтириб пешонасини силардим ва кўнглим бузилиб, ёш тўла кўзларим билан деразага қарардим... Ё раббий! Дарвозамиздан бир кекса кампирни эргаштириб Малик бова келарди.

— Ота-а!— дея бақирдим қувончимни яширолмай.— Малик бова келаяпти, ота! Ёнида... бир момой ҳам бор!

Отам қалтираган қўллари билан устидаги кўрпани улоқтириб юборди-да, дик этиб ўрнидан турди. Ҳайратланган қиёфада дераза қаршисида борди.

Чол борлиқни унутган, титрар, йиғлар эди.

Малик бобо Норой момони эргаштириб келарди...

БЕМОР

Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман.
Мақол.

Боласининг анча пайтдан бери бетоблигини эшитиб, қўшни қишлоқлик бир танишим-никига ҳол сўрагани кирдим. Эрталаб эди.

Бемор катта уйда эмас, зах бир даҳлизда ётган экан. Ичкаридан рутубат иси келади. Мен танишимнинг бемор ўғлига бунчалик бепарволигидан ранжиган бўлдим, бироқ... бунга унчалик асос йўқ экан, сабаби, нариги хонада пилла қурти боқиларкан.

Бола ухлаяпти. Биз бир оз суҳбатлашиб ўтирдик ва шу аснода оиладаги мислсиз қашшоқлик мени ҳайратга солди.

Лойсувоқ уй қулар ҳолига келган, полсиз, зах; тўшалган доғ-дуғ шолчалар ерга қапишиб, «қотирма»га айланиб қолган, қорайган кир-чир кўрпачаларнинг увардаси чиқиб турарди. Ташқарида — пастак оғил, бир парча томорқа ва яна бир хароба уй... Бу уйдаям шубҳасиз мана шу даҳлиздаги манзара бўлса керак, чунки «ранг кўр — ҳол сўр» деб бежиз айтишмаган.

Хонадон эгаларининг пажмурда гавдалари, ҳаракатлари сўз ва ҳатто юз тархларигача ёпишиб, сингиб кетган ўта хокисорлик, бугунги кунда айрим ўзбек оилаларини ямлаб-ютмоқчи бўлаётган қашшоқликнинг яланғоч башарасини яққол кўрсатиб турарди.

Бу даҳшат эди. Мен баданимда, бу ерда ҳокими мутлақлик қиляётган ёвуз бир кучнинг шарпасини сезгандек бўлдим. Бу шарпа девор ёриқларидан қараб турар, эшикдан бош суққанингизданоқ хира пашша сингари юзларингизга ёпишар, қонингизга ўтиб, юракнинг туб-тубларида чидаб бўлмас оғриқ, азоб уйғотарди.

Бемор боланинг суякларини санаса бўларди. Унинг қиёфаси илдизига ўткир дори қуйиб, сўлдирилган печак гулини эслатарди. Бу гулнинг катта-катта, сарғайиб-сўлаётган япроқлари беморнинг юзига, нами қочиб қовжираётган танаси эса — кўрпа устига узалган нозик, қоқсуяк қўлларга ўхшарди.



У ҳолдан тойган, юмуқ кўзлари — бепарволик оқибатида юлиб ташланган атиргулдек сўлинқирган. Кўпам ҳаракат қилмасди. Уйқусида гўё тобутда ётган сингари бежон кўринади.

...Танишим — Жозил ака сувоғи кўчган печка устида ўтирибди. Оёғида юзи «тўрлаган», йиртиқ кирза этик. Ҳзи муштдеккина.

Мен эса уқувсиз табиб сингари негадир хижолатланиб, тик турибман. Қалбимдаги ачиниш туйғуси ва оғриқ иродамни синдирган, оғир бир тош каби бўғзимга тиқилган.

— Укачани бу аҳволда уйда сақлаб бўлмайди, Жозил ака. Шифохонага обориш керак?!— дедим ниҳоят.

— Яқинда даволаниб чиққан ўзи!

— Яна ётқиизиш керак! Ахир...

— Уч марта ётиб чиқди, ҳозир ҳам қўлимизда қишлоқ дўхтири берган йўлланмаси бор, бироқ тумандаги «катта» дўхтирлар жой йўқ дейишяпти...

— Оғир беморгаймми?

— Оғир беморгайм!

— Имми... бу аҳволда...

— Нима чорамиз бор, ука, пешонада борида! Кўшни ҳамшира қиз кириб, укол-пукол қилиб турибди, уч маҳал...

— Қанақа касал эмиш ўзи?

— Уч марта сариқча бўлди, қайталаб-қайталаб... Ҳзингиз биласиз, ҳаммаси ўша пахтага сепилган дориларнинг касри... Бир вақтлар ланг тарқалувди шунақа, энасиям бўлди, ўзимам бўлдим. Буники, кўряпсиз, оғирроқ...

— Бошқа ҳеч жойга обориб кўрсатмадиларингми?

— Кўрсатдик, табибгайм, фолбингайм... Шаҳар дўхтирлари қолди, холос. У ёққа... шаҳарга озроқ қўл калталиқ қилди, ука! Бу йил, худо хоҳласа, насиб қилса, экин-текинларни йиғиштириб сотсак, ният бор...

Бола инграб ёнбошига ўгирилди. Жозил ака сапчиб ўрнидан туриб, тепасига ўтди.

— Зоиржон, Зоиржон... кўзингни оч, болам!— деди у гўё беморни соғайтириб юборувчи сирли сўз айтмоқчидек эмраниб.— Қара, сени кўргани аканг келибди! Муаллим-ку — бу киши мактабларингда... Танийсан-а?!

Бола кўзларини хиёл очди, тўлғанди, гавдаси силкиниб ўрнидан турмоқчи бўлди-да, ногоҳ:

— Салом, муаллим!— деди қалтираган товуш билан.

Бу гап менга қабрдан келаётган ёлборишдай эшитилди.

Кўрқиб, сесканиб кетдим. Вужудимни ваҳм ҳисси қоплади.

— Жозил ака!— дедим бўғилгандай.— Болани тез тайёрланг! Вақтни бой бермайлик, касалхонага оборамиз уни... Ҳаётини сақлаб қолиш керак!

II

...Қабулхонада беморлар кўп эди. Сариқдан келган, семиз, мўйловли дўхтир чекаётган сигаретасининг кулини четга қоқиб юборди-да, беписандлик билан юзимга қаради:

— Сиз кими бўласиз боланинг?

— Қўшнисиман.

— Отаси қани?

— Мана отаси!

— Сиз чиқиб туринг унда!

— Ҳўп.

Девор ёнидаги кир-чир чойшабли картга ётқиизиб қўйилган болага хомуш назар солдим. Ҳамон вужудим-

дан бояги ваҳм кетмас эди. Бола кўзлари жавдираб менга қаради. Кўнглим бузилиб кетди:

— Ҳозир, Зоиржон, ҳозир...— дедим четга қараб.— Дўхтир аканг...

— Чиқинг, ҳой!— дея бирдан аччиқланди ҳалиги дўхтир.— Ия...

Чорак соатлардан сўнг безовталаниб Жозил ака кўринди. Қалпоғи бир томонга қийшайиб қолган, белидаги белбоғини олиб, нуқул терлаган юзини артади. Нимадир уни қийнаётганини сездим.

— Қалай?

— Бўлса керак... Бўлса керак... Худо хоҳласа...

— Зоиржон қани?

— Ётибди ичкарида... укол қилишмоқчи...

— Жой бор дейишяптими?

— Жой... жой йўқ эмиш!

— Ие! Ҳзим кирайми унда?

— Йўқ-йўқ... Асло! Кутайлик қани...

Кутдик. Жозил ака безовталаниб, тинмай эшик ёнига бориб келар, деразалардан мўралар, сўнг ёнимга келиб, гуноҳкор одамдек қўлларини қовуштириб, ерга тикилганча ўй суриб қоларди. Ниҳоят у:

— Акбаржон... Сиз... Сиз ёнингизда пул опчиққансизми озроқ?!— деб қолди юзимга қарашга уялгандай.

— Пул?! Нимаиди?!

— Айтаман-да... ўзим...

— Нима, пулга шаъма қилишяптими?

— Йўқ! Йўғ-э... ўзим, шундай...

— Бор-ку, озроқ-да... ўн бир сўмми, шундай...

— Ҳимм... Оз экан... Мен ҳам... Шошилдик-да...

Жозил ака жим қолди. Ерга чўкиб кетаётгандай, гўё эриётгандай, сал букчайди-да, ўша заҳоти гандирақлаб ичкарига тез кириб кетди.

У ердан ғалати, хушчақчақ кайфиятда чиқди.

Болани кичкина тобутчага ўхшатиб, қўлида кўтариб олган, орқасидан эргашиб чиққан табибга қараб нуқул эгилиб қўяди.

Табиб негадир менга нафрат аралаш бир қараб кўйди-да, қўлидаги сигаретини четга чертиб юбориб, орқасига қайтди.

— Ҳа, Жозил ака?!

— Эртага-эртага... Келишдик, дўхтир ака билан... Соат тўққизда ўзлари шу ерда бўладилар... Эшикни очинг!

III

...Жим кетяпмиз.

Машинани имкон борича секинроқ ҳайдашга интилам.

Бола инграйди. Аллақандай оғир бир сукут ҳаммамизни қисиб, ўпқонига тортаётгандай...

Қишлоққа яқинлашай деганимизда юракни эзувчи заиф бир нола қулоғимга чалингандай бўлди. Кимдир товушсиз йиғларди гўё...

Секин ортимга бурилдим:

— Ҳа, Жозил ака?!

— Ҳеч нима, Акбаржон, ҳеч нима... Ҳайдайверинг... Зоиржон... Зо... соб бўлди...



«ШИШКА»ЛАР КЎЧАСИДА

Туман марказидаги кўчалардан бирида кийиниши ночор, ғарибгина бир тиланчи кампир пайдо бўлди.

Бошида кир чорси, эгнида эркакларнинг доғдуғ камзули, қўлида яғири чиққан қора сумка билан у ҳар куни шундоққина дўкон ёнидаги бурилишдан чиқиб келарди.

Кампир жуда кекса эди.

Гилос новдасидан ясалган ҳассасини қоқсуяк бармоқларида тутганча, ғоят эҳтиёткорлик билан қадам ташларди. Бошига ўраб олган ўша кир чорси орасидан унинг қорайган, серажин юзиям кўзга чалиниб қолади. Бошқа пайт унинг юзини кўролмайсиз — бир зайлда гуноҳқорона бош эгиб юришидан, бунинг асло илоҳи йўқ.

Садақа бераётганингизда эса беозоргина бир қўл энг орасидан аста мўралайди-да, узатган чақангизни кафтингиздан ололмай қийналади, уялаётгандай, хижолат чекаётгандай туюлади гўё. Унинг қўллари сизнинг хаёл-тасаввурингиздаги — пулга ҳарислик билан ташланувчи, бетоқат, очкўз бармоқларга асло ўхшамайди...

Ана шунда беихтиёр юрагингиз тубида нимадир «жиз» этади, қўрқиб кетасиз ва... бу... тиланчи кампир қиёфасига кирган илоҳий Она Марям эмасмикан дея ўйлайсиз!

Нега у тиланади? Умуман, нега оналар тиланиши керак? Унда агар... ҳаётнинг нима қизиғи бор?! Унда фарзандларни дунёга келтиришнинг, юрак қони билан боқиб-тарбиялашнинг нима афзаллиги бор! Оналар тиланчилик қиладиган юрт — юртми?! Оналарнинг тиланчилигини — гадолигини кўриб тоқат қилиб юрган фарзандларни инсон дея аташ мумкинмикан?! Ҳатто, жониворлар, қушларки жигаргўшаларининг мунгли фарёдларини сезганда кўзёши тўкмайдиларми? Бу ҳали... Она-ку! Инсон-ку! Умуман... кўча-кўйларда истиқболимизга чиқиб, титроқ бармоқларини садақага чўзаётган ановиларнинг ҳаммаси ким? Кимлар ўзи?! Улар нега бундай қилишади? Чақа сўрашяптими ё нажотми? Одам — тиланчи-гадой... Она — тиланчи...

Бу нима? Нима ўзи?! Чақа тиланган қўл узалди... Кеккайиб келаётган бир инсон ногоҳ уни кўриб қолди. Тўхтади. Куймаланиб, чўнтагидан танга олиб узатди. Кетди. Бурч — ўталди. Тамом! Ҳатто, узатилган қўлга тузукроқ қаралмади. Балки... у темир роботдир, ойдан тушган мавжудоддир, ўзга сайёраликдир... Маймундир, итдир... О, лоқайд одам! Ло — қайд!! Ло-ми! Ло илоҳа... қайд! Илоҳа қайд! Қайдми ё қайтми? Қайтдир... Қайт! Қайт! Унда... Худо ҳаққи қайтми?! Ба ҳаққи худо, ба ҳаққи худо қайтми?! Ким айтаяпти бунини! Тиланчимиз-гадомиз?! Нега қайт деярми у? Нега?!

«Қайт, жигарим, қайт! Менга қара, синчиклаб қара менга — биродарингман-ку, ахир! Қонимиз бир-ку... Мен ҳам сен қатори инсонман-ку... Нега тиланиб ўтирибман?! Кўзларимга қара, биродарим, синчиклаб-синчиклаб қара — унинг ичида менинг оч-наҳор болаларим, хаста аёлим, муздек хароба уйим кўринмаяптими?! Сен бунини ўйламай, ўтиб кетдинг! Мен сенинг кўзларингга қараб ҳеч нарса илғамадим! Хира парда қоплаган уларни, шира босган... Сен — кўрсан! Сен мени кўр аввал, к-ў-р! Сени кўрсин деб ўтирибман-ку, бу ерда... Кўр кўзларинг очилсин деб ўтирибман-ку, бу ерда... Раҳминг келсин деб ўтирибман, пўпанак

бойлаб, тошдек қотиб кетган қалбинг эрисин, суюлсин, тиниқлашиб мусаффо бўлсин деб ўтирибман-ку, бу ерда... Имонинг уйғонсин, имонинг! Бу биқиқ пўпанак ичида бўғилиб ўлиб қолади у! Бу бўғилаётган — менман! Сенинг ўлаётган имонингман! Мен — имонман! Тиланаётган имонман мен! Гадолик қиладиган имонман! Ментиланчи онаман! Тиланаётган гўдакман, синглингман, болангман! Сен эса менга чақа узатасан... О, одам! Айтаман-ку... сен кўрсан!

К—ўр!...—ўр! ўр... сан!

Ло—қайд—сан!

Ло—қайт—сан!

Ло—қайт... қайт...

Қайт!

Қайт!

Ло илоҳа қайт!!»

...Шинам кўча одамлари аввалига бу ғалати тиланчи кампирга беҳад ҳайратланиб, ачиниб, ҳатто қизиқсиниб қарашди-ю, бироқ кейинчалик азалий одатларига кўра, бунгаям оддий бир ҳодисадай кўникиб кетишди.

Яна шуниям айтиб ўтиш керакки, бу кўчани баъзи бир кўролмовчилар «дилларида зуғум қайнаб, ғажурлик қилиб» орқаворотдан «шишка»лар, яъни «қорни катта бойлар» кўчасиям дейишарди. Сабаби, бир пайтлар, замона зайли билан «ола-ол» даврларда қўлида амали бор — илдизи бақувват тўралар бу ернинг «порлоқ келажяғи»ни сезишгандек, урҳо-ур билан ҳовли-жой қилиб олишди ва шундай ҳам бўлиб чиқди. Кўча қасрنامо иморатларга тўлиб, обод бўлди. Нимасини айта-сиз, дарвозангни очдинг—тўрт қадам юрмасингдан дўкон, болалар боғчаси, кино-театру жаннатмакон истироҳат боғи...

Шундай қилиб, тиланчи кампирга кўникиб қолишди-ю, аммо шу ерда яшовчи «энг катта» тўралардан бири, беҳад «олижаноб» тўра унга қалбидаги ҳамдардлиги, эзгу-ҳисларини сездираман деб, ўзи ноқулай аҳволга тушиб қолди. Бундай бўлди...

Бир куни у эндигина оромижон хизмат машинасидан тушиб, уйининг дарвозаси томон савлат тўкиб кетаётди эди... Қараса, нақ остонасида бир чувринди, ғариб кампир тиланчилик қилиб, мунгайиб турибди. Ичкаридан садо чиқмайди. «Ё раб! Бу қандай гап! Шундай фаровон замонда тиланчи... Қайси итбағир... Қайси раҳмсиз тошбағир...»

«Катта» лол қотди. Кўнгли бузилиб кетди шекилли, дарҳол қўйин чўнтагидан гулли дастрўмолчасини олиб, юз-кўзини артди. Шошиб қолди.

— Ҳа, кампир?!

— Худо йўлига хайру садақа қилинг, болам!

— Хайру садақа! У нима дегани?! Уят эмасми, момой! Уят эмасми?! Шундай тўқчилик замонда-я!



Бола-чақа борми ўзи сизда, бола-чақа?! А?!

Кампир фик этмади.

«Тиланчи тиланчи-да! Бунга...»

— Тўхтанг! Бола-чақа борми сизда деяпман?! Уғиллардан борми, ўғиллардан!

Кампирнинг танаси баргдай қалтиради.

— Йўқми? Ҳа, қийин экан унда сизга! Яшаш жой бордир, яшаш жой! Нега индамайси, қулоқ карми! Сиз менга қаранг, кампир, бундай юриш яхши эмас... Мусулмончиликка тўғри келмайди, уят бўлади! Тушуняспизми, уят! Ҳозир мен сизга пул бераман, пул, лекин тез кетинг бу ердан!..

Шундай дея «катта» чўнтагидан ҳамёнини чиқариб, ўзидай катта, юзи ялтироқ бир пулни олаётиб эди, ногоҳ «садоқатли» шопири ёнига келди-да:

— Хўжайин!— деб аста шипшиди.

— Ҳа!

— Бу кампир анчадан буён юради бу кўчада... Узи сал девонароқ... Бунга шунча пул...

«Катта» ялт этиб бошини кўтарди.

— Химм... Ҳа-а... Қачондан бефи?

— Ҳа, кўп бўлди! Анча бўлди!

— Имм... Нима қилиб юради бу ерда?

— Шундай ўзи... Тиланиб юради... безарар!

— Имм. Яхши эмас бу! Биров кўрса... Кўчанинг номигайм, бизгайм! Балки миршабларга айтиб... Тўхта ай, қўяғай!

Ҳамёни шарт этиб ёпилди. Кампир сесканиб қўлини тортиди.

— Танганг борми? Бериб юбор бунга! Кетсин тезроқ!

...Орадан бир кун ўтди. «Катта» хушхол бир кайфиятда ишдан қайтаётиб эди, «садоқатли» шопири орқасига ўгирилиб бир гап айтиб қолди:

— Кечаги тиланчи кампир ўлибди-да, хўжайин!

— Ие, қачон?

— Бугун, тушдан кейин...

— Вой, бечора-э-э... яхши момой эди! Нима қип ўлипти, касал бўптими?!

— Ит талаб ўлдирибди!

— Ит талаб?!

— Ҳа, Чўтбоевнинг ити... Биласиз-ку, кўчанинг нариги бошида туради!

— Биламан-биламан...

— Шунинг ити... ўзи уйда маст, ёлғиз ётган экан. Итини қўйиб юбориб, дарвозани қулфлашни эсдан чиқариб, уйқуни ураётган экан... Кампир эшикни сал очганда... опти-да! Тилка-пора қилиб ташлаган эмиш!..

— Итини отишибдимиз?

— Қаёқда отади дейсиз, Чўтбоев у итини тиллога алмашмас, ҳали бу бир қари момой... Кучукбаччаллигида Сибирданми, қайси гўрдан опкелиб, тарбиялаб олган эди! Биласиз, бой одам... Шунақанги ит сақламаса кўрқадиям-да!..

— Им... Бизниқидан каттаими ити?

— А-а-а... Сизники нима унинг олдида... кучукбачча-ку!

— Им... Чўтбоевни нима қилишар экан энди?

— Нима қилишади, ҳеч нарса қилишолмайди. Кампирга биров, борсин дўятими уникага... Узининг ҳовлиси, қутурган ит боқадими, туя боқадими, Чўтбоевнинг ўзини иши... Тасодиф-да! Лекин... сиз ҳалиги катта пулни берганингизда бормаслигиям мумкин эди-я, хўжайин!

— Тўғри айтасан, бекор қилдик-да... Балки...

— Ай, шуниям ўйлаб ўтирасизми, хўжайин, бунақангилар дунёда сон мингта!

— Тўғрику-я! Ҳалиги, кампирнинг ўлигини нима қилишибди сўнг?!

— Уликхонада ётган эмиш!

— Бормикан ўзи биронта уруғ-пуруғи?

— Бордир-да!..

ҚОРА ШАРПА

Тевараги чор девор билан ўралган ҳовлида ногиронлар аравазида хаёл суриб ўтирган ўсмир ва унинг яқинида донлаб юрган пайпоқдор оқ каптардан бўлак ҳеч зоғ кўринмайди. Ногироннинг ёши ўн олтиларда бор. У тушқун бир кайфиятда ўтирарди. Кўзлари маъносиз, ғуссали.

Ҳаво салқин. Супа пастиди тунги ёмғирдан сўнг барглари нам тортиб, шалпайиб қолган уч-тўрт туп барра макка кўринади. Бир парча ерга сийрак экилган бодринг палакларни сарғайиб кетган, боз устига, қаровсиз ташлаб қўйилган.

Бу ҳовли — устачилик билан шуғулланувчи Расул пиёнга қарашли. Расул пиён дегани чағиркўз, оқсоқ, сержаҳл бир одам. У ҳозир уйда йўқ — ишга кетган.

Умуман бу хонадонда бор-йўғи икки киши ва бир каптар яшайди. Ногирон йигитчанинг жудаям меҳрибон бўлган онаси эса, оғир хасталиқдан сўнг оламдан ўтган.

Каптар ҳам учолмайди — бола сингари ногирон. Расул пиён ўғлига эрмак бўлсин учун унинг қанотини қирқиб қўйибди... Ҳовлида донлаб юришдан бошқага ярамай қолган. Каптарга офат келтириши, мумкин бўлган жонзот — қўшнилари мушуклари, болага хавф соладиган ягона кимса — бу унинг отаси!

Яқинда уйланиш тараддудини кўриб, шопмўйловини бураб, «оғзи қулоғида» юрган ота, куни-кеча аёвсиз бир зарбага учради. Эрта-индин ўғлига «ўғай она» бўлиб келиши муқаррар бўлган аёл, ногироннинг сал савдойироқ қилиқлари — кечалари бехосдан бақириб-чақириб уйғониши, бирон нарсадан кўрқса «бўри сингари ваҳимали увиллаб» юбориши, юролмаслиги, соқовлиги ҳақида «қўни-қўшнининг узунқулоқ гапларини эшитиб, иш энди «пишган»да отанинг таклифини рад этди.

Бу — яхшилиқ аломати эмасди!

Алам устиди одатидагидан ҳам кўпроқ «отиб» келган пиён, гап-сўз йўқ, ҳеч ниманинг фаҳмига етмай, анграиб ўтирган ногироннинг юзига бирдан тарсаки тортиб юборди-да, сўнг буям етмагандек, ёқасидан тутиб: «Сеен... Сеенн майибни!» дея ўкириб, жазавога тушди.

Бу шубҳасиз арақнинг кучи эди. Аммо бола отасининг ваҳшиёна қақнаган кўзларига қараб, арақдан ҳам даҳшатли бир ниманинг шарпасини сезди. Бу шарпа ота чиқиб кетгандан сўнг ҳам кетмай, вужудига сингиб қолиб, юрагини ғижимлай бошлади.

Бола гамга ботиб, беҳад маъюсланди, аҳён-аҳёнда сескангандек бўлиб, кўзларидан ёш чиқиб кетарди. Ҳали тугамаган хавф-хатар ҳисси уни исканжага олиб бўғар, томирларида ғалати бир қўрқув, гуноҳдорлик туйғуларини уйғотарди. Эрталаб хўмрайиб чиқиб кетган отанинг таҳдидли башараси унинг қалбига бамисоли

Давоми 46-бетда



Сурайё
Зойирова

Навбахор туманидаги Қизил Ой қишлоғидан бир кун мўъжазгина хат келди. Унда мактабларда кўп учрайдиган ҳолатлар ўзига хос бир оҳангда ҳажв этилган эди. Биз уни «Антиқа хабарлар бекати»да чоп этдик. Шу бўлди-ю, Сурайёни туман маорифчилари ҳам, «Гулхан» жамоаси ҳам таниб қолди...

Бошқа бир гал эса, дорилфунун толибаси Сурайё жуда ихчам ва теран, гўзал шеърларини олиб келди. Шеърятга янги дард, янги оҳанг, янги тим-сол, янги журъат кириб келгандай, унинг Сўзини қувониб ўқидим.

Ҳилолдай тиниқ, ниҳолдай нозик қизгинага шеър илоҳасининг муҳаббати тушганга ўхшайди.

Ойдин ҲОЖИЕВА

Кичик ҳикоялар

НИМАДИР

(Ўзимдан ҳам яширардим бу сирни)

Гўё уйимизда нимадир ўлиб қолганга ўхшайди. Марҳумдан қолган нарсаларга кўзингиз тушганда, худди уни эслатганидек, уйимиздаги ҳар битта нарса менга «нимадир»ни эслатади.

Ҳайқириб айтсаммикан: «Аслида ўша» «нимадир» бўлмаган. Ҳар бир нарсага кўзим тушганида улар унинг бўлмаганлигини ёдимга солар экан», деб. Йўқ, ҳайқирмайман, бари бир ўзимдан бошқа ҳеч ким эшитмайди. Ахир мен гунгман-ку?!

Хуллас, энам ғўзапоя билан елкамга бир туширгач, ҳиринглаб кулганимча уйга югурдим. Ёмғир эзиб ёғмоқда. Ҳозиргина хаёлларим тоза эди. Ёмғирда маза қилиб чўмилаётган жийдазорлару биз ўзимиз биринчи қатортол, иккинчи қатортол, учинчи қатортол, деб ном қўйиб олган толзорларни эсладим. Хаёлим ўша ерларга бориб баҳорнинг ҳидини олиб қайтаётганида мен даҳлизда

тўхтадим. Остонада, ўша мен ҳар кеч чўнқайиб ўтириб, сирлашадиган остонада орқалари босилиб кетган бир жуфт ботинка турибди. Демак, уйда энг оддий одам — отам бор, холос. Ботинка намдек туюлди кўзимга. Дарҳол тирноқларига лак сурилган оппоққина оёқчамни суқдим. Оҳакланмаган даҳлиз деворларига термулганча қотиб қолдим. Оёғимга нам ўта бошлади: Бир дақиқада менинг оёғимга шунча нам ўтди, уззукун отамнинг оёғига қанча нам ўтаркин?! Йўқ, менинг отам катта киши, у кишига совуқ ўтмайди! Ҳар йили қишда печкаси йўқ совуқ уйда ётади, лекин бирон марта совуқ едим демайдилар-ку! Мен ёшлигимда отам ҳаммадан катта, ҳеч кимдан кўрқмайди, ҳеч қачон касал бўлмайди деб ўйлардим. Айтгандек, шалаббоси чиққан ботинка ҳамон оёғимда. Қисқаси, мана шу бир жуфт ботинка тағин «нимадир»ни эслатди. Уйга кирдим. Укам хархаша қиялпти: «Дала лой, оёғимга нимани кийиб чиқай», деб. Менинг туфличамни кия солиб чиқиб кетди. Бу нарса ҳам тағин собиқ марҳум, яъни «нимадир»ни эслатди.

...Оқшом, кечки овқатдан кейин печкага ўтин қалаётиб, отамнинг афтимга қарамасдан айтган гапларини эшитдим:

- Маошингни олдингми?
- Ҳа...
- Бергин қизим, қарзлардан қутулайлик.
- Ота, кўйлак олайин...
- Неча сўмлик кўйлак?
- Эллик сўмлик.

Ҳали ўртага сукунат чўкиб улгурмай, бир чеккада кашта тикиб ўлтирган, умрида қўлига бир сўмдан ортиқ пул ушламаган синглим ўксиниб кетди. Мен ташқарига чиқиб кетдим, индамай.

Ярим оқшом. Ҳамма уйкуга кетгунга қадар мен отнинг тақаси қоқилмаган, оддий, муштипар, бахтсиз, ночор ва ниҳоят, ёғоч остона билан дардлашиб ўтирдим.

Ҳамма уйкуга кетган. Фақат энам безовта, ухлай олмасдан инграяпти. Ямоқ солинган кўрпаларининг бир учини қайириб, бош томондарига чўқдим у аста сўрадим:

- Қаерингиз огрияпти, эна?!
- Ҳамма жойим қақшаб-қақшаб...

Қайтиб мен ҳам, энам ҳам гапирмайди.

Тамом. Ҳаммаси ТАМОМ. Бугуним тугади. Энди эртан ҳақида ўйлай бошлайман.

Эртага мен уйда йўқ бўламан. Лекин қаерда бўлмайин, ҳамма нарса менга «нимадир»ни эслатаверади, эслатаверади. Бойвачча қизнинг устидаги либосию тушлик-

Ёлғизлик

Бир мағрур қиздирман, ҳаттоки
Айтгим ҳам келмайди исминни.
Ўзим юксак чўққида туриб
Оловга ташлайман шеъримни.
Гоҳо мийғимда, гоҳо ҳайқириб
Кимнингдир устидан куламан.
Қанча мағрур бўлмайин, тунда
Тўрт деворга таслим бўламан...

* * *

Мени баҳор туққан ўтлоқда,
Шабнам йўрғак, дарахтлар — доя.
Лола — суюнчига отланган қизча,
Майса бўй чўзади, мен — тетапоя.
Бевафо шафтоли, ўрик бевафо,
Мени кутмасданоқ гуллаб қўйибди.
Ёвуз тун деразам остига
Булуғнинг аёвсиз қонин қўйибди.
Фақат куртакларга ҳасад қиламан,
Энди ўсмайди, гул бўлиб қолади.
Мени туққан баҳор — омадсиз онам
Ахийри тул бўлиб қолади...

дан сўнг ортиб қолган асл овқатни ташлаб юборишигача ҳаммаси эслатади.

Эртага мен уйда йўқ бўламан. Энам ярим оқшом, тунги соат иккиларга бориб инграниб уйқуга кетади. Уйқуга кетишидан олдин ҳеч ким ундан «Қаерингиз?», деб сўрамайди.

Безовта қилишса ҳам бари бир у жавоб бермайди. Чунки ҳамма ҳамма жойи қақшаб, ...ган бўлади.

Эртага мен уйда йўқ бўламан, ижарамга кириб олиб, «нимадир» тўғрисида хаёл сураётган бўламан.

Эртага мен... Орқалари босилиб кетган, шалаббо ботинкани ҳеч ким кийиб кўрмайди. Менимча унга ҳеч кимнинг кўзи тушмайди ҳам. Эртага соат икки ярим-учларда отамнинг ухлаб қолганини ҳеч ким сезмайди. Чунки эртага мен уйда йўқ бўламан.

БОШҚОРОНҒУ

Мактабни тугатдим. Энди мен ҳам катта қиз. Бир сўм пул билан Тошкентга кетяпман, ўқишга. Поездда нуқул кулгим келади. Тарихимда қоладиган воқеа. Мен ҳали бу шаҳарга келишга тайёр

Баҳор яқин

Январ кетмоқда тез-тез,
Феврал, энди чиқақол.
Ялғиз етилиб қолди,
Ёмғир, совчиликка бор.

Хув, таниш тепаликда
Кўккаракнинг руҳи бор.
Мен улғайиб кетяпман,
Ўтолмайман, кўприк тор.

Рўднинг суви бўтана,
Ариқ ястаниб олган.
Баҳор яқинми дейман, —
Қаргалар тилдан қолган.

* * *

Эҳтимол, мен бугун улғайдим
Ёки бу ариқлар торайган.
Сеҳрни соғинган дарахтнинг
Қиприги ва кўзи қорайган.
Даланинг этаги ям-яшил,
Жийдазор — қизгалдоқ ҳарамни.
Зардоли остига ёйилган
Кўкламнинг кўклиги — гилами.
Кўзларим саҳарга сиғинар,
Сандувочлар азон ўқийди.
Ажин босган йўллар ёқаси
Ёшариб эгнига кўк кийди.
Тиллари чучук сув тароқдир,
Мажнунтол — жамалак, узун соч.
Ниманидир энтиқиб кутар
Гуллаёлмай қийналган оғоч.



эмасдим. Шунақа эсанкирадимики... Орадан уч кун ўтди. (Уч кун туз тотмадим). Энди вақти-вақти билан ошқозоним оғриб бошлади. Баъзан оғриқнинг зўридан гужанак бўлиб қоламан. Шундай пайтда ошқозонимнинг чап томонида нимадир увушиб-увушиб, очиқиб кетганини айтиб қолди. Жудаям очиқиб кетибди. Энди сенга нима едирайин. Биламан, бутун Тошкентни кезиб чиқиб ҳам сенга егулик тополмайман.

Шу тариқа ўтаётган кунларимнинг бирида юрагимда нимадир ўлганини сезиб қолдим. Уни қаерга дафн қилдим, ўзим ҳам билмайман. Баъзан хотирлаб борай десам, қабрини тополмайман. Энди асл қиёфам ҳам ўзгарди. Ҳатто аввал қанақа эканлигимни ҳам унутиб юбордим.

Газит-жўрнал ўқимайман, китобларни афтига ҳам қарамай қўйдим. Қўлимга олгим келмайди. Кеч-қурун ухламайман, ухлашдан кўрқаман. Хаёл ҳам сурмайман. Мақсадим йўқ, орзуйим ҳам йўқ.

Бефарқман.

Ҳеч нарса қизиқтирмайди.

БАРИ БИРЛИК.

Орадан олти ой ўтди. Мен ниманидир қўмсай бошладим. Мен қўмсаган нарса нима эканлигини била олмаяпман. Нуқул ҳамма

жойдан асл қиёфамни излаётган эдим. Олти ойдан ярим кун ўтди. Мен болалигимга бошқоронғу бўла бошлаганимни ҳали билмас эдим...

— Янга, янгал.. — югуриб янгамнинг ҳовлисига ўтдим.

— Янга, бошқоронғу нимаиди?

— Ҳали ўзингиз билиб оласиз. Янгам ўзлари қатори менга ҳам шўрва олиб келди.

Чинни косалардаги шўрвалар охирлаб қолганди. Янгам гап бошлади:

— Акангиз икки кун дўконлардан гўшти ахтариб тополмай, туя гўшти кўтариб келибди.

— Вой, янгамуллажон, ҳазил-лашмаяпсизми?!!

Акам ҳам, янгам ҳам ялт этиб аввал бир-бирига, сўнг эса менга қарашди, иккаласининг ҳам ранглари оқариб кетди.

Орадан тўққиз ой ўтди. Мен телба бўлиб қолдим. Ҳеч кимга фойдам ҳам, зарарим ҳам тегмайдиган телбага айландим. (Кечирасиз, Сиздан ниманидир яширдим шу ерда.) Телба бўлганим йўқ, кексайиб қолган эдим. Шунақа қариб қолгандимики, сочларим оппоқ...

Менинг биттагина орзуйим бор, холос — машинани тагида қолиб ўлсам...

Ўлимимдан икки кун олдин отамга телеграмма юбордим: «Салом.

Қизингиз ўлди...» Мен қоғозчадаги учта сўзга сиғдим, холос.

Дафн маросимида ҳашаротлар ҳам келди: қурт-қумурсқа, кўр-шапалак, қўнғизчалар. Аммо улар мени қаерга дафн этишганини билишмайди.

Мени нарвонга солиб, олиб чиқиб кетишаётганида энам толга беҳолгина суяниб йиқилди. Уйимиздаги эркатой мушук югуриб келиб, энамнинг тиззасига чиқиб олди.

Ҳаммаси бўлиб ўн бир ой бўлди. Энди мен бемалол болалигимга қайтишим мумкин...

ҚОРИШИҚ

Сабоҳатга

Иш — ҳукм. Кунлар ҳукимият. Илтимос, Гулсевар, мендан бугун число нечи, қайси кун деб сўрама. Бугун кундузми ёки кечқурунми, деб сўра.

Мен кечаю кундуз уйғоқ бўлсам ҳам туш кўраман.
КЕЧҚУРУН.

Оймома қанийди ерда бўлса,

эҳтимол у момиқ нарсадир, қўлларим билан ушлаб кўрардим, дея орзу қилдим. Тўсатдан оймома бошимга шувиллаб учиб кела бошлади, кўзларимни бекитиб олиб, чинқирдим: Майли ушлаб кўрмайман. Оймомони осмонда бўлгани яхши...

КУНДУЗ

Иш столим қаршисида тик туриб туш кўрдим: Бир гўдакни телбавор севиб қолдим. Лекин у йигит экан.

Онам, у йигит эмас, гўдак экан-ку, уни нимасини севасан, десалар, тутоқиб кетиб, йўқ, она, у йигит, деб бақирибман.

Сўнгра уни ўзим масхараладим: Сен боласан, боласан, боласан!

У мендан, мен онамдан аразладим. Гўдак уйига кетиб қолди. Мен уйга кириб қоронғу бурчакларга термулиб ётибман. Кунжакдаги каттагина тортанак уяда икки-та нарса ялтиллаб кетди. Отилиб ташқарига чиқдим. Она, тортанакнинг кўзи бор экан. Она! Тортанакнинг кўзи бор-ку, нега у энди йигит бўлмадлиги керак?!

Мен гўдакнинг уйи томон югуриб кетдим. У сўрида, онасининг ёнида ўтирарди. Ҳеч ажабланмадим. Онаси ёшгина қизалоқ, аммо у она эди! Онасининг оёқлари йўқ экан. Гўдакнинг орқасига тўғнағич билан қистирилган этакла-

ридан торта бошладим:

— Гўдак! Қайт, қайт. Сен йигитсан. Чунки тортанакнинг кўзлари бор-ку...

КЕЧҚУРУН

Гадоларни кўрдим, бир гала-сини.

КУНДУЗ

Гадоларга садақ бериш учун бутун шаҳарни кезиб чиқдим. Аксига олиб битта ҳам гадони учратмадим. Ғамгин қиёфада уйга қайтдим. Мен учун ҳаммаёқ берк.

КЕЧҚУРУН

Зангори бўшлиқ...

КУНДУЗ

Оқ рўмол ўраган гадони кўрдим. Чўнтакларимни кавлаштириб гадога бериш учун ҳеч вақо тополмадим. Хунобим ошгандан ошди. Мен гадони излаб, тополмадим. Энди у мени излаб топганда унга беришга ҳеч нарсам йўқ.

Аёл бўйнимдаги оппоқ марваридга қўл чўзди. Бу онамдан ёдгорлик, деб юбордим. Уйга қараб югурдим. Етиб келиб, бўйнимдаги марваридни олиб қўйиб, кейин аёлга садақа бермоқчи бўлдим. Бўйнимдан эса марварид эмас, оппоқ ипни ечиб олдим.

КЕЧҚУРУН

Турмушга чиқдим. Эримни бир бурчакка қамаб сочларидан тортқилаб ура бошладим. У эса бақирди: «Сабо! Сочларим қўлингга илиниб қолди...»

ТЕХРОНДАН МАКТУБ

Қадрли бош муҳаррир!

Мен эронлик ёш йигитман. Исмиим Ҳусайн Ализода. Мен Эроннинг Техрон шаҳридаги қобилиятли ва истеъдодли болалар мактабида ўқийман. Ёшим 17 да. Жумҳуриятингиз ёшлари билан алоқа боғлашни жуда ҳам истайман. Тошкент радиосига хат ёзиб, у ердан сизнинг адресингизни олдим. Агар менинг адресимни ва ўзбек ёшлари билан хат ёзишга бўлган иштиёқимни эълон қилсангиз, жуда ҳам хурсанд бўлур эдим.

Мен инглиз, форс, афғон тилларида хат ёзиша оламан.

Самимий салом билан
Сизнинг Ҳусайн АЛИЗОДА.

Муҳарририятдан: Ҳусайн Ализода билан алоқа боғлашни истаганлар унинг мактуби юқори қисмидаги адресга ёзишлари мумкин.

Hossein ALIZADEH
P.O. Box 11975 - 119
TEHRAN
IRAN

Dear EDITOR in- chief:

I am a Iranian youth boy. My name is Hossein ALIZADEH (АЛИЗАДЕ).

I study in Iranian gifted and talented schools in Tehran. I am 17 years old.

I like very much to contact with the youth of your republic. So I write a letter to Radio Tashkent and in this way I can find your address.

I will be very glad if you print my address and my request to corresponding with Uzbek youths.

I can corresponding in English language or farsi (Iranian) language or Afghani language.

Sincerely yours
Hossein ALIZADEH



**Пахлавон
Содик**

* * *

...Осмон турмаклайди қоп-қора сочин,
Шабранг сийнасида юлдузлар гужғон.
Яширгандай бўлиб ой ҳам қувончин
Кулчага айланиб қолади. Осмон...
Юлдузлар куйдирар кўзим милкини...
...Осмон хўрсинади ойнинг кафтига,
Кеча ногаҳоний кетар сесканиб.
Дарахтлар шамширға айланиб қолар
Тунги шамолларнинг дамин кесгани!
Кафтимга тўкилар оппоқ шивирлар,
Қарогим ўпади бахтнинг илкини...

Сўз

Кўнгил — қоронғулик мудраган хилқат.
Юрак деворлари туйқус ёришиб,
Чеҳрамда эриган лаҳзалик қувонч
Бокира ҳисларга кетар қоришиб.

Англайман — ғамларнинг дийдаси ёруғ,
Лаҳзалар — туманда қолган хотирлар.
Хотирдан сукутга урилган зил занг —
Чақмоқ садосидан қушлар потирлар.

Бўғзимда синади оппоқ қанотлар,
Туйғулар қаърига ўзни отаман.
Патлар қитиқлайди забонимни, жим
Қушлар парвозини кутиб ётаман!..

Ёлғизлик

Мен ёлғизман —
Кудуқ тубига
Етиб бормас ҳаттоки сасим.
Мен ёлғизман —
Гўё жисмимни
Ютиб юборгандек нафасим...

Машраб

Соҳилни уйғотар оқ тошлар саси...
Оловнинг тилида титрайди ваҳм.
Шамолдан обқочар туфроқ нафасин —
БОБОРАҲИМ!

Осмон — жамъи руҳга бичилган кафан,
Юлдузлар — сепидир самолар буржин.
Машиқ заминидан келар сарпойчан —
ЕЛКАДА ХУРЖУН!

Кўнгул синиқлари — ҳасрат, салом,
Ҳақнинг дийдорига бир ўзи илҳақ.
Холиқ ҳузурда ёлғиз калом —
АНАЛ ҲАҚ!

Кўнгулда комиллик — дардлари бисёр,
Юракда ШЕЪР деган азобни асраб
У дунё, бу дунё ўлмагай ИСЕН —
МАШРАБ!

* * *

Иккимиз юлдузлар ичида эдик...

Эшқобил Шукур

Биз юлдузимиз, шабранг осмон
Кўксиди ёнаётган.
Биз юлдузимиз, кўнгуз ухлаб,
Тунда уйғонаётган.

Биз юлдузимиз, қошимизда
Шуъла сочар ой — ҳилол.
Гоҳ чайқалиб кетар осмон,
Гоҳи эса фориғбол.

Биз юлдузимиз, чағир тошлар
Тушларида чатнаган.
Сомон йўли изларидан
Роҳин излаб топмаган.

Қолиб кетсак баъзан айро
Юлдузларнинг чангида.
Учрашамиз ёғду сочиб,
Осмоннинг шаб рангида!

Фалак бизга меҳри мунир
Ато қилган аввалдан.
Қўрқма жоним, бизни ҳеч ким
Туширолмас жадвалга!..

Биз юлдузимиз, шабранг осмон
Кўксиди ёнаётган...





Тошпўлат БОЛТАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ депутати

ЯНГИЧА ДУНЁЛАР ЮЗ КЎРСАТМОҚДА

Хеч хорижда бўлганмисиз?
Албатта, инсон учун киндик қони томган юртдан афзал, ундан кўра азиз жойнинг ўзи бўлмайди. Ва лекин ҳар гал хорижда бағоят шинам ва ёғ тегса ялагудек кўчаларни, йўл бўйида популдай бўлиб турган дов-дарахт, тоғу тошни тутган ям-яшил ўрмонларни, ҳатто булоқ сувидан зилол дарёю анҳорларни, турфа хил нозу неъмат фусун бағишлаб турган дўкон расталарини, инсоннинг ҳар қадамда сенга нисбатан инсондай муомала қилишини кўриб, армон билан хўрсиниб қўясан киши: «Шундай яшаш ҳам мумкин экан-ку, а?!»

Ҳа, шундай яшаш ҳам мумкин, чунки уларнинг бир мучаси ортиқ эмас.

Шундай яшаш ҳам мумкин, чунки табиий маъданлар минг чандон зиёд бизда.

Халқимиз минг чандон меҳнаткаш. Бироқ ўтган етмиш тўрт йил қолдирган асорат...

Мамлакатдаги бугунги нотайинлик империя инқирози ёхуд ўтиш даврига хос хўжасизлик билан изоҳланмайди. Зеро, у кеча ҳам шундай эди, ундан аввал ҳам...

Хорижда, хусусан, тараққий топган мамлакатда бўлиб қайтган сайёҳ иттифоқ ҳудудига оёқ босган заҳоти буни теран ҳис этади: кўчалар ирқит, ахлатдон атрофида эзгиланган қоғозлар тўзғиб ётибди, дўкон қошида эса ҳорғин кишилар ўзимизнинг симёғочлар сингари қийшайиб туришибди...

Сочлари патак, соқол-мўйлови гарчи олинмаган бўлса-да, «Чашма»ни қўлтиғига қистирганча тилла топган тентак каби масрур кетаётган пиёнистага кўзингиз тушиб, баттар таъбингиз хира бўлади.

Хаёлга чўмганча

Қулоқ солиб ул —

Юпун деҳқонлардан эшитаман сўз:

«Совет ҳукумати бизларга маъқул,

Кўпроқ бўлса қани энди миҳ ва бўз».

Шуми истак,

Шуми ҳаётдан талаб,

Бўлса бас буларга картошка ва нон.

Нечун мен кечалар бахтимни қарғаб,

Нечун тақдиримдан

Бўлдим пушаймон!

Куни кеча бепоён мамлакатни чирмовуқдай чирмаб ётган империя исканжаси бугун нафрат ва норозилик илҳамига чидаш бера олмади. Воқеликнинг, демакки, иттифоқнинг юзини бамисоли паранжидай тўсиб турган алдамчи таълимот тутдай тўкилди ва тани жароҳат билан тўлиб битган, юраги қон силққан она Ватан, мавжуд Ҳақиқат бизнинг кўз ўнгимизда бор ҳолича юз кўрсатди. Бундай бўлиб чиқишини кутмаган эдик, шу боис шошиб унинг қаршисида ожиз қолдик биз...

Негаки, ҳали бунга тайёр эмас эдик — куни кечага довур — бўҳрон қўпган Мустақиллик ёвониға чиққунга қадар фикру ёдимиз турғунлик ва унганча бўлган давр астар-аврасини титиш билангина банд бўлди. Биз Орол фожиаси ҳақида жаҳон аҳлида фикр уйғотдик, аслида пахта пайкалларини қисқартириш ҳақида жуда кам ўйладик. Биз мактаб ислоҳоти хусусида бетиним ёздик, бироқ бугунги кун талабига жавоб бергулик бирон-бир дарслик деярли яратилмади. Болалар ўлими бўйича Ўзбекистон дунёда биринчи ўринда туради, дея-дея толиқдик ҳам, ҳар қанча воизлик қилмайлик, ўлимга маҳкум бирон-бир норасиданинг ҳаётини сақлаб қолиш, надоматлар бўлсинки, қўлимиздан келмади.

Оқибат нима бўлди?

Куни кеча барчани бирдек тўлқинлантириб келган муаммолар гарчи ҳал этилмаган бўлса-да, бугун эскирди, чунки даврнинг ўзи ундан-да муҳим, янги ва янги муаммоларни олдимизга кўндаланг қилиб қўяётди.

Бир пайтлар Олмония Демократик Республикаси пойтахти бўлган Берлин шаҳрининг «Олтин китоб»и мавжуд, шаҳарнинг фахрий фуқаролари исму шарифи мана шунга қайд этиб борилади.

Ҳитлер, Ҳеринг, Ҳеббелс ўттизинчи йиллари шундай юксак шарафга ноил бўлишган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин, табиийки, уларнинг номи бу китобдан ўчириб ташланиши ва ўрнига Оврупога тинчлик ва сотсиализм олиб кирган маршал Жуков, Берлиннинг биринчи совет комендантлари генерал Берзариннинг, фашистлар Рейхстаги қуббасига ол байроқ ўрнатган Кантария билан Егоровнинг ва бу ҳам камдек қолган-қутган бўлак ҳарбийларнинг номи зикр этилди.

Ҳаёт эса ўзининг табиий йўсинида давом этди, куни кеча биз абадий деб ўйлаган қарашлар бугун кунпаякун бўлаётди, орадан ҳатто ярим аср ўтмай «Олтин китоб»га тағин у ислоҳ киритаётди, урушдан кейин бизнинг хоҳиш-иродамизга кўра ёзиб қўйилган ўша номлар ҳеч шубҳасиз ўчириб ташланмоқда, уларнинг ўрнига эса немис халқи чин дилдан севган, инсоният тарихида эзгу бурилиш ясаган улуғ шахслар номи қайд этилиши сўралмоқда...

Шундай қилишга уларнинг маънавий ҳаққи бор, албатта.

Худди шу каби — ҳаёт бизнинг турмушимизга ҳам зарурий ислоҳлар киритмоқда. Лекин нима бўлганда ҳам, менинг назаримда, гоҳ сўз эркинлиги, гоҳ ўттизинчи йиллар қатли оми, гоҳ эса бўлак кўндалик муаммолар билан ўралашиб қолиб, маълум даражада эътибордан қочирилган масала — мактаб ислоҳоти, маориф ва маърифатдан ишни бошлаш лозим. Сир эмас, жамиятнинг ҳар бир аъзоси модомики бу ёруғ оламга фақат бир марта келар экан, шубҳасиз одамга ўхшаб яшасам, дейди. Гарчи шундай бўлса-да, имоним комилки, одамлар ҳар қандай қийинчиликка чидайди — агар борки маблағ уларнинг жигарбандлари келажаги таъминланишига сарф этилса!

Ҳа, шунча кўргуликка чидаб келган кишилар бундан буёғига ҳам чидайдилар, деб ўйлайман, аммо ибтидоий аҳволда қолиб кетган мактаб, унинг шароити, таълим ва тарбия аср талаби даражасига олиб чиқилмас экан, келажак насл — эртанги кун ҳам бой берилмади. Ва шунда биз чеккан риёзат, жамики машаққатлар, асоратда кечган бутун бир умр бирдан ўз моҳиятини батамом йўқотади. Шунинг учун ҳам тараққий топган ҳар қандай мамлакатда мактаб ва маориф, маърифат азалдан давлат аҳамиятига молик бирламчи масала деб қараб келинган. Пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоху алайҳи васаллам бежиз айтмаганки: «Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир».


Маориф ходимлари шароитга бу қадар кўникиб кетишгани, ростки, мени ҳайрон қолдиради. Дарсликлар қайта бошдан яратилиши зарур, афтидан, унинг муаллифлари гарчи тузум ўзгарса-да, ёзган қўлланмалари абадий яшаб қолишини жуда-жуда истайдилар, шу боис уларни замон руҳига мослаб пича ўзгартришаётди, шу тариқа қўлланмани янада яроқсиз ҳолга келтиришаётди. Агар сиз қайта кў-

риб чиқилган ва 1989 йили нашр этилган «СССР иқтисодий географияси» дарслигининг жилла-курса «Кириш» сўзи хотимасига диққат қилсангиз, бунга имонингиз комил бўлади: «Ҳақиқатан қудратли ва тўқин Русни бунёд этиш учун бизда табиий бойлигимизда ҳам, инсон кучи заласида ҳам ва халқ ижодига буюк революция берган ажойиб кенг кўлашимизда ҳам материал мавжуд» (В. И. Ленин).

Таржиманинг гализлиги қундай равшан, лекин гап бошқа ёқда — дохий нима демоқчи ўзи? Наҳот дарслик шу мақсадга хизмат қилса? Дунёқараш ҳам, дунёнинг ўзи ҳам ўзгарди-ку, ахир. Ешларни ортиқ аросатда тутмаслик керак. Улар чинакам билим ва одил нуқтаи назар соҳиби бўлишсин. Бунинг учун эса биринчи галда янги ўқув қўлланмалари яратилиши шарт...

Бу хусусда айтар гапимни Шоирдан кўркам-роқ йўсинда ифода эта олмасам керак:

Қўйвор набираниги, отажоним, Шарк.

угуннинг талаби жуда оддий: ҳар бир фуқаро қалол ва содик, ўз ишига масъул, фарзандлар тақдирига жавобгар, яъни том маънода яратувчи бўлмоғи керак. Ватаннинг эртанги қиёфаси бугун қўйилажак таъмол тошига, демаски, ҳар биримизнинг саъй-ҳаракатимизга бевосита боғлиқдир.

Ҳаёт илгари сураётган муҳим масалалардан яна бири меҳнат кишининг кадр-қиммати, пахтакорнинг кадрияти ва унинг сифат-саломатлигига дахлдор. Маълумки, ўтган йиллар мобайнида деҳқон бошига тушган мусибат ҳақида, у иқтисодий ночор аҳволга солиб қўйилганлиги ҳақида, пахтачиликда қўлланилаётган кимёвий дорилар унинг саломатлигига зийн-заҳмат өткизаётганлиги ҳақида озмунча мулоҳаза айтилмади. Хўш, амалда нима бўлди? Унинг саломатлиги яхшиландими ёхуд дастурхонига бирон-бир неъмат келиб қўшилдими? Бири икки бўлдимми деҳқоннинг? Ҳозирча, йўқ, оқибат аксинча яқун топаётир: бугунги кунга келиб, қишлоқ дўконларида бирдан-бир эҳтиёжталаб маҳсулот — бўлса нон бўлиб қолди, афсуски, у ҳам истаган пайтда топилмайди.

Сариёғ, гўшт, кийим-кечак ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Деҳқоннинг риёзати эса зиғирча камайгани йўқ.

Хўш, нега биз бу қадар аянчли аҳволга тушиб қолдик?

Биринчидан, мавжуд қонунлар қўлмак каби бир жойга тўпланиб қолмоқда, уларни ишга соладиган, кейин назорат қиладиган механизм йўқ ҳали.

Иккинчидан, инқирозга юз тутган тузумдан мерос — давлат буюртмаси ҳамда маъмурий исканжа ҳамон жон таслим қилган эмас.

Масалан, ҳозир бизнинг «Гигант» давлат хўжалигимиз ихтиёрида ялли харажатдан ташқари ўн беш миллион сўм миқдоридан соф

фойда бор. Барчага аён: агар биз тезда ундан фойдаланмас эканмиз, зиён кўрамиз, гап пулнинг кун сайин қийматини йўқотиб бораётганлигида ҳам эмас, бугуннинг талаби — пулни ғазнада сақламасдан, уни «ўйнатиш», туғдиришдир. Агар биз ўша маблағдан шундай ниятда фойдаланайлик десак, мавжуд маъмурий куч ҳамон монъалик қилади. Деҳқоннинг манглай тери завзига топган пулига ҳам банк хўжайин, нима қиларингни билмайсан киши.

Хўш, қачонга довуր меҳнаткашнинг пулига банк хўжайинлик қилади? Бу аҳволда қандай қилиб биз кичик корхоналар очишимиз мумкин?

Ҳозир барча имкон яратилган бўлса-да, ҳаётда ижобий ўзгариш кам сөзилаётир, демаски, аслида ҳам аҳволимиз чатоқ бўлган экан, деган фикрда юрган кишилар йўқ эмас. Аслида эса бунинг тескарисини, яъни иттифоқ гарчи батамом инқирозга юз тутган бўлса-да, давлат буюртмаси деган тамойил ҳамон муқим яшаб келаётир. Унинг кўнгилда норозилик туғдираётган жиҳати нимада?

Бизнинг хўжалик ҳар йили районнинг ўттиз уч фоиз пахтасини етиштириб беради, чизиб қўйилган ана шу чизиқдан четга биз чиқа олмаймиз. Деҳқонни ночорликда тутиб турган, гарчи аллақачон тугатилиши лозим эса-да, ҳамон яшаб келаётган исканжа айнан шу буюртма бўлаётир. Яшириб нима, турғунлик йиллари ҳар юз килограмм пахта етиштириш учун кетадиган умумий сарф-харажат ўртача миқдорда юз сўмни ташкил этар эди. Хўш, ҳозир-чи?

Уша кезлар бир тонна минерал ўғит (масалан, азот) эллик олти сўм бўлган, ўтган йили бу баҳо икки юз сўмга ўсиб чиқди. 1992 йилда эса шунча ўғитнинг нархи уч юз сўм бўлиши кутилмоқда ҳозир. Қишлоқ хўжалик техникасининг нархи эса ўттиз баробар ошди. Оқибат натижа шунга олиб келдики, ҳозир юз килограмм пахта етиштириш учун сарфланадиган харажат саккиз юз сўмдан ошиб кетди. Пахтанинг харид нархи неча баробар ўсди, деб сўрарсиз. Атиги уч баробар, холос.

Мен бу ерда яроқсиз ҳолга келиб қолган ҳар гектар экин майдонини қайта ишловдан чиқариш учун сарфланадиган беш-олти минг сўмлик харажатни айтмай қўя қолай.

Хуллас, манзарани аниқ-тиниқ кўз олдингизга келтириш учун биргина мисолга тўхталиб ўтман: 1991 йил бизнинг хўжалик заҳматкашлари жаами саккиз минг етти юз етмиш беш тонна ҳосил етиштиришди. Шунинг асосий қисми — етти минг тўққиз юз ўттиз бир тоннаси давлат буюртмасини бажариш учун пахта тозалаш заводига қўшқўллаб топширилди. Ундан келадиган тушум — йигирма уч миллион сўм атрофида.

Буюртма бажарилгач, ошиқча ҳосилнинг бир минг бир юз етмиш беш тоннаси хўжалик ихтиёрида қолди, ўртача уч юз ўттиз тонна то-

ла, дегани бу. Гарчи унинг сифати паст бўлса-да, шу боис нисбатан арзон, келишилган нархда сотсак-да, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, биз ўн беш-ўн олти миллион сўм даромад қиламиз. Ва шу ҳисобдан меҳнаткашларнинг маоши пилигини бир оз кўтарсак бўлади.

Кишилар ҳақ-ҳуқуқини танимас экан, ҳар қадамда унинг нонини туя қилиш, демакки, ҳақсизлик содир бўлаверади. Марказий жўрналлардан бирида Ворзёр қароргоҳида истиқомат қилувчи Е. Васковская шундай деб ёзади: уй-жойларни хусусийлаштириш, уларни сотиш йўриғи ҳам аслида адолатдан эмас. Нега? Е. Васковскаянинг ҳикоя қилишича, унинг етти пушти бир уйда туғилган, шу хонадонда яшаб ўтган. Давлатга ҳар ойда ўн беш сўм миқдоридан ижара ҳақи тўлаб келишган. Улар яшайдиган уйдагиларнинг етмиш тўрт йил мобайнида давлатга тўлаган ижара ҳақи икки миллион сўм миқдоридан бўлар экан.

«Бу ҳали биргина уйдан чиққан,— дейди у.— Бундай уйлар бутун бошли кўча миқёсида эса сон-саноқсиздир. Жуда ғалати-я, бизнинг пуллар қаяққа кетди ўзи? Нега ҳамоно биз турар-жойимизнинг ҳақиқий хўжайини ҳисобланмаймиз? Нима, шунча тўлов тўлаганимиз каммиди ҳали? Халқни шунчалик ҳам талашадими, а?..»

1990 йили Навоий шаҳридаги пахта тозалаш заводи хўжалик етиштирган ҳосилни жорий нархда харид қилди, орадан кўп ўтмай пахта-нинг харид қиймати кўтарилди. Бизнинг ҳосил, табиийки, талабгорларга янги нархда сотилди, биргина «Гигант» давлат хўжалигининг пахтаси ҳисобидан ўша завод тўрт миллион саккиз юз минг сўм миқдоридан мўмай фойда кўрди, бироқ пахтани етиштирган шўрлик заҳматкашга бу даромаддан ҳатто сариқ чақа ҳам тегмади. Уларни нафақа ҳамда компенсация билан таъминлаш ҳақида бировнинг боши қотмайди ҳам...

Заҳматни деҳқон чекади, пахтани деҳқон етиштиради, завод ҳам, унинг ишчилари ҳам аслида деҳқоннинг орқасидан кун кўради, бироқ толадан келади дарамад кўшқўллаб шаҳар бюджетига топширилади.

Нега?

Чунки завод шаҳар ҳудудида жойлашган. Вақтида пухта ишлаб чиқилган ва муайян қатламни талаш ниятида изчил йўлга қўйилган «сиёсат» меваси эмасми бу?

Қолбуки, деҳқон ҳам аҳли шаҳар каби яшасам дейди, ювиниш, тузукроқ дам олиш, турмушни маънилироқ кечириш мумкин бўлган имкон мавжудми унда? Йўқ. Унга шароит яратиш зарур, бунинг учун эса аввало деҳқонни ўз эркига қўйиб бериш лозим. Ерни, унга қандай экин экилса кўпроқ даромад келишини давлат режа қўмитасида ўтирган маъсуллар деҳқончалик билиши мумкинми, ахир? Деҳқонга ишонинг керак. Ернинг ҳақиқий хўжайини у.

Хўжалигимизнинг хийла йирик полизи ҳам бор. Шундан фойдаланиб консерва тайёрладиган кичик корхона очайлик десам, биров

кулди, бошқа биров томошабин бўлди. Ҳозир унинг маҳсулотлари кўзни қувонтираётир. Бухоро шаҳридаги тўқимачилик комбинатининг ускуналари маънавий жиҳатдан эскирган, шу боис улар алмаштирилаётир, биз ана шу ускуналарни харид қилмоқчимиз. Нега дейсизми? Кичик корхона очамиз. Ҳозирча ўша ускуналардан бемалол фойдаланиш мумкин, деб ўйлайман. Корхона ишга тушгач, озмунча киши иш билан таъминланадими! Ахир, хом ашё бўлса, етарли. Ўзимизда у қайта ишланиб, муайян маҳсулотга айлантирилса ҳазилакам даромад келмайди бундан. Бу маблағ ўз навбатида янги корхоналар очишда асқотади.

Ҳадемай вино ишлаб чиқадиган кичик бир заводга эга бўламиз, тошбақа асрайдиган фабрикага ҳам. Бу даъвом кимгадир кулгили туюлса, демак, у замондан орқада қолган, чунки хорижда тошбақанинг нархи ўн доллардан зиёд туради...

Хуллас, қиламан десанг иш, амалга ошираман десанг, ғоя кўп. Бозор иқтисодиётига шундай ўтайликки, ҳар бир инсон, у меҳнат қиладиган жамоа, хўжалик ўзгалар билан ҳақиқий рақобат қилишига имкон туғилсин, инсон ўз меҳнатидан манфаатдор бўлсин, агар биз шунга эришсак, сифат ҳақида куюниб гапиришга ҳожат қолмайди.

Халқимизнинг қўли гўл. Дастурхонини у турфа неъматга тўлдириб ташлашига ҳам ишонман, аммо бир муаммо ҳамиша мени ўйлантириб келади, у ҳам бўлса уй-жой билан боғлиқ. Ажабки, ўтган етмиш уч йил бадалида бизнинг хўжалик аҳли ишғол этган томорқаю турар-жой ҳажми саккиз юз олтимиш гектар ерни ташкил қилган. Икки мингинчи йилгача ишлаб чиқилган, фақат ва фақат янги оилаларга бериладиган уй-жой сатҳи эса бир минг бир юз гектар ерни ишғол этади. Хўжаликнинг бору йўқ экин майдони олти минг гектар, холос. Шунинг учдан бир фоизи...

Олимларимиз нечундир экин экиладиган майдонларни, умуман ҳосилдор ерларни иқтисод қилиш хусусида деярли ўйлаб кўришмаётир, эҳтимол шу боис бу муаммо эътибордан четда қолмоқда, ҳолбуки иқлим шароити ва миллий хусусиятлардан келиб чиқилган ҳолда замонавий талабларга жавоб берадиган кўп қаватли уйлар лойиҳаси аллақачон ишлаб чиқиши керак эди. Ҳеч қурса, кўп қаватли уй томорқа саҳни кенг-мўл бўлишини таъминлайди-ку! Аҳолининг ишга жойлашиши, унинг маданий-маиший шароити билан боғлиқ муаммоларни ҳисобга олиб, бундай қишлоқларда қатор кичик корхоналар очиш, маърифий, маданий ва тиббий қулайликлар яратилиши мумкин...

Биз ана шундай йўлдан бориш ниятидамиз. Бунинг учун пича эътибор ва бир оз ишонч, эркинлик бўлса, кифоа. Ҳар ҳолда, миҳ ва бўз, картошка ва нон кўпроқ бўлса бас, дейдиган замонлар ўтиб кетди, ахир шунга ҳам етмиш тўрт йил бўлаётир...

Навоий вилоятининг Навбаҳор тумани

**ҚОРАЙДИ
СЕВГИНИНГ
ҲАСРАТИДА ОЙ**

Пўлат Ҳафизулло

Инсон тарихи

Энг биринчи,
Энг сўнгги
Қўриқчидек
Кўзим тикдим
Муштдеккина ер куррасин бағримга босиб.
Учиб юрар ён-веримда
Сайёралар парвона каби.
Ўйга чўмдим
Муштдеккина ер куррасин бағримга босиб.
Чексиз дейдилар оламни, бироқ
Ўзга бирор одам кўрмадим.
Безор бўлдим
Чексизликнинг ваҳимасидан,
Танҳоликнинг азобларидан
Қутулмоққа чори изладим,
Йўлин топиб, сеҳр кўрсатдим.
Парчаланди ҳужайраларим
Бир-бирига сирдош бўлгани,
Дўстлашгани ва қувнашгани.

Юлдузлар қабри

1

Ҳорғин кеча...
Чақнади бир из,
Олис кўкда унсиз, умидсиз.
Чақнаб ўтди энг сўнгги нафас.
Учар юлдуз
Қабри кўкда йўқолди изсиз.

2

Ташвишланган юлдузлар
Узоқ-узоқ ибодат қилиб,
Ухлаб қолди кўзларин юмиб.
Булутлардан ёпиниб рўмол
Ой уфққа ботди мунғайиб...
Ухлолмадим,
Мунғайдим,
Ўт ичида ётдим тўлғаниб...

3

Қичқирдим:
Ҳой!
Тингла, тингла, қудратли Тангри,
Кенг осмонни айлагин гумбаз,
Кўксим бўлсин юлдузга қабр!..

Голиб Раҳмон

Қор ёғмоқда

Қор ёғмоқда гупиллаб, оқ қор...
Тўзимоқда нафис чечаклар.
Мен кўраман бироқ —
Зангор кўкда турналар учар.
Қор ёғмоқда гупиллаб, оқ қор...
Мен келаман бироқ —
Чаманларни қилиб поёндоз.
Қор ёғмоқда гупиллаб, оқ қор...
Мен эса эшитмоқдаман,
Тинглаб юрак тўймас бир куйни —
Оёғим остида
Сайрайди булбул.



Абдурахим Уткир

Навоий ғазалига мухаммас

Соядек эргашди ҳижрон боғланиб номим била,
Бир қувонсам не бўларди васли айёмим била,
Шунча йиллар куйласам ҳам завқи илҳомим била,
Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била,
Лоақал қизиқмади даврон менинг комим била.

Менам ғамсиз ёш гўдак эрдим, эсимда бир замон,
Энди мендек мубталони ҳеч тополмайди жаҳон,
Май шифо бўлғай деди, мен майпараст бўлдим шу он,
Дамодам ичдим майини, топғали ғамдан омон,
Заҳри ҳам гўё эзилмиш эрди ул жомим била.

Дер эмиш булбул саҳарда: мен гулим армониди,
Қанчалик армон анга, турса мудом гул ёнида,
Бир кўролмай ёр юзини қон ютиб афғониди,
Тунга етмас кунни ўткардим ўлиб ҳижрониди,
Кунга етмасманми воҳ, бу субҳи йўқ шомим била.

Майли дер парвона албат, қанча куйдирса чироқ,
Кетмагай ёр сурати ҳаргиз хаёлимдан йироқ,
Бир кўнгулга сиғмас асло икки ёр, икки фироқ,
Кўнгулим ичра ёр ғами, куфр ичра ўлсам яхшироқ,
Аҳли зоҳид олдида борғунча исломим била.

Яна куйдиргай фироқ, мен ҳам куйи ҳеч ўчмайин,
Ҳар сабоҳ уммид билан ўзга хаёлга кўчмайин,
Ўтмагай Уткир бироқ васлинг қуёшин қучмайин,
Эй Навоий, ўлсам армон элтгумдир ичмайин
Бир субуҳий гулузори бода ошомим била.

Бобур ғазалига мушоира

Кўрмадинг, сен, эй кўнгул, ороми жондин яхшилиқ,
Энди қандай кутгилик аҳли жаҳондин яхшилиқ.
Яхшига қилсанг ақиди, оқибат кўрсанг жафо,
Не ажабким, келмаса ҳаргиз ёмондин яхшилиқ.
Бир ёмон минг бир ёмонлик қилса жонга не ажаб,
Кўп ажаб иш бўлғуси келса чаёндин яхшилиқ.
Қилма парво тепса от, ваҳший эмасдир аслида,
Учса ҳам ножинс фалакка, кутма ондин яхшилиқ.
Яхшидин келса ёмонлик, яхшилик қил, қайтмаса,
Қайтадир бир кун сенга оллоҳ томондин яхшилиқ.
Иста, Уткир, яхшиликни барча авлод бахтига,
Кўрмасанг ҳеч гап эмас аҳли жаҳондин яхшилиқ.

Эркин Иброҳим

Ой ва булоқ

Ҳавога кумушранг халқалар осиб,
Биқирлаб қайнайди ойдинда булоқ.
Фикримни ўстирар шилдирашлари,
Еқимли куйларга соламан қулоқ.
Ойнадек булоқда жилваланган нур
Жон олувчи ибo, ноз-карашмадир.
Муаллақ турибман... юрагим гўё
Ойни ўз бағрига олган чашмадир.

Қорамтир ипак тўр ташилаган оқшом,
Турибман ингилиб номаълум ёққа.
Кумушранг нурларга чулганган толлар
Ойни осиб қўйган айри бутуққа.
Кулранг булутларнинг қўйнида шу чоқ
Қорайди севгининг ҳасратиди ой.
Булоқнинг уйқули шилдирашлари
Қалбимни уйғотмоқ бўлар ҳойнаҳой.
Нечоғли маъсума гўзал бу оқшом!
Булоқлар ойдинда хуш-хандон кулар.
Ой эса увада булутлар аро
Гоҳ ўқиб, гоҳ кулиб термулиб турар.

Эмин Усмон ўзбекчалаштирган



Абдусаттор Носирий

Тақдир

Тушига мушук кирса
Қўрқадиган маъсум қиз
Ўттиз йил қучоқлаб ётди-я
Бир ёвуз бўрини...

Тупроқ хислати

Она тупроқ хосиятидан
Қўз ёшимиз ҳам,
Пешона теримиз ҳам,
Томирдаги қонимиз ҳам
Тузlidir.
Ва балки
Сўзимиз ҳам, виждонимиз ҳам...

Вақт тасвири

Аста-аста юриб,
Чиққиллаб,
Соат миллари
Олиб кириб кетди
Қуёшни судраб
Тун зулматиға...
Сонсиз юлдуз
Ясаб шу заҳот
Тизиб қўйди
Ойнинг бўсағасида...

Ҳақиқат

Ҳақиқат ойнага ўхшайди,
Талқон қилиб парчаланса-да,
Ҳар заррасининг
Қўрар кўзи бор!..

Исмоил МАҲМУД ўзбекчалаштирган



ТУРКИСТОН ҚАЙҒУСИ

БИСМИЛЛОҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ



Алиқонтура
Соғуний

Муаллиф ҳақида қисқача маълумот:

Алиқонтура Шокирхўжа ўғли Соғуний (1885—1978 йй.), ижтимоий арбоб, ҳарбий саркарда, олим ва табиб. Хозирги Қирғизистон жумҳурияти ҳудудидаги Тўқмоқ шаҳрида туғилган. Насл-насаби андижонлик ўзбеклардан. Мақоа. Мадина, Бухоро ўқув юрглари ва медресаларида билим олган.

Маҳаллий ҳалқнинг Чор ҳукумати сиёсатига қарши чиқиши (1914 й.) ва кўзғолонларида (1916 й.) фаол қатнашган. Совет ҳокимияти йилларида иккинчи бор муҳожирликка кетгунча (1930 й.) беш марта репрессия қилинган. Хитой тасарруфидаги Шарқий Туркистон (Уйғуристон)да тўрт йил сиёсий маҳбус сифатида оғир турма азобларини бошидан кечирган.

1944—1946 йиллардаги уйғур ва бошқа ерли халқлар миллий озодлик ҳаракатида раҳбарлик қилган. Шу инқилоб натижаси бўлмиш мустақил Шарқий Туркистон ислом жумҳуриятининг биринчи президенти. Миллий армия бош қўмондони, жанговар маршал СССРга зўравонлик билан олиб қилинган.

Алиқонтура «Тарихи Мухаммадия», «Шифоул-илад» («Қасалликлар давоси»), «Асосул-ислом» ва парчалари босилаётган мазкур эсдаликлар муаллифидир. «Темур тузуқлари», Аҳмад Донишнинг «Наводирул-вақое», Дарवेश Али Чангйининг «Мусика рисоласи», Ҳерман Вамберининг «Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи» каби шох асарларни таржима қилганлар. Уирларининг сўнгги 30 йили то вафотларигача Тошкентда кечди.

«Ёшлик» жўрнали таҳририяти муаллиф услуби жазибасини тўзавлигича саклаб қолиш максатида асар матнини таҳрир қилишни лозим топмади.

Улуғ руҳли, тўлиқ ақлли кишиларнинг айтишларича, ҳар одам ўзиде бор яхшиликларидан, илм-ҳунар фазилатларидан бошқаларга фойда етгудек, кейингилер ибрат олгудек бир асар ёзиб қолдириши, албатта, лозимдир.

Мен Али Соғуний ёшлик — йигитлик кунларимдан бошлаб арабий, форсий тилларни тўлиқ равишда ўзлаштирдим. Замоннинг менга кўрсатган тўққинчиликларига қарамай Тангри ёрдами билан кенг кўламада диний, тиббий, айниқса, тарихий маълумотларга эга бўлдим. Арабча, форсчаларни ёзиш, сўзлашгани эмас, балки бу икки тилда китоб ёзиш, шеър айтиш қобилияти менда бўлса ҳам, ўз она тилим туркчани бошқа тиллардан ортиқроқ кўрдим. Чунки қайси бир миллатнинг она тили ўз хожатини ўтай олмай, бошқа ёт тиллар олдиде мағлубиятга учраб, тиз бунгар экан, ундай миллат кўп ўзқилламай инсоний ҳуқуқларидан ажрайди ва унинг ҳаёт вафталари устига инкироз қадами чекилиши шубҳасиздир. Бундай миллатлар ёлғизгина Ватанларидан эмас, балки бутун борлиги билан тарих юзидан йўқолишга мажбур бўладилар.

Энди юкорида оқиллар тилидан айтилган сўзга қараб, ўзимда топилган фазилатлардан тарих илмини танлаб олдим. Чунки шу хозирги давримиз 1966 йилда ўз Ватанлариде туриб ғариб бўлган халқимиз учун тарих илми балиққа сув ўрнида бўлиши кўлдан бери менга сезилмиш эди. Утмишдаги тарихни унутиб, андиги тарихни туймаган бир миллат қоронғуда қолган, қўлида таёғи йўқ чўр киши каби қайқа оқ қўйишини билмаганликдан, душман отақчиси кейинидан қетишга мажбур бўлади. Очиқ фикрли, селғир Ватан ўғиллари тарихнинг қандайин зарур эканлигини менин шу сўзимдан илҳом олиб чуқур тушунишлари керак.

Энди Ватаним мени суймас экан, мен уни суйгандигимдан, улусим мени танимас экан, Ватаним билан Ватаним устида бўлаётган тарихий ўзгаришларни ва ҳам бунинг қалажакдаги ёмон натижаларини ивсосатиб, Ватани болалариде улғу* бўлгудек, бошқалар бундан ибрат олгудек тарихий бир асар ёзишга киришдим.

Бирок мен ёлғизгина исломпараст эмас эдим, балки яралишимдаёқ инсонпараст эдим. Халққа қайси йул билан яшлилик қила оламан деб, ёшлик — йигитлик даврларимни ғам-қайғу кунлари билан ўтказдим. Энди эса соч-соқолим оқариб, харилигим етди. Ешим саксонга зришиб, ички-ташки кучларим орқага чекинди. Қариллик юки остида бувила туриб олдимизда кўрине бошлаган ҳалокат чуқури ақиллашаётганига чидаёлмай, қалажам бўғин — наслларимизга ғам-қўрлик учун, хар ёқлама қийинчиликлар бўлса ҳам, шу тарихни ёзишга бошладим. Қаламим дилидан дардлик сўзларим қонлик кўз ёшиме менгазоб* бу китоб арақлари юзига тўкилиш эди. Шунинг учун бунинг отини «Туркистон қайғуси» қўйдим.

Лекин мен бу асаримни бундаги тарихий сўзларимни

* Улғу — намуна.
* Менгазоб — ўзшаб.

ҳозирги Ўзбекистон аталган ўз ватаним улуғ Туркистон номига ёзишни керак эди. Бирок, бу ерларда бўлиб ўзгон¹ сўнги кунлардаги энг оғир ҳодисалар, даҳшатли воқеалар тубсиз дегиз наби туганимас дoston бўлганликдан вақтинча бўлса ҳам виларни кўя туриб, шу кунларда аждарҳо озгизга келиб, биздан ҳам идеологик қатлиш олдидан турган Шаркий Туркистон устидан ёзмоқни ортиқроқ кўрдим. Чунки бу арда 1931 йилдан 1946 йилгача бўлиб ўтган улуғ тарихий воқеаларга ўзим бошчилиқ қилиб, эмгагим² синган, кўзим кўрган эди. Бошқа виждонсизлар каби тарих юзини қоралашдан сақланиб, ўтган ҳодисаларда бўлган воқеаларни ҳеч ёққа бурмасдан, бўлганича тўғри ёзишни ўзимга лозим тутдим. Шунингдан бу икки ўлжанинг тарихий, сиёсий ҳоллари эса бир-бирларига қаттиқ боғланган эди. Ва ҳам бутун дунёга майдон ўқиган³ совет ҳокимияти 1917 йили қурилган шундан бошлаб, 1931 йилгача булардан кўрилган даҳшат-ваҳшатлик кунларни тирмондан бир донга, балки дегиздан бир қатра каби бўлса ҳам ёзиб ўтмакни тарихий вазифам деб билдим.

Шунинг учун ҳечқис қудратли улуғ Тангрига сизинган ҳолда Шаркий Туркистонга ўтганимча кўрган ишларимни баён қилмоқчи бўлиб сўзга киришдим.

«Ҳаёт тарихи инсонларнинг синфий қурашларидангина иборат», деган хато фикр Карл Маркс томонидан уртага отилган кундан бошлаб, халқаро Шириқиб ётган ҳасад ўтя кўзғалиб, инсоният оламига фитна-фасодлар эшиги очилмиш эди. Бу фикрни кўрларча қабул қилувчи одамлар кўлига ҳукумат ўтгандан сўнгра залқ ўртасида синфий айримчилиқни ва ҳам ҳусусий мулкий йўқотиш учун ишчилар ҳокимияти номидан даҳшатли қонунлар чиқардилар. Шунинг натижасида қора ишчи, нодон даҳқонлардан бошқа халқ ичида «ҳақлик-ҳақсиз» деган фитна ғавғоси бошланди. Диндорларча—Оллоҳ оdatига, даҳрийларча—табиат қонунига қарши туришиб, ҳаёт оламида бир текис ҳақли яратилган инсонлар ичида бир қисмини ўзлари чиқарган ҳаёлий қонунларига асосланиб, туб ҳуқуқларидан бутунлай маҳрум қилдилар.

Бу орқали отилган-чопилган гуноҳсиз кишиларнинг ҳисоби йўн эди. Булардан ошиб қолган ҳақсизлар ва ҳам қочиб-пусиб юриб кўлга тушмаган кишилар ҳақида ҳар турли жазо белгиладилар. Баъзиларнинг борлиқ нарсалари ерғуқланиб⁴ бола-чақалари кўчаларга ҳайдалиб, ўзлари узок ерларга сургун қилинди. Кўллари эса узун муддатлик қамоққа олиниб, оғир хизматларга солинди. Халқ ўртасидаги баъзи бир одамларни кўрқитиш ва алдаш йўллари билан яширин айғокчилик вазматларига боладилар. Уриш-сўқиш ва қийнашлар даҳшатидан аймонлик-иймонсиз, виждонлик ва виждонсиз кишилар бу мансаблардст жаллодлар олдидан бир текис туришга мажбурдилар. Чунки топшириқлари тўлиқ равишда бажарилмас экан, улар учун белгиланган оғир жазолар дарҳол амалга ошмоғи шубҳасиз эди. Ҳеч қандай гуноҳсиз, лекин ўзларига қарши деб билган кишиларни товуш чикмас ар ости уйларга киргизиб, қийноа остида ўлдириб каби ваҳшийликлари оdatдаги ишлардан эди. Бу жаллодлар кўлига тушган бахтсиз мазлумлар қийновининг қаттиқлигидан кўнгилларидаги сўзлари, кўмилган моллари яширин қолиш буён турсин, умрларида эшитмаган, киши ҳаёлига ҳам келмаган сиёсий тухмат сўзларни икром қилишга мажбур бўлганликларидан кўллари фожиаали ҳалок бўлдилар. Инқилоб бошланиш даврларда кўзга кўринарлик кишилар ўз уйларига сиймаганликларидан мен

ҳам ўз ватаним Тўқмоқ⁵ шаҳрида тура олмай, бизден 100 чакирим⁶ йироқ Сўкулук деган жойда дунганлар ичида кун кечиришга мажбур бўлдим. Чунки Бухоро ўишини уша замон одатича битириб қайтган сўнгида, диний илм ўқувчилари, оз бўлса ҳам, шулар ичидан топилар эди. Бунинг ўстига бошқаларга қараганда ҳар тўғрилиқ бизга ёрдамчи эдилар. Дунган халқининг келиб чиқиш тарихини, ўрни келганда, албатта ёзишимиз бизнинг вазифамиздир.

1919 йил охирида Пишкакка қарашли Қораболта, Оксу бўлиб, ўн саккиз рус кишлоқлари бирлашган ҳолда коммунистларга қарши кўзғолон кўтаришди. Бойликка ботиб ётган Пишкак, Сўкулук дунганлари ҳам тушунмасликдан бу ишга қўшилиб қолдилар. Натижада тортқилик⁷ бутунлай улар устларига тушиб, энг оғир зарбалик қалтаклар бошларида ушатиди. Шундоқки, бах юз уйликка ётмаган Пишкак, Сўкулук дунганларидан саккиз юз иккинчи ҳайдаб келиб, бозоо ватанида пулдан тута тутдилар. Булар ичидан ўк тағмай қолган ёки ярадор бўлиб жони чиқмай турганларини қизил аскарлар оралаб юриб, найзалаб ўлдирдилар. Кўзғолончилар маркази бўлган беш минг чамали аҳолиси бор Оксу кишлоғи русларидан, илгари-кейин бўлиб, ўлим жазоси кўрганлари ўттиздан ошмаган эди. Оллоҳ сажасга бало йўқ дегандай, шу йили Сўкулукка боришдан мени сақлаб, бу каби натижасиз конлик кўзғолон офатларидан Ўзи асра-мишдир. Шу воқеа бўлмишда мен Тўқмоқдан саккиз чакирим шимол тарафдаги Дунган кишлоғи Қорақўнғиз масжидида турган эдим. Пишкак, Сўкулук қочоқлари қилич, милтиқ каби борлиқ қуролларини осинган ҳолда таниган-танимаган аралаш, мени қора тортиб, устимга тушдилар. Буни кўришган масжид қавмлари ўз бошларидан кўрқиниб ва яна мени аяшганларидан уларни бу арда кўндирмаслик учун маслаҳат кўрсатган бўлсалар ҳам, унга мен розилик бермадим. Бу каби улуғ офатлардан мени неча мартаба асраб ўргатган меҳрибон Тангоим илтифотига ишонганлигимдан бу мазлумларни эрларча очик юз билан қарши олиб, синик кўнгилларини кўтардим. Бу арда яширинли қолиш имконияти йўқлигидан, бош-оёғи икки-уч кун туришгандан сўнг Олма-Ота, Ериван чагаралари орқалик Фулжага ўтмакчи бўлиб кетдилар. Сўкулук дунганларининг тузларини тоғиб, яшйилиқларини кўп кўрган эдим. Уларнинг ичида ишонилик шоғирдларини ва дўстларим кўп эди. Бундай вақтларда борши татарлик бўлса ҳам чидаб туролмай, уч-тўрт шоғирдларим билан бир арава киши бўлиб, Сўкулук томонга йўл тортдим. Пишкакка келгач, дунган қаласи⁸ йўл устида бўлганлигидан ораалаб ўтишга тўғри калди. Яқинлашиб борган сайин бундаги кўз кўрган кўнгилсиз нарсаларни тил сўзлаб, қалам ёзиб чидаёлмайди. Интизомлик аскарларга, қуролли кучга тили бўлақ, дини бўлан бир қанча йигинди, кўли қуруқ қора куч кишилари қандай қарши турсинлар? Табиат оламига Илоҳий томонидан юборилган улуғ лайғамбарлар ҳам шу табиат қонунига бўйсунмасдан бошқа ҳеч қоралари йўқдир. Уруш фанларининг қонуни бўйича аскарнинг сон-саноклари, қурол-жабдуқ ва аскарини интизомлари энг будмаганда душманникидан тубан ва оз бўлмаслиги биринчи шартдир. Агар шу шароит кўлга келар экан, у ҳолда диний-миллий ҳақоратга бўйсунмасдан душманга қарши қуролга кўл сунмиш, албатта, фарз бўлур. Агар бундай бўлмаган тақдирда ўзини уриясиз ўтга уришдан сақланиб, вақтинча сабр қилишдан бошқа чора йўқдир. Биз ҳозирданок шундай шароитсиз оғир аҳвол устида турамыз.

Маҳалла кўчасида ўтаётганимизда йўл бўйлаб талон-булон қолдиқлари, сочилиб ётган нарсалар, куйдириб-ёндирилган иморатлар ичида вайрон-талқони чиқиб ётган томлари кўзга қорпилмоқда эди. Буларни кўргач, кўз ёшимиз қуримасдан шу юрганимизча мазлумлар қонлари билан бўялган Сўкулук кишлоғига кирдик. Бу воқеа ўтиб ортидангина борганилигимиз учун мусулмонлар отилган-чопилган кўчалардаги қонлар тозаланган бўлса ҳам, бошқа белгилари йўқолмаган эди.

¹ Узгон — ўтган.

² Эмгагим — меҳнатим (эмгак — меҳнат).

³ Майдон ўқимоқ — Икки рақиб кўшини урушмоқ учун бир-бирларига яқинлашиб келгач, бир томон кўшинидан ўртага баҳодир(лар)ни чиқиб, бирга-бир жанг қилиш учун бошқа томондан баҳодир(лар) талаб қилиши. Оdatда, майдон ўқувчи баҳодирлар рақиблар кўнглига вулдула солиш маънасида ўз қаҳрамонликларини бирма-бир санаб, душман томонини сўз ва ҳайбат билан қамситганлар. Майдон ўқиб бўлиб, баҳодирлар бирга-бир олишганлар. Олишув тугаши билан икки томон кўшини жанг бошлаганлар. Утсочар қуроллар чиқиб кенг тарқалгач, ушбу ҳарбий аъъона кўяланимайди-ган бўлади.

⁴ Ергуқланиб — татга туширилиб, яъни мусодара этилиб.

⁵ Тўқмоқ — Қирғизистон пойтахтидан 60 км. нарида жойлашган шаҳар.

⁶ Чакирим — масофа ўлчов бирлиги; 1 чакирим — тахминан 800 м.

⁷ Тортқилик — кўргулик.

⁸ Қала — янги маъносидда.

Соқчи кишилари бизни бошқа ёқдан келганимизни кўргач, олдимиздан тўсиб идораларига бошладилар. Улганларнинг хотин-қиз, етим болаларига аталган бир нанча буюм, кийим-бошларни кўрсатиб, ердан учун келганлигимизни билдирди. Сўнгра кўл хатларимизни* текшириб, бизга рухсат қилган бўлсалар ҳам яна орамизда ишонмаслик пайдо бўлиб, янчагина сўз ўтмиш эди. Маълумдирки, мажлумиятида эзилган қуролсиз дудуқ тиллар ғолибият зулми билан ғурурланиб турган, ҳар бирининг тумшугидан кўнгиз қурти тушган қуроллик шавҳам тиллар олдида нима дея олардилар?

Шу билан ғолиб душман олдида қандайдир қутилиб чиққаннимиздан сўнгра ердამга келтирган озди-кўлди нарсаларимизни тарқатди. Улганлар оилаларига кўз ёшимиз билан қуръон ўқиб, кўнгиш айтди. Бу фойдасиз фитнада меним ўз шоғирдларимдан йигирмадан ортиқроқ киши шахид бўлиш эдилар. Булардан энг катталарининг ёши ўттиздан ошмаган эди.

Шундай қилиб, бу жойда икки-уч кун турганимиздан кейин, у ердан қайтиб ана Тўқмоққа келдик. Қиш ўтиши яқинлашиб, ердан кўкатлар янгигина бош кўтармиш эди. Бир кун ирталаб кўча эшигимиздан чимнингидир чақирган товуши эшитилди. Қарасам, ўз маҳалламиздаги Мирзабой деген киши экан. У мени кўргач, кўзимга ёш олиб: — Сизга яқшилиқдан бошқани тиламаймиз. Ҳозирги ҳукумат олдида эшитишдан бўйича, устигиздан ҳар турли хабарлар бор ўхшайди. Эндиги маслаҳат шулки, манави ишлар избости бўлгунча ўрин ўзгартириб, бошқароқ ерда туришингиз ялшироқ кўринади, — деди. Унинг ўз сўзидан уйғониб, қандайдир эҳтиёт юзасидан ёт бир ҳукумат тупроғига ўтмакчи бўлиб, сафар жамалласига киришдим. Лекин бошқа чегаралар биздан йироқ бўлганликдан Қошғар томонига ўтишни маъжулроқ кўриб, жонфидо шоғирдларимиздан дунган Довудхожга сафар йўлдоши бўлиб, йўлга тушдим.

Боласоғун (Тўқмоқ) билан Қошғар оралиги оглик ўртача юришга ўн-ўн бир кунлик йўлдир. Боласоғуннинг лақаби эски туркча Моқулдолик бўлиб, «моқул» — «яхши», «болиқ» — «шаҳар» демакдир.

Ушмондан кўп миллар илгари Исиккўл бўйларидаги Бешболиқ билан Боласоғун шаҳарларида ўғурларга ўхшаш ўтроқ маданий турклардан ўғуз турклари яшаган эди. Рум подшоҳлари лақаби* «Қаисар», Эронники «Хисрав» бўлганидек, Бешболиқ, Боласоғунга ким подшоҳ бўлар экан, бунга «эдикути» лақаби қўйилур эди. Аслида Туркистон бешиги ва пойтахти Бешболиқ, Боласоғун шаҳарларидир. Ҳозирда Исиккўлнинг кунгай, тескай томонлари бўйлаб сув ичида қайиқ билан юрган кишиларга Бешболиқ харобалари кўриниб туради. Биз бола вақтимизда кўлнинг савзроқ еридан бир ҳаммом биноси топилиши эди. Ундан чиққан пишиқ гиштлардан киргизлар олишиб, ўлган манопларни* қабрлари устига бир нача гўмбаз ясаганлари ҳали эсимизда бордир. Кўлнинг тўлкилари билан чет ёқга сурилиб — чиқиб қолган ўша замоннинг уй асбоблари, деҳқончилик соймонларини шу кунгача ҳам топиб оладилар.

Бу Бешболиқ аталган шаҳарнинг хароб бўлишига келсак, биз кўрган тарихларнинг ҳеч бирида бунинг баёнига кўзимиз тушмади. Утмишдаги табиат узгаришлари орқали ер тебраниши билан шаҳар ўринлари қулга айланиб, сув остида қолган бўлиши ҳам мумкиндир. Қандай бўлса ҳам, Бешболиқ харобаларидан топиладиган асарлар эскидан бери ўтроқ туркларда илм, маданият борлигини билдиради. Боласоғуннинг қурилиш тарихи шундайки, миллодийдан икки минг йиллаб илгари ўтган Эрондаги Кибъий подшоҳларидан Найковус, Кайхисраъ замондоши эрбўйча «Афросиёб», туркча «Дукухон» аталган турк ҳокимининг учинчи пойтахти эди. Анинг биринчи пойтахти Самарқанд эканлиги ҳақида тарихчилар шубҳа қилишадилар.

Бироқ, шаҳар четдаги кенг майдон харобаси ерлик халқ оғзиде «Афросиёб» деб аталиши ва бу яқинларда у ердан миллодийдан аввалги давр асарлари топилиши турк ҳокими Афросиёб пойтахти эканлигини қувватлайди. Бунга кўра, Самарқанд шаҳри жаҳонгир Искандар Мақдуний томонидан қурилган, деган баъзи тарихларда ёзилган сўз асоссида бўлиб қолади. Чунки Искандар Афросиёб давридан кўп йиллар кейин келганлиги ҳаммага маълумдир.

Тарих ҳижратининг 536-йили (миллодий 1141 йил) Хитой Кухон билан султон Санжар Бинокат* яқинида тўқнашиб, ундан қаттиқ енгилимиш эди. Бу урушда Санжар аскарлардан уттиз минг киши қурбон бўлмишдир. Шу билан бутун Мовароуннаҳр Санжар кўлидан чиқиб, 71 йил Хитой Кухон кўлида қолди. Сўнгра хоразмийлардан султон Маҳмуд Кухон аскарини Бухоро, Самарқанд, Фарғонадан ҳайдаб чиқарди. Тироз (Талас, ҳозирги Жамбулда) бўлган урушда Кухон тарафдорлари бутунлай енгилиб, бош кўмондони Таянку асир олинмишдир. Бунга англагач, Кухон Олмалиқ, Бешболиқ туркларидан ўз кўмондосига кучлик қўшин тузиб, қатган ерларини қайтариб олиш учун йўлга чиқди. Тироз ғалабасидан сўнгра султон Маҳмуд Таянку бошлиқ бутун асирларни олиб Хоразмга қайтмиш эди. Кухон хабарини эшитиши билан Борлиқ аскарини унга қарши келтиради. Яна Бинокат яқинида икки ҳукмдор кўмондонлиги остида иккала томон ҳам турк асарлари бўлганликдан энг қаттиқ уришдилар. Бу урушда Кухон тарафдорлари очик енгилиб бўлмасалар ҳам, Кухон орқага чекинмишга мажбур бўлди. Чунки бу орада Олтойдаги найман туркларидан Тоёнзон ўели Кучлуктон Кухонга қарши орқа томондан ҳужум бошлаб, Олмалиқ, ҳозирги Ёлжа шаҳрини олиб, Боласоғунга келётган хабари анданмиш эди. Бу чекинмишда хоразмийлар орқадан тақамиш* бериб, Тирозга өткунча қуяғун қилдилар. Бу ерда ҳам Кухон тўхтаб қаршилиқ кўрсатмагач, бу чекинмиш уруш алдози бўлмасин деб, султон Маҳмуд шу ерда тўхталиб қолди. Кухон шу юрғанича юриб, Боласоғунга келмишдир. Қараса, қала қосқалари анинг юзига ёпилмиш эди. Чунки бу ердаги ўғуз мусулмонлари хоразмшоҳнинг Кухонча ғалаба қозонганлигини англашиб, унинг томонидан қўйилган шаҳар босқоқларини* ўзига қаршлиқ кишилари билан қолдирмай ўлдиришиб, султон аскарининг қолишини қутишмоқда эдилар. Бироқ, уларнинг Кухон ортидан өта келиб душманга энг сўнги зарбани бергудек кучлари йўқ эди. Шунинг учун ердამсиз қолган Боласоғун шаҳрини кўчманчи турк улусларининг ҳар туридан тўпаланган қўшин билан келётган Кухон қаттиқ қамал остига олди. Қурол-жабудқлари тўлиқ, уруш устидан қайтган, қизикқан ўлжаларига өта олмай қўллари қуруқ, өз бўлганда юз минг чамалиқ аскар қаршинида у замон шароитига нўра бу шаҳар халқни қандай чидаб тура олсин? Қамалдан 16 кун ўтгандан сўнгра оч бўридай очикқан кўп аскар куч билан кириб, шаҳарни олдилар. Ўлжа, асирлардан бошқа бу урушда мусулмонлар енгилиши минг киши ўлдирилмиш эди. Шу билан Ўғузхондан қолган эски маданиятлик ўтроқ ўғуз турларининг маркази саналган қутлуг Боласоғун шаҳри ҳаёт оламидан қуз юлмишдир.

Чингиз даврига келгунча Туркистон халқи ичида бундай киргин бўлиб, кўп қон тўкилмаган эди. Бу шаҳар ўзининг ўтмишдаги шонлиқ шарафини таниқлик бергани ҳозирги вақтгача Оклешин, Тўрткўл, Бурона харобаларини қолдирмишдир. Бу ерда ноҳақ тўкилган қонлар эгалари Бурона минсраси шаходат бармоғини кўтариб, ўзларининг исломиётларини сўнгишларга билдириб турадилар.

Бутун турк улусининг эски маданиятлик адабий тили намунаси ҳисобланган «Қутадағу биллиқ» («Қут оглик биллиқ») китобини ёзган Юсуф Ҳожиб боласоғунлик эди. Ислам оламида шухрат қозонган машҳур луғат китоби «Смходу Жаваҳарий»ни арабчадан форсчага таржима қилувчи Жамол Қарший ҳам боласоғунликдир, «Тарих Рашидий» (Қошғар

* Йўл хати — махсус рухсатнома, башаевчилар ҳокимиятнинг дастлабки йилларида бир жойдан бошқа жойга боришга ана шундай ҳужжат билангина рухсат берилган.

* Лақаб — бу ерда унвон, титул маъносиде.

* Маноп — еслода, оқуған.

* Бинокат — (Баюкат) — Сирдарёнинг ўнг қирғоғида, Охангарон сувининг қуйилиш жойида бўлган ўрта аср шаҳри. Кейинги номи Шохруҳия.

* Тақамиш — тўлққ енгилмаган душман аскарини ҳолдан тойдирши мақсадида олиб бориладиган жанг тактикаси; ҳарбий атама.

* Босқоқ — ҳоким.

тарихи)нинг эгаси Мирзо Хидир Кўрагон бир вақтлар Боласоғунда юзлаб китоб тесниф* қилувчилар бўлганлигини тарих китобида ёзишди.

1908 йиллари Боласоғун харобаларидан 15 чақиримча шимолдаги ҳозирги Тўқмоқ шаҳридан бир қабр тоши топилган эди. Ундаги арабча хатни ёшлигимда ўзимча ўқиб чиқарган эдим. Орадан олтмиш йиллаб узок вақт ўтган бўлса ҳам мазмунни ёдимда қолмишдир. Анинг мазмунини, шу қабр эгаси ўз замонасида энг улуғ олимлардан бўлиб, бир неча китоблар тасниф қилганлиги, ёши ўттизга етмай туриб 800 ҳижрия тарихида шахид бўлганлиги маълум бўлади. Бу тошдаги бутун хатларни ёзиб олишга қизиққан бўлсам ҳам унга улгуролмай қолдим. Чунки, у тош Тўқмоқдаги дунган бойларидан Мухаммаржон Шийсонғуй уйда сақланур эди. Мусулмонларнинг байрам кунлари одат бўйича уларни табриклаш учун ўруслардан бир неча шаҳар бошлиқлари келмиш эканлар. Киши кўнгли қизиқарлик, кўриниши ҳайкал мисоллик бўлиб, бу унинг тоқчасида турган тошга оч кўзлари тушгач: — У нима? — деб сўрайдилар. Маълумот топгандан сўнгра: — Буни биз оқ подшоҳнинг музейига юборамиз, — деб олиб кетган эдилар. Шундай бўлиб бошқа нарсаларимиздан ажраганимиздай, бундан ҳам ажраб қолганмиз. Йўқ эса тошнинг бош-оёғигача бўш ўрин қолдирмай анчагина тарихий сўзлар ёзилмиш эди.

Хар ҳолда, боши — Иссиқкўл, оёғи — Мерки, етти-саккиз кунлик йўл бўлиб туташган харобалар, узун йиллардан бери булардан чиқаётган эскилик тарихий асарлар ўз даврида бу ерлар ўтроқ, маданий ўғуз туркларининг ободон шаҳарлари эканлигини исботлайди. 1960-йилларгача совет ҳукуматининг эскилик изловчи қазувчилари Оқлешин харобасидан бир хум тула китоб, яна Буруна атрофида бир қудуқ ичидан исломдан илгари энг эски турк хати билан ёзилган бир китоб ва ҳам бир неча тарихий асарлар топганларини кўрган кишилар бизга сўзладилар. Шу 1965-йил Тўқмоққа борганимда ўтганларни эскириб руҳига дуо қилиш учун Боласоғун харобасига чиқдим. Ерлик кишиларнинг айтишларича, шу йили колхозчилар ер ҳайдаб юрганларида бир хум олтин топмиш эканлар. Узро келиша олмасдан барини ҳукумат олиб, ўзлари қуруқ қолибдилар. Яна Тўқмоқ бозорининг қаршиси — Чу сувининг у томони Шўртепада Кухон хитойдан қолган бир сафил* бордир. Иккинчиси бундан қирқ чақиримча тубанроқ кун ботиш тарафида чўнглиги* унга неча баробар келгудек яна бир сафил бўлиб, ўз вақтида шаҳар кўрғони эканлиги очик кўриниш туради. Менимча, босқинчи Кухондан қолган ерлик асарлардан Эдикут ўлкасида шу икки сафил харобаларидан бошқа бирор нарса қолганлиги маълум эмас. Бироқ ўзлари билмасалар ҳам халқ оғзига икки оғиз хитой сўзи: бириси — «домло», иккинчиси — «шийпонг» шу кунга довура сақланиб қолмишдир. Ававалгиси — «чўнг мулла», кейингиси — «зиёфат уйи» демасдир. Энди шу кунларда эса бу ўлканинг жанубий томонида қирғиз турклари, шимол томонида қозоқ турклари яшайдилар. «Тарихи Комилда қирғиз турклари арабча «тағарғар» аталмишдир. Бу китобнинг айтишича, улар тахминан исломдан бир-икки юз йилгина кейин шимолдаги мўғул ва урвта қабл кучлик турк довурадининг чопулларига чидаёлмай жануб томонга чекиниб, Эдикут ўлкасидаги Боласоғун тоғларига тарқалмиш эдилар. Сўнги кунларда уларнинг уруғлари ўсиб, куч олиб соғлари кўпайгач, кўчманчилик одати кўзголиб, шимолдан қувғин еб келганлари эсдан чиқиб, ўтроқ ва замонасига кўра маданий ҳисобланган ўғуз турклари устига кўз очирмай чопул* қилгани турдилар. Кучлик қуролга эга бўла олмаган шаҳар халқи уруш майдонларида ҳар вақт дала кўчманчиларидан енгилишлари одат ҳукмини олмишдир. Бунинг сабаблари эса ҳар кимга тушунарли бўлганликдан ёзиб ўтиришни лойиқ кўрмадим. Шунинг учун Боласоғун халқи ўзларини қирғизлардан мудофаа қила олмай, янгидан атоғи эл ичига тарқалаётган Олмалиқ — Ғулжадаги хитой Кухонга

* Тасниф қилиш — асар ижод қилиб (ёзиб), уни чоп этиш.

* Сафил — қала, кўрғон.

* Чўнглик — катталиқ.

* Чопул — уруш, чопқин.

тобун* бўлишиб, уни чақиршига мажбур бўлдилар. «Хитой халқидан адолат узилмайди», деган халқ оғзидagi ёлғон довуруққа алданишган Боласоғун халқи бўридан қочиб, қассобга йўлиққан қўй каби бўлмиш эдилар. Чунки қирғизлар қандай бўлса ҳам ўз қариндошлари эди. Булар билан яраш чораларини излаш ўрнига бошқа бир ёт миллатни чақиршилари ўз ватанларига хиёнат демасдир. Бундай янглиш сиёсатлар натижасида ўз ҳокимиятларидан ажраб, қуллик занжирига гирифтор бўлган халқлар тарихда кўплай учрайди.

Қадимда «Моқулболиқ» аталган бу Боласоғун шаҳри тўғрилиқ бу кунгача мен кўрган тарихларнинг ҳеч бировида бир оғиз сўз бўлса ҳам учратолмадим. Чунки бў ўлка «Турк бешиги» аталган йўғур — ўғуз элини ўз қучоғида сақлаб, уларни бутун дунёга ганитган шундайин қутлуғ Она Ватанимизни жаҳолат орқали ўз болалари ётларга бостириб*, унинг шонлиқ шарафини эсларидан бутунлай чиқарган эдилар. Юзларча эмас, мингларча йил ўтган сўнгида бўлса ҳам, мен анинг энг кейинги кенжа ўғлини бўлганлигимдан ўз улуси томонидан бутунлай унутилган Онамизни эслардим. Узундан бери кўнглимда йиғилиб ётган бу ҳақдаги тарихий сўзларимни келажак бўғимларимизга билдириш учун бу ўринда ёздим. Қобуси* келар экан, ёт душманлар оёқ остиларида депсалиб ётган Она Ватанларини эскара кўрсинлар.

Шундай бўлиб, Боласоғун воқеасидан сўнгра Кухон ўзи ҳам кўп яшаёлмади. Давлатни сақлаш учун ўз душмани Кучлукхонга қизини бериб, уни куёв қилган бўлса ҳам яна мақсадига ета олмади. Унинг пойтахти Олмалиқ ва ўлкасини атоғи билан Кучлукхон эли — найман турклари бузиб — ёриб ўлтириб, чоғиб, ер билан бир текис чолдевор қилдилар. Сўнгра Кучлукхон аскарлари билан Уйғурстонга ўтиб, Еркент, Хўтангачь ҳукмини ўрнатган бўлса ҳам сўнги кунлари Чингизхон юришига тўғри келганликдан унинг амри-буйруғи билан ўлдирилиб, давлати шу билан тугамиш эди.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Тўқмоқдан чиққач, тўғри шарққа қараб Чимкўрғон, Бурулдай, Еларик, Тойғоқ, Майдомтол, Қувоқи орқали юриб, Қорағов Қўчқорга тушдик. Бу ердан юрганимизча орадан бир неча қўналғулар* босиб, Дўлон довонини ошиб Норин суви бўйидаги Норин шаҳрига кириб бордик. Бу эса тўрт томони улуғ тоғлар билан ўралган бир ердир. Руслар Туркистонни босиб олганларидан сўнгра Шарқий Туркистонга кириш қасдида тайёргарлик кўриш учун Норин суви бўйича бир қала био қилимиш эдилар. Олатов ва Тиёншон тоғларининг энг қалинлашган ўрни ва кўчманчи қирғиз туркларининг қайнаган жойи ўрталикда бўлиб, ғарбий-жануби Ўзбекистон, шарқий-жануби Уйғурстон бўлганликдан сиёсий аҳамияти ортиқдир. Бу ердан чиқиб, ораси қирқ беш чақирим чамасидаги Отбоши қишлоғига етиб, тошкентлик Туёқбой ҳожи уйига меҳмон бўлиб тушдик. Бу киши эса Тўқмоқда узок вақт турган, ўз маҳалламиздан кетган киши эди. Бу ер ҳам тўрт томони эгиз* тоғлар билан ўралган бўлса-да, даласи кенг, ўтлов — яйловлари кўпдир. Булар ичда Арпа, Оқсу деган ерларнинг чўпи қуллик, қимизи ортиқ бўлишида атоғи чикмишдир. Отбошида икки кун турганимиздан сўнгра шу ердан қўшилган Қўшмоқ ҳожим деган киши билан уч киши йўлдош бўлиб йўлга тушдик. Олдимизда бир қўналғулик Тошрабатда чегара тўсқовулларида* қирғиз Шомурқон, ўрус Фёдор бошлиқ бир неча аскар борлигини билган эдик. Булар олдида ўтишга йўл хатимиз йўқлигидан Қўшмоқ ҳожим маслаҳатича тўғри йўлни қолдириб, Белошув деган ўғри йўл билан кетмоқчи бўлдик. Йўл келаётганимизда от етаклаб узоқда кетаётган бир киши қораси кўринмиш эди. Қачонки чўнг йўлдан у йўлга бурилдик эса, олдимизда

* Тобун — тобе, фуқаро.

* Бостириб — Чор Русия босқини назарда тутилмоқда.

* Қобуси — пайти.

* Қўналғу — тунайдиган уй-жой, манзил, ётоқ.

* Эгиз — баланд.

* Тўсқовул — пост; чегара, йўлларни қўриқловчи ҳарбий қисм ё шундай қисмларда хизмат қилувчи ҳарбий(лар).

қараб қўйиб юраётган киши узокдан ишорат билан бизни чақирди. Бунинг бу чақиришидан тен киши бўлмаса керак, деб олдиға бордик, Қарасак, чегара соқчилари бошлиғи кирғиз Шомурқон экан. Бизни кўриши билан: — Хой, сизлар қандай кишилар, очик чўнг йўлни қўйиб, ёпиқ кичик йўлга кирасизлар? Қани бўёққа юринглар, — деб бизни бошлаганича йўл устидаги карвонсаройга туширди. Шу орада қаёқдандир икки-уч кирғиз йигитлар билан илгариги силоҳлардек белига кумуш беллик боғлаган, ёнига эгри қилич осинган шу ёрлик кирғизларни бўлуши^{*} экан, у ҳам келиб устимизга тушди. Буни кўрган Қўшмоқ ҳожимнинг кўзлари алағ-жалағ бўлиб: — Хой, тонг, ишимиз қандай бўлар экан! Сўраб қолса, йўл хатимиз йўқ, Оллоҳ сақласин, бизни қайтариб Нориндаги жаллодларига топшириб берса, вақт ёмон эди, оғир кунга қолмағай эдик, — деди. Тўғри бу дегандек, у кунларда ишчи-камбўғаллар ҳокимияти қурилганликдан арзимаган нарса баҳонаси билан ўлдириш-тиргизиш каби инсониятнинг энг улуғ ҳуқуқларини большевиклар ўнг-сўлини ажрата олмаган ишчи — кўшчи кўлларига топшириш эдилар. Халқ ичида оз-кўп тушунарлик, кўзга кўрinarлик бари кишилар интилоб душманлари ҳисобланур эди. Уларча ҳақсиз танилган одамлар жазога тортилиши учун у кундаги ҳокимлар бу бечораларнинг ўзларидан бошқа ҳеч қандай гувоҳ, исбот керак эмас эди. Мана шу учун унинг сўзидан менга ҳам бир оз гашиш тушган бўлса ҳам, эс толган нунимдан бошлаб ҳар иш Оллоҳдан изнсиз бўлмайди, деган ишончим борлигидан ўзига топшириб, бу ишнинг сабабига киришдим. Шундоқки, чой қайнаши билан: — Қани, қани мирзалар, чой ичиб олайми, биз бўлсан кўлингизда турамиз, — деган бўлиб, дарҳол хуржундаги ёғлик қулча, майлик қазни, мевачеваларни чиқариб дастурхонга тўқдим. Илик узилган кўклам вақти эди. Уларча-да оч бўлсалар керак, бўри қўйга текиндек таомга ҳужум бошлаб, өйишгани турдилар. Қанишгандан сўнгра: — Хўш, энди сўрашиб-танишайлик. Қаёқдан чиқдингиз, қаёққа бормоқчисизлар? — деди. Мен ҳам тўғрисини сўзлаб: — Қўлимизда ҳеч қандай қоғозимиз йўқ, ҳозирги замонни кўриб турасиз, ўзимиздан чўчиган кишилармиз. Чегарадан ўтиб, Қошғарга бормоқчи бўламиз, — дедим. Меним бу сўзимча ишониб, бошқа гомчи қилмаган бўлса ҳам, «отказ» моллар^{*} борми хаёли билан бизга қараб, «Мехмонлар, хафа бўлманглар, қонун бўйича хуржуяларни қарашимиз керак», деб бошлаб меникини қараган эди, қўлига китоб чиқди. Бошқаларни дағи^{*} кўргандай бўлиб, сўнгра айтди: — Сизлар яхши киши кўринасизлар, баримиз мусулмон боласидурмиз. Бунинг устига қўлинглардан мон аб, туз тотиб қолди. Бизнинг бошлиғимиз ўрус сизларни кўриб қолса, Норинга қайтариб ҳайдашдан тортинмайди. Эндиги бизнинг ёрдамимиз шулки, бу чўнг йўлни қўйиб ҳалиги йўлингларга кирсанглар, Велoшув аркали чегара соқчиларидан беш чақирим юқори Тошрабoтга тушасизлар, — деди. Биз учун бу ваби ғамтўрлик қилишини ундан кутмаган эдик. Бу сўзни англашимиз билан уни олқишлаган ҳолда орқага қайтиб, Қўшмоқ ҳожим бошчилиги остида йўлга тушдик.

Бу ердан пешин намозини ўқиб отланган эдик. Икки тоғ орасидан сув бўйлаб юрганимизча 3-4 соатлардан кейин Велoшув дованига етиб келдик. Қарасак, дован ўртаси бир чақиримча ер оппоқ қор билан қопланган бўлса ҳам нариги чикар томон кўриниб туради. Бироқ, кўклам вақти келиб қор юмшаб қолганликдан қаерга от солсак, қулoғигача қорга кўмилиб бир босим олға юришига йўл тополмадик. Энди бир ёқдан кочқуринги тоғ изгирин совағи суяғимиздан ўтиб бораётган бўлса, иккинчи томондан тун қоронғуси яқинлашмоқда эди. Муни кўрғач мен: — Бу йўлимиз келишмади. Тун бўйи қоронғу соваққа қолиб, бир хатарга учрамайлик, қайтсак қандай бўлур? — десам, Қўшмоқ ҳожим: — Хой тақсир, даммасидан қайтишимиз хатарликдур. Тоғ тўлган шўлтўсар

кирғизлар ичидан ўтишимиз керак. Ҳар қандай бўлса ҳам орқамизга қайтмайлик, — деб сўз талаш, кўз жалдираш устида турган чоғимизда дованнинг учидан бизга қараб келаётган бир киши қораси кўринди. Хизр кўргандек уни интизорлик билан кутиб турдик. У келиши билан ҳолимизни айтдик. Агар йўл топиб бизни доводдан ўтказиб кўяр экан, эллиқ сўм беришга ваъда қилдик. Бу киши ўзи яёв бўлгани устига қач кириб тун қоронғуси тушганликдан: «Борар жойим олис эди, йўлда қийналиб қоламан», деб ижиранган бўлса ҳам айланиб ўлтириб, уни кўндирдик. «Қани, бўлмаса, туринглар», — деб бир этни етказганича олдимизга тушди. Қаёқдан йўл топар экан, деб қараб турсан, қор устидаги эски йўлни қўйиб, тоғ бағридаги ялама музга от солган эди, вағи тойиб юмалаганича беш-ўн қулоч тубанроқда ётган қалин қорга бориб кўмилди. Минг турли машаққат билан буни чиқариб олгандан сўнгра бошқароқ ердан йўл топиб, баримиз саломат ўтдик. Қўлидаги таёғини санча-санча эски йўл изига туширди, бизни эргаштирганча ўзи яёв, биз отлик юриб ўлтириб, эсон-омон доводдан ошириб кўйди. Суяганимиздан ваъдалашган ақдани ошиғи билан бариб уни қайтардик Шунгачалик тун қоронғуси басиб, юрар йўлларимиз анчагина қароқлашиб қолди. Довондан кутулгач, бел ошиб икки тоғ ораси узун ўзанга тушдик. Усти қор-муз билан қопланган бўса ҳам остида сув оқаётганлиги сезилмоқда эди. Йўлбошимиз йўқлигидан даҳшатга тушиб ва ҳам тун қоронғуси ичра изгирин соваққа қолиб кетаётганимизда «йилт» этиб уч-тўрт ердан ўт ёруғи кўрина бошлади. Кўзимиз унга тушиши билан йўқатган мол қутилмаганда олдидан чиққан кишидан бўлиб баримиз қувонишиб кетаётганимизда, бирданга муз ўйилиб билимдан сувага ботиб қолдим. Йўлдошларим ҳой-ҳойлашиб юриб, мени сувдан чиқариб олдилар. Қўнжигма сув тўйиб, эгин-бошларим шовдираб бутунлай ҳўл бўлган эди. Яхшиким кўналеуга қалиб қолган эканмиз. Чироғ ёниб турган уй устига қалиб: — Мехмон келди, киши борми! — дейишимиз билан уч-тўрт одам югуришиб чиқди. Қарасам, ўз маҳалламиз бешқарам саройидаги таниш савдогар йигитлар экан. Мени кўришлари билан шошилишган ҳолда ўт устига киргизиб, ҳўл кийимларимни өчинтиришгандан сўнгра пишиб турган таомларни келтириб кўйдилар. Ўз уйимизда ўлтиргандек суянишиб, Тошрабoт саройи қошида тинилган кўнчанчи қора уйда, ўртада осилган чўнг қозон, астига улуғ олов ёқилган, гир тўғарагида турн улусидан тиниқ кўнгилли, кулар юзли, тўғри сўзлик кирғиз, уйғур йигитларидан кўшма бир тўп киши бўлиб ўлтирдик. Кун совақ, қорнимиз оч, дов ўша кунни еган томоннинг тотми. Орадан қирқ олти йил ўтибдир, халигача кўнглимда сақланиб туради.

Шундай қилиб, у кечани дўст уйда ётгандай кўнгил туши билан ўтказдик. Эрталаб турганимизда қарасам, эскидан қолган Тошрабoт деган тарихий сарой олдиға кўнган эканмиз. Бунинг биринчи бинoси Қошғар ҳокими Муҳаммадох томонидан қурилмиш эди. Бу эса Шайбонийлардан 1005 — дижойда (мелодий 1596 йил) вафот толган бухоро подшоиси машхур Абдуллахоининг замондошдир Шаркий ва Ғарбий Туркистон савдо-тижорат карвонларини кирғизлар ҳужумларидан сақлаш учун ҳар икки ҳукмдор ўзаро келишиб, шу ўринга кузатувчи аскар қўймиш эдилар. Тошрабoт бинoсидан мен ўтган вақтда ҳеч нарса қолмаган бўлса ҳам, олди томонидан кириш эшиги устига бир газ^{*}—икки газлик тахта тошлар қўйилган ва ҳам ўртадаги узун йўлакнинг белгилари бор. Қибла томонда мадроблик, усти ўйилган, мўл юз киши ётгудек катта гумбаз турган эди.

Шуларга қараганда, бу бино ўз вақтида анчагина ҳашаматлик қурилмиш бўлса керак. Яна ўз сўзимизга қолайлик. Эртаси барчимиз ўн кишича бўлиб Тошрабoт дованини ошиб, Чодиркул бўйига тушдик. Бу бош-оёғи кўриниб турган айланаси ўттиз-қирқ чақирим налгудек кичикроқ кўл музини ўтиб Тўруқот саройига тушдик. Бу ерда—саройчи бир уйлик уйғурдан бошқа Хитой ҳукумати томонидан қўйилган ҳеч киши йўқ эди. Бир кеча ётиб, эртаси Қошғар чегарасида Туюнтөпа деган жойга келганимизда йўлимиз иккига ажради. Тўғри кетсак Чоқмоқ

* Бўлуш — бошлиқ, улуғ; мингбоши даражасидаги маҳаллий ҳоким.

* «Отказ» мол — чегарадан олиб ўтиш маъни этилган мол.

* Дағи — ҳам, тағин.

* Газ — узунлиги ўлчов бирлиги бўлиб, 72 см га тенг.

қоровули деган жой бўлиб, йўл текширувчи хитойлар шу ерда турар эканлар. Шунинг учун биз уч киши бошқа йўлдошларимиз маслаҳатларича сўл қўл томонга бурилдик. Қоратека довоғига қараб йўл солдик. Довон остига келганимизда 1870-йиллар Кошғар ҳокими марҳум Ёқуббекдан қолган катта қоровул қўрғони ёнидан ўтишга тўғри келди. Орадан узоқ давр ўтмагандикан қалъа бинолари ҳали кўп бузилмаган эди. Бу хароба кўзимга кўриниши билан бу икки Туркистоннинг илгариги тарихини кўнглимдан кечириб, эндиғи қайғулик ҳоллари устида ўйлаиб узун тўхтадим. Кўринг ўғуз, уйғур каби қаҳрамон турк улуси болаларини! Онгсизлик ва билмсизликларидан бугунги кунда қўл-оёқларига қуллик, асрлик кишанлари солинган ҳолда инсоний ҳуқуқларидан бутунлай ажрагандирлар. Босқинчи душманлари ҳисобига ўз Она Ватанларида туриб, қандайин хорзорлик билан ҳайвонларча эрк-ихтиёрсиз, мажбурият қамчиси остида яшаб турадилар. Улуғ қудрат эгаси Оллоҳдек худоси бор, Мухаммад алайҳис саломдики йўлбошчиси бор, худо қонуни бўлган Исломдек дини бор мусулмонларнинг бу каби хорликка қолишлари Қуръон ҳукмига кўра мумкин эмасдир. Чунки, Қуръоннинг айтишича, Ислом дини илоҳий бир қонундирки, буни тўлиғи билан амалга оширувчи мусулмонлар ҳар икки дунё давлатига, албатта, эга бўладилар. Бу сўзнинг ҳақлиғига ҳеч шубҳа йўқдир. Ислом давлатининг аввали, айниқса, ҳазрат Умар давридағи Исломнинг шон-шавкати бу сўзни аниқ исботлайди! Туркия султонларидан буюк Сулаймон Қонуний даврида бутун Европо ҳукуматлари Ислом подшосининг буйруғига бўйин сунмиш эдилар.

Пайғамбаримиз Мухаммад салоллоҳу алайҳи васаллам «Бу умматим аввалда нима билан кўтарилган бўлса, охирида ҳам шу билан кўтарилади», — дедилар. Маълумдирки, Расулulloҳ даврларидан бошлаб Ислом тараққиётининг давомида Ислом подшолари олдида Қуръон ҳукми биринчи қўлланимга қилинмиш эди. Энди юқориги сўзлардан очиқ маълум бўлди: илм-хунардан орқада қолиб, бошқалар оёғи остида эзилган мусулмонлар Қуръон ҳукмини амалга оширолмай, ҳақиқий исломиятдан баҳра тополмаган эканлар. Йўқ эса Қуръон ҳукмлари асосан уч ишга тўхталмиш:

биринчи — иттифоқлик;
 иккинчи — замонавий илм-хунарни ўрганиб, ҳар ишнинг сабабларини имконият борича тўлиқлаш;
 учинчи — душман қаршида ўлимдан қўрқмасликдир.

Мана бу уч нарсага ҳаёт оламида ҳам ким эга бўлар экан, ўз Ватанларини бутун инсоний ҳуқуқларини босқинчи душманлар ҳужумларидан, албатта, сақлай оладилар.

Афсуски, бизнинг ўтмишдағи тарихимизда жуда ҳам жirikанч иттифоқсизлик сабабли ўз давлатимиздан ажрадик. 1840-йиллардан рус босқинчилари Урта Осиёни истило қила бошладилар. Бу ерда учта мустақил давлат бор эди: Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хоразм (Хива) хонликлари. Европода илм-маданият тараққий қилиб, бутун инсоният оламига уйғониш ёғдусини соча бошлаган бир даврда бу хонликлар ҳуруфот дунёсига ботиб, жоҳилиятнинг ниҳоятига етган эдилар. Не қобилиятлик Ватан ўғлонлари ўзларининг умрларини Бухоронинг қадимги, эски мадрасаларида арабий, форсий тилларни ўрганиш билангина ўтказардилар. Фаробийлар, Ибн Синолар чиққан бу Ватаннинг ва миллатнинг келгуси истиқболи учун ҳеч ким қайғурмас эди. Шундай аҳволда бўла туриб, иттифоқсизлик балосининг энг юқориги босқичига етганликларини исботлаш учун душманга қарши бирлашиш ўрнига доим ўзаро низо ва қон тўкишлар билан шўғулланиб турардилар. Инқироз бўлиш олдида туркишларига қарамай илмсизлик натижасида бунинг олдини олиш учун қўлларда бор имкониятдан фойдалана олмадилар. Уқиш-ўқитиш ишларининг ўрта асрдагидан фарқи йўқ эди. Шундай иқтисодий бойлик мавжуд бўла туриб, давлатнинг мудофаа ишларига ҳеч қандай аҳамият бермадилар. Аскарый тартиб эски усулда бўлиб, низоомий тартиб киргизилмаган ва замонавий қуроолдан йўқ эди. Бундай онгсиз ҳукуматнинг инқироз бўлиши табиийдир. Булар — Ватан ва миллат олдида кечирилмас жиноятчи одамлар, чунки давлатларини инқирозга, миллатларини қулликка, Ватанларини хорликка олиб келдилар. Кани Қуръон ҳукмига уларнинг амал қилганликларини?

Яна ўз сўзимизга келайлик. Қоратека қўрғонидан ўтгандан сўнгра доvon остига қараб тормошдик*. Баъзи бир тоғларда тутаклик ҳаво* борлигини халқ оғзидан эшитган бўлсам ҳам, ўзим кўрмаган эдим. Йўлнинг қийинлиги, тоғнинг тиклигидан от устида туролмай ҳаммамиз отларимиздан тушиб, яёв юришга мажбур бўлдик. Бир оз юрганнимиздан кейин юрагимиз уриб, сувлуғимиз* қиса бошлади. Бу тоғларда тутак борлигидан хабаримиз бўлмагач табиий томондан бунинг чорасини олдинроқ кўрмаган эканмиз. Йигитлигим тўлиқ, таним соғ, тутаги йўқ тоғларда такадек сакраб юрган киши эдим. Бу ерда эса бир қадам юқори босувга ҳеч қайсимизда қуваат қолмагандикан от куйруғина осилишиб минг турли қийинчиликлар билан зўрға доvon устига чиқдик. Қарасак, душманга қаршилиқ кўрсатиш учун тоғ чўққисидеги қисқ жойга илгари чеб боғламиш эканлар. Довон ошиб тутакдан қутулгач, тоғ тегида кўриниб турган кирғиз Соли мирзо саройига келиб қўндик. Эртаси бул ердан отланиб, шу юрганнимизча юз қақирим келгудек Оёқ, Чанок, Озғон чўлларида ўтиб, кун бота Оғу кентининг тўшига* келдик. Йўл усти бўлмагач, у жойни оралаб ўтиш бизга тўғри келмади. Бу ердан ўтиб бир оз юрганнимиздан сўнгра йироқдан куюк қора дараклар ичида кўринган Остин Ортуш (Отуш) юртининг энг бошидаги Читолча кентига кирдик. Бирига-бири туташган кентларни оралаб юриб ўтириб, тун ўртаси билан йўлдошим Қўшмоқ ҳожим уйига етдик.

Кошғар, Ёркент, Хўтан шаҳарлари, балки Хитой тупроғидан Гансу ўлкаси ҳам 95-96 ҳижрияда (мелодий 713-714 йиллар) халифа томонидан юборилган Ислом мужоҳидларидан Қутайба ибн Муслим қўлида фатҳ бўлиб, Ислом динига кириш эдилар. Шундоқ бўлса ҳам, Олтишаҳар ўлкасида бутунлай Ислом дини ўрнашмай туриб, Ислом аскарлари гери* қайтишга мажбур бўлди. Чунки Бағдоддағи Сулаймон бин Абдулмалик халифа билан Қутайба ибн Муслим оралари бузилмиш эди. Шунинг натижасида қайтган аскар Фарғонага келгач, ўзаро уруш бошлашиб, Андижон шаҳридан йигирма беш қақирим кун чиқиш томонидағи Сўфиқишлоқ яқинида илгариги Фарғона маркази Хилич шаҳри яқинида уз аскарлари томонидан Қутайба ибн Муслим улдирилди. Шу кунларда ҳам у ерни ёрлик кишилар Қуруч (Хилич мазори)ни шоҳ Қутайба деб атайдилар. Ислом кўмондонларининг энг биринчиси, машҳур Халид ибн Валиддан сўнгра олий даражада атоқлик фотиҳи Хурросон, фотиҳи Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Кошғар, Хўтан, Гансу, токи Чин марказигача Ислом футуҳотини етказган қаҳрамон кўмондон иттифоқсизлик шумлигидан шу каби фожиага учради. Мусо бин Насир, Торик бин Зиёд — бу кўмондонларнинг ҳасаддан чиққан ихтилофлари Фарбдағи Ислом футуҳотларига қандай тўсқинлик қилган бўлса, буларнинг ҳам ўзаро шу каби ёғий* бўлишлари Шарқда Ислом дини тарқалишига ундан ҳам ортиқроқ зарба етказган эди*. Бунинг натижасида марказий шаҳарларда янгидан тарқалмоқда бўлган Ислом дини тўсқинликка учраб, бир-икки аср орқага чекинди. Бу орада Моваруннаҳр ўлкасида адолатли Сомонийлар давлати қурилиб, бу муборах давр натижасида илм, маданияти Исломия ривожга киришиб, бунинг соясида Фаробий, Беруний, Ибн Сино каби илмий асарлари бутун дунёга тарқалган улуғ олимлар вужудга

* Тормошдик — тирмашдик.

* Тутаклик ҳаво — ҳаво сийрақлиги.

* Сувлуғ — томоқ.

* Тўши — тўғриси, рўпараси.

* Гери — орқага, орта;

* Ёғий — душман;

* 92-ҳижрий (мелодий 710) йилда халифа Валид бин Абдулмалик даврида Торик бин Зиёд қўл остида ислом аскарлари Гибралтар бўғози орқали ўтиб Испанияни олди. Айни вақтда бош кўмондон Мусо бин Насир Португалия томонига кирди. Сўнгра икки қўшин бирлашиб Жанубий Францияни зарб этди. Агар бу икки кўмондон ҳасадлашиб ўзаро бузилмишмаганда эди, бутун Европо фатҳ бўлиши аниқ эди. Иттифоқсизликлари туфайли ўзлари марказга қақирилди, ва шу сабаб бўлиб, у томонда бўлаётган ислом футуҳоти ҳам тўхтади. Шундоқ бўлса-да Испания ислом ҳукумати бир неча юз йил давом этди.

чиқдилар. Ана шу даврда Эрондаги Исломдан илгариги Каёний подшоҳларидан Кайковус, Кайхусравлар замондоши Дукухон (эронча — Афросиёб) наслидан Сутуқ Буғрохон Кошғар, Боласоғун, балки умумий Туркистонга хон бўлмиш эди. Сомонийларга чегарадош бўлганликдан улардан Наср Сомоний далолати билан отасидан яришинча Ислом динига кирди. Сўнгра Хўтан ўлкаси атрофи билан Уйғуристон халқи бу хонлик ҳиммати орқали Ислом динини қайтариб қабул қилдилар.

Биринчи Ислом очган Қутайба бин Муслим бўлса, иккинчи ислом очиб, уни ўрнатувчи Сутуқ Буғрохон бўлди. Тарих ҳижриятнинг тахминан 380-йилларида (мелодий 990-йил) вафот толиб, Остин Отушда кўмилмишдир.

Яна сўзимизга келайлик. Шундоқ қилиб, Остин Отушда йўлдошимиз Қўшмоқ ҳожим уйда икки кун эру* қилиб дам олганидан кейин Кошғар шаҳрига тушмакчи бўлиб йўлга чиқдик. Кун иссиғи устига чанг-тупроқ ичига кириб бордик. Бу ерлик кишилардан Тўқмоқда турғун савдогарлар нурғун* бўлганликдан таниш-билишларимиз кўп бўлса ҳам уларга тушмасдан, Ербоғ дарвозаси саройида бизни кутишиб турган тўқмоқлик йўлдошларимиз устиларига тушдик.

*Эру — йўл устида тўхтаб дам олиш. Эру қилувчиларга атроф дагилар томонидан эрулик (озик-овқат, бошпана, жой ва ш. к) бериш фарз даражасида савоб ҳисобланиб, унутилаёзган миллий қадриятларимиздандир.

* Нурғун — жуда кўп, анча.

* Даҳрий — худосиз атеист.

Уша кунларда, яъни 1920 — мелодий йили ички — ташқи даҳрийлар* бирлашиб, чириган амир давлатини ағдариб, Бухорони босиб олмиш эдилар. Фарғона шаҳарларининг ҳар бирида бутун қишлоқ халқлари кўзғолиб, босмачилар номидаги кўзғолончилар бош кўтардилар. Натижада ўнг-сўлини ажратолмаган, кетмон кўтарган қора деҳқонлар, ер ости-устида кун кўрувчи тубанги табақа онгсиз қора ишчилардан бошқа кўз кўрарлик бутун халқ бошига қиёмат кўпмиш эди. Булардан энг юқори даражалик бойлари эса отилиб-чопилиб, ўликлари оҳак сувига ташланди. Қолганларининг кўпроқ қисмлари эса ўлимдан ортиқ қийнов турмаларида узоқ ётқизилгандан сўнгра, йироқ ерларга сургунга юборилиб, энг оғир ишларда ушланмиш эдилар. Қамок, сургун мuddатларининг олди йигирма беш, энг орти ўн йил бўлганликдан юздан бирлаб қайтиб келгувчилар бўлсалар ҳам, у ерда саломатликлари бузилган сабабли келган сўнгида яшовчилар жуда оз кўрилмиш эди. Русия тупроғидан кўтарилган фитна вулқонлари бутун мамлакат бўйлаб аланга олиб, унинг учкунлари чегара ташқарисига ҳам тушган эди.

Нашрга тайёрловчилар —
муаллифнинг ворислари
Муҳаммадёрхон ва Қутлўғхон
ШОКИРОВЛАР

(Давоми келгуси сонда.)

АСОССИЗ ЭЪТИРОЗ

«Ёшлик» ойномасининг 1991 йилги 10-сонида тўйтепалик С. Сулаймонов менинг эски ўзбек алифбосига У ва Ў товушларини берувчи алифу вов, и ва э товушларини акс эттирувчи алифу ёй ҳарф бирикмаларини мустақил ҳарф сифатида киритиш лозимлиги ҳақидаги фикримга эътироз билдирган. Лекин ўзи асосли далил келтирмайди.

Мен бу ҳарфлар бирикмасини доно ота-боболаримиз яратганлигини ўқтириб, уларни қадимги луғатларда мунтазам равишда ишлатилганлигини таъкидламоқчиман. Толи Ҳиравийнинг «Балойиғ ул-луғат» (XV аср), Мустафо бинни Содикнинг «Абушқа» (XVI аср), Али Шомлунинг «Луғати Навоий» (XVI аср), Фазлуллахон Барлоснинг «Луғати туркий» (XVIII аср), Мирза Маҳдихоннинг «Санглоҳ» (XVIII аср), Фатҳ Алихоннинг «Китоби луғати атрокийа» (XIX аср) луғатлари бунга далил. У ва Ў ҳарфларини берувчи алифу вовга эътибор бермаслик қандай кўпол хатога олиб келишини бир байт мисолида кўрсатиб ўтмоқчиман. Маълумки, ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида «лунж» ўрнида «ўрт» сўзи ишлатилади. Бу сўз қипчоқ шеваларини яхши билган Алишер Навоий асарларида ҳам учрайди. Араб ёзувида у алифу вов, р ва т ҳарфларидан иборат. Лекин алиф ва вовни алоҳида мустақил ҳарфлар сифатида ўқиб, уни овурт шаклида ағдарганлар. Жумладан «Навоий асарлари луғати»да шу шаклда учрайди:

Бижин топса ерга, ичига йиғар,
Не қолса овуртига барин тикар.

Энди бу сўзни тузатиб «ўрт» деб ўқишимиз керак. Чунки ўзбек тилида «овурт» деган сўз йўқ:

Бижин топса ерга, ичига йиғар,
Не қолса ўртига барин тикар.

Шундагина байт маъноси аниқ бўлади: маймун топса ейди, қолганини лунжига тикади. Кўриниб турибдики, алифу вов ҳарфини бир ҳарф сифатида ўқимаслик кўпол хатога олиб келган.

С. Сулаймоновнинг алифи мамдуда «о» ҳарфини ифодалайди, деган фикри эски ўзбек тили учун нотўғри. Қадимда тилимизда «о» ҳарфи бўлмаган. Буни ҳамма луғатшунослар таъкидлаб ўтганлар. Умуман, туркий тилларда (бошқирд, татар, ёқут, озарбойжон, қозоқ, қирғиз, гагауз, турк, хакас, шунингдек, Урхун-Енисей ёдгорликларидан тортиб XIX аср кўлөзмаларига) «о» ҳарфи учрамайди. «О» ҳарфи ўзбек тилига 60—70 йил илгари кириб келди. У эски ўзбек тилидаги алиф мамдуда — чўзиқ «а»нинг ривожланишидан ҳосил бўлган.

Мен таклифларимни ўзим тўқиб чиқарганим йўқ, донишманд ота-боболаримизнинг луғатларидан олдим. Оллоҳ уларни раҳмат қилган бўлсин.

Эргаш УМАРОВ,
филология фанлари доктори



Дарвишларнинг Кўнгли ва Хайратлари

Алишер Навоий адабиётнинг башарият ҳаётидаги аҳамиятини тўғри ва чуқур тушунган. Жумладан, «Хамса»да шахснинг комил инсон бўлиб етишиши учун нималардан тийилиши ва ҳазар қилиши, аксинча, қай бир хислат ва фазилатларга рағбат кўрсатиши муқаррарлиги юксак бадий маҳорат билан тасвирланган. Шоир комил инсон хусусидаги мулоҳазаларини асарнинг «бисмил-лоси»дан бошлайди, яъни унингча, «бисмиллоҳир роҳманир роҳийм» шундайин бир бебаҳо маржондирки,

**Хар дур анга жавҳари жондин фузун,
Қиймат аро икки жаҳондин фузун.**

Ҳикмат дурлари тизилган маржоннинг ипи эса «жаҳону жон» риштасидур. Қимки шу маржонни тасбиҳ билиб, чин кўнгилдан ҳақ йўлида иштиғол қилса, ганжи бақони (абдийлик хазинасини) қўлга киритади. Бунинг учун эса у «махзани ваҳдатка (худонинг танҳолиги сири томон) йўл» ҳам олиши лозим. Бу манзил жуда оғир ва ўта хавфлидир. Алишер Навоийнинг нуқтан назаридан кишилар айни бобда икки гуруҳга ажраладилар:

**Қўлғучи бу бодия катъига майл,
Аҳли қабулу рад эрур икки хайл. (15)**

Аҳли рад мадақдорнинг ўзидан мадад олмай йўлга тушув чилардир. Улар ганжи илоҳийга ета олмайдилар. Маъно дур-

ларининг тасбеҳи аждаҳо бўлиб уларнинг йўлини тўсади. Оллоҳнинг ягоналигини тан олган аҳли қабул учун эса йўл очади. Даставвал шоир барча махлуқотни яратмиш холик ҳамдига қалам тебратади. Чунки холик руҳбахш қалами билан махлуқот (бу ўринда инсон) тасвирига чехрақушолик қилган, шоирнинг кўнглига ишқ ўтини солган.

«Хайрат ул-аброр»нинг биринчи муножотида тангри тавсифи тасаввуф нуқтаи назаридан берилади:

**Не бўлуб аввалда бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.
Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,
Барчага холик, бориға айн ўзунг. (18).**

Олам ибтидосида борликда Оллоҳдан бошқа нарса йўқ эди. Унинг тенгсиз жамоли факат ўзидагина жилваланар эди:

**Сен эдингу бас яна мавжуд йўқ,
Жилва қилиб ўзунга ўз ҳуснунг-ўқ.**

Айни ходиса гўёки ғойибни кўрадиган кўзгуда намоён бўлгандек эди:

**Мазхар ўлуб ҳуснингга миръоти ғайб,
Жилва қилиб анда ҳаёлоту ғайб. (18).**

Холикнинг жамоли ҳадсиз бўлганлиги туфайли у ўзини кўрмоққа беадад кўзгуни ҳам тақозо этар эди. Ана шу мақсадда Оллоҳ оламни яратадики, унинг ҳар бир унсурини Яратувчининг жамоли зухур этиб туради:

**Жилваи ҳуснингга чу йўқ эрди ҳад,
Кўзгу керак бўлди анга беадад.
Очти бу ғулшаники рангин эрур,
Ҳар гул анга ойинаи Чин эрур.
Жилваи ҳусн ўлгали зоҳир анга,
Бўлди гул миръот мазохир анга. (19)**

Бекӣс қудратга эга бўлган холик барча оламларни яратар экан, унинг мақсади борлиқни ташкил этган барча нарсалардан аълоқ ва шарафлиқ бўлган махлуқда ўз жамолини жилвалантириш эди. Бу махлуқ эса инсон номи билан аталган мавжудотдир:

**Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди. (19).**

Нега инсон бунчалик шарафга лойиқ ва эъзозли? Чунки ўза махлуқотлардан фарқ қилиб, у Оллоҳнинг каломини англагучи; бундан ташқари, у яратганнинг яширин (ҳали ошкор этилмаган) сирларини ўзида ташувчи, гўё Оллоҳ яратган хикматлар хазинасининг бир бўлаги бўлган махлуқдир:

**Турфа каломингга доғи комил ул,
Сирри ниҳонингга доғи ҳомил ул.
Кўнглига қилдинг чу яқин ганжи қисм,
Жисмини ул ганжга қилдинг тилисм. (19)**

Шунинг учун ҳам инсон шаънига: «Каррамно — бошқа махлуқлардан муқаррам қилдик», «Аҳсани тақвим — энг чиройли яратилган», деган мактовлар ёзилган. Зеро инсон худонинг маърифатини (Яъни, уни таниш илмини) билишга кодир доно махлуқдир:

**Маърифатинг ким қила олмай сифат,
Қилдинг ани орифи ул маърифат. (19)**

Инсон, Алишер Навоий талқинига кўра, тангри таоло томонидан ожиз, ҳикмат ва фазилатлардан холи махлуқ сифатида яратилмаган. У Оллоҳнинг мўъжизалар хазинаси.

Учинчи муножотда Алишер Навоий яна бир муҳим масалани олға суради: инсон махлуқотлар орасида энг шарафлиси бўлгани билан бошқа яратилган нарсалар ҳам бекадр эмас, балки саминкадр (қимматбаҳо) жавохирлардир:

**Конию хайвони, агар худ набот
Хар бири бир гавҳари олий сифот. (21).**

Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи жиҳати шундаки, борлиқни ташкил этувчи нарсалар бир-бирига боғлиқ, бир-бирига дахлдордир. Инсон алоҳида, табиатдан, умуман борлиқдан узилган бир мавжудот бўлмастан, балки у табиатнинг бир ҳалқаси, унинг маънавий таянчидир:

Қатрагача кулзуми захҳордин,
Заррагача шамсан зарқордин.
Ани мунга, муни анга банд этиб,
Бир-бирига барчани пайванд этиб.
Воситалар бўлди аён тў-батў.
Бир-бирига боғланибон, мў-бамў.
То тикилиб ушбу бийик боргоҳ,
Бўлди муҳайё бу улуг коргоҳ. (21).

Тўртинчи муножотда шоир Оллоҳнинг карами хусусида фикр юритади. Кишилар жаннат умидида хайр ишлар қилишга бурчлидирлар. Бирок, бу юмуш ҳамманинг ҳам қўлидан кела-вермайди. Шу туфайли кўпчилик «нома сиёҳ» (гуноҳкор) бўлиб қолади. Бағри кенг шоир Оллоҳдан ана шу дин ва шарият талабларини тўлиқ бажара олмаган тоифани ҳам авф этишни сўрайди:

Ҳар киши осию гуноҳкорроқ,
Авф ила раҳматга сазоворроқ.
Хон анга ёйғилки эрур муштаҳи,
Тўк эмас, ар еса бўлур мумтаҳи...
Ансаб анга лукмаки ул оч эрур.
Авли анга тўнки яланғоч эрур. (23).

«Хайрат ул-аброр»да тасвирланишича, тангри таоло ба-шариятнинг илк ота-онаси — Одам ва Хаввони яратган чо-гиданок мўътабар этган эди: биринчидан Оллоҳнинг исмла-ридан бири, унинг ягоналигига ишорат бўлган «Аҳмад» сў-зидаги уч ҳарф (алиф, дол, мим) «одам» сўзида ҳам бор. Аҳ-маддаги «хо» ҳарфи эса муҳаббатни ифодалайди. Чунки Ол-лоҳ биринчи инсонга меҳр қўйиб уни ҳабибим — дўстим деб атаган:

«Ҳо»и муҳаббат анга — ўқдур насиб,
Ким ани ҳақ деди ўзига ҳабиб.

Худо даргоҳида неки яширилган бўлса, ҳабибининг юзида ўша нарса зухур этар экан:

Ҳар неки ҳақ ваҳжи аро мубҳам ул,
Зоҳир этиб юзда ҳабиби ҳам ул.
Шоҳид этиб чехра бу кўзгу анга,
Ул не қилиб кўргузубон бу анга.
Айлади чун одами ҳокий зухур,
Солди анга партавин ул пок нур. (24).

Худо одамни алоҳида шарафлар, унинг эғнига шараф дувво-шини ёпади, бошига шараф тожини кийдиради, пайғамбар-лик тахтига ўтказида. Уни фаришталар хайлига паноҳ қилади. Ҳаввонинг чехраси ҳам Оллоҳ нури партавидин бенасиб эмас эди:

Истади Ҳавво била чун иттисол,
Айлади Ҳаввога бу нур ниттиқол. (24).

Шундай қилиб, Алишер Навоий тасвирида инсон яратили-шиданок мушарраф ва табаррук бўлган.

сирнинг ҳамд ва наътларида жозиб композитсион қисмлар бир-бири билан мустаҳкам алоқада бўлиб, Алишер Навоийнинг мутасаввуф шоирга хос қараш-ларини тўлдириб боради. Масалан, Меърож кечаси таърифига бағишланган бешинчи наътни олиб кўрайлик. Унда ҳам сўфий учун асосий сифат ҳисобланган факру фано сао-датни хусусида талқин мужассам. Сўфий ҳаққа эришиш учун ўзлигидан кечиши лозим. Ҳазрати Расулulloҳ ҳам Оллоҳ-нинг дийдорига мушарраф бўлиш учун фанонинг асосий қоида-сини амалга оширган эдилар:

Олти жиҳат қайдидин ихрож ўлуб,
Тўрт гуҳар тарки анга тож ўлуб...

Ўзлигидин нақшу намудор йўқ,
Нақшу намудоридин осор йўқ.
Чун ўзини айлаб ўзидин халос,
Пардаи иззатда қилиб ўзни хос.
Анда етиб гум бўлубон ўтриси,
Ҳар кеча кўз солса, бако кўзгуси.
Чун бўлуб ул кўзгуда сурат намо,
Кўзгудин ташқари қолгон фано. (29).

Достоннинг кўнги таърифидаги боби шоирнинг сўфийлик сирлари ҳақидаги мулоҳазаларнинг давоми бўлиб, унда ёзи-лишича «деҳқони сунъ» ўз маҳорати билан тупрокдан ясал-ган одамни «гулистони сунъ»га айлантиради. Ҳамда бу гу-листон сари хуш насимини юборади. Бу насимдан тан гулша-нига жон қиради. Ундаги сунбулу сарв, гулу райхон шайғос очилади. Лекин бундан яратувчининг мақсади гулга шайдо-лик эмас, балки кўнги матлаби эди:

Эрмас эди анда ғараз ҳеч гул,
Ғайри кўнгулким, ғараз эрди кўнгул. (39)

Сўнгра шоир ўз олдига: «Сен бу кўнгулми не гумон айла-динг?» деб савол қўяди-да, икки хил кўнги ҳақида фикр юри-тади. Биринчиси — барча жониворда бўладиган гунча шакли-даги юрак. Иккинчи эса аҳли дил соҳибларида бўладиган юракдир. Улар — сирлар бўстониининг булбули. Улардан жан-нати аълонинг хиди келади. Обидлар уларни арши муалло-деб, сўфийлар эса олами кубро — буюклик олами деб атайди-лар. Чунки:

Ким бу халойикка эрур саждагоҳ,
Ул бири халойикка эрур жилвагоҳ. (39)

Бу кўнгул сирлари хазинасини кашф этгунча кўпсарсон-саргардонликка дуч келинади; гоҳ Каъба, гоҳ дайр мақоми ту-тилади. Хуллас:

Водие қолмай ул анга етмаган,
Қаъбида тақмили сулук этмаган.
Ориз ўлуб жумлаи ҳолот анга,
То бўлибон касби қамолот анга. (40)

Ана шундай кўнгулга эга бўлган кишиларни, Алишер На-воий таъбирича, сўфий соҳибдил деб атайдилар.

«Аввалги ҳайрат»да кўнгулнинг малакут (фаришталар) ола-мига саёҳат қилиб, уларнинг абадий ҳақиқат (қайюми ҳақи-қий) тасбеҳи билан машғул эканлигидан ҳайратга тушгани ҳақида гап боради. Кўнгул (хожа) хотифи ғайбий маслаҳати-га кўра равзан боғи Эрамга юзланади. Унинг жамоли ва таро-ватидан беҳол бўлади. Бирок кўнги:

Топмади сарриштани чун фикрати,
Ҳайрат уза қилди гулу хайрати.

Чунки:

Ким бу гулистонким эрур бу жаҳон,
Балки жаҳоне гул ичинда ниҳон.
Бутмак ўзи худ эмас имкон анга,
Ғар бу эмас, ким эса деҳқон анга. (42)

Кўнгул ана шундай ҳолатга тушган бир пайтда қулоғига Жаброилнинг овози келади:

Сирри ҳақиқатдин ўлуб баҳравар,
Айла басират кўзи бирла назар.

Кўнгул ҳидоят нури билан кўз очиб қараса:

Фохтадин қумрию булбулгача,
Балки шажар яфроғидин гулгача
Барчаси қайюмига зокир эди,
Ҳар бир анинг шукрига шокир эди. (42)

Хожа кўнгул жаҳон бирор тасодиф туфайли юзага келмас-дан, балки у яратилган эканлигини англайди. Жаҳонни идрок кўзи билан англаш эса дил соҳиби бўлган сўфийнинг фази-латидир.

«Иккинчи хайрат»да тасвирланишича, кеч киргач кўнгул «малак олами гулистонидин малакут олами шабистониға ҳаво» қилади. У коинот жисмларини кўриб хайратга тушади.

**Барчасида зикру сужуд англади,
Маърифатуллоҳга шухуд англади. (45)**

«Учинчи хайрат» эса ўз мазмуни ва олға сурилган масалалари билан аввалги икки хайратдан ажралиб туради. Мазкур хайратда кўнгулнинг «бадан мулки шахристонига нузул кўнмоғи) ва ул кишвар ахлининг ҳам... кодири мутлак ёди бирли эркин билиб, ... вужуд... кул бўлиб, фано елига билкул собурилмоқ била иккинчи фано мақомин ҳосил этиб, андин сўнг ҳақдин бақон комилий этиб, хожанинг ул мулкда хилофат тахтига қарор тутқони» ҳақида сўз юритилади.

Кўнгул хайрат майидин маст бўлиб, ўз ватанига қайтишни ихтиёр этади. Унинг манзили (бадан) хайратомуз хусусиятга эга бўлган бир шаҳар эди. Икки устун устига қурилган бу кўрғон тўрт жавоҳир (ўт, ел, сув, тупроқ)дан ташкил топган эди. Яъни унинг таркибини ташкил этган унсурлар бошқа махлуқотларда учровчи оддий унсурлар эмас, балки яратувчининг иродаси билан табаррук бўлган унсурлар эди:

**Ўтиға Мусо ўти янглиғ зиё,
Ёди Масихо дамидек жонфиё.
Суйи латофатда зилоли биҳишт,
Туфроғи гул, нафҳаси акбар сиришт. (46)**

Мазкур унсурлардан иккитаси «улвий нажот» — олий, илоҳийликка мансуб бўлиб, иккитаси эса тубанлик табиигага эга. Бу кишварнинг қалбида — марказида кўнгул учун тахтгоҳ ясалган эди. Қасрнинг устида гумбаз бўлиб, унда:

**Ҳарне рақам гунбади гардун аро,
Барчаси бу гунбади мавзун аро, (46)**

яъни коинотда нимаики бор бўлса, бу гумбазда — инсон бошида у бор, мавжуддир. Кўнгул ўз вазири — ақл воситасида давлатни бошқарар эди. Файласуф шоирнинг тасвирича, бешта сезги органи ҳам вазирнинг маконида жойлашган:

**Бири назар илмини идрок этиб,
Айни сафодин назарин пок этиб.
Бирига иш буки эшитгач самоъ,
Қилгай ани диққат ила истемоъ.
Бирига қилмоқ бўлубон таъм дарк,
Нўши ҳаёт ўлсун, агар неши марг.
Бирига ҳар ройиха айлаб асар.
Хоҳ қуруқ нофау, гар мушки тар.
Бирга гулу хор муассир бўлуб,
Совуғ иссиғдин мутаассир бўлуб.
Босирау сомнау ломиса,
Зойикау шомма била ҳомиса. (47)**

Ана шулар тўпланган маълумотларни хазиначиға — ақлга келтириб берадилар. У буларни шоҳга етказади:

**Шоҳ бу хазойинға чу ҳозир бўлуб,
Диққат ила барчага нозир бўлуб.
Рад қилибон ҳарнеки мардуд эрур,
Ойириб ул тухфаки мақсуд эрур.
Хожаки кўрди яна мундоқ жаҳон,
Заррада кавн, қатрада дарё нихон.**

Бундан хайратга тушган кўнгул:

**Мулк ўзию тахт ўзию шоҳ ўзи,
Борча ўзи, борчадин огоҳ ўзи. (48)**

эканлигини англаб этади.

¹Алишер Навоий. «Хамса». Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. ЎзФА нашриёти Тошкент. 1960 йил, 15-бет. Кейинги мисоллар ҳам ушбу нашрдан олинган. Қавсларда китоб саҳифалари кўрсатилган.

Юқоридаги мулоҳазалардан шу нарса англашиладики, Алишер Навоий «Хайрат ул-аброр»нинг ҳозирги кунларгача «расмий боблар» деб назардан қолдирилиб келинган кириш бобларида ҳам чуқур фалсафий фикрларни баён этади. Шоир наздида, инсон табиат ва коинот билан уйғундир. Шу билан бирга у табиатни ташкил этувчи бошқа жисмлардан ўз руҳининг, ақлининг юксаклиги билангина эмас, балки танасининг илоҳийлиги билан ҳам фарқ қилади. Шу туфайли ҳам инсон шахсиятига менсимай қараш ўрнили эмасдир. Унинг мўътабарлигини тан олиб, унинг маънавий камолоти йўлида хизмат қилиш керак.

Н авоийгача бўлган ҳамсанависларда инсоннинг тасаввуфга бўлган муносабатини бу қадар чуқур ва изчил ифодалаш кўзга ташланмайди. Алишер Навоий сўфийликни инсон маънавий камолоти заминиде туриб талқин қилади. У мазкур масалани ёритишда инсонни қиёмат азоблари билан, кўрқитиш йўлидан бормайди. Ана шунинг ўзи ҳам Алишер Навоий тавсифлаган сўфийлик тариқатининг халқчиллигини ва ҳаётий таълимот эканлигини кўрсатади.

Шу қисқача шарҳларнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, «Хайрат ул-аброр»нинг кириш бобларида биргина шу дoston учун эмас, балки бутун «Хамса», қолаверса шоирнинг бутун ижодининг етакчи моҳиятини илмий тушуниш ва тушунтириш учун қалит мавжуддир.

Сўфийлик, гарчанд биргина истилоҳ билан номланиб келинаётган бўлса-да, у бир неча тариқатларни ўз ичига қамраб олган ғоятда кенг ва чуқур фалсафий мулоҳазалар уммонидир. Алишер Навоий сўфизмнинг машҳур тариқатлари орасидан нақшбандийликни танлайди. Нега шундай? Назаримизда, Муҳаммад ибн Муҳаммад Хожа Баҳоваддин ан-Нақшбандий тариқатига хос бўлган «Дил ба ёру даст ба қор» ундамаси ўз ҳаётий мазмуни ҳамда амалий аҳамиятга моликлиги билан XIV-XV асрлардаёқ турли шоирларнинг маҳсусларига сазовор бўлди. Тасодиқий эмасдирки, шоир ўз «Хамса»сининг биринчи достонидеёқ нақшбандийлик тариқатининг асосчисига, шунингдек, тариқатнинг йирик намояндаси Насриддин Убайдуллоҳ Хожа Аҳрор шаънига ёркин мисралар бағишлайди.

Шоирнинг тасвирича, Хожа Баҳоваддин «муршиди офоқ» дир. Унинг шахсиятига хос хусусиятлар достонда қуйидагича акс эттирилган:

**... Хизматидин ҳар киши огоҳ ўлуб,
Гарчи адо маъни ила шоҳ ўлуб.
Неча тушуб эгнига қилсанг қиёс,
Хозини ирфон қафидин юз либос.
Зарқ ила тағйири либос этмайин,
Тафрикаи ҳавзу палос этмайин.
Сухбатида ҳар неча бешакку райб,
Жилва қилиб шоҳиди раъноий ғайб.
Гўшаи хилват аро тутмай қарор,
Ўзини қилмай яшурун ошқор.
Атласи гардуна билан минг зебу фар,
Тўрка тўни остида кўк остар.
Лек ўшул тўркаси ҳар тор ила,
Фақрда юз муршид учун силсила.
Мулки жаҳон билан минг зебу фар,
Балки жаҳон мулки ниғаҳбони ул. (49)**

Келтирилган бу иктибосда Хожанинг чуқур илм ва маърифат соҳиби эканлиги, хоксорлиги баён этилар экан, шоир унинг гўшанишин эмаслигини алоҳида таъкидлаб тасвирлайди. Навоий Хожа шахсиятидаги ҳаётга фаол аралашуш хусусиятини ёқтирган. Чунки, бундай хусусият узлатпаҳоҳликка қарама-қарши ўлароқ, олам огоҳликка яқинроқдир. Ҳаёт меҳрини иштиёқ билан қуйлаган шоир учун бу нарса муҳим аҳамиятга эга эди.

Алишер Навоий ижодининг бой фалсафий мазмун билан суғорилганлиги, унинг беназир асарларида теран ҳаётий ҳикматлар билан юксак бадий нафосат уйғунлашиб кетганлиги учун ҳам шоир жаҳонда бадий тафаккурнинг энг улуғ намояндлари қаторидан ўрин олган.

**Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
филология фанлари номзоди, Самарқанд
Давлат дорулмуаллими дотсенти,
Ақбар АСРОРОВ,
Самарқанд Давлат дорулфунуни
асpirанти.**

Навой боғи» деб эшитганмидингиз? Ахир, тўрт йилдан буён шоиру адибу олимлар тинимсиз қулоғингизга жавраб турган бўлса, наҳот эшитмагансиз? Бир довруқли шоир бундан уч ярим йил бурун матбуотда: «Агар шу боғ қурилиши бошланса, чиқажак китобимнинг қаламҳақини ҳадя этаман», дея катта гапирганини-чи? Ундан бери қанча сувлар оқди, дейсизми? Бе, сувлар дарёларга эмас, дарёлар Оролга эмас, сўзлару ваъдалар амалга эмас, ҳаммаси — ҳавога «оқди». Йўқса, тўрт йилдан буён Орол соҳили жиллакурса тўрт энлик кенгайиш ўрнига тўрт юз қулочлаб ичкарига «қочиб» кетармиди? Агар сўзлар ҳавога учмаганида... Тўрт йилдан бери неча шоҳ ўтди, дейсизми? Билсангиз, шоҳлар тезроқ кетиш учун тахтга тезроқ келадилар. Ҳатто «шаҳ янин фарзин киби» «мақом тутмиш» «каж»лар-да қайларгадир улоқиб гум бўлдилар. Шоиру адибу олим бари бир на шоҳ, на «каж» учун мотам тутди. Тиллари «гуҳари» мундан тўрт юзу тўқсон йил муқаддам руҳ қуши «Боғи беҳиштга» учган жаноб Низомиддин Мир Алишер Навоий лафзи бўлди. Демак, ҳазрат ҳали ўлмаган, аксинча борган сайин яшармоқда. Неваралар, ворислар «нега биз Навоийни тушунмаймиз?» деб сапчимоқдалар, бировларнинг ёқасидан олмоқдалар, лекин ўртанмоқдалар. Шу ўртанишнинг қоқ марказида мир Алишер тирик ва ғолиб. Фанонинг Темур бобо қадами етмаган бурчакларини Навоий разиаллоҳу анҳунинг музаффар қалами таслим этди (А. Орипов). Биз буни тилимиз ила тасдиқлаймиз. Дилимиз ила ҳам тасдиқ этишимиз мумкин. Лекин амалимиз билан эмас. Йўқса, қуруқ мактанмас эдик.

Гапнинг дангалини суриштиринг: «Навоий боғи қани ўша?» Мен ҳам Сиздан сўрамоқчиман: «Қани Навоий боғи? Нега беҳабар қолдингиз?»


Энди кечикдингиз. Навоий боғи ҳеч қачон бўлмайти Узбекистонда. Сўрайсиз: «Нега?» Негалигини ҳозир ишботлайман. Сиз қуруқ «Навоийга таъзим, қуллуқ» дея вермасдан эшитиб туринг.

Хабарингиз бўлса, 1990 йили Навоий таваллудининг 550 йиллик тўйига йирик ёдгорлик барпо этиш тўғрисида жумҳурият раҳбарияти кўрик танлови эълон қилган эди. Лойиҳа учун мукофот ваъда қилинди. Шунинг учун бу ишга қурби етган ҳам, етмаган ҳам боши билан шўнғиб кетди. Битта шарт — қандай лойиҳа, қандай таклиф бўлса бўлсин-у, лекин Алишер Навоий кўчасидан четга чиқиб кетилмасин. Буни эшитиб, ҳамманинг боши қотди. Негаки, мазкур шоҳкўчада ҳеч нарсани бузиш мумкин эмас, бузиш мумкин, лекин 1991 йилнинг 25 сентябри — тўйгача битказиб бўлмайти. Бир меъмор фалон бинонинг рангини бошқасига бўяш керак, деди; униси шу кўчадаги ҳайкалчаларнинг барчасини бузиб, кейин бир-бирига улаб Навоийга минорадай ҳайкал ўрнатиш зарур, деб туриб олди. Тағин бириси ҳовуз, деди, жанжалкашроғи ҳовузингда ўзинг суз, деди. Кейин бош ҳакам ўнг қўлини виқор-ла кўтариб: «Бу макет-пакетларингни буз!» деди. Сўнгра чуқур бир хўрсиниб: «Қайтадан туз(инг)!» деди.

Чиндан ғолиб аниқ бўлмагач, яна қайтадан танлов эълон қилинди.

Ўзбекистон пойтахтининг ўртарафидаги бир маҳаллада Ҳошимжон амаки деган ақлли киши яшар эди. Қарилик «пенсаси»га чиққанига ўн йил бўлувди. Ешлигида меъморлик билан шуғулланган, ҳозиргача тинмас эди. Отаси (Қобил бува) қори ўтган, ўзиям ҳазрат Навоий ижодини манаман деган «пропессёр»дан кам билмас эди. Унлаб ғазалларини зоҳиран хиргойи қилгич эди. Шу туфайлими, амаки танловни эшитиб чандон ғайрати ошди, «худойим кучдан, соғлигу омонликдан айирма-

Навоий боғи?



син-да» деб, «бисмилло»ни айтиб, атрофига бир қанча меъморчилик илмини пухта эгаллаган шоғирдларини тўплаб, ишни бошлади, карами кенг эгам кўнгилларини мунаввар қилиб турди чоғи, ҳадемай лойиҳа битди. Илҳоми жўшди. Таҳорат олдию икки ракаат нафл намози ўқиди-да, «ё қодир парвардигоро, шу савобдан бена-сиб айлама», деб ёзишга тутинди:

«Қадрли диёримиз фарзандлари! Бугун Сизларнинг назари нурингиз тушмоғи учун келтириб кўрсатилётган лойиҳа ҳазрат Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Тошкентда олий зотга аталган яхлит ёдгорлик барпо қилиш ҳақидаги жумҳурият миқёсида эълон қилинган лойиҳа мусобақасига асосан тузилган.

Лойиҳа муаллифлари: таклиф асосий ғояси камина томонидан тузилган бўлиб, асосий меъморлар эса Тошкент политехника маъҳадининг меъморлик куллийети етук домлалари, фан номзодлари, сеvimли уқаларим: Қобилжон Муҳаммаджон ўғли, Миркомил Миртолиб ўғли, Рамзиддин Асомиддинлардир. Лойиҳа ишларини бажаришда куллийет талабалари бажонидил қатнашдилар.

Лойиҳани яратишда биз меъморлар учун асосий мезон ҳазратнинг истак-орзуларидек жамиятимиз равнақи бўлди. Ана шу мезон асосида, бу улўғ боболаримизнинг: «Жамият равнақи ёш авлоднинг гўзал тарбиясига тобедур», деган ҳикматларига амал қилиб, бутун Туркистон жумҳурияти ёшларига атаб, Тошкентда ягона Навоий ҳазратлари табиатларига монанд ул зоти муборақ номи ила аталадиган боқий муқаддас Боғи беҳишт — зиёратгоҳ яратишни таклиф қилмоқдамиз.

Бунинг учун биз олий ҳазратнинг ўзларига, яъни асарларига мурожаат қилдик ва ҳазратдаги ўзлари асос солган ва ўзлари раҳнамо бўлган «Ихлосия» хонақосини бизнинг зиёратгоҳ — Боғи беҳиштимизда тиклаб бугунги ва келажак авлодларимизни инсоний фазилатлар йўлига солишу уларнинг маънавий тараққиётига эришиш, яъни «Ихлосия» номи билан одоб-ахлоқ, маърифат марказини барпо қилишни назарда тутмоқдамиз.

«Ихлосия» маркази номига биноан ўзининг иш мундарижасига кўра инсоний камолотнинг барча жабаҳаларини қамраб олган марказ бўладики, мақсадимиз, биз Туркистон халқлари жаҳонга машҳур бўлган ал-жабр илмининг асосчиси Ал-Хоразмийдек, файласуф Фаробийдек, улўғ риёзиётчи Ал-Фарғонийдек, табиат илмининг даҳоси Берунийдек, тиббиёт илмининг алломаси Ибн Синодек, шеърят оламининг тожиси Мир Алишер Навоийдек, нўжум илмининг султони Улуғбекдек, шунингдек, улўғ жаҳонгир хоқон Амир Темураддек улўғ-улўғ сиймопар авлодидан эканлигимизни ва аждодларимизга содиқ фарзандлар эканлигимизни намойиш қилишдир. Шунингдек, ёш авлодларимизни ҳазрат Навоий орқали Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган барча алломалар ва уларнинг тафаккур ҳазиналаридан баҳраманд қилиш, шу билан халқимизни саводсиз деб ҳақоратлаган манфурларга муносиб жавоб бериб мот қилишдир.

Яна бир масала. Биз таклиф лойиҳамизни Боғи беҳишт бўлишидан ташқари зиёратгоҳ деб ҳам атаяпмиз, бунинг асосий сабаби шуки, мақсадимиз ҳазрат Навоийнинг Ҳиротдаги «Мусалло» деб аталадиган намозгоҳидаги мақбараларининг айна тарзини Боғи беҳиштимизда қад кўтартиб, ҳазратнинг бир сиқим тупроқларини келтириб, у улўғ зотни халқимизга янада яқинлаштириш, боғни эса халқимиз учун ҳақиқий зиёратгоҳга айлантиришдир. Мана, кўриб турибмизки, бизнинг лойиҳамиз асосан ёшларга аталган бўлиб, яратилиши лозим бўлган бу Боғи беҳишт авлодлардан-авлодларга

қоладиган боқий муқаддас зиёратгоҳ, оромгоҳ, Туркистон халқларининг бир тан-бир жон яшашлари рамзи ва хорижий мамлакат ёшлари билан алоқа маркази бўлиб қолиши лозим. Энг асосийси, ўз халқига умрини, ҳаётини бахшида қилган зот ҳақида инсоний фазилатлардан мадҳ этувчи одобгоҳ бунёд этилса, умидвор назар билан қарагувчи элимизга муруват кўрсатилган, улўғ, саховатли иш қилинган бўлади. Бу борада Сиз, ёшларнинг муҳаббатига, ғайратига, шижоатига муҳтожмиз. Ҳазрат Навоий инсоннинг ёшлик даврини «Умр фаслининг навбаҳори ва ҳаёт гулшанининг гунчаси ва гулзоридур» деб таърифлаганлар ҳамда фарзандлари роҳати, фароғати, камолоти ҳақида қайғурганлар.

Биз ўз вазифамизни бажаришда ҳазратнинг шу олий ниятларини дастур қилиб олдик ва Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» девонининг тўртдан бири бўлган «Ғаройиб ус-сиғар»гагина мурожаат қилиб, ўз мақсад ва вазифамизни деярли бажаргандекмиз.

Аслида эса улўғ зотнинг улкан ҳазиналарини амалий равишда халқимизга етказмоқ, ҳаётга амалий тадбиқ этмоқ, халқимизнинг маънавий тараққиётига эришмоқ, исталинганида йигирма қаватли маъмурий бинолар ўрнига йигирма қаватли одоб-ахлоқ маркази — улўғ қошона қўрмоқ даркор эди.

Бизнинг таклифимиз бу борада биринчи қутлуғ қаддам бўлур деган умиддамиз. Бобомиз Навоий айтганларидек:

Умидимдан мени хурсанд этгил,
Умидим шулки, умидингга етгил.

Илоҳи, умидимизга етайлик».

Ошимжон Қобил қори ўғли бошчилигидаги гуруҳ тайёрлаган таклиф лойиҳасининг бир «нуқсон» бор эди — у Навоий кўчасидан четга чиқиб кетган эди. «Чет» деганимиз Бешоғоч майдони, боғ, кўл, саройлар ичида «Фурқат», «Халқлар дўстлиги», «Байналмилал» ва «Олмазор» кўчалари билан ўралган кенгликда эди.

Ҳакам ҳайъати қўрқиб кетди: «Нима қилмоқчисизлар ўзи? Тошкентнинг ярмини Навоийга ёдгорлик қилиб юбормоқчимисизлар? Ахир, биз Навоий кўчаси бўйлаб таклиф айтинлар девдик-ку!»

Хошимжон Қобил қори ўғли чуқур тин олиб, Навоий



номи билан аталган кўча ва Навоий музейи олди майдони ҳақидаги фикрларини тушунтирди:

1. Навоий музейи олди мақсадимизга, умидимизга, тилак-орзуларимизга жавоб берарлик даражадаги майдон эмас. Ҳажми жиҳатидан кичкина. Ҳозирда майдон Навоий руҳидан олис — кўпроқ ғайрибайналмилаллик ғояси бўйича ташкил топган.

2. Навоий музейи ва у ердаги Қўлёзмалар институти биз баён этажак «Ихлосия» ва «Шеърят қуёши» марказларининг вазифаларини бажаришга қодир эмас. Бунга доир таклифларимиз:

а) майдонда Навоий асарлари тасвирини меъморчилик йўлларида безатиб, бу безатишни Навоий кўчасининг ҳар икки томонида ташкил топтириб, Хадра майдонига-ча олиб бормоқ керак; б) рамзий тарзда бўлса-да, барча классик Шарқ шоирларининг тафаккур меваларидан намуналар ўрнатиш керак.

3. Навоий кўчасига ёндош кўчаларни Навоий асарлари номи билан аташ лозим. Шунинг ёддан чиқармаслик керакки, Навоий кўчаси бўйича ташланган юқоридаги таклиф лойиҳалари асосида аксарият гунг ҳайкаллар бўлиб, инсон (руҳига таъсир этса ҳам) амалий таъсир кўрсатолмайди.

Бешоғоч майдони, таклифимиз гарчи қиммат бўлса-да, авлодларга абадий ёдгорлик бўлиб қолади. Анчайин қўл учидан ул-бул нарсани таъмирлаб ёки енгил-елпи нарсалар тиклаб «Ёдгорлик» деб номлаш халқимизни яна бир бор алдашдир.

Ушбу майдоннинг афзаллиги қуйидагича эди:

1. Бешоғоч Тошкентнинг тарихий дарвозаларидан бири ва деярли шаҳар маркази.

2. Ободончилик шаклланган.

3. Шаҳар транспорти ҳар томонлама етарли даражада.

4. Бутун ер ости инженерлик иншооти ва электр қуввати таъминоти етарли даражада.

5. Миллий аҳоли ўрганган ва кўпчиликни ташкил қилади.

6. Ҳозирда қурилиш ишлари олиб борилиши учун қурилиш майдони очиқ.

7. Қурилиш ишлари навбатма-навбат олиб борилиши ва ҳар бир навбатдаги ишлар иккинчи навбатнинг битишини кутмай фойдаланишга топширилиши мумкин. Ушбу таклиф Тарх ва лойиҳалар амалий бажарилиши

билан деярли 30 минг аҳоли жойлашган бир мавзенинг ободончилиги тўлиқ тугалланади ва «Халқлар дўстлиги» маданият саройи, «Ихлосия» маркази, Истироҳат боғи ва Жомеъ мачити заминида бир бутун Боғи беҳишт, фикр ва маънавият тараққиётига хизмат қилувчи маданий оромгоҳ ва зиёратгоҳ ташкил топади.

Ёдгорлик таркибида қурилиши лозим бўлган иншоотлар ва бинолар:

Аввало шунинг таъкидлаш керакки, тархда кўрсатилган бинолар, иншоотларнинг номлари ўйлаб топилган ҳаёлий номлар бўлмай, балки Навоий асарларидан ёки ҳазратнинг шахсан ўзлари раҳнамо бўлган иншоотлар номидан олинган.


1. «ИХЛОСИЯ» МАРКАЗИ БИНОСИ

«Ихлосия» маркази мамлакатимизда биринчи бор барпо қилинадиган ОДОБ-АХЛОҚ қасридир.

Бу мақсад учун Истироҳат боғи ва Халқлар дўстлиги зали ўртасида ҳозирда битмай турган маишатпарастлар учун аталган ресторандан тўлиқ фойдаланиш мумкин. Ресторан йўқолиши беодобчиликларга барҳам беради.

Маълумки, халқимиз ичида, мактабларда ахлоқ-одоб, мустақил ҳаётга йўлланмалар масаласи мутлақо хароб. Оилаларда ҳам бу масалалар жуда камдан-кам муҳокама қилинади.

«Ихлосия» марказида ёш ўғил-қизларимизга олимлар, шоирлар, ёзувчилар, тиббиёт илми вакиллари, ҳаёт тажрибасига эга бўлган фозил қариялар ёрдамида одоб-ахлоқ, покизалик, садоқат, муҳаббат, назокат ва латиflik, турмушга чиқиш олди тайёргарлиги, оила масалалари, бола тарбияси, ўзаро инсоний муомалалар, калом одоби ҳақида сўхбатлар уюштириш ва қатнашувчилар ёрдамида амалий машқлар ўтказиш, шу сўхбатларда меҳмон кутиш санъатини, меҳмонномадан дарслар ўтиш, миллий либослар кўргазмаси ва уларга тикиш-бичиш сирларини ўргатиш мумкин. Бунинг учун «ИХЛОСИЯ» қошида бичиш-тикиш устахонаси қуриш, миллий таом, оилаларникидек ошхона ташкил қилиш, ашула, лапар, баҳри байт айтиш санъатларини, халқ урф-одатлари, тўй-маросимларни мукамаллаштириш йўллари ўргатиш, миллий никоҳ либосларини тикиб,



уларни оммалаштириш, гўзал миллий муқоваларда ахлоқ-одоб ва оила ҳақида китоблар нашр қилиб, янги турмуш қураётган ёшларга миллий никоҳ либоси ва шу гўзал, мўтабар китобдан тортиқ қилиш, болалар ўйинларини, миллий мусиқа асбоблари номлари, куй номлари, шеърят турлари, бадий адабиётдан сабоқ беришни йўлга қўйиш мумкин. Умуман, Марказ ёрдами ила тарбия-одоб масалаларида сон-саноқсиз ишларни амалга оширса бўлади.

Мазкур бино ўзининг мавжуд ички фойдали майдони билан марказнинг юқорида келтирилган иш тарзлари, режаларини қисман таъминлайди.

Яхлит Едгорликка Фурқат кўчасидан кираверишда дарвоза ўрнидаги икки баланд пойдорда икки «Занжирбанд шер» суврати қўйилади, бу асар ҳазрат Навоийнинг ўзлариники бўлиб, айнан меҳмонларга бу Боғи беҳишт ҳазратга тааллуқли эканини эслатади.

2. ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Маҳрутий (конус)симон бу бино мазмунан фан ва маърифат оламининг камолоҳ чўққиси томон интилиш йўлининг рамзидир.

Бино ташқи томондан иншаот бўлиб, пастдан то маҳрутий чўққисигача спирал шаклида уч метрга яқин кенликда йўлка солиниб, бу йўлкалар деворида IX—XX асрда Туркистон жумҳурияти заминидан чиққан икки юздан ортиқ машҳур тафаккур эгаларининг исм-шарифлари ёзилади, йилномалари, уларнинг байтлари, рубоийларидан иқтибослар, намуналар ўрин олади.

Шундай қилиб, бу бино иншаотда юқорида айтганимиздек ҳазрат Навоий дарвозаси орқали зиёратчиларни мўтабар зотлар билан қисман таништиради, сўнг уларнинг иштиёқ-хоҳишларига кўра муфассал таништириш, «ИХЛОСИЯ» маркази биноси, «Маънолар хазинаси» кутубхонаси, «Шеърят Қуёши» биноси бўйлаб давом эттирилади. Маҳрутий чўққи ясси майдончага эга бўлиб, унда маърифат чашмаси — булоғи каби фаввора бўлиб, чўққи «Уқи!» деган баланд фан машъали билан тугалланади.

Бинонинг ички қисми катта доирасимон хонақо бўлиб, бунда ёш ижодкорлар уюшмаси жойлашади. Ҳар бир жумҳурият, ҳар бир вилоят, ҳар бир ноҳия ёшлари шу ерда ўз ҳунарларини намоиш қиладилар ва ўзаро ҳамкорлик уюштирадилар.



у Навоийнинг «Сабъаи сайёр» дostonидаги етти иқлимни, етти рангдаги қаср соҳибаларини эслатувчи иншаотдир. Бизнинг назаримизда фаввора атрофида қариндош дугоналар: ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, ҳинду, уйғур қизлари ўзларининг гўзал миллий либосларида шарқ қизларига хос андиша ва ҳаё, вазмин, вафодор, диёнатли, мунис, лутфи-караму эҳтиром, шўх-хушчақчақлигу ифбат, назокат, нозли нафосату маърифат юзларида акс этган ҳолда қад ростлайди. Бири қўлида гул, қушларга дон сочиб турибди; бири хушчақчақ дугонасига сув сочяпти, дугонаси уялиб, табассум ила дугонасига қараяпти; бири китоб ўқиб, маърифат сари чорлаб турибди; бири эса вазмин, вафодор ёр кутиб турибди ва ҳ. к.

Фаввора қурилиши ва шунингдек, Боғи беҳиштдаги барча кичик фавворалар, боғ кўкаламзорлиги учун бир қанча милён сўм маблағ сарфланиб, қурила бошланган, ҳозирда тўхтатиб қўйилган бевурд ранги музика фавворага мўлжалланган сув насўс қурилмаларидан тўлиқ фойдаланмоқ мумкин.


Тархда бу назарга олинган. Шуни ҳам айтиш керакки, 40 метр баландликка суви отиладиган музика фаввора қурилиб битганда Абулқосим мадрасасидан бир ой ичида ном-нишон қолмас эди. Лойиҳачилар бузғунчилик йўлини туттишган.

4. «МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИ» — «ХАЗОЙИН-УЛ МАОНИЙ»

номи билан кутубхона-қироатхона.

Кутубхона ҳозирда таъмирланган, қайта тикланган Абулқосим мадрасасида ташкил топади. Бундай кутубхона ва қироатхонанинг ташкил топиши билан мадраса яна ўзининг тарихий вазифасини бажаришга қайтади ва ҳазрат Навоий ғояларига хизмат қила бошлайди.

Кутубхона сиёсий китоблардан мустасно бўлгани ҳолда Одоб-ахлоқ борасида Шарқ тафаккурлари китоблари тўпланган бутун Туркистон ёшларига хизмат қиладиган бир хазина бўлади. Қироатхона эса «Ихлосия» маркази биносида дарс тингловчиларга хизмат қилади.



Кутубхона яна ўз вақтида Туркистон ёш ижодкорларининг асарларини тўпловчи, тарғиб-ташвиқ қилувчи, оммалаштирувчи, матбуот ишлари билан шугулланувчи даргоҳ бўлади. Келажакда кутубхонанинг барча миллий вилоятларимизда бўлимлари бўлишини умид қиламиз.

Кутубхона биноси ёнида буюк Навоийнинг улуғ устозига ҳурмат юзасидан ҳазрат Жомийнинг мармар тошдан мақбаралари рамзи ўрнатилди.

5. МУСАЛЛО

Мусалло ҳазрат Навоийнинг Ҳиротдаги мақбараларининг ва намозгоҳининг номидир.

Биз ушбу зиёратгоҳ манзилни асли ҳажмда, асли тарзда ёдгорлик манзаратимизда барпо қилиш лозим ва мақсадга мувофиқ деб қарадик, бунинг боиси:

а) ҳазрат Навоийга аталган Боғи беҳиштни ҳақиқий оромгоҳ бўлишидан ташқари ҳақиқий зиёратгоҳ бўлиши истагидир;

б) ҳар қандай ёш авлод (шунингдек катталар ҳам) маблағлари имкони билан Масков, Санкт-Петербург шаҳарларининг истаган жойларини истаган вақтларида тавобод қилмоқлари мумкин, лекин Ҳиротга бориб Навоий ҳазратларини тавоф қилиш бахтидан мутлақо йироқдирлар;

в) бинобарин Боғи беҳишда Навоий мақбараси тарзини қад кўтариши халқимизнинг буюк Навоийга бўлган муносабатини, эътиқодини янада юқори даражага кўтаради.

Ҳазрат яна халқимизга яқинлашади.

Бунга қўшимча равишда «Мусалло» олди майдонида кичик фаввора, мармар қирғоқли ҳовуз, ҳовуз ёнида супа, гилам тўшалган лўлаболиш ёнида бир рамз: Навоий ёшлигида шу супада, сув бўйида китоб мутолаа қилмоқда. Ҳовуз қирғоқларида ва ўртасида қушлар оғзидан фаввора сув отилиб чиқиб турганлиги ифода-ланган.

Навоий қўлида китоб, китоб ичига яширинган электр чироғи ёрдамида турли рангда ёғду нур сочиб туради.

6. ЛАВҲ

Бу иншаот Мусалло қаршисидаги алоҳида майдончага ўрнатилган Навоийнинг «Хамса» — беш дostonи мармар лавҳаларга ўрнатилган бўлиб, беш китобнинг ўртасида ер курраси жойлашган. Бу чуқур маъноли: Навоий ва унинг шоҳ асарлари бутун дунёга маълум ва машҳурдир демакдир.

Мусалло олди ва лавҳ атрофи майдони янги турмуш қураётган ёшларга аталган бўлиб, Навоийни тавобод қилгани келган ҳар икки ёш ўз қўллари билан бир түп гул экиб кетмоқларини одат тусига киритмоқ керак.

7. «ШЕЪРИЯТ ҚУЁШИ» — «ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР» БИНОСИ

«Ихлосия» маркази биносининг алоҳида бир бўлими бўлган бу бино «Шеърият қуёши» — «Ғаройиб ус-сиғар» деб аталиб, бутун жумҳурият ёш ижодкорларига аталгандир, истеъдодли ёшлар билан олиб бориладиган ишлар, адабий кечалар, илмий мунозаралар шу ерда олиб борилади.

Биз бунда баҳри байт баҳслари, адабий ўқиш мусобақалари, умумий лапарлар айтишни ўрганиш, ёш истеъдод эгалари ишларини тарғибот-ташвиқот қилишга ёрдам беради, деб умид қилдик.

8. МАШШОҚЛАР АЙВОНИ

Бу бино «айвон» деб номланишига қарамай ёзини қишин иш олиб бориш кўзда тутилган. Бу айвондан миллий Туркистон халқлари ва қондош халқлар мусиқа садолари янграмоғи керак бўлади, бунинг учун ҳафта-нинг ҳар бир кунини да етти оғайнининг бирига навбат бериб, мусиқамиз жавонидан барчани бахраманд қилиб турилади.

9. ҲОФИЗЛАР АЙВОНИ

Бу бино ҳофизлар, дўмбирачилар, халқ бахшилари, лапарчилар, аскиячилар ва халқ ижодий санъаткорларига аталган.

10. «ФАСЛ КЎЗГУСИ» МЕҲМОНХОНАСИ

«Фасл кўзгуси» номи билан ҳазрат Навоийнинг «Сабъан сайёр» дostonидаги йилнинг тўрт фаслини эслатувчи тўрт бўлак бино шаклида икки бино қизлар учун, икки бино ўғил болалар, ўспиринлар учун аталган меҳмонхона бўлади. Меҳмонхона 600 ўринга мўлжалланган.

«Ихлосия» ва «Шеърият қуёши» марказлари — қасрлари бутун Туркистон жумҳуриятларидан келган ўғил-қизларимиз учун ҳам ахлоқ-одоб маркази бўлади деган умидимиз бор. Сабаби, шу марказларда қатнашмоқ истагини билдирган ва Тошкентга келган ёшлар сарсон-саргардон бўлмай, «Фасл кўзгуси» меҳмонхонасидан жой олмоқларига имкон туғилади. Меҳмонхона чет эл ёшларига ҳам хизмат қилмоғи мумкин.

Меҳмонхона қошида 50 машинага мўлжалланган ер ости гаражи ва техникавий хизмат кўрсатиш устахонаси ташкил топади. Меҳмонхона ва «Маънолар хазинаси» кутубхоналари атрофи мутлақо сокин дарахтзор, кўкаламзорлардан ташкил топган.

11. ҚАБУЛХОНА

Ҳозирда «атеистлар ўйи» бўлиб турган, анча харобалашган мачит биноси «Ихлосия» марказининг қабулхонасига айлантирилади, бино катта таъмирлаш ишларини талаб қилади.

Гулзор ва хиёбонлар ўрталарида, меҳмонлар учун дам олиш шийпонлари ва ўриндиқлар ва барча қулайликлар яратилиши кўзда тутилган.

Хиёбонда миллий чойхона ва миллий ошхона халқ хизматида бўлади.

«Ихлосия» маркази меҳмонларига хизмат қилиш

ва қулайликлар туғдириш учун:

а) марказ қарамоғида гул дўкони;

б) совғалар дўкони;

в) очик автомашина майдончаси;

г) меҳмонларга, йўловчиларга транспорт хавфини бартараф қилиш мақсадида «Фурқат» кўчасини кесиб ўтадиган ер ости йўлаги барпо қилиш кўзда тутилган.

«Ихлосия» маркази истироҳат боғи билан кўл устидан ўтган икки осма кўприк билан боғланади.

ИСТИРОҲАТ БОҒИ ҲАҚИДА

Бизнинг тарҳда кўрсатилгандек, истироҳат боғи майдони жануб томон сурилиши билан истироҳат боғининг майдони қисқармайди. Лекин ҳали бу ерда катта ободончилик ишларини олиб боришга тўғри келади.

ИСЛОМ МАРКАЗИ ЕКИ ЖУМЪА ЖОМЕ МАЧИТИ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА

Биз таклиф тархимизда ушбу марказ ёки жомени истироҳат боғининг ғарб томонига, «Халқлар дўстлиги» шох кўчасига юзланган ҳолда бунёд этилишини таклиф қилдик.

Таклиф қилинаётган бу майдон Тошкентнинг икки тарихий дарвозалари ўртасига жойлашиб, «Ихлосия» маркази ва истироҳат боғи кўрки билан бир муҳассам гўзал обод боғи беҳишт таркибига киради.

Ислол маркази ёки жоме лойиҳалари анча мураккаб иш бўлганлиги сабабли биз тархда биргина мачит биносини кўрсатиш билан чегараландик. Агар ушбу майдонга жоме мачити қурилиши лозим топилмаса у ҳолда майдон 32 залли ва кенг емишхона қаҳвахонаси билан катта кинотеатори бор майдон истироҳат боғи майдонига қўшилмоғи мумкин бўлади.

ТАРХ МАЙДОНИ САТҲЛАРИ

1. «Халқлар дўстлиги» концерт залининг майдони, 9,8 га.
2. «Ихлосия» маркази майдони 32,6 га.
3. Истироҳат боғи 30,7 га.
4. Ислол маркази ёки жоме майдони 32,2 га.

Ў ултур 20 февралда Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Навоий кўчасини ободонлаштириш ва таъмирлаш» бўйича буюртма танлови жюри ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Танловда жами 6 та лойиҳа қатнашди ва муҳокама қилинди. Биринчи ўрин ҳеч кимга насиб қилмади. Лекин 4 та лойиҳа иккинчи ўринга сазовор бўлди. Шулар ичида биз юқорида асосий шарҳини келтирган Ҳошимжон Қобил қори ўғли бошлиқ гуруҳ тайёрлаган «Ихлосия» маркази лойиҳаси ҳам бор эди. Йиғилишнинг ёзма баёни билан танишганда шунинг гувоҳи бўлдикки, ушбу лойиҳа катта мемориал характерга эга эканлиги, ундан ташқари режага кўра пешма-пеш қурилавериши мумкинлиги алоҳида таъкидланади. Маданий-маърифий аҳамияти ҳам бекиёс эканлиги тан олинади. Лекин... Алишер Навоий кўчасига алоқаси йўқлиги учун лойиҳани «кўрамиз, ўрни келса фойдаланамиз, ҳозирча шаҳар меъморчилик идорасига топширамиз» деган қарорга келишади.

Очиғини айтиш ва чин дилдан тан олиш керак: танловда қатнашган лойиҳалар ичида энг аҳамияти зўр ҳамда пухта, олис келажакни кўриб ишлангани шу — «Ихлосия» маркази макети эди.

Хўш, «Ихлосия» шу даражада аҳамиятли, пухта ишланган лойиҳа экан, нега уни Навоий боғини ташкил этишда асос қилиб олинмади? Ҳамма гап шунда. Биз ҳам бунинг сабабини ахтаравериб бошимиз қотди. Эҳтимол, ниҳоятда улкан иншоотлар қурилиши лозимлиги раҳбарларни чўчитиб юборгандир, эҳтимол, шаҳар меъморчилиги хўжайинларининг миясига бундай миллий ва гўзал боғ яратиш фикри келмагани, айнан ўзлари бунга бош-қош бўлмаганлари учун ғаразлари келиб қаршилиқ кўрсатишгандир. Ҳарҳолда мазкур лойиҳа, унга кетган меҳнату машаққатларга раҳбарлар менсимай қарашди. Ҳолбуки, «Ихлосия» маркази лойиҳаси матбуотда бир неча марта тарғиб қилинди («Ёш ленинчи» газети ва «Шарқ юлдузи» жўрналларида). Балки бу тарғиботдан сўнг халқ чинданам шу лойиҳа бўйича қуришаркан-да, деб ўйлаётган чиқар. Мана, яқинда 25 сентябрда улуг бобомизнинг катта тўйи бўлди. Тўйга энг йирик совға Тошкентда ўша қурилиши мўлжаллан-

ган боғнинг бир четидаги жонсиз сиймо — ҳайкал бўлди. Қизиғи шундаки, ушбу ҳайкал қўйилган сула ва унинг чор атрофи, устки гумбази (фақат ҳайкалдан бўлак) деярли ҳаммаси «Ихлосия» лойиҳасидаги «Тафаккур гулшани» қисмининг айнан ўзи. «Ихлосия»да бу қисм бутунлай бошқа мақсад учун хизмат қилиши керак эди. Буни қандоқ тушуниш мумкин? Ҳайрон қоларлик жойи — ҳозирги боғ айнан кимнинг лойиҳаси асосида қурилаётгани ноаниқ. Ҳайкал муаллифлари эса Э. Алиев, Н. Бондйаладзе ва В. Дегтярёв деган кишилар экан. Гуруҳ бошлиғи эса Тошкент шаҳрининг собиқ бош меъмори Д. Латипов бўлиб чиқди...

Ҳошимжон Қобил қори ўғли ўз гуруҳи билан тайёрлаган лойиҳа деярли инobatга олинмаётгани туфайли тағин бир лойиҳа вариантига муаллифдошлик қилибди. Бу вариант очиғи, жудағам ғариб, икки бир салобати, мазмуни йўқ, фақат илгаригидан фарқи — парк ичидаги болалар поезде темир йўлини яна узайтириш ва бекатларига Навоийнинг асарлари қаҳрамонлари ва шоир яшаган шаҳарлар номлари қўйилиши эди. Ҳошимжон Қобил қори ўғли лойиҳага маслаҳатчи, муаллифлар аввалги ўзининг гуруҳи, гуруҳ бошлиғи эса собиқ бош меъмор Д. Латипов экан... Ҳошимжон Қобил қори ўғли ва Қобилжон Муҳаммаджоновлар бизга бу вариантдан асло кўнгиллари тўлмаганини айтишди. Ҳечқурса бир оз бўлсин, Навоий руҳи сингиши учун шу вариантни ишлаш-даям бош-қош бўлишибди. Д. Латипов билан гаплашганимизда эса у киши Ҳошимжон Қобил қори ўғлини умуман танимаслигини, кўрмаганини айтди. Қизик, гуруҳ раҳбари ўз маслаҳатчисини танимади, кўрмаган... Шундан сўнг мен собиқ бош меъмордан бундан кейин боғ қурилиши қайси лойиҳа асосида давом этишини сўрадим. У киши бу ишнинг асосий раҳбари ўзи, асли ғоя ҳам ўзидан чиққанини таъкидлади, кейинги барпо этила-жак иншоот ва боғларга ўзи раҳбар бўлган лойиҳа, шунингдек, В. А. Акапжаниян, Ф. Турсуновлар лойиҳаси асос қилинишини айтди.

Тошкент шаҳрининг ҳозирги бош меъмори М. Расулов эса ҳали лойиҳа танлови тугамагани, муқим бир лойиҳа танланмагани учун ҳали таклифлар қабул қилиш давом этаверишини таъкидлади.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйи кунда «Ихлосия» муаллифи Ҳошимжон Қобил қори ўғли иттифоқо Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. Самандаров билан учрашиб қолади. Навоий боғи қурилиши муносабати билан олиб борилаётган ишлардан норозилигини, ўзининг таклифларини айтади. Шундан сўнг Э. Самандаров Ҳ. Қобил қори ўғлини алоҳида ҳузурига қабул қилиб, фикрларини эшитади. Маъқул дейди, аммо ҳукуматнинг мақсади бу боғ биргина ҳазрат Навоий боғи бўлиб қолмаслиги кераклигини, бошқа йирик алломалар юбилейлари бўлганида уларнинг ҳам ҳайкаллари қўйилаверишини айтади. Ҳошимжон ака «демак, у ер ҳайкаллар қабристонига бўларкан-да, бизнинг куйинишимиз бефойда экан-да», деб келиб дардини бизга ёрди. «Қанийди умримнинг қолганини шу ишга сарфлаб тугаллаб кетсам, кучимни, тажрибам ва ишимни сира аямас эдим, бу учун бировдан бир тийин таъма қилмасдим», деди.

Дунё пайдо бўлгандан буён эзгулик жаҳолат оқибатида вужудга келган ёвузлик билан бетиним олишиб келади; гоҳ энгади, гоҳ энгилади, лекин мудом истиқболдан умидини узмайди. Ушбу замонда бировни қоралаб обрў топмайсан одам. Лекин қайдаки, бир катта савоб ишга қўл урилса у эътиборсиз қолмайди. Муқаддас китобда айтилишича, икки тошнинг орасига кириб бекиниб намоз ўқиётган мўминни инсонлар билмай қолиши мумкин эмас экан. Оллоҳ-ку, ҳар нар-

сани билгувчи, бироқ савоб ишни «хиратда далил қилиш учун у буни албатта одамларга билдираркан. Юқорида биз «Ихлосия» маркази лойиҳасига шарҳларни муфассал бераётганимизнинг боиси ўтмиш мезморчилигимизнинг муносиб ворислари ҳамон бор, улар ҳамон мунтазам ҳаракатда эканлигини Сиз авлодларга эслатиб қўйишдир. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Ўзбекистон ё Урта Осиё тугул шу катта империя — Шўролар иттифоқида «Ихлосия» лойиҳасидаги мазмунни берувчи одоб-ахлоқ маркази борми? Тошкентдаги шаҳри азимга дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан келган меҳмонлар, хусусан, муслмонлар «Ихлосия»га бирров қўниб, зиёрат қилиб кетсалар ёмон иш бўладими?

Ҳакам ҳайъатининг 20 февралда бўлган йиғилишида «Ихлосия» лойиҳасининг маърифий аҳамиятига бир оз эътибор берилганини йиғилиш ҳужжатларидан билиб олиш мумкин. Уша пайтда мазкур лойиҳага биргина Навоий кўчасидан ташқарида эканлиги айби тўнналган эди. Бошқа айби ҳам бормикин, деган шубҳа билан Д. Латиповга кўнғироқ қилиб кўрдик. «Гап шундаки, у лойиҳадаги маҳитнинг ўзи ҳозирги «Халқлар дўстлиги» саройидан ҳам катта бўлиб кетади, натижада сарой

иккинчи даражали бинога ўхшаб қолиши мумкин», деган жавобни олдик. Жуда ғалати эътироз бу.

Шароф Рашидов ўз даврида жуда улкан бинолар, метро ва шу қатори «Халқлар дўстлиги» каби катта эътиборли сарой қурилишига эришган эди. Бугун, Ўзбекистон ўзини мустақил деб эълон қилгач, келажак насларимиз учун бир тарихий ёдгорлик бўлгулик марказ қуришга қурбимиз етмайдими? Ҳозир ўнлаб турли жамғармалар очилди. Агар ҳукумат Навоий боғининг мемориал характерда эканидан чўнтагини ўйлаётган бўлса, тағин халқ савоб йўлида, Навоий руҳи учун садақасини аямас эди.

Биз ушбу мақола орқали атайин бир кишининг лойиҳасини қувватлаб, унинг манфаатини ҳимоя қилмоқчи эмасмиз, аксинча, халқимиз учун қай бири кўпроқ маънавий ёрдам бера олиши мумкин бўлса, ўшани тарғиб қилиб, баъзи фирромликлардан ўқувчиларимизни огоҳ этиб қўймоқчимиз. «Ихлосия» маркази лойиҳаси тўғрисида биз биринчи бўлиб ёзаётганимиз ҳам йўқ. Агар бу борада яна фирромлик, тарафкашлик, шахсий манфаатлар йўлида кураш кетар экан, ишонтириб айтаемизки, тағин албатта бонг ураверамиз.



Бошланиши 19-бетда

тиғ сингари ботарди. Расул пиённинг бугун кечқурун ҳам кечагидек аламли, йиртқич қиёфада кириб келишига шак-шубҳа йўқ эди чамаси... Ана бу ёмон эди!

Ана шунда бола қилган гуноҳининг нималигини тасаввур этишга уринди, сезгилари ўткирлашиб, борики қилган ҳаракатларини (кўпинча бўйинни идора қилолмай қоларди), кечаги кунини таҳлил қила бошлади. Ҳеч нарса... Отаси икки-уч мартагина аравачасидан тушириб, яна ўтқазиб қўйганини ҳисобга олмас, айтарлик ҳеч нарса содир бўлган эмас! Зеро, бу ишни ота шусиз ҳам ҳар кунни одатдаги бир ҳолдек бажарарди...

Боланинг танасига сингиб олган бояги қора шарпа эса лаҳза сайин кучайиб, мияси ва қалбининг бурчак-бурчакларида чидаб бўлмас оғриқ-алам уйғотарди. Унинг абгор дилини ёшига ҳам, саломатлигига ҳам асло тўғри келмайдиган даҳшатли шубҳалар чулғаб олар ва бу нарсалар секин-асталик билан энгилгина танасини кўтариб, жойидан қўзғатаётгандек бўларди. Ҳа, бу азоб берувчи дунё унинг кўксидан кераксиз буюм сингари итарарди. Шу оний лаҳзаларда у ўзини одатдагидан заифу нотавон сезди. Бутун вужудидаги нимадир жудаям аччиқ бир ҳақиқатни тан олишга ундарди. Бу нарсани бола эсини танигандаёқ ғирашира бўлса-да, англаб етган, бироқ тан олишни, у ҳақда ўйлаб кўришни узлуксиз орқага суриб келарди.

Кечаги отаси билан бўлган можародан кейин эса у бу совуқ оламга беҳуда келганлигини, ортиқчалигини, ўзининг яшаб қолиши бошқаларга бахтсизлик, кулфату алам келтиришини англаб етгандек бўлди...

Ана шунда бола нажот истагандек, кўз ёшлариниям артмай, тип-тиник беғубор осмонга қаради... Сано ниҳоятда кенг эди...

Унинг боши гир-гир айланди, роҳатланди ва шунда... тумандек юмшоқ бир ҳаво оқими кўксига урилиб, вужудини астагина кўтарди... Ростдан ҳам кўтарди. У учиб кетди... Бениҳоя сокин бир бўшлиқда сеvimли оқ каптари билан қўшилиб учарди... Улар ОЗОД эдилар...

Бу лаззатбахш лаҳзалар боланинг зўриққан қалбидан илоҳий шароб ҳузури янглиғ сизгиб ўтарди...

Ногаҳон темир дарвоза қарсиллаб очилганида у миясига ниманингдир пўлат тиғ сингари қисирлаб кирганини сезди. Бошини кўтарганида, тепасида маст отаси ўқрайиб турарди.

Бола бир қалқиб кетди-да, қўлларини ҳимояга чоғлаб, юзини яширди. Отанинг даҳшатли қўллари илқис сеvimли каптарига чанг солди, уни тутиб бўғди, ғунчадек кўҳлик бошчасини шарт узиб, қонларини сачратди...

— А-а-а-а!..

Қора шарпа суриб келаётган нимадир боланинг бўғзидан чинқириқ сингари отилиб чиқди ва шунда у... бош чаноғига аллақандай совуқ чангал човут солиб, бир силкиб миясини суғуриб олганини сезди.

Бошининг бирданига энгиллашиб қолганини пайқаб, бола негадир хурсанд бўлиб кетди ва мудраётган гўдак сингари ёнбошига оғди...

Расул пиён қўлларида ҳали ҳам типирчилаётган бошсиз каптарни ўғлининг устига жаҳл билан отиб, гандираклаганча нари кетди-да, сўқинди: «Сен мени бебахт қилдинг, ярамас, майиб!» Мана шу каптардек бошининг узиш керак сени!..»

Бола тош ҳайкалга ўхшаб қотиб қолган эди.

Кўксига отилган каптар кийимларида қирмизи қон изларини қолдириб, тиззасига келиб тушган, парқудек оппоқ тўши қон сачраган жаннатий оқ гулни эслатарди...

Муродим УМУРЗОҚ 1952 йилда Самарқанд вилояти, Иштихон туманидаги Қизилқулоқ қишлоғида туғилган.

Урта мактабни тугатгач, 1977 йилда Самарқанд тиббиёт институтига кириб ўқиган. У ҳозир Самарқанд шаҳар шифохонасида ишлайди. Марказий матбуотда ҳикоя, ҳажвиялари билан қатнашиб келади.



Омонкелди
Норбек



ераза ойнаси чил-чил синди. Ботир «гол эмас» деб қийқириб кулди.

— Озод, қўй десам ҳам қўймадингиз. Мана энди...— ошпаз йигит Носир худди бошларига катта кулфат тушгандек афсусланиб хўрсинди.

— Вой, Феруза опам энди ўришади,— хавотирланди ошпаз қиз Маъсума.

«Ахир у ерда Феруза туради-ку!» Озод шошиб дераза ёнига борди. Ойна синиқлари кирза этик остида қолиб ғижирлади.

Мой юқи шапкасини қийшайтириб бошига қўндирган Ботир тўпни қўлига олиб, айлантириб кўрди.

— Тешилмабди,— деди у ўша ўша қувноқ оҳангда.— Озод ака, энди сиз дарвозага туринг. Қўяверинг, деразани ўзлари тузатиб олишади.

— Бўлди, Ботир. Чойингизни қайнатинг, соат бешдан ошди,— деди Маъсума норози оҳангда.

Ботир истамайгина самовар томонга юрди. Озод ром ичида илиниб турган ойна синиқларини олиб, четга ташлади. Сўнг энгашиб ичкарига қаради. Димоғига хушбўй атир ҳиди аралаш шамнинг ачимсиқ иси урилди. Ойна синиқлари тўшаклар устида сочилиб ётарди. Озод эҳтиёткорлик билан уларни териб ола бошлади. Девор томондаги яшил жун чойшаб ёпилган тўшак устига кафтини юргизаётиб Озоднинг юраги ҳаприқиб кетди. Мана шу ерда у ётади. Озод кафти билан тўшакни, оппоқ ёстиқни беозоргина, ҳадиксираб сийпай туриб, қиз турадиган бўлмага кўз югуртирди: учта кароват бир-бирига тақаб қўйилган, оёқ томонда турган жомадон устида чойнакпиёла, косалар тартиб билан терил-

ган ва ҳар бир каравотнинг бош томонига гулли сочиқ ташланган эди.

Озод қизнинг тўшаги устидаги ойна синиқларини териб олди. Уртадаги тўшакка қўл чўзди-ю, аммо бу тўшакнинг эгаси ким эканлиги миясига чақмоқдай урилиб, шошиб қолди. Ноила сочлари калта қирқилган, унча-мунча одамни писанд қилмайдиган, оғзи «катта», озгин қиз. Биринчи курсдан уни Озоднинг жини суймайди. У Ноиланинг тўшагига хушламайгина қаради. Ферузанинг у билан қандай дугона тутинганига тағин ҳайрати ошди. У теримчилар қайтадиган пайт яқинлашиб қолгани, тезроқ деразани беркитиб қўйиш кераклигини ўйлаб, ошхона томонга ўгирилди.

— Маъсума, сиз ичкарига кириб ойна синиқларини йиғиштириб олаверинг. Мен қора қоғоз олиб келаман,— деди у.

— Э, Озод ака, қўяверинг. Самоварни ёқиб бўлгач, ўзим тузатаман,— деди Ботир сув теккан гугурт қутисига донани қаттиқ-қаттиқ ураркан.— Мана, ҳозир...

— Чойингни қайнатавер,— деди Озод унга, сўнг ҳазил аралаш қўшиб қўйди.— Боя ўзлари тузатиб олишади, дединг-ку. Қолаверса, ўн бир метрлик жаримани уролмаган ношуднинг жазоси шу.

Ботирнинг «юқумли» кулгисини эшитиб, Маъсума ҳам жилмаяётиб, Озоднинг нигоҳини сезиб қолди-да, бирдан ўзини қора қоғоз панасига олди. Бунни кўрган Ботир Озодга кўз қисиб, шўхлик билан «ҳайт-хуйт» деб қичқирди. Нариги томондан Маъсуманинг беозор пўписаси эшитилди:

— Ҳаддингиздан ошманг, Ботир!



Ҳикоя

Ўзининг дастлабки машқларини рўзномаю ойнамаларга, умуман матбуот идораларига кўтариб келган қаламкашга ўта талабчанлик билан қараш ҳам ё бўлмаса унинг камчиликларини хаспўшлаш ҳам тўғри эмас деб ўйлаймиз. Шу нуқтаи назардан ёндашсак, Омонкелди Норбекнинг машқларида анчайин фазилатлар ҳам бор эканини кўриш мумкин. Бу фазилатлар нималарда бўртиброқ кўринади! Шунини айтиб ўтиш керакки, унинг айрим ҳикояларида воқеалар ҳаётий, одамлар жонли. Муаллиф қаҳрамонлар танлашда ҳам кўп ўринда янглишмайди. Улар ўзига тенгдош бўлган, айрим ҳолларда ундан уч-тўрт ёш катта ёки кичик қишлоқ йигит-қизлари. Ёш носир уларнинг руҳий оламига кириб боришга интилади, қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини характер мантиқидан келиб чиқиб далиллашни ўзига мақсад қилиб олади ва маълум маънода бу мақсадига эришади. Албатта, бу санаб

ўтганимиз фазилатлардан Омонкелди Норбекнинг қалами анча чархланиб қолган деб даъво қилаётганимиз йўқ, бундай даъводан мутлақо йироқмиз. Буни келажақда пухта бадий асар ёзмаган деган ва шунга интилаётган ёш ижодкор ҳам тушунса керак. Омонкелдининг машқларида ва ана шу машқлар орасидан биз журналимиз учун танлаб олиб, «Олис-яқин овозлар» рукни остида бераётганимиз — «Алданиш» ҳикоясида ҳали меъёрига етмаган, сайқалталаб ўринлар, хирароқ тортиб турган образлар бор. Жимжимадор, ўргамчик сўзлар қўллашга мойиллик ҳам сезилиб туради. Буларнинг барига изланиш йўлидаги табиий камчиликлар деб қараш лозим. Ёш носир кейинги изланишларида ана шу қусурлардан иложи борича тезроқ қутулиб, бадий ижодда ўз йўлини топиб олишига умид боғлаймиз.

Наср бўлими.

Озод қора қоғоз билан ўралган ошхона орқасига ўтаётганида, кунда устида гўшт майдалаётган Носир «ўзингизга ташвиш сотиб олдингиз-да», дегандай бош чайқаб қўйди. Озод унга жавобан сўз қотмай, ярим ўрам қора қоғозни кўтариб ортига қайтди. Иккала самовар мўрисида қоп-қора тутун буруқсиб чиқиб, кўкка ўрларди.

— Утиндан сол-е,— деди Носир Ботирни жеркиб.

— Ёриб қўйилган ҳамма ўтинни йиғиштириб олиб, нега бақирасиз,— деди Ботир консерва қутисини тупроқ устига ташлаб.— Бақирманг, ўтинимни қайтиб беринг.

— Ие, қанақа ўтин? Уни Озод ёрди-ку.

— Озод акам менга ёрган, билдингизми? Текин хизматчини жа топиб олибсиз.

Ботир ҳам қизиқ. Носир билан бир дам жиққамушт бўлмаса туролмайди. Озод шийпон ёнига келиб, ичкарига қаради. Маъсума тўшақлар устига сочилган ойна синиқларини йиғиштириб олибди. У Феруза ётадиган кароват тутқичига осиглиқ чиройли сариқ рўмолга кўзи тушиб, бадани жимирлаб кетди. Феруза ҳар куни теримдан қайтгач, шу рўмолни ўрайди. Ўзига бирам ярашадими..

Озод ўғринча ошхона томонга кўз қирини ташлади. Ҳамма ўз юмуши билан банд, уни ҳеч ким кузатиб тургани йўқ. Бундан у дадилланди, рўмолга аста қўл узатди. Бармоқлари майин матога тегди. У қизнинг ёстиғига тирсақларини тираб, рўмолни юзига босди ва ундан гуркираб таралаётган хушбўй хиддан сармаст бўлгандай бир неча марта ўпди. «Бу унинг рўмоли. Қани энди, ўзининг ҳам шундоқ ёнгинасида турсанг, кўзларига

тикилсанг, қулоғига аста-аста шивирласанг...» Озод энди рўмолни қайтариб жойига қўя олмаслигини англади. Назарида, қайтариб қўйса, қиздан айри тушадигандай туюлди. «Бир кун ўзим билан олиб юрай, эртага Феруза теримга кетганда тагин жойига қўяман», деб хаёлидан ўтказди у. Рўмолни авайлаб қатлаб, қўйлаги ичига солганида, баданига гўё қип-қизил чўғ тушгандек бўлди. Ҳозир Феруза теримдан қайтиб келиб, уни туттиб оладигандек. қўйлаги тугмаларини шошиб қадади. Сўнг деразага қора қоғоз қоплашга тутинди. У ишини тугатганда, бетон ариқ бўйидаги йўлдан теримчилар қайтиб кела бошлашганди.

Озод тор, деворлари кўчган, ойнаси оҳак билан бўялганидан нимқоронғи, турли қоп ва қутиларга тўла омборхонага кирди-да, чап томондаги икки қаватли каравотнинг пастки ўриндиғига бориб ўтирди.

У беш кундан бери шийпонда, жигари оғриб теримга чиққани йўқ. Ҳар куни эрталаб нариги шийпондан автобус келади. Ҳамшира қиз бошчилигида касалхонага, муолажага борарди. Сўнг тагин шийпонга қайтиб келиб, китоб ўқийди, шашка ўйнайди, ошпазларга, хусусан, Ботирга ёрдам бериб кунни ўтказди. Узиям, зериккандан юраги ёрилай деб кетди...

Теримдан қайтаётганларнинг кўпчилиги кечга қандай овқат тайёрланаётганини билиш мақсадида бўй чўзиб ошхонага қараб ўтишарди. Бир зумда ҳаммаёқни уларнинг ғала-ғовури босиб кетди. Озод қўйлаги остидаги рўмол дўмпайиб турганини кўриб,

ирғиб ўрндан турди-да, эшикнинг боғичини миҳга илди. Шу чоғ ташқаридан кимдир эшикни тортди. Озоднинг хаёлидан «Феруза рўмолни излаб келган бўлса-я», деган ўй кечдию юраги дукурлаб уриб кетди, эшикдан кўз узмай турди. Эшик ортидаги кимса, ичкарида ҳеч ким йўқ, деб ўйлади шекилли, эшикни тортишни бас қилиб, нарига кетди. Озод энгил тортиб, рўмолни қўлига олди ва ундаги атиргул ғунчаларини ҳидлагандек бўлди. У рўмолга тикилиб туриб, хаёлига келган ўйдан севиниб кетди. Шоша-пиша нимчаси ва қўйлагини ечди. Рўмолни ёстиқ устига ёзиб, узунасига тахлади ва сўнг уни, худди юрагидан яралангандек елкаси оша қўлтиғидан ўтказиб боғлади. Қўйлагини кийганида оқ, сариқ ва қизил ранглар ажиб бир уйғунлик касб этди. У рўмол кўрииб қолмасин тагин, деган хавотирда қўйлагининг тугмаларини бўйнигача қадади.

— Озод ака, эшикни очинг, қуруқ чой олай,— эшик ортидан Ботирнинг овози эшитилди.

Озод эшикни очди. Ботир ичкарига кириб, бурчакдаги яшиқдан бир қути чой олди.

— Озод ака, илтимос, нонни ўзингиз тарқатаверинг. Ана кесиб тайёрлаб қўйганман,— деди у ташқарига чиқаётиб.

— Хўп,— деди Озод ва ҳали дераза қаршисидаги тахтаб қўйилган нонлар олдига боришга улгурмай, ичкарига озгин, новча бўйли бир йигит кирди.

— Ҳа, ўтирибдиларми, жаҳоннинг биринчи бемори? Салом,— деди у бўғиқ овозда кўришиш учун қўл узатиб.— Қандайсан?

— Э, шоиру замон, кел! Узларидан сўрасанг? Бугун «штаб»га кир-

майдинг бўлдинги, ишқилиб,— деди Озод ҳам унга қўл узатиб. Шоир «қўй, сўрама», дегандек қўлини беҳолгина силтаб, чуқур уф тортди. Юқори ўриндиқ устидаги китобни олди ва тик турганча уни варақлай бошлади.

— «Мартин Иден». Алданган, сароб бўлган муҳаббат, куйган кўнгил ҳақидаги роман. Тағин қайта ўқияпсанми?— деб сўради Шоир китобдан кўз узмай.

— Сенга нима бўлди?— Озод китобга берилган таърифдан ҳайратланди.— Ахир кечагина «биз матонатли инсон бўлишни Мартиндан ўрганишимиз керак», дегандинг-ку!

— Мана бу гапни эшит: «Он немог унижат любов, потому что боготворил его». Шунақа гаплар. Биз аввало умримизни, яшаётган ҳар бир кунимизни илоҳий деб билмоғимиз керак. Мартин фақат муҳаббатни, тўғрироғи, севгини эмас, ҳаётни илоҳий деб билганида эди...

— Аммо муҳаббатсиз кўнгил ҳаётни илоҳий, дея билолмайди, аксинча, барча нарсдан кўнгли совийди ва охир-оқибат Мартиндек йўл тутишга мажбур.

— Агар сен муҳаббат деб барча гўзаллик, эзгулик ва самимиятни улуғловчи туйғунга назарда тутаётган бўлсанг, ҳақсан. Бироқ, сен тезда севиб қолувчи йигитлар тоифасидансан. Шуни билки, қиз нечоғлик гўзал бўлмасин, унга бўлган севгинг саробга айланса-да, бу ҳаёт тугамайди.

Остонада қадам товуши эшитилди. Улар ялт этиб шу томонга қарашди: шим ва тор кўйлак кийган Ноила остона ҳаглаб ичкарига кирди-да, қўлидаги косани Озодга узатди.

— Озод, менга шакар билан нон беринг,— деди у ва сўнг дабдурустдан Шоирга гап қотиб қолди.— Билганингиз китоб экан-да, Шоир. Қанақа, яна севги ҳақидаги китобми?

— Эй, гўзаллар гўзали, келинг. Бизга гап қотдиларми? Сўрабдилар. Жавобим. Сиз кўзгуни қўлдан қўймаганингиздек, биз бечораларнинг юмушимиз шудир. Бу китобда хўрланган ва топталган муҳаббат тасвирланган. Худди Ғофурбек оппоқ пахталарни тележкага жойлаш учун тепкилаб босгандек.— Шоирнинг аччиғи чиқиб турганди, у рўпарасидаги кўзлари ўйноқлаб турган қизни гап билан узиб олмоқчи бўлди.— Э, кечирадилар. Сиз муҳаббат ҳақида эмас, севги ҳақида сўрадингиз, яъни про

любов. Мен ношуднинг бир қошиқ қонимдан кечинлар...

Ноила Озод узатган шакар тўла косани қўлига олди.

— Озод, қизариб пишган, юмшоқроғидан беринг. Йўқса, Феруз уришади,— Шоирнинг гаплари оғир ботса-да, эътибор бермай, мулойимлик билан Озодни ўз раъйига юргизишни кўзлади Ноила.

— Ҳа, хизмат вазифасини бажараётган экансиз-да, кечирадилар,— деди Шоир қизнинг баттар жиғига тегиб.

— Қофиясиз гапирма, Шоир,— деди Озод дўстининг одатини билгани учун вазиятни юмшатиб, қизга нон узатди.— Манг, Ноила.

— Бугун ҳам ичволганми дейман,— деди қиз қошларини чимириб, ташқарига йўналаркан.

Шоир китобни ёстиқ устига ташлаб, чўнтагидан сигарет қутисини чиқарди-да, бир дона сигаретни бармоқлари билан эзгилаб, ўйга толиб қолди. «Бунинг ловиллаши ҳам, кул бўлиши ҳам осон,— деб ўйлади Озод.— Ҳозир тағин ловиллайди».

— Гугуртинг борми?— деб сўради Шоир.

Озод ўрнидан туриб, гуруч қопи устида турган гугуртни олиб, Шоирга узатди.

— Менга қара,— деди Шоир сигаретни тутатиб,— Феруза бирор марта бу ерга келиб, нон олиб кетмиши?

Шоирнинг ловиллаётгани аниқ, аммо гапни қайси томонга бұраётганини Озод англаёлмай ажабланди. Дастлаб нон тарқатган кунлари Феруза келармикан, деб кутди. Бироқ, мана, бешинчи кундирки, қорасини ҳам кўрсатмасди.

— Сен сезгансанми, пахта даврида чиройли қизлар, яъни Ферузага ўхшаганлар Ноилага ўхшашлар билан гўё дугона тутинишади. Бундай хунуқроқ қизлар «қозонга яқин юрсанг, қораси юқади» мақолининг тескарисига амал қилишади, худди чиройли бўлиб қоладигандек Ферузларнинг барча юмушини ўз бўйнига олади: нон ташийди, косани ювади, пахта теришади, хуллас, тайёр канизак бўлиб, бегойимидан бир қадам ажралишмайди. Бунинг устига, боғидек димоқ-фироқ қилишлари-чи?! Қизлар чиройга интилишади, шунинг учун асл чиройга эмас, ташқи ясама ва сунъий чиройга қарам бўлиб қолаверишади. Бу ёмон. Аммо энг ёмони, бу кўргулик ҳеч бир йигитнинг бошига тушмасин. Мартиннинг фожиаси ана шунда!

Нон олувчилар кўпайиб кетди. Шоир ҳам ўрнидан туриб, овқатланиш учун ташқарига чиқди. Ботир икки косада овқат олиб кирди. Носир нимадир деб унинг ортидан бақириб қолди.

— Хасис. Ўзига кўп гўшт солади-ю, бизга келганда хасислик қилади. Солган гўштини қаранг,— Ботир эшикни қарсиллатиб ёпди.— Очкўз!

— Бўлди, кўп нолийверма, бир туюр гўшт емасанг, ҳеч нарса қилмайди,— деди Озод койиган бўлиб.

— Ака, сиз билмайсиз-да,— деди Ботир ва бир зум атрофига аланглаб қараб олди-да, сўнг муҳим сирни ошкор қилаётгандай пичирлаб гапира бошлади:— Носир қозондан гўштни олиши билан бошқа лаганга ярмини яшириб кўяди...

Озод индамай темирқошиқни қўлига олди. Улар макарон шўрва ичишга энди тутинганларида ичкарига тоғора кўтариб Носир кирди-да, тоғора ичидан чинни коса олиб, дастурхон устига қўйди.

— Ботир, сен нимага ундай қиласан?— деди у кўзларини олакула қилиб.— Озод буни қарангда, ҳамманинг олдида гўшт солинг, нимага оз, деб шарманда қилди. Кетавер десам ҳам кўнмайди. Мана олиб келдим. Ма, энди...

— Менга ортиқчаси керакмас. Узимнинг ҳаққим етади,— деди Ботир ва қўли билан косасини беркитиб олди.

Носир Озоднинг косасига муштдай гўшт солди.

— Бекор солдингиз, Носир, мен бари бир ея олмайман,— деди Озод.

У косасидаги шўрваннинг ярмини ичди-да, ўрнидан туриб қаравотга ўтирди.

— Ҳа, ака, яна жигар безовта қиялптимми?— хавотирланиб сўради Ботир.

— Йўқ, тўйдим.— деди у. «Ботирнинг жиғибийрони чиққанича бор,— деб ўйлади у кўзларини юмиб.— Мана ҳозир Носир ўзини батамом ҳақ деб билади. Аслида эса бировнинг ризқини қийиб, қорнини тўйғазапти. Мен эса бу ҳақда ўйлаяпман-у, унга буни очиқ айта олмайман...»

— Озод ака!..

У сесканиб бошини кўтариб, кўзларини очди: хонада ёлғиз ўзи қолибди. Чақирган Маъсума эди.— Малол келмаса... бир пақир сув олиб келиб беринг. Қозонни ювардим...

— Хўп,— деди Озод ва ўрнидан қўзғалиб, ичкарига киришга ҳам тортиниб турган, соддадил қизнинг қўлидан челақни олди-да, хонадан чиқди.

Ташқарида одамга хуш ёқадиган кеч куз шабадаси эсарди. Шийпон қаршисидаги олма дарахтлари тагида, чимзор устида ўн чоғли йигитлар давра қуришиб гурунглашишар, кудук бошида эса қизлар идиш-товоқ ювишарди. Озод кудукқа етганида шундай ёнидан бир йигит бир қиз ўтиб қолди. Қудуқнинг нариги томони катта йўл, чап тарафи эса пахтазор эди. «Сайрга чиқишган,— деб ўйлади Озод.— Шу оромбахш, сокин кечада улар қўл ушлашиб юришади, кўнгилдаги бор дардларини бир-бирларига айтишади...» Сайрга чиққанлар Носир ва Барно эди.

— Озод, сизмисиз?— деб сўради Носир қудуқдан анча нарига боргач, ортига ўгирилиб.— Биз нариги шийпонга бормоқчи эдик. Ботирга айтиб қўйинг, қозон бошида пичоғим қолиб кетибди.

— Нима, олиб келиб берсинми?— киноя билан сўради Озод.

— Йўғ-е, ичкарига киритиб қўйинг. Шундай денг, илтимос...

— Пичоқни ўзингиз билан олиб юринг-да. Тағин дайди итлар...

— Носир акам ит-питдан кўрқмайди,— деди Ноила.

«Ақлли, тилли-жағли қиз. Киноя қилаётганимни дарров тушунди», деб ўйлади Озод ва бир нақлга ишора этиб, қўшимча қилди.— Қоронғида юришинг... ўзи бўлмайди.

— Озод, пичоқни айтиш эсингиздан чиқмасин.

«Бу ё ўта лақма, ё бошқаларни аҳмоқ деб ўйлайди». Челақни кўтариб шийпон томонга бораётган Озоднинг хаёлидан шундай ўй ўтди. Қорайиб кетган ўчоқ бошида Ботир сигарет тутганча идиш-товоқларни йиғиштираётган Маъсумага нималарнидир тушунтирарди.

— Сизлар гап сотиб ўтиринглар. Биз бечора жигар оғриғи билан лойга ботиб, сув ташиб юрайлик. Маъсума, жуда айёрсиз. Ботир чиқиб кетишини пойлаб кейин менга иш буюрдингиз. Раҳмат сизга, мана сув,— Озод атайин норози оҳангда гапириб, челақни ўчоқбошига зарда билан қўйди.

— Вой, нега ундай дейсиз. Ҳечам-да.— Маъсума куйиб-пишиб ўзини оқлашга тушди.— Ҳалигина ўтин ёриб, тўп ўйнаб юргандингиз, шунга...

— Қўйинг, Маъсума, Озод акам ҳазиллашяпти. Бу кишининг ҳам

бизга иши тушиб қолар? А, Озод ака?— Ботир қийқириб кулди. Маъсума ажаблангандек унга қаради.

— Хўп, хўп, айб бизда. Ҳазиллашдим, Маъсума. Демак, энди эрталаб туриб, самовар қайнатайми?— деди Озод Ботирга ҳаддингдан ошиб, гуллаб қўйма, дегандек қараб. Унинг кўнглидагини Ботир билади. Буни у Озоднинг иқроридан эмас, хатти-ҳаракатларидан пайқаган.— Анови чўмич олдидаги Носирнинг олтин сопли пичоғини ичкарига олиб кириб қўй. Йўқолмасин деб зор қақшаб кетди,— деди Озод.

— Яна олапардек ўшани қўриқлаб кетдимми?— бирдан ловиллади Ботир.— Энди мен унинг пичоғини қўриқлайманми?! Э...

Озод Маъсума то қозонни ювиб бўлгунча Ботир баланд парда «қўшиқ» айтиб туришини ўйлаб мойиғида кулганча омборхона томонга юрди. Уч-тўрт йигит гулхан ёқиш мақсадида резинали ғилдиракни ғилдиратиб келишиб, қорайиб турган жойда тўхташди. Ола чапон кийган йигит унинг устига мой сепи бошлади. Гулхан ёқишидан Озод хурсанд бўлди: гулханга Феруза ҳам чиқади. Шунда у бир чеккада туради-да, Ферузага термуглади, хаёлан у билан сирлашадими... У салқин тушиб, этни жунжиктирадиган шамол эса бошлаганидан чапон кийиш учун шийпон ичкарисига кирди. Шундоққина эшик ёнида телевизор кўриб ўтирганлар орасидан базўр ўтиб, нимқоронғу йўлакдан ўз бўлмаси томон юрди. Иккинчи қаватдаги жойига чиқишдан аввал Феруза турадиган бўлмага қаради. Парда сифатида осиб қўйилган жунчойшабининг четларидан шам шуъласи кўринди, ичкарига қарашга юраги дов бермади. Истамайгина юқоридаги жойига чиқди-да, тўшақка беҳол чўзилди.

Аввал бўлгани ўраб турган парда тортилди, сўнг каравот симлари ғижирлади. Озод аста кўзларини очди. Парда кўтарилиб, пахтага келишгандан бери соқол-мўйловини қиртишламай девонасифат қиёфага кирган курсдоши Қодир кўриниш берди.

— Озод, юринг 108 ўйнаймиз. — Майли, ўзларингиз ўйнайверинглар. Мен гулханга чиқмоқчиман,— деди Озод ва ўрнидан тушиб, пастга тушди.

Гулхан атрофини талабалар ўраб олишганди. Оловнинг бу ёнишидан

кўнгли тўлмаган ола чапонли йигит қўлидаги қутини тўлдириб мой сепи бошлади. У кўпроқ қизлар турган томоннинг оловини гуриллатаётганини кўрган йигитлар қийқиришиб, уни яна тезлаб қўйишди. Озод ўтин учун олиб келинган узун харилар устида ўтирган курсдошлари олдига борди. Улар билан ҳол-аҳвол сўрашган бўлди. Шоирдан сигарет сўради.

— Янами?— ўқрайди Шоир.— Соғлиқлар жойидами ўзи? Доим гулхан ёнида хуморинг тутиб қолади. Худо хайрингни берсин, ишқилиб улаб чекма.

Шоир унга уч дона сигарет тутди.

— Билиб қўй, мен сигарет соғлиқ учун зарарли эканлигини огоҳлантирдим,— деди у атайин овозини дўриллатиб.

Озод ён-атрофига кўз югуртирди. Феруза ҳали кўринмасди. У давра ўртасига чиққан Шоирга қаради. Шоир худди йиқилиб кетишдан сақланаётгандек оёқларини кериб, қўлларини мушт қилиб тугди:

— «Мартин Иденга деганларим».

— Ҳа, қани,— деди ингичка ҳирқироқ овоз.

Озод узун ўриндиқда елкасига пахтали ташлаб ўтирган Азамат домлага қаради. Домланинг қовоқлари салқин торган, кенг, қизғиш юзида олов шуъласи ўйнади. У бир-икки чапак чалиб, калтабақай қўлларини қорни устига қўйди, бошини ўнг томонга ташлаб, кўзларини юминқираган бўлди. «Оҳ, шеърятни қандай севади-я», ғижинди Озод. Ҳозир ким билади нималарни ўйлаётган бўлса... «Ҳа, қани», деб болаларнинг диққатини ўзига тортди. Энди ҳамманинг эътибори ўзида эканидан ҳузурланаётган бўлса керак. Қизлар нега кулишяпти? Афтидан, улар Шоир ўзини унутиб, чайқалиб, дам пичирлаб, дам овозини қўйиб шеър ўқиётганидан киши билмас бўлиб кулишяпти. Нега мен улاردан норози бўляпман? Узим-чи? Шеърни тушунаманми? Куйиб-пишиб шеър ўқиётган Шоирни тинглаяпманми?

Қўнғирот, қўнғирот,
Эшагингни ҳангират.
Ёв келди-ку ёприлиб,
Бошларига тошлар от!..

Даврада енгил кулгу кўтарилди. Озод бу шеърни аввал ўқиган ва қойил қолган эди. Нима учун бу маҳзун ва қайғули шеър кўпчиликнинг кулгисини қўзғашини тушунмасди у. Ахир, шеърдаги эшакнинг ўзи ҳали ҳеч нарса этмайди.

ку. Қишлоқ бошига офат ёғилган-да, ёвлар кексаю ёшни қиличдан ўтказаетганда эшак жонивор ҳам кўз олдида кечаётган даҳшатли манзарадан, инсоннинг ожизлигию ваҳшийлигидан раоги ёрилгудек бўлиб ханграши мумкин-ку! Шоир шеърларини ўқиб тугатгач, Азамат домла қаттиқ қарсак чалди, бошқалар ҳам унга қўшилди. Шоир ҳаяжондан қизарганча даврадан чиқиб, бетон ариқ томонга ўтди. «Энди ярим тунгача ёлғиз юради. Ҳа, ўз кўнглидагини очиқ айтиш, аммо бирор ҳамдард топмаслик нечоғлик оғир... Фақат шеъриятни тушунмаганларгина ўзларини ошкор қилиб, қаттиқ қарсак чаладилар. Чинакам завқланган одам ўзини йўқотиб қўяди, ўйга толади, эҳтимол йиғлайди ҳам»,— деб ўйларди Озод даврадаги ҳолатини кузатаркан.

Даврага терим даврига мос бўлмаган баланд пошнаги туфли кийиб олган жиккаккина йигит рубобини қўлтиқлаганча чиқиб келди. «Бақироқлар учун барча давраларнинг эшиклари ланг очиқ», хаёлидан ўтказди Озод. Ҳозир Феруза ҳам чиқади. У нега Шоир шеър ўқиганда эмас, Очил қўшиқ айтяпман деб бақираётганда пайдо бўлади? Ахир Очил бирор ифодани тушунмасдан, ҳиссиз, туйғусиз, тақлид қилиб айтади-ку! Феруза нега шундай? Нега у Очилга қўшилиб қўшиқ айтади, нега даврага чиқиб ўйнайди, нега қарсак чалади? Феруза, ана у!

Тулдор халат кийган, қопқора сочлари елкасини тўлдирган, шийпондаги энг чиройли қиз — Феруза даврага келиб қўшилди. Азамат домла ёнида ўтирган мўйловли йигитнинг елкасига қўлини қўйди-да, боши билан Ферузани кўрсатиб жой бўшатишга ишора қилди. Феруза майда қадамлар ташлаб, домланинг ёнига келиб ўтирди. Домла унга нимадир деди, майин ва мулойимгина жилмайиб қўйди.

Озод Ферузадан кўзини узмас, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турарди. Пичадан кейин ёнидаги ўртоғидан сигаретини ёндириб олди-да, ўрнидан турди. Унг қўлини кўксига — рўмол устига қўйди. «Ҳавонинг совуқлигига қарамай бошқа рўмолини ўрамабди. Эртага рўмолини албатта жойига қўяман», деб хаёлидан ўтказди у даврадан чиқиб бораркан.

— Гулноралар, Гулноралар, Гулно-ра-ла-а-р! — Очил қўшиқни ту-

гатди. Даврадагилар қарсак чалишиб, ундан яна шўх-шўх қўшиқ айтишни сўрашди. Очил тагин рубобни тинғиллата бошлаганда Азамат домла Ферузани ўйинга таклиф этди. Даврада семиз домла ва навниҳол қиз рақси ёшларни жунбушга келтирди, қийқириғу қарсак авжига чиқди. Уч қадамча берида тўхтаган Озод бошини ўгириб Ферузага қаради, сўнг сигаретни ичига чуқур тортиб, шийпон томонга бурилди. «Наҳотки, Очил чиндан ҳам яхши айтса? Наҳотки, мен буни ҳис қилмаётган бўлсам? Умуман, қанақасига бир-варикайига, нафас ростламай қўшиқ айтавериш мумкин. Мен бир кунда фақат битта қўшиқ айттардим», Озод шийпон деворига худди кино тасвиридай тушаётган даврадагиларнинг сояларига тикилиб қолди.

Қўшиқ тиниб, даврага жимлик чўккандай бўлди. Озод сочларини тез-тез тўғрилаб қўяётган Ферузага тикилди.

— Феруз!

Қиз ортига ўгриларкан ўзига тикилиб турган йигитга бир қур кўз ташлаганида Озод шошиб нигоҳини олиб қочди. Ҳамшаҳар бўлишганидан бир бўлмада турадиган, кўпчиликка унчалик қўшилавермайдиган, иягининг ўнг томонидаги ловиядек ортиғини ҳар доим яшириб юрадиган Ортиғой Ферузани қақирган эди. У сочини ювиб, бошига катта сочиқ ўраб олганди.

— Феруз, сариқ рўмолимни ҳеч тополмаяпман, кўрмадингизми? — сўради Ортиғой.

— Йўқ, — деди Феруза. — Менинг рўмолимни кирларига қўшиб Ноил ювганди. Ноил?..

— Ҳа, тушда битта Ферузани кини ювгандим, — деди Ноила Ферузанинг саволига ҳозиржавоблик билан. — Сизники хонада эди-ку. Адашганим йўқ, бўлмаса дорни кўринг.

— Феруза билан рўмолимиз бир бўлганидан мабодо адашиб ўраганмикан девдим. Социқ сочимни ушламай, ёйилиб кетаяпти, — деди Ортиғой шийпон томонга юраркан.

Уларнинг сўзларини аниқ-тиниқ эшитиб турган Озод шунчалик ардоқлаб кўксига боғлаган рўмол Ортиғойники эканлигини, боя ойна синиқларини терган Маъсума унинг рўмолини Ферузанинг қаравоти тутқичига ташлаб қўйганини англади-ю, нима қиларини билмай қолди. Кўз олдида ялтироқ нуқта пайдо бўлди ва у катталашиб, гулхан

шўласида товлана бошлади. У кафти билан юзини пана қилиб, ортига ўгирилди ва омборхона томонга югурди. У югуриб бораркан, қўллари билан кўйлагини юлқиди, тугмалар чирт-чирт этиб узилди. У эшикни шаҳд билан очиб, ичкарига кирди-да, рўмолни бор кучи билан тортқилаб еча бошлади. Рўмолни ечиб остонага улоқтирди-да, деворга бемажол суянди. Шунда у мактабда ўқиб юрган кезларида яхши кўрган қизни туйқус эслаб қолди. У ўтли, аммо жавобсиз қолган муҳаббат эди. Феруза-чи?! Беғона қизнинг рўмолини кўриб нечоғлик қувонди, бўйларидан сармаст бўлди, юзларига босиб, илоҳий қувончни ҳис этди-ю, Ферузани бошқалардан ажрата олмади. Демак, барча-барчаси сароб: телбаларча севиши, қувончи, у билан сайрларга чиқишни хаёлан орзу қилиши хомхаёл!

Эшик ғичирлаб очилиб, ичкарига Ботир кирди-да, чироқни ёқди. Озод шошиб кўйлагини тузатди.

— Озод ака, нима бўлди. Яна жигарингиз оғрияптими? Ҳамширани қақирайми?

— Йўқ, ҳаммаси яхши, — деди у бир неча дақиқа муқаддам ўзига ҳузур бағишлаган, айни чоғда эса Ботирнинг лойга ботган этиклари остида ётган рўмолга тикилиб. — Мана буни Ортиғойга олиб бориб бер.

Ботир ҳайрон бўлиб, оёқлари остига қаради ва рўмолни олиш учун энгашаётганида Озод шаҳд билан ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетди...

АЗИЗЛАР!

Башоратчи қиз Олмаҳон Тожибой қизига 15000 дан зиёд хат келди ва келяпти. Олмаҳон ушбу мактубларнинг энг оғирларига жавоб ёзишни бошлади. Бунча хат билан ишлаш, албатта, оғир. Олмаҳон вилоятларга сафар қилмоқчи. Бу ҳақдаги хабар сиз яшаётган вилоят газетига чоп этилади. Сизлардан илтимос, шуни ҳисобга олиб, энди Олмаҳонга хат ёзмай туринглар.

Таҳририят

Хулио Кортасар



Лотин Америкаси адабиётининг мумтоз намоёндаларидан бири, аргентиналик Хулио Кортасар асарлари ўзбек китобхонига нима бериши мумкин? Бу саволга Кортасар ўз суҳбатларидан бирида айтган фикрдан келиб чиқмай туриб жавоб бериб бўлмайди. Чунки Кортасар учун адабиёт тарбия воситаси ёки ҳаётининг сабоқ — ҳаёт мактаби вазибаларини ўташи уёқда турсин, мутлақо тарғиб-ташвиқот воситаси ҳам эмас; ҳатто адабиёт ҳаётини ўрганувчи, ҳаёт ҳақида фикр юритувчи фан ҳам эмас, бинобарин, у ўқувчига «бирон нима» бериш вазибаларини ўз зиммасига олмайди. У санъат! Санъатнинг эса ўз қонунлари бор. Адабиёт урганмайди ва ўргатмайди.

Мана шу фикрларни билган одамга, албатта, Кортасар ўқувчига нима беради, деган савол ноўрин туюлади. Лекин, ҳар қалай, саволни жиндай ўзгартириб жавоб бериш мумкин. Ёки жилакурс саволни шу тахлит ўзгартириш зарур: Кортасар асарларини ўқиган ўзбек китобхони ундан нима топади? Шундай. Чиндан ҳам асар нима беради эмас, китобхон нима топади. Чунки Кортасарнинг бутун дунё халқлари тилига таржима қилинган серкўлам, сермаъно ҳикояларини ўқиб, сависа ва бадий кўникмаларининг кўламига қараб китобхон ҳеч нарса олмаслиги — баъзини хазинага кириб сичқон овлаган мушук аҳволига тушиши мумкин.

Хулио Кортасар ҳикояларида ғайритабиий, илоҳий ҳамда ақл бовар қилмайдиган ҳолатлар оддий реал воқеаларнинг таркибий қисмини ташкил этади. Бироқ бу сюрреалистик адабиётдаги каби реал воқеликни айқаш-уйқаш, фақулда мантиқсиз ҳодисалар силсиласига айлантириш учун қилинмайди, балки янги воқелик мантиқан эмас, бадий қонунларига биноан англашиладиган янги бадий олам яратишга хизмат қилади. Умуман Кортасар ҳикояларидаги реал воқеалар билан ғайритабиий воқеалар ўртасида аниқ чегара сезилмайди. Бу ҳол унинг аксар ҳикояларида кўзга ташланади. Ўзбек тилида эълон қилинган «Ишғол қилинган уй» ҳамда «Аксолотл» деган ҳикояларини ўқиган китобхон гап нима ҳақида бораётганини, қандай ғайритабиий унсурлар назарда тутилаётганини пайқабган бўлса керак.

Хулио Кортасарнинг иккинчи хил ҳикоялари гарчи фантастик руҳдан ҳоли бўлса ҳам ўзига хос фақулда ва ғайриоддий воқеалари билан ажралиб туради. Масалан, «Граффитлар» ҳикоясининг қаҳрамони мавжуд тузумга норозилиги ва шу билан бирга исёнини кечаси деворларга турли суратлар чизиш орқали намоён этса, қуйида эълон қилинаётган «Ён дафтardaги ёзувлар» ҳикоясида тилга олинган сонсаноксиз одамлар ғайриинсоний тузум сиёсатидан, зулмдан қочиш ерости йўлларида ҳаёт кечирадилар. Ёки «Боғ кетидан боғлар» ҳикоясида эса асар қаҳрамони шу китобни ўқийётган одамни ўлдирди. «Тилла балиқчаларда эса фақатгина хаёлот дунёсида содир бўлиши мумкин бўлган воқеа гўё фақулдарнинг томирига митти балиқчалар юбориб соадатини таъминлаш учун сиёсат қилаётган ғайриинсоний тузум табияти ҳақида ҳикоя қилинади. Бундай ҳикояларда оддий мантиқ доирасидан четга чиқмаган ҳолда фаразан топилган вазиятлар таҳлили орқали ҳаёт, инсон ҳақида мулоҳаза юритилади. Бинобарин, Кортасарнинг ҳикояларида кўпинча реал воқелик ҳақида тасаввур қилинган воқеани акс эт-

тириш орқали таассурот уйғотилади.

«Ёшлик» муштарийлари эътиборига ҳавола этилаётган ҳикоялар Хулио Кортасар ижодига хос хусусиятларни ўзида акс эттиради.

«Ён дафтardaги ёзувлар»да қаламга олинган воқеалар ҳаётда бўлмаган. Лекин бу уйдирма эмас, балки жуда катта ижтимоий фикрни илгари суриш учун топилган восита. Яъни, тажовуз, таъқиб ва қатағонга учраган одамларнинг азбаройи яшаш учун ерости йўллари танлаши бир томондан тўғридан тўғри 1946 йилги Аргентинадаги сиёсий вазиятни мақсадан акс эттирса, иккинчи томондан, қачонки оддий одамларнинг ҳаёти қийноқдан иборат бўлар экан, демак жамиятда зулм кучайган, деган фикрни билдиради.

Иккинчи ҳикояда адабиётшунос олим Хорхе Фрага орқали замонасоз, эътиқодсиз, мустақил фикрга эга бўлмаган қўрқоқ ижодкорнинг ҳаёти тасвирланган. Ҳар қандай мунофиқ, шижоатсиз ижодкор ўз халқига хиёнат қилишга маҳкум. Фақатгина хатоларини ошқора тан олиш — тавба қилиш орқали инсон яна ўз эътиқодини тиклаши мумкинлигини адиб Хорхе Фрага тимсолида акс эттиради.

Аргентина адабиётшунослигида «Кортасаргача» ва «Кортасардан кейин» деган ибора ишлатилади. Зеро, ўз ижодига дунёдаги барча янгиликлар, турли оқимларнинг тажрибаси, ҳатто абсурд аъаналарини ҳам сингдира олган Хулио Кортасар Аргентина адабиётидагина эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам чуқур из қолдирган санъаткордир.

ТАРЖИМОН

ИЗЛАРИНИ ИЗЛАБ

Шоир Клаудио Ромеронинг ҳаёти ва ижоди билан шуғулланишга аҳд қилганида Хорхе Фрага қирққа кирганди.

Улфатлари билан қаҳвахонада ўтириб Ромеро шахсига оид тузукроқ тадқиқот йўқлигига яна бир қарра амин бўлишган чоқда Фрагада шундай фикр уйғонган эди. Инсоф юзасидан айтганда асримиз бошида узоқ давом этмаган, бурмунча вақт шов-шувга сабаб бўлган учта китоби ҳамон ҳайрат ва қизиқиш уйғотаётган шоир Ромеро шахси ҳақида адабиётшунослик тугул, ҳатто ўз давридаги иконаграфик тадқиқотларда ҳам тузукроқ гап айтилмаган эди. Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида ўша йиллари ойномаларда босилган мақтовлардан иборат ўртамиёна тақрирлару Санта-Фе вилоятилик номаълум ташаббускор муаллимнинг ягона китобчасидангина айрим маълумотларни билиш мумкин эди. Китобча ҳам бор-йўғи узуқ-юлуқ маълумотлар, хира суратлар ҳамда ё адабий кечаларнинг доимий ишқивозлари тўқиган уйдирмалар, ё замонасоз ноширларнинг антологияларидан олинган икки-уч оғиз мақтовлардан иборат эди. Бироқ Фрагани қачонлардир Карриего ёки Алфонсино Стерн каби шоирларнинг шеърларига ўхшаб Ромеро асарларини ҳамон қўймай ўқишаётгани ҳайратга соларди. Фрага мактаб партасидаёқ Ромеро шеърятини кашф этган, тақлидгўйлар ибратомуз оҳанглар ва сийқа образлар тўла ижодлари билан ҳар қанча тиришмасинлар «Рио-Плта куйчисининг» дostonлари Алмафуэрта ёки Карлос де ла Пуа шеърлари сингари унинг мурғак қалбидан ўрин олган эди. Аммо орадан анча вақт ўтиб, кимсан машҳур танқидчи ва бадиҳагўй сифатида танилганидан кейингина Фрага Ромеро ижодига жиддий қизиқиш қолди ва асарларидан кўра таъсирлироқ туюлган шахсий ҳаёти ҳақида қарийб ҳеч нима билмаслигига амин бўлди. Аср бошида яшаган ўзга зўр шоирлар асарларидан Клаудио Ромеронинг шеърлари чуқур самимияти ва ҳақгўйлиги билан ажралиб турар, шу фазилатлари туфайли ҳам назмбозлик ва жимжимадорликдан безиган ёшлар муҳаббатини қозонган эди. Тўғри, дўстлари ёки шогирдлари билан Ромеро дostonлари ҳақида гурунглашиб ўтиришганда Фрага мақсади ноаниқ, манбалари номаълум бўлган бу шеърятнинг сеҳру тароватини шоир шахсиятининг сирлилигига сабаб бўлмаётганикин, дея кўпинча иккиланарди. Бироқ, афсуски, ҳар сафар шу сирлилик Ромеро ижодини қадрловчи кишиларнинг эҳтиросини чиндан-да кўпиртириб юборётганига ишонч ҳосил қиларди; дарҳақиқат, бу шеърят шунчалар жозибали эдики, ҳеч қандай танқид унинг қадр-қийматиغا путур етказолмасди.

Қаҳвахонадаги Ромерони ҳар доимгидек умумий-мавҳум иборалар билан кўкларга кўтаришган мана шундай йиғилишларнинг бирдан кейин Фрага шоир ижоди билан жиддий шуғулланишга юрагига кучли эҳтиёж тўйди. Шу билан бирга у энди илгаригидек илмий таҳлиллар билан чегараланиб қололмаслигини ҳам сездди. Вақт ўтиб ўтмиш хира тортган, шунинг учун том маънодаги, юксак маънодаги инсон, муҳит, ижодни ўз ичига олган таржимаи ҳол яратиш зарур эди. Дасаввал иложи борича кўпроқ маълумот тўплаб, сўнг шоир изидан юриб ўша маълумотлар асосида унинг ҳаёт йўлини изчил ўрганиб чиқиш лозим эди. Фақат шу йўл билан Ромеро ижодининг туб моҳиятини тўлақонли акс эттириш мумкин бўларди.

Ишга киришган кезларда Фраганинг турмуш шароити яхши эмасди. Илмий давраларда унинг ўзига яраша обрўси бўлиб, адъюнк-профессор лавозимида ишлар, кафедрасидаги ҳамкасблари, талабалари ҳурмат қилишар эди. Бироқ анчадан буён Европага бориб кутубхоналарда ишлаш учун ўзини ўққа-чўққа ургани билан расмий рухсатнома ололмади

югарди. Унинг ёзганлари кўпда жамоатчилик оғзига тушмас, шу боисданми министрликда уни танимасдилар. Уртамиёна ёзувчи ёки адабиёт жаридасида дам-бадам мақолалари эълон қилиниб турадиган мунаққид унга нисбатан кўпроқ қадр топиши мумкин эди. Агар Ромеро ҳақидаги китоби шухрат қозонса ҳамма иши хамирдан қил суғургандек ҳал бўлажани Фрага жуда яхши тушунарди. У иззатпараст эмасди, бироқ устамон, нуноқ қаламкашларнинг пичоғи мой устидалигини кўриб жиғибийрон бўларди. Ўз вақтида Клаудио Ромеро ҳам унга рад этилган лавозим «сарой шоирларига» раво кўрилганидан алам билан зорланган эди.

Фрага китоби учун қарийб икки ярим йил маълумот тўплади. Бу хийла осон, аммо одамни толиқрадиган даражада майда иш эди. Дам Пергаминого, дам Санта-Крус ва Мендосага қатнашга, кутубхоначилар ва солномачилар билан ёзишмалар олиб боришга, эски рўзнома ва жаридаларни кўздан кечириш, улардан муҳим кўчирмалар қилиш, ўша даврдаги турли адабий оқимларни қиёслаб ўрганишга тўғри келарди. 1954 йил адоғида Фрага бир жумла тугул ҳали бир сатр ёзмаган бўлса ҳам бўлғуси китобининг асосий мазмуни ойдинлашиб қолганди.

Сентябр окшомларининг бирида қора қутига янги қайдномани жойлар экан, Фрага шу ишни уddaлай оламанми дегандек хаёлга толди. У қийинчиликлардан эмас, балки, аксинча, сийқаси чиққан йўсинда тез ва осон ёзиб ташлашга киришиб кетишдан чўчирди. Барча маълумотлар тўпланган, на Аргентинадаги кутубхоналарда ва на Ромеро замондошларининг хотираларида пичоққа илингилк бошқа маълумот қолганди. Фрага шу чоққача Ромеронинг ҳаёти ва ижодига оид номаълум маълумот ва хабарларни йиғиб бўлган эди. Энди муҳими, янглишиб кетмаслик учун асосий фикрни белгилаб олиб, китобнинг яхлит композицияси билан услубини топиб олса бўлгани.

«Лекин Ромеро шахси-чи... У менга етарлича маълумми? — дея кўнглидан ўтказарди Фрага сигарета чўғига тикилиб ўтираркан. — Ҳа, дунёқарашимизда ҳам, бадиият ва нафосатга оид фикрларимизда ҳам, дидимизда ҳам ўхшашлик бор. Таржимаи ҳол ёзишга чоғланган одам талабини қондира олувчи ҳамма нарса муҳайё. Лекин шу нарсалар мени чалғитиб, ўз таржимаи ҳолимини ёзиб қўймасмикинман?»

Алоҳа, у «менда ҳеч қачон шоирлик қобилияти бўлмаган, мен шоир эмас, шеърят муҳибман ва асарларни таҳлил этиш билан, ҳис қилишдан лаззатланишга қобилман холос», деган мазмунда ўзига жавоб қайтарарди. Шундай экан, шоммасдан шоир ижодини чуқурроқ ўрганаман деб берилиб кетмаса, билиб-билмай ўзга одам қиёфасига кириб қолмаса бўлди! Ромеро ва унинг фусункор шеърятини шайдоси эканидан чўчишга ҳеч қандай асос йўқ. Фақат суратга олаётган пайтда аппаратни шундай жойлаштириш керакки, суратга тушаётган кадрда қолсин, сураткашнинг сояси эса уни оёқсиз қилиб қўймасин.

Мана унинг қаршисида аллақачон очилиши лозим бўлган эшик янглиг оппоқ қоғоз, аммо уни яна шубҳа-гумонлар ўз домига тортмоқда: булажак китобни ўзи истагандек ёза олармикин? Агар дид-фаросати кино ҳамда Моруба бадиҳалари билан шаклланган ўқувчига мослаб одатдагича шоирнинг бошидан кечирганлари ва арзимаган воқеаларни қаламга олиш билан чегараланса, юзак латифага айлиниб кетиш хавфи тўғиларди. Иккинчи томондан эса, бир ҳовуч билимдон ҳамкасбларига ёқишни кўлаб социалист ўртоқлар «халқ» деб улуғлаётган омманинг баҳридан ўтиш ҳам мутлақо ярамасди. Шундай йўл топиш лозим эдики, асар шов-шув кўтарган ҳолда жўнгина китобга айланиб қолмасин, шу билан бирга илм аҳлига ҳам, шанба оқшомини

оромкурсида талтайиб ўтказишни мўлжаллайдиган хаёлпараст хонасоллатлар меҳрига ҳам сазовор бўлсин.

Буни Фаустнинг машъум тил бириктириш арафасидаги изтиробларидан нима фарқи бор. Дераза ортида тонг отаяпти, столда папирос қолдиқлари, бемахли шалвиралган қўлда финжон... «Мусаллас, бамисли вақтни яшираётган пардадир»,— деб ёзган эди қаердадир Клаудио Ромеро.

«Нега энди бошқача бўлиши керак, — деди ўзига-ўзи Фрага сигарет тутатаркан. — Ҳозир мен у ҳақда ҳеч кимнинг тушига кирмаган маълумотларни билсам-у, нари борса уч юз нухсада нашр этиладиган жўнгина бадиҳа ёзсам, гирт бемаънилик эмасми. Бу каби бадиҳаларни Ҳзарес ёки Риккарди қотириб ташлаган бўларди. Аммо Сусана Маркес ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди-ку!»

Клаудио Ромеронинг брагадалик марҳум дўстларидан биринчи укаси бўлмиш мурасағир судянинг оғзидан бехос чиқиб кетган сўз калава учини топишга ёрдам берди. Ла-Плата шахридаги аҳолини рўйхатга олиш бюросининг хизматчиси узоқ ахтариб керакли адресни топиб бергач, Фрага Пиларга жўнади. Сусана Маркеснинг қизи ўттиз ёшлардаги тикмачоқдеккина жувон экан. Дастлаб у банд эканини рўқач қилиб, Фрага билан гаплашишдан бош тортиди, аммо зум ўтмай ичкарига қақирди ва сўхбатлашишга розилик билдириб, уни чанг босган оромкурсига ўтиришга таклиф этди. Биринчи саволдан кейин пича унга тикилиб қолди, сўнг кўнгли бузилиб кўзларини рўмолча билан арт-арта бечора онаси ҳақида сўз очди. Фрага хижолатомуз оҳангда Клаудио Ромеро билан Сусананинг муносабатлари ҳақидаги баъзи гаплардан хабардор эканига шама қилди, сўнг одоб билан шоир муҳаббати аслида никоҳ тўғрисидаги расмий гувоҳномадан аҳамиятлироқ, деган мазмунда гапни айлантирди. Фраганинг бундай илтифотларидан эриб кетган аёл бажонидил ёрдам беришга рози бўлди ва орадан бир неча дақиқа ўтгач, иккита сурат олиб чиқди: биттаси Ромеронинг илгари ҳеч қаерда эълон қилинмаган сурати, иккинчиси, сарғайиб хира тортгани эса шоирнинг Сусана билан тушган сурати эди. Фрага Сусана ҳам қизига ўхшаб дўмбоққина бўлганини фаҳмлади.

— Менда хатлари ҳам бор, — деди Рақел Маркес. — У ҳақда ёзмоқчи экансиз, балки асқотиб қолар.

Рақел Маркес жавонидаги қоғозларни титкилай-титкилай охири учта мактуб топиб Фрагага узатди, Фрага мактубларга тезгина кўз югуртириб чиққач, улар ҳақиқатда Ромеронинг қўли билан ёзилганига ишонч ҳосил қилгач, ўша захоти портфелига яширди. Фрага Рақел шоирнинг қизи эмаслигини аллақачон фаҳмлаган, зеро, биринчи шамадаёқ қиз худди ўйга толгандек бошини қуйи солиб, жим қолганди. Сўнгра эса онаси Балкарселик бир офицерга теккани (у гапини тасдиқлаш учунми «Фанхионинг юртидан» деб қўшиб қўйди) ва саккиз ёшга тўлганида уларнинг ҳар иккаласидан бир йўла жудо бўлгани ҳақида гапириб берди. У онасини яхши эслар, отасининг қиёфасини эса кўз олдига келтиролмас экан. Айтишларича, отаси қаттиққўл бўлган экан...

Фрага Буэнос-Айресга қайтаётиб йўлдаёқ Клаудио Ромеронинг Сусанага ёзган мактубларини ўқиб чиқди ва хаёлида ўзи ҳеч кутмаган ҳолат жонланди-ю, ҳаммаси бирдан ўз жойига тушди; унга шоирнинг жоҳил ва мунофиқ замондошлари ҳатто хаёлларига келтирмаган манзара намоён бўлганди. 1917 йили Ромеро Ирене Пасга бағишлаб бир туркум шеърлар эълон қилган ва уларнинг орасида танқидчилар шу пайтгача Аргентинада дунёга келган энг ёрқин муҳаббатнома, деб кўнларга кўтарган машҳур «Муажжиб исмингга қасида» достони ҳам бор эди. Бу қасиданинг дунёга келишидан атиги бир йил илгари ўзга бир аёл Ромеро шеърятига хос юксак эхтирослар ва нафосат билан йўғрилган учта мактуб олган эди. Уларни ўқимасдан аввал Фрага тўғулларнинг кўзгуга тушган аксидай икки киши учунгина муҳим бўлган одатдаги ишқий ёзишувлар бўлса керак, деб ўйлаган эди. Ҳақиқатда эса бошқача бўлиб чиқди: ҳар бир жумлада ўзи билган катта шоирнинг ўша руҳий дунёси, ўша-ўша муҳаббатга интизор қалбнинг изтироблари акс этиб турарди. Ромеронинг Сусана Маркесга бўлган ишқи самовий эмас, балки, аксинча, ҳар бир сатрда жўшқин ҳаётий муҳаббат нафаси уфурар, зеро, худди шу йўл билан шоир маҳбубасини

яна ҳам улуғлар ва айни чоқда фаол, курашчан шеърятни куйларди.

Кўриниб турибдики, калаванинг учини топиш қийин эмас эди. Ромеро Сусана билан Ла-Платадаги адабий салонларнинг бирида танишган ва улар орасидаги ишқий муносабат шоирнинг ҳеч нарса эълон қилмай юрган, қайсики, бетамиз биографлар сабабини тушунтириб беролмаган ёки икки йилдан сўнг уни гўрга тикқан кўнрак силига гирфтор бўлган билан шарқлашадиган даврга тўғри келиб қолган эди. Сусананинг мавжуд эканини ҳеч ким билмасди, бамисли ўша пайтда, қўйингки, кейинчалик ҳам ранги ўчиб кетган суратдаги каби катта-катта маънос кўзлари билан дунёга қараб турган тасвирдан фарқи йўқ эди. Бор-йўғи қариб қолган камбағал одамларнинг ёлғиз фарзанди, ҳолидан ҳеч ким хабар олмай-диган беиш муаллима. Шоирнинг Ла-Платадаги адабий кечаларга келмай қўйгани Европада урушининг энг оғир даври, янги ижтимоий қарашлар туғилаётган ва истеъдодли ёш шоирлар пайдо бўлаётган замонга тўғри келганди. Шу маънода қишлоқдаги мурасағир судянинг бехосдан айтиб юборган гапини эшитганда Фрага ўзини омади чопган деб ҳисоблашга тамомила ҳақли эди. Чунки шу арзимаган баҳона туфайли у калаванинг учини топди: Бурсакодаги Ромеро билан Сусана деярли икки йил яшаган файзсизгина уйни излаб топди; Рақель Маркес берган мактублар ҳам худди ўша даврда ёзилган эди. Ла-Плата шахрининг муҳри урилган биринчи хат эҳтимол, шоирнинг Сусанага уйланиши ҳақида гап борган аввалги хатнинг давомига ўхшарди. Энди эса шоир ўзининг бетоблиги туфайли уйланишдан тамомила воз кечиши, агар шундай қилмаса, ҳозирги аҳволида келин рафиқа бўлиб эмас, балки ҳамшира сифатида қошига келишини ўртаниб ёзарди. Иккинчи мактуб ларзага соларди: жўшқин эхтирослар ўрнини куракда турмайдиган важ-карсонлар эгаллаган, Ромеро ҳар қанча оғир бўлса ҳам, тўғри гап муқаррар айрилиққа нисбатан камроқ таъсир қилади, деб гўё маъшукасига уқтироқчи бўларди. Мактубнинг бир ерида лўндагина қилиб ҳаммаси очик-ойдин айтилган эди: «Бизнинг ҳаётимизга аралашшга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, мен эркингни ўз қўлингга топшираман. Ихтиёр ўзингда. Ишонманки, инон-ихтиёр ўзингда қолса, янада мустаҳкамроқ ришталар иккимизни боғлаб туради. Бир ёстиққа бош қўйсақ, ҳар сафар гул кўтариб хонамга кирганимда «гулдек умрингни хазон қилгандек қийналаман», шиддат билан қўшимча қиларди: «Сенинг гулдек умрингга зомин бўлишни истамайман, сенинг розингга қараб йўталишни ва сен дам-бадам теримни артишингни хоҳламайман. Сен билган вужуд бошқа, мен сенга тақдим этган гуллар ҳам мутлақо ўзга. Менинг ягона дардкашим тундир, қандай азоб чекаётганимни кўришингга йўл қўймайман». Учинчи мактуб эса, афтидан, Сусана шоирга раҳми келиб розилик билдирган бўлса керак, бир мунча хотиржамроқ оҳангда эди. Унинг бир жойида шундай жумлалар бор эди: «Сен алдаб-авраб ўз ихтиёрингга итоат эттироқчисан, дея мендан норози бўляпсан. Лекин, ҳамонки, сенинг келажагинг менинг ихтиёримда экан, кўзим очиклигида савоб иш қилишга ижозат бер!»

Фрага белгиланган воқеалар тарихига кўра Клаудио Ромеро ҳаёти ўша даврдан эътиборан сукунатга бурканиб, сас-садосиз ота-онасининг уйида кеча бошлаган эди. Бундан буёғига шоирнинг Сусана Маркес билан учрашгани ҳақида бирон гап ҳам, бунинг аксини тасдиқловчи бошқа маълумот ҳам йўқ эди. Шундай бўлса-да, Ромеро ўзини фидо қилишга эришгани ва Сусана охир-оқибат тақдирини бедаво дардга йўлиққан одам қўлига топширгандан кўра боши очик юришни афзал кўрган эди. Ромеро шеърятни осмонда янги ёрқин юлдуз пайдо бўлгани бундай хулоса чиқаришга изн берарди. Бу ўзаро ёзишмалар ва ҳижрондан сўнг бир йил ўтгач, адабий ойномалардан бирида Ирене Пасга бағишланган «Муажжиб исмингга қасида», деган дустон босилди. Афтидан, Ромеронинг саломатлиги хийла дуруст бўлиб қолган эди ва турли-туман адабий кечаларда муаллиф ўқиб берган дустон унинг номини бирдан шон-шухрат чўққисига олиб чиқди. У худди Байрон каби кечкурун ёстиққа бош қўйиб, эрталаб машҳур бўлиб уйғонди, дейишга ҳақли эди — шундай деди ҳам. Шунга қарамай, Ирене Пасга нисбатан лав этиб аланга олган ишқи жавобсиз қолди ва ўша давр латифагўйларининг шарофати билан

етиб келган ва айрим олиймақом давралардаги миш-мишларга қараганда, бунинг оқибатида шоир обрўсига пўтур етган ва муҳибларию мухлислар юз ўғиргач эса, яна ота-онасининг уйига қайтиб борган. Кўп ўтмай Ромеронинг сўнгги китоби чиқди. Бир неча ойдан сўнг кўчада кетаётганида оғзидан қон келиб, уч ҳафта ўтгач эса оламдан ўтди. Дафн маросимида ёзувчилардан кўпчилик қатнашганига қарамай, эълон қилинган видолашув сўзлари билан таъзияномалар шуни кўрсатадики, Ирене Пас мансуб бўлган жамоа уни сўнгги йўлга рисоладагидек кузатиб, иззат-икром билан ерга қўй-маган.

Ромеронинг Ирене Пасга ошиқлиги Буэнос-Айрес билан Ла-Плата киборларини қай даражада хижолатга солган бўлса, шу даражада ҳавасини келтирганини Фрага тасаввур қиларди. Ирене ҳақида эса у аниқ бир фикр айтолмасди. Суратларга қараганда Ирене Пас ўн гулидан бир гули очилмаган қиз эди. Қолган маълумотларни эса оқсуяклар ҳаёти ёритилган солномалардан олишга тўғри келди. Шунга қарамай ўз хонадонидagi удумларнинг ҳомийси ва унга сўзсиз итоат этувчи бу хилқат билан Ромеронинг танишиб қолишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ирене Пас ота-онаси пичинг аралаш машҳур «артистлар» ва «шоирлар» деб тилга олишадиган кишилар билан суҳбатлашиш учун аҳён-аҳён уюштирадиган кечалардан бирида Ромерони учратгани аниқ. «Қасида» иззат-нафсига хуш ёққанмиди, мафтункор сарлавҳаси ҳаётнинг пасту баландини назар-писанд қилмасликка чорлаётган одамнинг эҳтирослари чиндигига ишонч уйғотганмиди — бунга фақат, шунда ҳам қисмангина, Ромеро жавоб бериши мумкин эди. Аммо бу ҳақда бош қотириш шарт эмаслиги ва қўшимча маъно излашнинг ҳожати йўқлигини Фрага яхши тушунарди. Клаудио Ромеро Ирене Паснинг лутф-эҳсонларига умид қиладиган анойилардан эмасди. Уларни ажратиб турган жарлик, ҳар турли тўсиқлар зодагонлар хонадонининг талабларига ҳамда ўзи мансуб табақанинг эътиқодларига садоқатли қиз ўз инонихиёти билан тўрт девор орасида яшар, шу боис босидианоқ, Ромеро қўлини ювиб қўлтиққа урган эди. «Қасида»нинг юксак, тантанавор оҳанги, ишқиёна лириканинг сийқа намуналаридан кескин фарқ қилиши шундан далолат берарди. Ромеро ўзини «қордек оппоқ оёқлар остига қулаган Икар» дегани учун «Карас ва Каратас» ойномасининг намоёндаларидан бири унинг устидан қулган эди; ҳолбуки, қасида баркамол ва шу тўфайли гўзалроқ мақсадга интилишнинг юксак намунаси эди: шеърийнинг нафис қанотларида ўзини қулга айлантиражак кувёш сари талпинишга ботинган инсон руҳининг ғоят таъсирчан, аммо беҳуда изтиробларидан иборат эди. Шоирнинг ўлими олдидан узлатга чекиниб ҳеч нарса эълон қилмай қўйгани ибратомуз равишда юксакликдан қулашни эслатарди.

«Нимасини айтасан, — дея кўнглидан кечирди Фрага финжонга саҳбо қуяркан, — ҳаммаси тўғри келяпти, ҳаммаси ойдинлашди. Фақат ёзиш қолди. Фақат қоғозга туширсам бўлгани».

«Аргентиналик бир шоирнинг ҳаёти» китоби босилиб чиқиши биланоқ катта шов-шувга сабаб бўлди. Муаллиф ҳам, ношир ҳам буни кутмаган эди. Дастлабки икки ҳафта мобайнида асар ҳақида биронта тақриз эълон қилинмаган бўлса, ой охирига бориб, «Ла Расон» газетасида ижобий мақола чоп этилди-ю, Буэнос-Айреснинг локайд, эҳтиёткор китобхонларини жўштириб юборди: битта-яримтасини айтмаса, китоб ҳақида гапирмаган одам қолмади. Обрўли рўзномаю ойномалардан «Сур» билан «Ла Насон» шов-шув бўлган ушбу асар ҳақида қойилмақом мақола босиб чиқаргач, ҳамманинг оғзига тушди. Дарионинг Ромерога таъсири, хронологиянинг изчиллиги ҳақида бошланиб кетган жўшқин баҳс-мунозаралар, шеърийат ихлосмандларининг қизиқишларига ўт ёқди. «Шоирнинг ҳаёти» китобининг биринчи нашри икки ойда сотилган бўлса, кейинги нашри билан ярим ойда тарқалиб кетди. Мўмайгина пул ишлаш имкони туғилганидан боши кўкка етган Фрага китоб асосида театр билан радиога сценарий ёзишларига монелик қилмади. Чамаси китоб атрофида кўтарилган шов-шувлар билан жўшқин эҳтирослар энг юқори нуқтасига ёки бошқачароқ айтганда, ҳамма яхши кўрадиган навбатдаги истеъдод чиқиши муқаррар бўлган нуқтага етган эди. Мана шу юз

бериши муқаррар кўнгилсизлик боис, ёки бамисли вазиятни бирмунча юмшатиш мақсадида, унга Миллат мукофотини беришди. Очиғи, мухлислари, таниш-билишларидан илгарироқ шу ҳақда хабар қилган бир-иккита дўстлари елиб-югурмаганида Фрага бундай мукофотни тушида ҳам кўрмаган бўларди. У дўстларининг қўтловига жавобан, Нобел мукофоти билан тақдирланиши ўша куни кечқурун Фернандел иштирок этган филмни бориб кўриш учун Андре Жидга халал бермаган эди, дея эслатди. Балки шу сабабли оммавий қўтловлардан қочиб бир танишникига яшириниб олгандир! Зеро, мукофотни бунчалик назари илмаётганини кўриб, ўз уйдан жой берган ўша таниши ҳам унинг бундай саяёй ҳаракатини бачканалик ва ҳатто мунофиқликка йўйди. Лекин очиғи, шу кунларда Фрага чиндан ғалати — ўйчан бўлиб қолганди. У нима сабабандир одамлардан безиб борар ва кун сайин рўзномалару радио яратган ўзга Фрагадан ва Аргентина тугул бутун дунёга тарқалаётган шон-шўҳратидан сақланишни истар ва бу истак бутун вужудини қамраб борарди. Миллий мукофот кимингдир хайр-эхсон эмас, балки ранжу заҳматлари эвазига қўлга қиритган мукофотдек туюларди. Энди очиғи, бир пайтлар «Шоирнинг ҳаёти»ни ёзишга беҳад руҳлантирган орзу умидларини амалга ошириш имкони ҳам туғилган эди. Дарҳақиқат, бир ҳафта ўтар-ўтмас Ташқи ишлар министри уни уйга меҳмонга чақириб, («сиздек адиблар расмий қабулларни хушламай-сизлар, буни биз арбоблар яхши биламиз») Европа мамлакатларининг бирига маданий ишлар бўйича маслаҳатчи вазифасини таклиф этди.

Буларнинг ҳаммаси тушида содир бўлаётгандек туюлар ва у ўзини шунчалар ноқулай сезардики, шон-шўҳрат пиллапояларидан поғонама-поғона бемалол кўтарилиб бориши учун ўзини қўлга олишга қийналарди. Илк мусоҳабалар, нашриётчиларнинг тақаллуфи, адабий кечалар ҳамда машғулотларга илк бор таклиф этишдан бошлаб, охири, бемалол киборлар жамоасига кириб ва гўё ўзини бу жамоатнинг фармонбардори деб билиш ғоз жигари сурилган бутерброд кавшаганча Дилан Томас ҳақида чақак қоқайётган санъат ҳомийлари ва ҳомияларининг шиншила мўйнасида тўқилган шарфлари, қордек оппоқ қўйлақларининг қадама кўкракларини кўздан кечириши мумкин бўлган минбарга қиқишдек даражага етди. Кейин эса, вақти келиб ҳе йўқ, бе йўқ, шумчаки, харид қилгачи келганидан, кир машинаси билан бирга қўшинлари аллақачон олгани ва «Эль Мундо» радиостанциясининг машҳур шарҳловчиси ўн биру эллик бешдаги кундалик эшиттиришда яна кўнларга кўтариб мақтагани учун, нон олиб келади, деб ўтирган хотин бола-чақасининг ризқидан қийиб, ёстиқдек роман — ҳажми 325 куб см. ёки 328 саҳифадан иборат буюм — китоб сотиб олишни ҳамма нарсадан афзал кўрадиган мияси ачиган ва шикастанафас газетاپарастлар, телетомошабинлар ва радиотингловчиларни кўрди.

Ҳаммасидан ўтиб тушгани китобнинг ўқиш тавсия этилган асарлар рўйхатига кириши бўлди, чунки Клаудио Ромеронинг ҳаёти ва ижоди шу чоққача фақатгина зунко кишилар, демакки, ҳаддан ташқари озчиликни қизиқтириб келарди. Фрага ёлғиз қолиб бу воқеаларни мулоҳаза қилиб кўргиси келганда (энди навбат кинопродюсерлар билан шартнома тузишга келиб тақалганди) худди бир нима юз берадигандек яна юраги ғаш бўла бошлади. Дарҳақиқат, олдинда, шон-шўҳрат пиллапояларида фақатгина битта поғона қолган, худди истироҳат боғидаги кўприк мисоли юқоридаги энг сўнгги, айни чоқда қуйига олиб тушувчи биринчи поғона вазифасини ўташи мумкин бўлган поғона қолган эди. Эртами-кечми меъдаси тўйган талабгорлар кўнгил очиб учун, янги ўйин-қулгу илинжида ундан юз ўгиради. Шу асно, Миллат мукофотини расмий топшириш чоғидаги нутқини тайёрлаш учун ҳолпроқ бўлиш ҳаракатида тушганда кейинги ҳафталар ичида кўтарилган шов-шувлар унга энди эриш туюла бошлаган, шу боис бўлажак тантаналар шунчаки расмий кўзбўямачиликдек таассурот қолдираётган эди. Бундан ташқари, унинг кўнгли нима учундир ғаш эди ва агар ўзини қўлга олмас экан, боши-кети йўқ хаёллардан халос бўлолмаслигини ҳам тушунарди. У нутқини ёзиш жараёнида энгил тортаман, деб умид қилди ва ҳаммаи ўзини тетик, хотиржам сезадиган макон — Офелия Фернандеснинг қўрғонига жўнади.

Ёзининг охирлари, боғ-роғлар кузги либосини кийган, Фрага оёғи остидаги итни эркалаганча, Офелия билан суҳбатлашиб пешайвонда ўтирарди. Унинг картотекалар сақланадиган иш столи биринчи қаватдаги хонада эди. Муҳим қўтини очиб, бамисли пианино клавишларини ўйнаётган чолғучидек картончаларни бармоқлари билан ўтказиб туриб, Фрага адабий шон-шўхрат билан воқе бўлувчи сохта бир ёқламаликка қарамасдан, ҳамма ишлари бинойидек кетаётгани, «Шоирнинг ҳаёти» жиддий аргизулик китоб экани ва одамларга, Ватанга хизмат қилаётгани ҳақида ўйларди. Назарида, бемалол маърузани тайёрлаш, мукофотни олиб Европа сафарига отланавериш мумкин эди. Унинг калласида саналар ва рақамлар шартномалар ва зиёфатга таклиф этилган вақтлар билан қоришиб кетган эди. Тез орада Офелия бир шиша шаробни келтириб, жимгина ўтиради-да, қандай ишлаётганини ҳавас билан кузатади. Ҳамма иш бинойидек кетмоқда эди. Фақат чироқни яқинроқ суриб, узоқларда сайраётган қушлар овозини тинглаганча чекиб олса бўлгани.

Хуллас, ҳақиқат қачон аён бўлди, аини шу лаҳзалардами ёки кейинроқ, Офелия билан деразадан кўриниб турган юлдузгача ҳорғин термулиб ётганларидами — сира эслолмади. Дафъатан ярқ этган чақмоқ унинг шуурини ёритиб юборгандек бўлди. Бу кутилмаганда чуқур идрок этишга ўшарди. Фраганинг эти жимирлаб, юраги гупирди. Сўнгра сув қуйгандек жимлик чўнди, ҳа, чамаси бундай бўлган эди: у Рақелнинг каталадек меҳмонхонасидан чиқиб кетаётгандаёқ ҳаммасини фахмлаган, сира ишонгиси келмаганига қарамай ўша пайтда кўнгли сезган ва худди мана шу нарса бош оғриғи ёки иситма каби уни муттасил қийнаётган эди.

Туйқус кўнглидаги иштибоҳ, ғашлик бир дамгина туман янглиғ тарқаб «Шоирнинг ҳаёти» бошдан-оёқ уйдирма ва Клаудио Ромеро кечмишларининг бунақа сафсаталарига мутлақо алоқасиз эканига иқдор бўлди. Ҳеч қандай далилу исбот керак эмас, ҳаммаси бошдан-оёқ уйдирма. Майли, бир неча йил заҳмат чекиб саналарни қиёслаган, шоир ҳаётини иложи борича изчил ўрганган, тахмину гумонларни инкор этган бўлсин, бари-бир — ҳаммаси уйдирма. Клаудио Ромеро Сусана Маркеснинг бахти деб ўзини фидо қилмаган, тарки дунё қилиш орқали эркини ўз қўлига топширмаган ва Ирене Паснинг оппоқ оёқлари остига Икар сингари йиқилмаган. У эса — бадиҳагўй, ҳақиқатни билса ҳам бундан кўз юмди. Қолаверса, кўнглининг тубида ҳаммасини бошиданок сезгандим, деган ишонч лойқа сингари эчкиб қолган эди.

Яна сигарет тутатиб, ҳаммасини асабдан кўриш, Офелиянинг интиқ лабларидан бўсалар олишдан фойда йўқ. Ўз қаҳрамонига ортиқ даражада маҳлиё бўлиш оқибатида адашганлигини рўқач қилиб, ўзини ожиз кўрсатиш ҳам бефойда. Офелиянинг нозик қўллари кўксини силаб-сийпар, ҳароратли нафаси Фрага димоғига урилиб қитиқларди. Шунга қарамай Фрага уйкуга кетди.

Эрталаб картотеканинг очик қолган тортмасига, қоғозларга назар ташларкан, буларнинг бари тунги кечинмаларнинг олдиди бутунлай аҳамиятсиз нарсалардек туюлди. Офелия пастда поездларнинг қатнаш жадвалини аниқлаш учун станцияга қўнғироқ қиларди. Фрага соат ўн иккиларда Пиларга етиб борди ва тўппа-тўғри кўкат дўкончасига йўл олди. Сусананинг қизи уни хавотир билан қарши олди. Фрага атиги беш минут вақтингизни аяманг, деди ва яна чанг босган меҳмонхонага кириб ўша саҳтиён қопланган оромкурсига ўтирди. У чўзиб ўтирмади, чунки Сусана кўз ёшларини арта-арта бош қамирлатиб унинг сўзларини тасдиқлаб ўтирди.

— Ҳа, ҳа, сенор. Худди шундай бўлганди, сенор.

— Лекин нега бу хусусда менга ҳеч нарса демадингиз?

Утган сафар аёлнинг нега бу ҳақда лом-мим демаганини тушунириш осон эмасди. Онаси баъзи нарсалар ҳақида ҳеч қачон, ҳеч кимга оғиз оча кўрма деб ўқтирган экан. Балкарседа офицерга турмушга чиққандан кейин эса... Лекин Фраганинг китоби теварагида шов-шув кўтарилгач, аёл унга ёзиб юбормоқчи бўлган экан, чунки...

Сусана қўрқа-писа унга қаради, кўз ёшлари ёноқларидан оқиб тушарди:

— Ахир, сиз қаердан билдингиз? — деб сўради бироздан сўнг.

— Хавотирланмай қўя қолинг, — деди Фрага. — Ойни этак билан ёпиб бўлмайди.

— Лекин сиз китобда бутунла бошқа — арсаларни ёзгансиз-ку! Мен ахир ўқиб чикдим. Бир сатрчи қўймай ўқидим.

— Сиз туфайли китоб бошқача ёзилган. Сизда Ромеронинг онангизга ёзган бошқа мактублари ҳам бор. Сиз Ромерони ҳам, онангизни ҳам фаришта қилиб кўрсатадиган хатларни бергансиз, холос. Менга бошқалари керак, ҳозироқ. Қани улар?

— Фақатгина битта хат қолган, — деди Рақел Маркес. — Аммо, мен онамга сўз берганман, сенор.

— Модомики бу мактубни онангиз ўша пайтда ёқиб юбормаган экан, менимча, унда айтарли ташвишга соладиган нарса йўқ. Қани улар, ҳақини тўлайман.

— Сенор Фрага, хатни пул учун беради деб ўйласангиз...

— Мана ҳақи, — деди жеркиб Фрага, — қоғозларингиз эвазига бунча пул ишолмайсиз.

Аёлнинг жавондаги қоғозларни титкилашини кузатиб турганида, у ҳозир билганларимни, ўшанда, Рақел Маркеснинг олдида биринчи сафар келганимда билардим-ку, дея ўйларди. Маълум бўлган ҳақиқат уни эсанкиратиб қўймади, энди, ҳаммаси ўтгандан кейин, у истаганда ўзини айблаши, нега, нима сабабдан Сусананинг қизи билан биринчи учрашув бунчалар тез тугади, деб сўраши; нима учун Ромеронинг учта хатини кўриб, ҳаммаси шу деб ишонгани ва нима сабабдан сотиб олмоқчи эканини айтмагани ва кўнгли сезаётганига қарамай, Рақелдан суриштирмаганининг сабабини билиши мумкин эди. «Бўлмаган гап, — деб ўйлади у ўша заҳоти. — Ўша пайтда мен Сусана Ромеронинг касрига қолиб фоҳиша бўлиб кетганини билишим мумкин эмасди. У ҳолда нега Рақелдан олган суратлари уч дона мактуб билан қаноатлиб суҳбатни тўхтатиб қўйганди. «Йўқ, йўқ, мен билардим, ким билади, дейсиз, лекин сезгандим. Шуларни била туриб китоб ёздим; балки бу китобхонларга ҳам, танқидчиларга ҳам беш қўлдай маълумдир. Ҳаммаёқни ёлғон босиб кетган. Ҳаммамиз бўғимизгача мана шу ботқоққа ботганмиз...» Бироқ ҳаммасини умумлаштириб гуноҳнинг арамиган қисмини бўйинга олиш орқали ўзини оқлашдан осони борми! Бу ҳам ёлғон: фақат унинг ўзи, биргина ўзи айбдор. Сал бошқачароқлигини айтмаса, охири хатнинг мазмуни бор-йўғи Фраганинг тасаввурини тасдиқлар ва мактуб, мунозара бўлиб қолса, «кашъевий далил» сафатида асқотиши мумкин эди, холос. Ҳаммаси ойдинлашгач, айниқса, сўнги жумлалар оҳанги ва замиридаги разилликка кўра, Клаудио Ромеронинг чинакам башараси фош бўлган эди. Ромеро аслида Сусани умрбод шуғулланишга мажбур бўладиган жирканч ишга итариб, аини чоқда (хатнинг икки ерида бунга усталик билан ишора қилинган эди) бу нопоклик, шармисорлики ичига ютиб кетишга маҳкум этган ва бу соддадил қизин авраб, ишончини қозониб, уни хўрлаб ёки кўрқитиб, шу тариқа икки йилдан бери ўзи ҳуфиёна кавлаб келаётган чоғга қулатган эди. Бир неча ҳафта муқаддам мамнун бўлиб: «Менинг ягона дардқашим — тундир, қандай азоб чекаётганимни кўришингни истамайман», — деб ёзган одам бахтиқаро аёлнинг ўтинчларидан қочиш ва ундан қутулиш учун чамаси, таъсир этишга кўзи этган шекилли, мактубини қабиҳона ҳақоратомуз талаблар ва таклифлар билан кўрқитиб ва иккинчи бор кўринишини ман этиб тугатарди.

Ўқиганларидан биронтаси Фрагани ажаблантирмади, бироқ у хатни қўлдан қўймай, анчагача вагон деразасининг раҳига беҳолгина суяниб ўтирди. Худди ичида кимдир даҳшатли, беҳад узоқ давом этган уйку чангалдан зўр бериб қутулмоқчи бўлаётганга ўхшарди. «Бу бошқа нарсаларни ҳам ойдинлаштирмақда», — деган ўй кечди кўнглидан. «Бошқа нарсалар» эса Ирене Пас, «Муажжиб исмингга қасида», Клаудио Ромеро ҳаётининг аянчли инқирозидан иборат эди. Агар ҳеч қанақа мактуб ва гувоҳномаларга беҳожат воқеаларнинг ўзгача бўлганига қатъий ишонаркан, фаразу далилларнинг кераги йўқ. Чунки Ромеро ҳаётининг сўнги йиллари, таъбир жоиз бўлса, поездда, Пилардан келаётган ва йўловчиларга озгина отиб олган жанобдек туюлаётган одам тасаввурда кунма-кун гавдаланмоқда эди.

Фрага манзилга етиб келганида кун қиёмдан оққан, ёмғир шиваларди. Уни Офелиянинг чорбоғига элтиб қўйган фойтундан совуқ ва намиққан тер ҳиди анқирди. Бунақа кескин равишда рад жавобини бериш учун бу такаббур Ирене Пас қай даражада оқила ва ахлоқан кучли бўлиши керак! Ромеро соддадил, камбағал қизнинг бошини айлантира олар, аммо ҳеч қачон ўзи яратган ажойиб дostonларнинг қаҳрамони Икар бўлолмасди. Ирененинг ўзи ёки унинг онаси, акалари Ромерони оёқ олишидан, ўз фаолиятини қадрдон кишиларидан юз ўгиришдан бошлайдиган, кейин башарти зарурат туғилса, уларни янчиб ташлашга киришадиган (бундай жиноят «мактаб муаллимаси Сусана Маркес» деб аталарди) муттаҳам эканини сезган эдилар. Ундан қутулиш учун киборларнинг — бунга уларнинг мол-дунёлари ва зийракфаҳм хизматкорлари кўл келарди — мийиғларига қулиб қўйганлари, уйларига таклиф этмаслиги, маълум муддатга ўз қўрғонларига жўнаб кетганлари кифоя қилган эди. Улар ҳатто шоирнинг дафн маросимида қатнашни ҳам ўзларига эп кўрмадилар.

Офелия уни остонада қарши олди. Фрага пайсалга солмай ёзишга ўтиришини айтди. Қаттиқ толиқиб, кеча ёзиб қўйган сатрларга кўз югуртираркан, ўзидан бошқа ҳеч ким бу гапларни билмаслигига яна бир қарра икром бўлди. Бамисли «Шоирнинг ҳаёти» ҳали эълон қилинмаган-у, унинг қалити Фраганинг қўлида. У енгилгина кулди ва нутқини ёзишга киришди. Анчадан кейингина Ромеронинг хати йўлда тушиб қолганини пайқади.

Истаган одам Буэнос-Айрес кутубхоналаридан мунаққид Хорхе Фрагага Миллат мукофотини топширилиши ва ўша кунининг минбарга чиқиб, шоир Клаудио Ромеро ҳаётига номуносиб янги тахминларини айтиб, бамаъни кишиларни нечоғлик довдиратиб, ҳанг-манг қилиб қўйгани ва ғазаблантиргани ҳақида ўша йиллардаги газеталарни ўқиб билиши мумкин. Аллақандай бир журналист Фраганинг тоби келишмай турган бўлса ажаб эмас, чунки, ҳаммаси майли-ю, лекин у баъзан Ромеронинг номидан гапириб юборди, деб ёзганди. Нотиқ ўз хатосини сезиб қолди-ю, аммо ўша заҳоти ғалати бир алфозда яна тугуриқсиз гапларни такрорлай бошлади. Яна бир мухбирнинг ёзишича Фрага нутқини тугатгунча қўлида бошдан-оёқ ёзилган икки-уч варақ қоғоз бўла туриб ақалли бирон марта бу қоғозларга назар солмагани учун, гўё ўзига-ўзи гапирётгандек, ўзи маъқуллаб ёки ўзи инкор қилаётган одамдек таассурот қолдирди, дея эътироф этганди. Бу ўз самимий тилакларини билдириш учун келганлар орасида норозилик кўзгади. Яна бир рўзномада нутқи тугагандан сўнг Фрага билан доктор Ховелянос ўртасида бўлиб ўтган кизгин мунозара ҳамда кўпчиликнинг тўнғиллаб зални ташлаб кетгани ҳақида ҳикоя қилинган, шу мақолада доктор Ховелянос Клаудио Ромеронинг порлоқ хотирасини булғагувчи бу тугуриқсиз, шаккок даъволарни исботлаш учун далил-ҳужжат талаб қилганида совриндор гўё талаб қилинаётган далиллар ўзининг тасаввур доирасидан чиқмаслигини билдирмоқчидек елка қисиб, мангиларни қафти билан артиб қўйгани, сўнгра на зални ташлаб чиқаётган одамларнинг норозилигига, на Миллат мукофотини топшириш пайтидаги бундай ўзига хос нутқдан ҳайратланган бир тўда ёш-яланларнинг қарсақлари ва табрикларига аҳамият бермай лоқайд, ҳафсаласи пир бўлган одам кўйига тушганлиги эслаб ўтиларди.

Тантанили маросимдан кейин икки соат ўтгач, Фрага чорбоққа қайтиб келганида Офелия телефон орқали қутловчиларнинг рўйхатини берди — рўйхат ташқи ишлар министрининг исми-шарифдан бошланиб аллақачон юз кўрмас бўлиб кетган акасининг номи билан тугарди. Фрага рўйхатни паршон кўздан кечирди — баъзи исмлар тагига қизиб қўйилган, айримлари пала-партиш ёзиб ташланган эди. У қўлидаги қоғоз сирғалиб гиламга тушганини ҳам сезмай кўзини беҳол юмди ва зинадан ўз хонасига кўтарилди.

Анчадан кейин Офелия унинг юқорида у ёқдан-бу ёққа оғир қадам ташлаб юраётганини сездди. Офелия ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка қарор қилиб чўзилди. Қадам товушлари гоҳ унинг тепасига яқинлашар, гоҳ узоқлашар, баъзан Фрага бир нима кўнглидан ўтиб, ёзув столи ёнида тўхтаб қоларди. Бир соатдан сўнг Офелия зинанинг фирилагани ва ётоқ остонасида қадам товушларини эшитди. У Фрага кирганида ҳам, ёнига келиб чўзилганида ҳам кўзини очмади. Муздек қўллар

билагидан тутди. Коронғида Офелия унинг ёноқларидан ўпди.

— Мен бир нарсани сира тушунолмапман...— деди Фрага гўё унга эмас ўзига гапирётгандек.— Нима учун ҳар доим билиб келган нарсани узоқ пайтгача тан олмадим. Мен медюман дейиш аҳмоқликдан бошқа нарса эмас. Ромеро билан орамизда бирор умумийлик йўқ. Мен унга ҳамфикр ҳам бўлолмайман.

— Озгина ухлаб олсанг бўларди,— деди Офелия.

— Йўқ, мен нима бўлганини аниқлашим керак. Мен ҳали пайқаммаган ва эртага бошланадиган ёки бугун кечкурун бошланган нарсалар мавжуд. Мен адо бўлдим, тушуняпсанми? Уларга сифинишлари учун худо яратиб қўйиб, сўнг ўзини ундан уларни маҳрум қилганими асло кечиришолмайди. Буни кўришни ҳаммаси нақадар бемаъни ва тушунарсиз. Ромеро барибир 20-йиллардаги энг яхши шеърлар муаллифи бўлиб қолаверди. Бироқ, беайб парвардигор, эртага худди шундай сурбетлик билан ҳамкасбларим мени айблашади.

— Лекин, сен ҳақиқатни айтишни ўз бурчинг деб билган бўлсанг-чи...

— Мен ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмадим, Офелия. Айтдим, холос. Ёки ўрнимга кимдир айтди. Бошқа иложим йўқлигини бугун кечкурун англаб етдим. Мен бундан ўзга ҳеч қандай йўл тутолмасдим.

— Балки яна озгина кутсанг яхшироқ бўлармиди,— деди журъатсизгина Офелия.— Узинг ўйлаб кўр, албатта, оғир ботадиди-да...

Офелия «министрга» демоқчи бўлди-ю, айтолмади, шунга қарамай Фрага буни сездди. Жилмайиб Офелиянинг билганини силади. Ҳалигина мавҳум бўлиб турган нарсалар аста-секин ойдинлашмоқда эди. Офелиянинг навозш билан жимгина ўтириши фикрини жамлаб, бирор қарорга келишга ёрдам берар ва у кўзларини катта-катта очиб, зулмат қўйнига термуларди.

Йўқ, агар ўзи Ромерога ўхшаган айёр, юлдузни бенарвон урадиган муттаҳам эканини тан олмас экан, кундай равшан бўла туриб, кўп нарсалар назаридан четда қолганини ҳеч қачон англаб етолмасди. Китоб ёзиш ниятининг замирида жамият билан орани очик қилиш, осонгина шуҳрат қозониш, ўзига тегишли бўлган, лекин бошқалар тортиб олган нарсаларни қўлга киритиш мақсади ётарди. Сиёҳидан пок ният билан ёзилган «Шоир ҳаёти» дунёга келишидаёқ қўлма-қўл бўлиб кетиши учун барча зарур нарсалар билан бежалган эди. Асар тантаналарининг ҳар бир босқичи олдиндан ўйлаб қўйилган ва синчковлик билан бобма-боб, жулмама-жумла тайёрланган эди. Ҳатто пичинглар, қўчган зафарларига нисбатан кўнглида тобора кучайиб бораётган бепарволик ҳам аслида шу нопок ниятнинг бир кўриниши эди, холос. «Шоир ҳаёти» китобининг камтарона муқоваси остида радиоэшиттиришлар ва кинофильмлар, Европадаги дипломатик лавозим ва Миллат мукофоти, бойлик ва шон-шуҳратдек мақсадлар ҳуфёна равишда уя қўрган эди. Фақат шуларнинг якунида пухта ўйланган дастурни йўқ қилиш ва уни хароб этиш учун мисли кўрилмаган воқеалар кутиб турарди. Энди бу мисли кўрилмаган нарсалар ҳақида ўйлаш, алланималардан ваҳимага тушиш, хавотирланиш, муваффақиятсизликдан ақлдан озмиш бефойда!

— Биз мутлақо бошқа-бошқа одамлармиз,— деб такрорлади Фрага кўзларини юмиб.— Бунинг қандай юз берганига ақлим бовар қилмайди, Офелия. Лекин айтапман-ку, биз бошқа-бошқа одамлармиз,— у Офелиянинг унсиз йиғлаётганини ҳис қилди.— Лекин, агар шундай бўлса ундан баттароқ эмасми. Гўё бизлар бир хил маразга гирифтор бўлган чиқамиз. Демак, менинг касалим ҳуфёна, секин-аста патос боғлаган ва ниҳоят ўзидан огоҳ қилган — ёрилган. Ҳар сафар икки йўлдан бирини танлаш керак бўлди. Ромеро учун танлаганда мен беихтиёр унинг ҳаётлигида собитлик билан намоийш этган ялтироқ Ҷомонларига эътиборни қаратдим. Бошқа биров унинг хатларидидаги, ҳаётидидаги бошқа ҳақиқатларни кашф этиши мумкинлигидан, ҳатто умрининг охирида ўлими яқинлашиб асл қиёфаси кўринган пайтдан ҳам ўзга нарсалар топиши мумкин-дир. Лекин менинг қарорим унинг қарори эди. Мен ҳеч нарсага тан беришни истамасдим, ҳақиқатнинг тагига етишни хоҳламадим. Чунки, Офелия, шундай қилсам Ромеро бутунлай ўзгача бўларди. Менга ундай Ромеродан фойда йўқ эди, афсоналар яратишининг ҳеч кимга, ҳатто унинг ўзига ҳам фойдаси йўқ эди...

Фрага тин олди. Лекин, энди ҳаммаси кундай равшан, изоҳнинг ҳоҷати қолмаганди. Энди у ўзининг Роме-рога ўхшашлиги ва бунда ҳеч қандай ғайритабиий нарсани йўқлигини тан олди. Мунофиқлик, фирибгар-лик, беқиёс шухратга ўчлик ва ҳатто икковини балога гирифт-тор қилган кулфатлари ҳам ўхшаш эди. Фрага унга ўхшаган-лар ҳаммиша Клаудио Роме-ро бўлишини, кечаги ва эртага дунё-га келадиган роме-ролар эса ҳаммиша Хорхе Фрага бўлажа-гини аниқ тасаввур қиларди. Уша олис сентябр оқшомлари-нинг бирида кўнгли сезиб, хавотирга тушган воқеа содир бўлди: у минг ҳаракат қилмасин, ўз таржимаи ҳолини ёзиб қўйганди. Унинг дам кулгиси келар, дам ёзув столи тортмаси-да сақланаётган револвер хаёлига келарди.

У Офелиянинг қачон, шу дақиқаларда ёки кейинроқми: «Энг муҳими бугун уларга ростини айтганинг» деганини ҳарчанд уринди, эслолмади. Ушанда бу ҳақда у ўйлаб кўр-маган, ҳаяжондан ёки хуштабассумдан юзлари ёришиб, сўнг аста-секин энсаси қотганларга аччиғи чиққанини билдириш учун норози бўлиб, қўл силкитганларга рўй-рост гапирётган чоқдаги ғайритабиий лаҳзаларни яна қайта хотирлашни иста-масди. Ҳолбуки, ўша лаҳзаларгина қадрли, бу воқеаларнинг ичида фақатгина ўша лаҳзаларгина рост ва унутилмас эди. Чиндан ҳам на муғомбирлик, на манманликка алоқаси бўл-маган бунақа тантанадан ҳеч ким уни маҳрум қилолмасди. У Офелиянинг сочларини эркалаб силдаётганда, бир дам назари-да бу Сусана Маркесу ўзининг меҳрибончилиги ва эркалаш-лари туйғайли ёнидан кетмаётгандек туюлди. Шунинг баро-баридида гўё Миллат мукофоти, Европадаги дипломатик лаво-зим ва ҳоказо бошқа бахт-саодатлар — бутунлай Роме-рога ўхшаш қолмасликни, китоблар ва радиопостановкаларнинг

сохта қаҳрамонларига айланиб қолишни истамасанг, ундан юз ўгириш, воз кечиш керак бўлган Ирене Пас эди.

Кейин эса — самодиа сон-саноксиз юлдузлар имо қилган ўша тундан бутунлай ўзга, боши-кейти йўқ хаёлотдан қутуллол-маган уйқусиз кечадан сўнг — мутлақо қутилмаган воқеалар бошланади: тонг ўзи билан бирга кўнғироклар, жанжал-тўполонлар келтиради. Озгина ғайрат қилса, ҳаммаси яна секин-аста изига тушиши мумкин бўлгани ҳолда, ҳаммаси туга-ди деб ўтириш, назарида, энгилтакликдан бошқа нарсасиз эмасди. Ҳаммаси тез ҳаракат қилиш ва битта-яримта зарур одамлар билан учрашишга боғлиқ. Агар истаса бас, мукофотни бекор қилиш ва Ташқи ишлар министрлиги кафолатидан ҳам маҳрум бўлиш масаласи тамомила ўзгача тус олиш ва китоб оммавий тиражлар билан таржима қилиш учун қайтадан катта йўл очи-лиши мумкин. Бироқ бундан буён ҳам чалқанча ётавериши, борди-келдиларни йиғиштириб, тинчгина чорбоғда яшаб, ил-мий ишларини қайта қўлга олиб давом эттириши, узилган алоқаларни тиклаши ҳам мумкин, албатта. Мабодо шундай қилса, ярим йилдан кейин ҳамма уни унутиб юборар, омадли-лар сафидан ўзидан беш баттар истеъдодсиз қаламкаш чиқиб ўрнини осонгина эгаллаган бўларди.

Иккита йўл бир хилда оддий ва бир хилда умидбахш эди. Қайси йўлдан борсин, у кўнглида бу йўллардан бирини тан-лаб қўйган бўлса ҳам, ҳамон ўйининг тагига етолмас, иккила-нар, аҳду қарорининг нечоғлик тўғри, нотўғри эканини билиш учун тарозиға солиб кўрарди. Деразадан тўшаётган оппоқ тонг нури ухлаётган Офелиянинг сочларини ёритиб, боғдаги сейбо дарахти эса худди секин-аста ўзидан оғоҳ этаётган эртанги кун-нинг ташвишлари, зиддиятлари каби ғира-шира кўзга чалина бошлаганда ҳам бу адоқсиз хаёлларидан қутуллолмаган эди.

ЁН ДАФТАРДАГИ ЁЗУВЛАР

Йўловчиларни ҳисобга олиш ҳақида (ҳозир буни эслаш ўринли) биз наридан-бери, тасодифан ўтказилган ҳар қандай тадқиқотнинг бесамар экани хусусида суҳбатлашиб ўтирганимизда гап очилди. Аввалига Хорхе Гарсиа Боуса Монреал метросини эслади, шундан кейингина Буэнос-Айреснинг «Англо» ероти йўлини тилга олди. Тўғри, у бу хусусда ошқора гапирмади, лекин менимча, бўлиб ўтган воқеа Гарсиа Боуса бошқараётган фирма ўтказган махсус тажриба билан боғлиқ бўлса керак. Қандайдир мах-сус усулда — Гарсиа Боуса беҳад оддий деган бўлса-да, шун-дай таърифлай оламан холос — бир ҳафта мобайнида метро-га ҳар кун тушадиган йўловчилар сони аниқланган. Турли бекатларда тушиб чиқаётган одамлар оқимини, шу билан бир-га бошидан охиригача ҳамда оралиқдаги бекатлар ўртасида тушиб чиқаётганларни аниқлаш лозим бўлгани сабабли ҳисоб-китоб «Примера Хунта» бекатидан «Пласса де Май»гача, ҳар битта кириш-чиқиш жойида олиб борилган эди; ўша давр-да — мен 40-йиллар ҳақида гапиряпман — «Англо» тармоғи бошқа ероти йўлларига ҳали уланмаган, бу эса ишни хийла энгиллаштиради.

Мўлжалланган ҳафтанинг душанбасида йўловчиларнинг умумий сони ҳаддан зиёд кўп бўлган; сешанба кун деярли шунга яқин, чоршанба кунги текшириш эса қутилмаган нати-жа берган, метрога тушган 113987 нафар йўловчидан 113983 таси юқорига қайтиб чиққан. Бу ақлга сўғмасди. Табиий, бундай бўлиши мумкин эмас, кимдир ҳисобдан адашган, пи-ровардида тажрибани ўтказишнинг жавобгар шахслар бунинг сабабини излаб барча ердаги ҳисоблаш натижаларини текши-риб чиққанлар. Ходимларига кўмаклашгани шахсан бош ин-спектор (ҳозир кўлимда, Гарсиа Боуса беҳабар берган маълум-отлар бу — буларни кейинчалик излаб топганман) Монте-санонинг ўзи етиб келган. Ич-этини шубҳа ва гумонлар кеми-раётган Монте-санонинг ероти йўлини бошдан-оёқ айланиб юриб,

юқорига кўтарилаётган хизматчилар билан поезд ҳайдовчила-рининг гувоҳномаларини текширган. Мана шуларга асосланиб бош инспектор Монте-санонинг ҳозир икковимизга беш қўлдек маълум гапларни ўша пайтдаёқ оз-моз бўлсин, сезган эди, десам, янглишмайман. Хуллас, тўртта йўловчининг кам чи-қишига сабаб бўлган хатони ҳеч ким аниқлаёлмади, деб илова қилишнинг кераги йўқ.

Пайшанба кун ҳаммаси яхши ўтди: 107328 та буэнос-айреслик одатдагидек метродан фойдаланди. Жума кунги (кўрилган чора-тадбирлардан сўнг ҳисоблаш беҳато олиб бо-риллаётганига ҳамма амин эди) метродан чиққан йўловчилар-нинг сони метрога тушганларга нисбатан битта ортиқ чиққан. Шанба кун рақамлар бир-бирига мос келди ва фирма олди-га қўйган вазифани бажарди, дея ҳисоблади. Сешанба ва жума кунги чалқашлик овоза қилинмаганлиги учун бош инспек-тор Монте-санонинг билан «Пласа Онсе»даги ҳисоблаш машинала-рининг ходимларидан бошқа бўлиб ўтган воқеани биров бил-ди, биров билмади, шунга қарамасдан, менимча, ҳисоблаш машинаси ёки операторнинг арзиманган хатоси деб ўша озчи-лик ҳам юз берган ҳодисани унутиб юборишган бўлса керак.

Бу воқеа 1946 йилнинг охири ёки 1947 йил бошларида содир бўлган эди. Кўп ўтмай «Англо» йўлида тез-тез қатнаб туришга тўғри келиб қолди; борар ерим узоқлигидан йўлда гоҳо-гоҳо Гарсиа Боуса билан суҳбатни хотирлаб, баъзан ён-веримда ўтирган ёки чарм тутқични ушлаганча чайқалиб-чайқалиб бо-раётган одамларни кузатиб кетарканман, бир нарсани сезиб қолдим. «Хосе Мариа Морена» станциясида туйқус вагондаги бир-иккита одам (дастлаб бир йигит, кейин эса ёши ўтинчире-ган иккита жувон) бошқаларга ўхшаган оддий йўловчи эмас, деган тугуруксиз фикр миямга урилди. Сўнгра пайшанба кунги кечқурун «Медрано» бекатида — мен Хасинто Льянес қўлиб чиққан учрашувдан қайтиб келаётган эдим — кўзлари ҳорғин сузилган қиз поезд кутиб эмас, балки бутунлай бошқа мақ-

садада ўтиргандек туюлди. Тўғри, у мен билан битта вагонга чиқди, бироқ у бир нимасини унутиб қолдирган ёки толиққан, жиллақурса, бевозта бўлаётган одамдек «Рио-де-Жанейро»да тушиб қолиш учунгина шу вагонга чиққан эди.

Ўғрилиқ юз бергандан сўнг орадан хийла вақт ўтган, ҳамма бирдан ўша куни оқшом аллақандай шубҳали йигитчаларнинг кватралда изғиб юрганини эслаб қолганидек, мен ҳам бу ҳақда энди, ҳаммаси маълум бўлгандан кейингина бемалол гапиряпман. Шунга қарамай, бошиданок эрмак учун тўқиган бу уйдирмаларда бир нима борлигини сезган ва кун сайин шубҳаларим кучайиб борган эди; шу сабабли Гарсиа Боуса ҳисоб-китобнинг ҳайратомуз натижаларини йўл-йўлакай тилга олиб ўтган куни кўп нарсалар ойдинлашиб, нима гапигини фаҳмлагач, даҳшатга тушган эдим. Ҳисоб-китобга бевосита алоқаси йўқ одамлардан биринчи бўлиб нималигини тушуниб етган мен бўлсам керак.

Шу-шу, ҳаловатим йўқолиб, нотинч кунлар бошланди. Гумонларимни тасдиқловчи далиллар топиш истагида гарангсиз юрган кезларим «Пескадито»да Монтесано билан учрашиб қолдим, бу учрашув бизни бир-биримизга яқинлаштирди, кейин эса секин-аста шаҳар ҳаётидан мутлако ажралаиб, ўзича мустақил яшаётгандек ва мен ҳар сафар бегона оламга бориб қолаётгандек туюлаётган метро ҳаётини синчиклаб ўрганишга киришдим ва кўп ўтмай метро одамлар учун транспорт воситаси бўлибгина қолмаганини англаб етдим. Лекин бунинг тагига етиш учун ўрганишга киришмасимдан аввал орқа-олдини ўйлаб, нималар қилиш лозимлигини белгиллаб олдим. Кўнглимдагини тасдиқловчи далил-исботлардан ҳам, чалғитиб юбориши мумкин тасодифлардан ҳам сақланиш учун уч ой мобайнида 86 трамвайда қатнаб юрган кезларим Луис М. Бодиссоннинг эътиборга лойиқ назарияси сира тинчлик бермасди. Кунларнинг бирида ҳазил аралаш унга Гарсиа Боусанинг гапини айтиб бергандим, бунинг сабабини тушунтириб, атом парчаланишининг аллақандай турига оид фаразани мисол тариқасида келтирганди; бу кўпинча одамлар тўпланадиган ерда юз бераркан. Яқшанба куни учрашув тугагач, ҳеч ким «Ривер Плейт» стадионидан қанча одам чиқшини ҳисобламаган ва ҳеч ким бу рақамни сотиб олинган билетлар миқдори билан таққослаб кўрмаган тор йўлакдан беш мингта кўтос югуриб ўтди дейлик, лекин нариги тарафдан шунча кўтос чиққанини ким айта олади? Флорида кўчасида одамларнинг ўзаро туртиниб юриши оқибатида паллоларнинг энги, қўл-қоплар билинар-билинемас едирилади. Қачонки, 113987 йўловчи тиқилинч вагонларга чиққач ҳар бурилишда ёки кескин тўхташлар чоғида чайқалиб, бир-бирларига ишқаланар экан, ҳар 20 соатда тўрт кишининг (ўзига хосликнинг йўқолиши ва умумийликка айланиш жараёни шарофати билан) ғойиб бўлиши турган гап. Жума кунги ғайриоддий воқеа хусусида эса — мен битта йўловчи ортиқ чиққанини назарда тутяпман — Бодиссон ҳам Монтесано сингари бу операторларнинг хатоси бўлса керак, деган хулосага келди. Бу далил-исботсиз фаразларни эшитиб, яна юрагимни умидсизлик чулғади. Бу воқеаларни бирон нима деб изоҳлаш уёқда турсин, ҳар сафар метрога яқинлашдим дегунча этим увиша бошларди. Шу сабабли бу чигал, айтган билан одам ишонмайдиган ҳодисанинг тагига етиш учун ёлғиз ўзим ҳаракат қилишга аҳд қилган, шу сабабли метрода юриш учун эмас, балки бемалол «Англо»га қайтиб у ердаги ҳаётни ўрганишга кўнглимда кучли рағбат уйғонмагунча уч ой трамвайда қатнагандим.

Шу ўрнида уларнинг менга заррача ёрдам бермагани уёқда турсин, улардан бирон нима кутиш, мададкор бўлишларидан умид қилиш бефойда эканини айтиш керак. Ҳатто шу бўлимдан бошлаб кўрган-кечирганлари ҳақида ёзаётганимни ҳам билишмайди. Аммо уларни фош қилиб қўйишни истамайман ва ҳар қандай вазиятда ҳам уларнинг дунёсида бир қанча вақт яшаган чоғимда таниб қолган айрим кишиларнинг исмини ўлақолсам айтмайман; уларнинг ҳаётини ўрганганим ва ҳозир бу лавҳаларни ёзаётганимнинг сабаби битта — транспорт деб доим азият чекаётган Буэнос-Айрес аҳолисига ёрдам бериш. Лекин бу гапдан энди фойда йўқ, икки қадам нарида метро бўла туриб, қанчадан-қанча одам беҳавотир метрода юрганда менинг нобот трамвайда судралиб қатнашим ғирт аҳмоқлик бўлса ҳам ўша ерга тушишни ўйласам юрагим орқага тортиб кетади. Гарчи улар жамиятдан ими-жимида сиқиб чиқарилган ва ҳеч ким

уларни одам ўрнида кўрмаётган бўлса-да, нимадир дейишга виждоним йўл қўймайди. Метрода юрганимда ҳаётимга хавф туғилаётганини сезаётганим учунгина эмас, аксинча, чунки ўз тадқиқотларим билан машғул бўлаётган тунларда ҳам (бу ер доим зимистон, станциялараро ўтиш жойларидаги дарчалардан тушаётган ёки зиналарнинг юқори қисмига ёғилаётган офтоб нуридан кўра сунъийроқ, сохтароқ нарса бўлмаса керак) ўзимни беҳатар деб ҳисоблаётмайман; ҳаммаси ўзимни сездириб қўйишим билан тугайди, уларни станциялардаги тумонди одам орасидан мен беҳато ажратма олганимдек, улар ҳам шунча вақтдан бери нима мақсадда метрода пашшахўрда бўлиб қолганимни пайқаб қолишади. Уларнинг ранги ҳаддан ташқари синиқ, лекин серғайрат ва тadbиркорлар; шунчалик ранглар ва шунчалар ғамга ботганларки, деярли ҳаммалари шундай: ғамга ботган...

Қизиқ, уларнинг нега бу ерда яшаётганини билиш муҳимроқ бўлса ҳам бошиданок қандай кун кечираётганлари билан қизиққандим. Аввало метродаги охири берк йўллар билан ташландиқ йўлақлар ҳақидаги фикрдан воз кечдим. Чунки булар ҳаммага маълум ва станциядан станцияга ўтаётган йўловчилар дарҳол пайқаб қолиши мумкин жойлар. Масалан, «Лориа» билан «Пласа Онсе» орасида темирчилик ўчоқлари, эҳтиёт йўлақлар, омборлар ҳамда деразалари қоп-қора ғалати уйчалар жойлашган ўзига хос жаҳаннам — hades кўзга ташланди. Бу дўзахнамо горни мен станцияга яқин қолганда поезд бизни қаттиқ чайқалтириб бурилаётган лаҳзада кўриб қолгандим. Лекин бу ифлос йўлақлардан сон-саноксиз ишчилар билан хизматчилар бўзчининг моксидек қатнашини ўйлаб ўша заҳоти бу ерда яшаш мумкин эмас, деган фикрга келдим; чунки жиллақурса, дастлабки пайларда бу ерга жойлашнинг иложи йўқ эди. Бир неча бор кузатганимдан кейин улар фақатгина йўлда яхши бекатларда ва мунтазам қатнайдиган поездлардагина яшаш учун қулай шароит топа олишлари мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим. Боши берк йўлақлар, торгина темир йўл ва омборларни хаёлимдан соқит қилгач, мен аниқ ва маълум ҳақиқатни айнан ўша ерда, бу воқеалар рўй бераётган зулмат салтанатида англаб етдим. Мен умумий тарзда тасвирлаётган турмуш (кимлардир фараз қилинган дейиши ҳам мумкин), назаримда, оғир муҳтожлик ва ноилжлик маҳсули эди. Хуллас, турли-туман тахминлардан сўнг бўлиши мумкин бўлган бирдан-бир йўлини топдим. Улар тўғридан тўғри — ҳозир бу кундек равшан — метрода, вагонларда, бетўхтов ҳаракатда яшар эдилар. Уларнинг нима билан кун кўраётгани — улар шунчалик рангларки! — шу чоққача исмлари каби номаълумлигича қолиб келяпти.

Шуни тушунганга қолганини аниқлаш қийин эмас. Поездлар фақат ё калла сақарлаб ёки ярим кечаси «Англо»га бўм-бўш қайтади. Буэнос айресликлар кечаси дайдишни яхши кўради, шу боис метро эпилмасидан аввал, албатта, битта-ярымта адашгани учратиш мумкин. Эҳтимол охириги поезднинг хожати бўлмаса керак, у жадвалда қайд этилгани учунгина юради, чунки бу пайтда ҳеч ким метрога тушмайди, лекин мен бирор марта бўш юрганини кўрмаганман. Йўқ-йўқ, бир неча бор кўрдим; аммо вагон фақат мен учун бўш эди; унинг яккам-дуккам йўловчилари қатъий кўрсатмага мувофиқ шу ерда тунайдиган анавилардан битта-яримни бўларди. Мен ҳарчанд уринганим билан «Англо» эпилгандан кейин уч соат мобайнида-кечаси иккидан эргалабик бешгача — уларнинг мажбурий бошпаналарини тополмадим. Улар депога кетаётган поездда қоладиларми (бу ҳолда машинист уларнинг одами бўлиши керак) ёки тунги фаррошларга қўшилиб оладиларми? Ҳарҳолда, бундай қилмаслар-ов, сабаби махсус коржомалари йўқ, бунинг устига фаррошлар бир-бирини яхши танийди. Менимча, улар оддий йўловчилар билмайдиган «Пласа Онсе» билан кўрфазни боғлаб турадиган йўлакда ётиб юришса керак. Қолаверса, «Хосе Мария Морено» станциясидаги хона эшигига «кириш мумкин эмас» деб ёзилганга қарамай, нима сабабдан лаш-пушлар сақлаш мумкин бўлган бесўнакай сандиқ турибди; бунинг устига қоғоз халтачалар уюлиб ётибди! Бу омонатгина эшиклар, албатта, шубҳа уйғотади. Хуллас, эҳтимолдан ҳар қанча йироқ бўлса ҳам боя айтганимдек, улар поездлар ёки станцияларда яшайдилар, кўнглим сезаётгани учун ишонч билан шундай деяпман. Станциянинг у

бошидан-бу бошига тинимсиз бориб-келишлар шундан бўлак қулай ерни орзу қилишга йўл-қўймайди.

Мен кўнглим сезгани учун дедим, лекин одамнинг кўнглига нималар келмайди. Балки еростидаги турмушларида қийналмасликлари учун ҳар қандай аниқ ва беҳато ҳаракат қилиш учун соддагина тартиб-интизом жорий этишган бўлса керак. Масалан, улар битта вагонда кетма-кет икки марта юриш мумкин эмаслиги, акс ҳолда пайқаб қолишларини биладилар; иккинчидан охириги «Пласа де Майо» бекатида ўтираверсалар ҳам бўлади, чунки бир бекат олдиндаги «Флоридада» жуда кўп одам чиқиб ўриндиқларни эгаллаб оладилар. «Премьера Хунта»да эса вагондан тушиш, озгина юриб, қарама-қарши тарафга кетаётган одамларга қўшилиб олиш кифоя. Ҳар қанақа вазиятда ҳам уларни ҳеч ким сезмайди, чунки аксар йўловчилар станциянинг бошидан охиригача юришмайди. Орадан бир мунча вақт ўтиб, одамлар яна поездга чиққанларида — улар атиги ярим соат метрода, саккиз соат хизматда бўладилар — эрталаб ёнма-ён кетган одамни ким ҳам эслайди, дейсиз, бунинг устига, вагон ҳам, поезд ҳам бошқа бўлса. Бу жўяли, шу билан бирга хизматчилар ёки йўловчиларнинг сезиб қолиши мумкин бўлган имкониятни истисно қилувчи жадвал талабларига ҳар жиҳатдан мос келадиган фикрга келгунча бошим оғриб кетди. Масалан, ҳозир мен пайшанба кунги кечкурун «Медрано»да кимнидир кутиб ўтирган қиз олдинги поезддан тушиб қолгани ва «Рио-де-Жанейро»га бориб, у ерда яна бошқасига ўтириш учун мен билан битта поездга чиққанини биламан; у ановиларнинг ҳаммасига ўхшаб ҳафтанинг охиригача аниқ белгилаб қўйилган жадвал бўйича ҳаракат қилади.

Улар ўтирган ерларида ўн беш дақиқа ухлаган одатланган эдилар. «Англо»да аҳён-аҳён юрадиган кимса ҳам қисқа муддатда арзимаган чайқалишлар, бурилишлардан поезд «Конгресо»дан «Сазнс Пенья»га қараб кетяптими ёки «Лориа» сари боряптими, янглишмай айтиб бера олган бўларди. Улар эса шунчалик ўрганиб кетишган эдики, бу поезддан тушиб, бошқасига ўтиш даркор бўлган пайтда уйғонишарди. Улар ҳатто ухлаётганда ҳам ўзларини сездириб қўймасликка тиришардилар — худди толиққан кишидек бошларини солинқиратиб, қаддини тик тутиб ухлашарди. Ҳордиқ чиқаришлари учун йигирма марта ўн беш минутдан мизғиб олиш кифоя қилар, ундан ташқари етмаганига «Англо» ёпилгандан кейинги, нима билан шуғулланишларига менинг ақлим етмаётган уч соатлик бўш вақтлари ҳам бор эди. Бутун бошли поезд уларнинг ихтиёрида эканини аниқлагач — бу эса тунги йўлак ҳақидаги тахминимни тасдиқлади — ўзимча, агар шу поездда бирга юра олсалар у ҳолда ҳаётларида яқин муносабатда бўлишдек муҳим ҳамда ҳавас қилса арзиғулик саодатга эришибдилар, деб ўйладим. Поезд бир станциядан иккинчисига етиб боргунча улфатлар даврасида апил-тапил, лекин иш-таба билан овқатланшлар, станциянинг у бошидан-бу бошигача доғ қотиб ухлашлар, дўстона суҳбатлар ва эҳтиمول, қариндошлик алоқалари бахш этадиган қувончга нима етсин! Минг афсус, улар ўзларига қарашли поездда (агар у битта бўлса, лекин бундай поездларнинг сони секин-аста бўлса ҳам кўпаяпти) учрашмаслик керак, деган қоидага қатъий риоя қиларканлар: улар ўзларини хиёл сездириб қўйсалар тамом, иш чаппа кетажagini, турли вақтда, алоҳида-алоҳида ўтирганга нисбатан бирга, ёнма-ён ўтирган учта одамнинг қиёфаси кўпроқ эса қолажagini яхши билишади — ҳар ҳолда, бунинг тергов тажрибаси ҳам тасдиқлайди.

Ўзларига қарашли поездда улар бирровгина, ўшанда ҳам янги ҳафталик жадвални олиш учун учрашадилар, холос. Жадвални биринчи ён дафтардан йиртиб олинган варақларга ёзиб-чикиб гурппа бошлиқларига тарқатади; бир ҳафта еб-ичишга етуғулик маблағни ўша ерда олишади. Биринчининг ёрдамчиси — унинг поезд машинисти экани шубҳасиз — кимга нима лозим, кимнинг юқорига етказиши керак бўлган гапи бор ҳамда кимнинг саломатлиги ёмон — ҳаммасини ўша ерда сўраб-суриштиради. Ўзлари юрадиган поезд вагонларни жадвал бўйича мунтазам алмаштириб туришга мажбур эканликлари учун лоақал тасодифан учрашиб қолишлари ҳам мумкин эмасди; улар ҳафтанинг охиригача кўриша олмасдилар. Хуллас калом, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, — мен узоқ мулоҳазалардан, хаёлан улар билан бирга яшаб, улардек азоб чекиб, қувониб юрганимдан кейингина шу фикрга келдим — хуллас, айтиш мумкин, улар яқинба кунини бизга — юқори-

дагиларга ўхшаб орзиқиб кутишса ажаб эмас, чунки шу кунги улар ҳам дам олардилар. Нима сабабдан Биринчи айнан шу кунни танлаганикин? Ҳарҳолда, аънамага ҳурмати зўрлигидан бўлмаса керак; у яқинба кунлари метрода бошқа йўловчилар юришини, демак, душанба ёки жумага нисбатан эътиборга чапиниб қолиш хавфи анча камайишини биларди, холос.

Ўзим билган узоқ-юлуқ воқеаларни бир-бирига мантиқан боғлаб мен ўтказилган ҳисоб-китобнинг бошланғич қисмида нима бўлганини аниқладим ва ишни поезддан бошладим. Ҳисоблаш натижаларига мувофиқ анави тўрт киши сешанба кунги метрога тутишган. Уша кунги кечкурун «Сазнс Пенья» станциясида улар ўтган-кетган поездларнинг ойнасида кўриниб турган машинистларнинг афт-ангорини синчиклаб ўрганишган. Ниҳоят, Биринчи ишора қилган ва улар поездга чиқиб ўтирганлар. Бу ёғига «Пласа де Майо»гача кутишлари керак бўлган поезд ўн учта станциядан ўтгунча, ўша кунги ходим билан битта вагонга чиқиб қолишдан сақлансалар бас. Энг қийини, вагонда ўзларидан бошқа бегона одам қолмайдиган фурсатни бой бермаслик; бунда уларга Буэнос-Айрес Транспорт бошқармасининг олижаноб ниятда энг олдиндаги вағони аёллар билан болаларга ажратиб бергани жуда қўл келарди, чунки шаҳар аҳолиси бу вагонга чиқмайди ва ортиқча аҳамият ҳам бермайди. Вагонда «Перу» станциясидан чиқиб «Ламоте уий»даги олди-сотди («Карлота кўйлагини фақат ўша ерда тиктиради») ҳақида валақлашиб бораётган иккита хоним ҳамда ёшига номуносиб «Қизил ва қора»ни (Стендалнинг романи эмас, ойнома) ўқишга берилган ўсмир борарди. Биринчи аёллар вағонига кириб машинист кабинасини тақиллатган пайтда ходим ўртадаги вагонлардан бирида юрган бўлса керак. Ҳеч гапдан хабари йўқ машинист ажабланганча эшикни очганда поезд «Пьедрас»га яқинлашиб қолган эди. «Лима», «Сазнс Пенья», «Конгресо» бекатларидан тинчгина ўтишди. «Паско» бекатида поезд хиёл кечикиб жилган-у, бироқ ходим поезднинг нариги бошида бўлгани учун сезмаганим, аҳамият бермаганим, ҳар қалай, хавотирланмаган. «Рио-де-Жанейро»дан бир бекат бериди, Биринчи машинист олдиндан қайтиб чиққанида уч нафар шериги вагонда кутиб ўтирган. Орадан 48 соат ўтгач, эгни-бошини ўзгартирган машинист — унинг кийими ўзига хиёл каттароқ эди — «Медрано»да тушиб, одамлар оқимига қўшилиб кетган ва шу тарақ, жума кунги йўловчилар сонини биттага кўпайтириб Бош инспектор Монтесано учун вазиятни беҳад чигаллаштириб юборган. Биринчи эса шу асно асқатиб қолиши мумкин бўлгани учун, уч нафар шеригига поездни қандай бошқариш лозимлигини ўргатиб составни ҳайдаб борган. Уйлайманки, ўзлари эгаллаб олган бошқа поездларнинг машинистларига ҳам шу тадбирни қўлланган.

Поездларни эгаллагач, нисбатан беҳавотир юриш мумкин бўлган кўчма маконга эга бўлишган. Афтидан, Биринчи машинистларни қайси йўл билан — мажбур қилибми, ёки пул берибми — қўлга олгани ва маош олаётган ёки ҳужжатга имзо чекаётган бошқа хизматчилар билан тўқнашганда қай йўл билан фош бўлиб қолишдан қўтулганини ҳеч қачон аниқлаётмайман, шекилли. Уларнинг ҳаёти, тирикчилик манбаи, хулқ-атворлари ҳақида бор-йўғи тахмин қилиши мумкин, холос. Станциядаги дўконларда сотиладиган нарсалар билангина қорин тўймашига мажбур эканлари ҳақида ўйласам, уларга раҳим келарди. Бироқ, бу ҳолва экан, энг даҳшатлиси, улар — севиш-севилишдан маҳрум эдилар. Улар шоколадлар ва асалли кулчалар, сут қўшилган мурабболар, ҳолвалар, қанд-курслар сотиб олишади. Ширинлик жонига теккан одамдек беиштаҳа ейишади, лекин ўзларига қарашли поездлардан бирида тасодифан йиғилиб қолсалар, ўша заҳоти биргалашиб сутга қорилган ёнғоқ билан бодом қўшиб пиширилган баркашдай-баркашдай ширин нон сотиб олишар ва қимтини-тортини, лаззатли таомдек еб ўтиришарди. Аммо ширинликлар уларнинг кўнглига урганди — одамларга ўхшаб овқатланишни исташар ва беихтиёр янги ош-кўклар иси анқиб турган шўрва орзусида оғизларининг суви келарди. Атай қилгандек ўша кезлар «Пласа Онсе»да тамаддихона очишган, қуворилган эт ҳиди метронинг ичини тутиб кетар, уларнинг димоғини қитиқларди. Лекин улар камоли орзу ҳавасларига айланган бу мўъжаз лаззатхона фонинг нариги тарафида, поездлар «Морено» сари йўл оладиган платформада жойлашгани учун тамаддихонага боролмасдилар.

Кийим-кечак масаласи ҳам чатоқ эди. Шимлар, юбкалар, ич кўйлаklar жуда тез йиртилларди, камзуллар билан кўйлаklar нисбатан чидарди-ю, бироқ бари бир жиллақурса одамларнинг кўзига чалиниб қолмаслик учун вақти-вақти билан алмаштириб туриш шарт эди. Кунлардан бир кун, эрталаб, тартиб-қоидаларини яхшироқ ўрганман, деган ниятда, улардан биттасини кузатаётганимда уларнинг юқоридагилар билан қай тарзда алоқа қилишларини пайқаб қолдим. Бу шундай амалга оширилларди: улар тайинланган кунни, олдиндан белгиланган соатда навбат билан айтилган станцияга битта-битта келишади. Юқоридан эса алмаштириш учун кийим-кечак кўтарган биронтаси келади (кейинчалик мен уларга бекаму кўст хизмат қилишларига ишонч ҳосил қилдим: кўйлак-иштонлар ювгани, камзул ёки кўйлаklar эса тозалашга мунтазам равишда бериб юбориларди) ва биргаликда келиб тўхтаган поездга чиқадилар. Уша ерда маслаҳатлашиб олишлари мумкин, кийим-кечак тугилган бўҳча қўлдан-қўлга ўтади, кейинги станцияда эса — энг қийини ҳам шу эди — бадбўй хожатхонада кийимларини алмаштириб олишлари керак. Ундан кейинги станцияда эса ўша кимса уларни перронда кутиб туради, сўнг ҳаммалари шу ўртадаги бекатга борадилар ва ўша таъминотчи кир кийимлар тугилган бўҳча билан юқорига чиқиб кетади.

Бу оламни энди миридан сиригача биламан, деб қатъий ишонч ҳосил қилганимда, ногаҳон қутилмаганда кўйлак-иштонларини алмаштиришларидан ташқари уларнинг омборхоналари ҳам борлигини ва бу омонатгина омборхонада эҳтиёт шарт, эҳтимол янги келиб қўшилаётганларни (уларнинг сонини аниқ айтолмайман, лекин менимча улар жуда кўп эди) таъминлаш учун асқатиб қолиши мумкин бўлган зарурдан-зарур буюмлар сақлашларини пайқаб қолдим. Бир танишим иттифоқо Кабильдо аркларни тагида эски китоблар билан савдо қиладиган мўсафидини таништириб қўйди. Уша пайтда мен «Сур» ойномасининг эски сонларини излаб юргандим, буни қарангки, ўша қария «Перу» станциясида тушиб, чап қўлдаги одам гавжум ва диққанафас йўлак томонга ўтишимни маслаҳат берди. Ана ўша ерда уюм-уюм китоблар билан ойномалар тахланиб ётарди. «Сур» ойномасини топишга тополмадим, лекин қўшни бинога олиб борадиган хиёл очиқ турган эшикка кўзим тушди; у ерда бир эркак менга орқа ўгириб турар, унинг бўйин-қулоқлари ановиларниқига ўхшаб рангпар эди; ерда аллақандай пальтолар, рўмоллар, шарфлар ётарди; чол бу одамни чайқовчи ёки ўзига ўхшаган олибсотарга йўйди, мен унга эътироз билдириб ўтирмадим-да, жуда чиройли нашр қилинган Ваяхонинг «Трилсе» китобини совға қилдим. Кийим-кечак хусусига келсак, мен ҳайратомуз воқеани сезиб қолдим. Ортиқча пули бўлганидан ва уни сарф қилгиси келганидан (менимча, қамоқхонада ҳам шундай бўлади) улар ўз инжиқликларини фавқуллодда ўжарлик билан қондирардилар. Уша пайтда мен бир малла йигитни кузатиб юрардим. Қачон қараманг, жигарранг костюмда бўларди; фақат бўйинбогини ўзгартирар, бунинг учун бир кунда уч-тўрт марта хожатхонага кириб чиқарди. Туш пайтида галстук сотиб олгани «Лима» станциясида тушди-ю, дўконга кириб кўнгли тўлмай узоқ танлади; дарвоқе, унинг учун бу кўнгилочар машғулот ҳам эди. Унинг дўппайган чўнтаклари галстукка тўла эканини сезиб даҳшатга тушдим.

Аёллар рўмолча, майда-чуйда безаклар, тақинчоқлар, қисқаси, дўконда неки бўлса сўмқаларига сиққанча харид қилишарди. Баъзан улар «Лима» ёки «Перу» станцияларида, пештахтага қўйилган жавонлар билан кроватларни кўнгиллари суст кетиб томоша қилишар, рўзнома ёки «Марибель» сотиб олишар, турли олди-сотдилар, атир-ула, кўйлаklar, қўлқоплар ҳақидаги эълонлар ёнидан анчагача кетишмасди. Болаларини сайрга олиб чиққан оналарни кўрганлариде ўзларини сездириб қўйишларига сал қоларди, ҳолбуки, кўрсатмага биноан улар илжой борица ўзларини бепарво тутишлари керак эди; улардан иккитаси бир неча кунгача тишини-тишига қўйиб юрди, бироқ охири чидашолмади шекилли, болаларнинг атрофида гирдиқапалак бўла бошлади; башарти улар болаларни эркалаб ширинликлар билан сийласалар, мен таажубланмаган бўлардим; Буэнос-Айрес метросида бунақа манзарани учратиш қийин, яна ким билади, бошқа жойларда ҳам эҳтимол, шундайдир.

Мен анча вақт нима сабабдан Биринчи айнан йўловчилар рўйхатдан ўтказилаётган кунни учта шериги билан метрога тушганига ақлим етмай юрди. Унинг иш усулини билганимдан — ҳали ўзини танимасдим — бу ҳаракатини башарти рақамларда юз берган номувофиқлик ошқора этилса, роса жанжал бўлади, деган ниятда қилган деб тушунмайман. Бунақа майда-чуйда ишлар унга ярашмайди. У жуда зийрак, шунинг учун айтиш мумкин, истаса-истамаси, метро хизматчиларининг фикру зикри ўша кунларда йўловчиларни ҳисоблашда бўлганлигини эътиборга олган. Шунинг учун поездни эгаллашга қўлай фурсат вужудга келганини ва ҳатто алмаштирилган машинистнинг юқорига қайтиб чиқиши ҳам ҳеч қандай хавф-хатар тугдирмаслигини фаҳмлаган. Фақат уч ойдан кейин, «Лесам» боғида бош инспектор Монтесано билан тасодифан учрашиб қолган собиқ машинистнинг айтиб берганлари инспекторни ҳам, мени ҳам кўп гапдан огоҳ этган эди.

Ушанда — дарвоқе, бунга кўп бўлганича йўқ, улар учта поездни бошқаришарди, менимча «Примера Хунта»даги бошқарув пунктида уларнинг одами бор. Ўз-ўзини ўлдиришлик менинг энг сўнги шубҳаларимга барҳам берди. Уша кунни кеңкурун бир аёлни кузатиб юргандим. Мана шу аёл «Хосе Мария Морено» станциясида талером будкасига кирди. Перронда ҳеч ким йўқ эди, мен гўё ишдан ҳориб-чарчаб келаётган одамдек беҳолгина тўсиққа суяндим. Улардан биронтасининг телефон будкасига кирганини илк бор кўраётган бўлсам-да, бу жувоннинг қиёфасидаги чўчинқирашга ўхшаган ифодадан, кабинага кирмасдан аввал атрофга қўрқа-писа аланглаб олганидан ажабланмадим. У аввал пиқ-пиқ йиғлади, кейин сумкасини шикирлатиб очди-да, дастрўмол олиб бурнини қоқди, сўнгра: «Қанарейка қалай, қараб турибсанми? Эрталаб дон билан бирга бир сиким ванил беряпсанми?» деб сўради. Унинг анчаки гапларини эшитиб лол қолдим, қолаверса, у кимгадир топшириқ бераётганга эмас, йиғлаб-сиқтаб илтижо қилаётганга ўхшарди. Мен жувон пайқаб қолмасин деган йў-хаёлда чиқдим-да, уларнинг қандай учрашиб, кийимларини қандай алмаштираётганларини яна бир кузатиш учун станциянинг нариги бошига бориб келдим. «Хосе Мария Морено» станциясига қайтиб келганимда ўзини отишга улгурган эди (айтишларича у дастлаб чўқиниб ҳам олган экан); мен унинг қизил бошмоқлари билан оқиш сумкасидан танидим. Тумонат одам йиғилди, кўплар машинист билан хизматчини ўраб олиб, полицияни кутишарди. Мен улардан яна иккитасини кўрдим (улар шунчалар рангпар) ва ўзимча, бу воқеа Биринчига сабоқ бўлади, деб ўйладим, чунки ер остида бирон кишининг ўрнини эгаллаш бошқа полицияга тўқнаш келиши бошқа. Ҳафтанинг кейинги кунларида айтарлик ўзгариш юз бермади — ўз-ўзини ўлдиришлик эса деярлик ҳар кунни содир бўлиб турганиданми ҳеч ким аҳамият бермади. Ана шу пайтдан эътиборан метро деса юрагим безиллайдиган бўлиб қолди.

Тушунман, мен ҳали кўп нарсаларни ойдинлаштиришим керак, балки шу кетишда метродаги ҳаётнинг туб сабабларини ҳам англаган бўлардим, бироқ қўрқув мендан кучли эди. Энди мен «Лима» станциясига — бу менинг станциям — яқин келишим биланоқ юқорида ҳам сезилаётган «Англо»нинг димиққан ҳавоси димоғимга урилади, поездлар шовқинига жимгина қулоқ соламан, сўнгра қаҳвахонага бориб ўзимни оғзига олиб бўлмайдиган сўзлар билан койийман, наҳотки уларни бутунлай фош этиш учун бир баҳа қолганда тоқатинг туради, дея хунобим ошади. Энди мен жуда кўп нарсани билардим ва бу кўз ўнгимда юз берган воқеаларни бориб айтсам борми, жамиятга жуда катта наф келтирган бўлардим. Масалан, кейинги ҳафталарда уларнинг қўл остидеги поездлар сони саккизтага етгани ва бу тобора кўпаяётганидан хабарим бор. Янги қўшилганларни ҳозирча таниб олиш мушкул, негаки одамнинг териси жуда секин оқаради, бундан ташқари шак-шубҳасиз, улар эҳтиёт чораларини кўриб қўяптилар. Биринчининг тузган режаларида хато бўлиши даргумон, уларнинг сонини аниқ белгилашини илжойи йўқдек кўриняпти. Кунини-кеча пастга тушиб уларни кузатиб юришга юрагим дов бераётганда аксар поездлар улар билан тўлаётгани, оддий йўловчилар эса тобора камайиб бораётганини кўнглим сезарди; шу боис нима сабабдан рўзномадан янги линиялар қуриш керак, поездлар етишмаяпти, йўловчиларнинг талаби ошяпти, зудлик билан бу аҳволга барҳам бериш керак, деб айюханнос солаётганларига ажабланмайман.

Мен Монтесано билан учрашиб қолганини ўзи фахмлаб олар деган ниятда унга айрим нарсаларни айтиб бергандим, у менинг гапларимга ишонмади шекилли, маъмурият тугул юз берган воқеаларга ўзининг ҳам ақли етмаётгани учун бу ишни тезроқ бир ёқли қилиш, тўғрироғи, баҳридан ўтишни лозим кўрарди. Менинг гапларимни тинглаб туриб елкамга дўстона қўл ташлаб, чарчабсиз, бирон ерга бориб дам олсангиз ёмон бўлмасди, деганидан сўнг бу мавзуда гапиришдан фойда йўқлигини фахмладим.

Бирон ерга бориб дам олишга келсак, мен «Англо»ни ташлаб кетолмасдим. Монтесанонинг, жилакурса, Биринчи билан унинг уч нафар шеригига қарши бирон-бир чора кўрмаётгани, тобора кенг ёйилиб бораётган бу издиҳомнинг олдини олиш учун қизиқмаётгани мени таажжубга соларди. Диққинафас метрода поездлар «жижирлаб тўхтади, қориган, тиқининда тик туриб келганидан мияси ғовлаб кетган тумонат одам зиналарга ёпирилади, мен уларга яқин боришим, уларни битта-битта қўлтиғидан олиб ҳаммасини тушунтиришим кераклиги ҳақида ўйлайман. Бироқ станцияга яқинлашаётган поезд шояқинини эшитган заҳотим юрагим орқага тортиб кетади. Кийим-кечак тугилган бўхчаларни кўтариб пастга тушиб келаётган ёки юқорига чиқиб кетаётган ановилардан биронтасини кўриб қолсам қаҳвахонага қочаман. У ердан анчагача чиқишга журъат қилолмайман. Юз грамм ичиб дадилланиб пастга тушаман-да, уларнинг соҳини барибир аниқлайман, деб кўнглимни кўтараман. Менимча, ҳозир барча поездлар, аксар станциялар ва қисман устахоналарнинг хизматчилари уларнинг қўлида эди. «Лима» станциясида жойлашган қандолат дўқонидаги сотувчи аёл кун сайин кўпроқ савдо қилаётганини, моллари кўпроқ сотилаётганини сезган бўлиши керак. Мен ўзимни аранг қўлга олиб, нима бўлган тақдирда ҳам поездга чиқмайман, уларга қўшилиб кетмайман, деб тақорорлаганча перронга тушдим, бор-йўғи иккита савол бераман-у, қайтиб юқорига чиқиб кетаман — у ер тинч, беҳавотир. Мен қўлимдаги тангани автоматга ташлаб, дўқончага яқинлашдим ва у-бу нарсаларни кўздан кечириётганда сотувчи аёлнинг менга тикилиб қараётганини сезиб қолдим. У жуда зебо аёл эди, аммо ранги синиқ, аллақандай заҳил эди. Мен дод деб юборай

дедим-да, зинадан, қоқила-суқила юқорига югурдим. Назаримда, яна юрак ютиб, у ерга сира тушолмасам керак, деб ўйлайман ҳозир, чунки мени аллақачон таниб қолишган эди.

Яна изимга қайтиб, зинада қоққан қоқиқдек туриш сабабини билмасалар ҳам менга қараб-қараб қўяётган одамлар орасида туришга қарор қилмасимдан аввал қаҳвахонада бир соатча ўтирдим. Таажжуб! Наҳотки яшаш шароитларини ўрганиб чиққандан кейин ҳам уларнинг шахси ва ниятларини фош қилишга ботинолмасе одам. Шунчалик юрак олдириб қўйганимга сира ишонгим келмайди; аҳтимол, ҳали кеч эмасди, балки зина ёндорини ушлаганча уларнинг нияти, озми-кўлими Биринчи ҳақида (унинг шахсий тадқиқотларига путур етказиб қўйсам майли, Монтесанога ёқмасе ёқмасин) барибир буни айтаман, ҳамда бу ишлар Буэнос-Айрес аҳолиси учун нима билан тугагини биларман, деб жар соламан! Мен қаҳвахонадан чиқмай, ҳамон ёза-ялман. Юқориде эканим, бу ернинг беҳавотирлиги юрагимга ором бағишларди. Афсуски, бу ором, пастга тушиб дўқончага яқинлашдим дегунча тумандек тарқаб кетади. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам кўнглим сезаяпти, ўзимни-ўзим мажбур қилиб бўлса ҳам, барибир, пастга тушаман, аммо олдин мулоҳазаларимни ёзиб тугатай, биттасини префектга ёки полиция бошлиғига, нухасини эсе Монтесанога юбораман, кейин қаҳванинг пулини тўлаб, қайси юз билан тушиб боришимни ҳали кўз олдимга келтиролмаётганимга қарамай, ва айниқса, ҳозир мени таниб қолишганда, охир-оқибат мени сезиб қолишганда пастга тушишга куч топа олармикимман, лекин бунинг аҳамияти йўқ, тушаман дедимми тушаман, ҳаммасини ёзиб тугатай, бориб айтаман: жаноб префект ёки жаноб полиция бошлиғи, пастда — перронда кимдир юрибди ва у мендан бошқа ҳеч ким уни сезмаётган пайтда хира ёритилган телефон будкасига кириб сумкасини очади. Кейин эсе ҳиқ-ҳиқ йиғлайди, сўнгра, жаноб префект, кўзёшлари қуримай сўрайди: «Қалай канарейка, унга қараб турибсанми? Эрталаблари дон билан озгина ванил берялсанми!»

Олим ОТАХОН таржималари.

ЭЗГУ ТИЛАҚЛАР



Жамиятимизда рўй берган салбий жарвёнлар, айниқса, миллий-маданий меросимизга катта зарар етказди. Аввало, имон, тил ва ёзув, масжид ва мадраса бинолари, қабристонлар, халқ меъморчилиги ва адабий меросимиз жабр кўрди. Неча минглаб масжид ва мадраса бинолари, бадий, моддий ва тарихий қийматидан қатъи назар, бузиб ташланди, қаергаки кўча, мактаб ва кинотеатр тушса, фақат қабристонлар устига тушди, қанчадан-қанча мутафаккир ва тарихий шахсларнинг қабрлари энди йўқ. Тошкентда кўп йиллар яшав вафот этган, ўзининг машҳур «Бадое ул-вақое» асарида Алишер Навоий ҳаёт саҳифаларини ёритган Зайниддин Восифий қабрлари қайси кўча остида қолиб кетди экан?

Ва яна маданиятимиз саҳифаларидаги қанчадан-қанча эътиборли саналар исзиз ўтказиб юборилди. Улар — Мавлоно Лутфийнинг олти юз йилликлари, Мухаммад Солиҳ, Камолиддин Беҳзод ва Заҳриддин Бобурнинг беш юз йилликлари.

Мухаммад Солиҳ (860-941) ва Камолиддин Беҳзоднинг (860-940) ҳижрий ҳисобда 550 йилликлари нишонланиши керак. Улар ҳижрийда яшаганлар. Ҳижрий-қамарийда бу муборак саналарни нишонлаш мантиқан тўғри бўлар эди.

1993 йил Бобурнинг (838-935) ҳижрийда 525, 1998 йили Мавлоно Лутфийнинг (768-870) 650, 1994 йилда эсе Улуғбекнинг мелодийда 600 йилликларига тайёргарликни ҳозирдан бошлаш керак. Тараддуд жараёнида шаҳримиздаги Навоий шохқўчасига туташган кўчалар Навоий сафдошлари, маданиятимизнинг буюк сиймолари номлари билан аталса, айна муддао бўлиши муқаррар.

Буюк сиймоларимиз номлари шаҳар чеккасидаги кичик ва пастқам кўчаларга берилган. Жуда кўп ҳамшаҳарларимизга Улуғбек, Беҳзод, Жомий кўчалари қаердалиги номъалум. Восифий номидаги кўча, умуман, йўқ. Ахир, кўча ва хиебонлар бу буюк сиймолар даражасига лойиқ бўлиши керак эмасми?

Шу мутафаккирлар номлари қўйиладиган кўчалар бобокалонимиз Алишер Навоий шохқўчалари билан кесишган кўчаларга берилса бир ажойиб рамзий маъно касб этарди. Жумладан, «Первомайский» кўчасининг Навоий шохқўчасига уланадиган қисмига Мавлоно Лутфий номларини берилишида худди адабиётимиздаги сингари (яъни улуғ Навоий ижодлари Мавлоно Лутфийнинг туркийдаги муваффақиятларининг давомидай) рамзийлик бор.

Мирзо Улуғбек Қўрагоний таваллудларининг 600 йилликлари арафасида бу улуғ зот номларидаги кўча шаҳримиз чеккасида бўлиши миллатимиз учун уят, чунки бу анжуманга қўлаб чет эл олимлари келиши муқаррар. Шундай экан, бу кўча шаҳар марказида бўлиши керак. Фикримизча, Улуғбек номларидаги кўча «Абай» номидаги кўчанинг Навоий кўчаси билан кесишган қисмидан бошлаб «Космонавтлар» проспекти қўшилгани ҳол-

да, Шимолий темир йўл вокзалига қадар давом этиши мақсадга мувофиқ. Бу кўчанинг «Космонавтлар» метро станцияси ва Жонибеков бюсти ёнидан ўтиши ўзгача маъно касб этади. Шу аснода метронинг Космонавтлар станцияси ҳам Улуғбек номи билан аталиши керак.

Захриддин Бобур номларининг ўрда анҳори қирғоғи бўйлаб (Навоий кўчасидан бошлаб, «9 январь» (экинчи Турбо Тўла номи берилди) кўчасига қўшилгани ҳолда) Бешоғоч даҳасигача ва ундан тайёрагоҳга қадар давом этиши — Бобур юбилейлари арафасида яхши бир соғға бўлар эди.

Зайниддин Восифий ва тарихчи Хондамир Алишер Навоийга суҳбатдош бўлиб, кўплаб маълумотлар қолдиришган, Санъат саройи ва Политехника институти орасидаги кўчага (номи йўқ) шу алломалардан бирининг номларини бериш керак.

Ва ниҳоят, телестудия ва Ёшлик аренаси орасидаги хиёбонни (Ўрда анҳоридан Фурақат кўчасигача) Абдурахмон Жомий номлари билан аташ лозим.

Агар юқорида кўрсатиб ўтилган мулоҳазаларни жамоатчилик маъқулласа, тахталарда уларнинг номлари тўлиқ кўрсатилиши шарт.

Адабиётимизнинг буюк сиймолари ҳақида йўлар эканмиз, Алишер Навоий номли адабиёт музейи ва Кўлёмалар институти ТЮЗ билан бир бинода жойлашганлиги кишини ташвишга солади. Бир неча йил муқаддам театр биносига ўт кетганда, жамоатчилик қаттиқ безовталанган эди, чунки Кўлёмалар институтининг бебаҳо бойликларини ҳаммамиз учун қадрли. Наҳотки, бу муаммони ҳал қилиш зарурлигини раҳбарларимиз тушунишмас?

Навоий юбилейлари арафасида ўзбек тилини давлат муҳофазасига олиниши улкан воқеа бўлди. Навоий бу тили «туркий» деб атар эдилар. Тил қонунни лойиҳасига «туркий» аниқлагичи киритилгани ҳаммамизни қувонтирган эди. Аммо тил қонунидан у чиқариб ташланди.

Бундан кўп йиллар муқаддам раҳматли Ҳамид Сулаймон ўз суҳбатида жавондан бир китобни олиб: «Мана бу китобни «Кириллицада» чоп этилса, уч том бўлади, араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзуви ажойиб бир стенографик хусусиятга эгаки, ҳозирги қозғоқ тақчиллиги даврида бу ёзув қандай бир аҳамият касб этган бўлар эди. Эски ўзбек ёзувини ўзгартириб, бизларни маданий меросдан маҳрум этишди. Бунда Қори Ниёзий ҳам гуноҳкор, тўғри, улар ҳам сўнги йилларда кўп афсуслар қилган»,— деб гапирган эдилар.

Ҳамид ака билан бўлиб ўтган суҳбат мазмунини тилшунос олим Ф. Абдуллаевга гапириб берганимда, Қори Ниёзий афсусларини исботловчи бир ҳикояни айтиб бердилар: «Қори Ниёзий инглиз олимлари билан бўлган мунозарада: «Нима сабабдан сизлар инглиз алифбосини соддалаштирмайсизлар, сизларда икки ва уч ҳарфлар бир то-

вушни билдиради?»— деб сўрасалар: «Алифбони ўзгартириш фақат асрлар давомида яратилиб келинган адабий, меросимиз дурдоналарига парда ташлаб, ёш авлодни маънавий завқдан маҳрум қилган бўлар эди».— деб инглиз олимлари жавоб қўтаришган ва Қори ака: «Бизда ана шундай хатолликка йўл қўйилди»,— деб ўкинган эканлар. Бу ҳикояни келтиришдан мақсад, олимларимизнинг айрим тавсиялари ўринсиз эканлигини ёки кечикаётганлигини эслатишдир. «Жумҳурият», «вилоят», «дорилфунун» сўзлари кўп қаршиликка учрамоқда. Бироқ олимларимиз баҳслари давом этгунча, матбуот, телевидение ёрдамида бу сўзлар омма онгига сингиб бўлди.

Биз мумтоз адабиётимиз дурдоналарини лугатсиз ўқишга интилишимиз зарур, демак, мумтоз адабиётимиз саҳифаларида учрайдиган ҳар бир сўз, эски туркийми, форсийми ёки араб сўзларими, ҳеч шаксиз ҳозирги ўзбек тилида фойдаланилиши керак, фақат шундагина классик адабиётимиз дурдоналарини таржималарда ўқиш азиятларидан ҳоли бўламиз.

Саъдулла АБДУЛЛАЕВ.



Жўрналларингизни кўп ўқиб бораман, Сиз ноширлар — ҳиссиёт бандаларининг кўпчилиги қсматида хабардорман. Самарқанд тиббиёт маъҳадининг жирроҳлик бўлимини тугатганимга икки йилдан ошди. Сизларга ғалати, эҳтимол, ишончсиз туюлар бир гапни айтсам: Шўро табобати ҳам умуман олганда тоталитар тузумнинг қурбонидир. Бизда аслида касалликни тугатишмайди, енгиллатишади, холос. Шунинг учун ҳам, табиий равишда чет эл табобатида, экстрасенсларга қизиқиш кучайиб бораётди. Сабаби нима? Борлиқ (материя) бирламчи, онг иккиламчи, деб ўргатишади бизда. Шунинг учун ҳам Шўро фуқаросига руҳий таъсир деган гап ёт нарса эди. Чунки бу тан олинмасди. Бузувчи кунда Хитой табиблари касалликнинг даярли тўқсон фоизини руҳий таъсир орқали даволайди. Ҳатто кўричакни шу йўл билан йўқ қилишяпти. Бизда қорнингини ёриб, кесиб олиб ташлашади. Чунки «материя» бирламчи(!). Хитойлар эса онга таъсир ўтказишади, «материя»ни ўзгартиришади. Бунақа мисоллар қалашиб ётибди.

Сизлар ҳар икки гапнинг бирида Ибн Сино Шарқнинг даҳоси деб аюҳаннос соласизлар. «Медицина» сўзи «мадади Сино» бирикмасидан келиб чиққан даянсизлар. Ибн Сино чинданам катта руҳоний киши, шайх бўлган. Асарларининг илгариги нашрларидан буни яққол пайқаса бўлади. Одамлар «мадади Сино» деб илтижо қилса, у «мадади Худо» деган, руҳий таъсир, сўз билан даволашни яхши билган. Демак, катта руҳшунос ҳам бўлган. Даволашдан олдин беморнинг мижози қуруқми, ҳўлми, иссиқми, совуқми, ўртами — шуларни билган, шунга кўра дорилар тавсия қилган. Бизнинг

дўхтирлар эса мижоз билан асло ҳисоблашмишмайди. Қисқаси, Шўро табобати Ибн Синони ҳам, Тибет ва бошқа чет мамлакатларининг илғор табобатини ҳам четлаб ўтган. Гўё уларни тан олмайди. Узи эса беморни тугатмайди. Бунга қарши чиққан руҳий, йог усулларида даволашни кашф этганлар Сибирига сургул қилинганлар, «Совет фанини булғазган»лар сифатида қамоқларда қиритилган. Оқибатда сарф-харажатларнинг юқоси, одамларга фойдасидан кўра зиёни кўп тегадиган мана бу «медицина» вужудга келган. Сўятнинг «Совет медицинаси» йўли — оддий халқни увол қилишининг асосий услубларидан бири сифатида хизмат қилмаганмикан, деб ўйлайман.

Муҳиддин Худойқул ўғли,
Кўшработ тумани.

Қадрли муҳаррир! Мен бир бағри куйик аёлман. Дардимни сувга айтсам, сув ҳам ёнса керак.

Қашқадарёликман. Тошкентга келиб икки йил пединститутга киролмадим. Уйда отам ўқишга келишимга қаттиқ қарши эди. Шунинг учун у кишига: «тил ва адабиёт факултетида ўқийман», деб, ўзим тўқимачилик комбинатда ишлаб юрдим. Маошим озлиги учун отам пул юбориб турар эди. (Меҳрибонгина отам!) Мен эса кундузи ўлғудай ишлаб, кечаси тинимсиз ўқир эдим. Бари бир омадм чопмади — тағин ўқишдан йиқилдим. Дарслик китобларни сув қилиб ичдим, имтиҳонда менга «2» қўйган домлага йиғлаб тармашдим, фойдаси бўлмади — ийқилишим керак экан, шекилли, йиқитди. Узимни ўлдирмоқчи бўлдим. Аммо бир Алишер деган (илтимос, унинг исмини ўзгартирмай чиқаринглар) йигит билан тасодифан танишдим унга овунганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Жуда хушрўй, хушмуомала эди, устига-устак «земляк» — қашқадарёлик эди. Уям ўқишдан йиқилган, ўзининг айтишича, авиатсия завўтида ишларди. Тақдирим шу билан қўйилган экан-да, деб роса қувонардим. Дарду дунёمنى унга ишонардим. Дам олиш кунлари хонасига бориб қиларини ювиб, овқатлар пишириб берад, сўнгра гаплашиб ўтирар, сира тўймас эдим. Охири шу даражага етдикки, азбаройи ишонганим учун у билан ётиб қолган кунларим ҳам бўлди. Фожиа ҳам шундан бошланди.

Кунларнинг бирида кўнглим айниди, кўк довулча егим келаверди. Дугоналаримга айтсам, «бошқоронги бўлибсан, ўл шарманда», дейишди. Кўрқиб-титраб Алишернинг хонасига бордим. Тезроқ тўй қилишимиз кераклигини айтдим. У бўлса, «болангни туширадиган дори топиб бераман», деди. Лекин муносабати бирдан ўзгарди, қанақадир совуқ муомалада бўла бошлади. Мен қандай бўлмасин, уришмасликка, яхши гапиришга ҳаракат қилардим. Фақат у топан дорини ичишга рози бўлмадим. Кўп ўтмай у қаёққадир йўқолди. Уртоқлари ҳам билмас,

балки билишсаям айтишмас эди. Бошимни чангаллаб йиғладим. Аммо бари бир Алишер бир кун кириб келишига қаттиқ ишонардим. Мени ташлаб бирон ёққа бош олиб кетишини тасаввур қилолмасдим. Чунки уям менга жуда кўникиб қолганди. Лекин ундан дарак бўлавермади. Ўзи менга айтган адреси бўйича қишлоғига бордим. Бироқ, э, воҳ, не қилайки, шундагина чинакамизга алданганимни сездим — у бу ерлик эмас экан.

Ҳеч ким мендайин шармисор бўлмаган чиқар. Энди ўзимни ўлдирсам керак, дегандим, чунки бош уриб борадиган жойим, одамим йўқ, бир девона эдим. Не қилай, шу кўргуликка тўла дунё тагин ширинлик қилди. Недандир илинж кутдим. Умидларим сўниб бораётганда фарзанд кўрдим. Уғил. Исмини Анвар қўйдим. Шароит қанчалик оғир, қимматчилик бўлмасин, бир илож қилиб яшаймиз ётоқхонада. Балки журналингизда менинг ҳасратимни Алишер ҳам ўқиб қолар. Уқиса, айттай: — Алишер, ўғлинг ўзинга ўхшайди. Бир кун виждонинг қийналиб, балки келарсан. Балки уйланиб кетгандирсан. Лекин сен ва сенга ўхшаганлар менга ўхшаганларни алдаб ҳаётдан тўйдирманглар!

Эй, азиз сингилжонлар, ҳаётда ҳеч вақт енгилтак бўлманглар. Жиддий ва босиқ бўлинглар. Алданманглар.

**Феруза (асли исми шунга уйқаш),
Тошкент шаҳри.**

Ҳурматли «Ёшлик» ижодкорлари! Сизларни ўзбек халқининг дардини кўра оладиган ва келажига ҳақида қайгурадиган инсонлар деб ҳурмат қиламиз. Сизларга букилмас ирода тилаймиз!

Мен журналингиз мухлиси сифатида баъзи тақлиф ва истақларимни айтмоқчиман, маъқул билсангиз, қабул қилинг. Ҳозирги вақтда экстрасенс ва

биотокчилар ўзларига «илоҳий кучлари» ҳақида овоза қилишмоқда. Аслида уларда ҳеч бир илоҳийлик йўқ, ҳаммаси сафсата. Сизлар ҳам шуларга ёрдам бераётгандай бўлиб қолмоқдасизлар. Ахир, буни ўзингиз билиб, тушуниб қилиясизларми? Нима кераги бор одамларни яна олдашингиз? Емони шуки, илоҳий кучи «бор»лар одамларни алдаб пулини олиш билан бирга улар орасига ишончсизлик, душманлик уруғини сочмоқдалар. Уларга муружаат қилганларни биламан. Кўпчилиги афсусланиб, айримлари кўнглига ваҳима тушиб, аросата қолмоқдалар. «Инсон чеҳраси — қалб кўзуси» деган широйли гап бор. Баъзи экстрасенсларни телевизорда кўриб, юз-кўзларида ҳеч бир сирли фазилат кўрмадим, аксинча, кўзларида қандайдир фириб берувчи, алдовчи макр бордек. «Оллоҳ-Оллоҳ» деб ўзларини художўй, хокисор қилиб кўрсатадилар. Иссиқ-совуқ, қайтариқ деган бўлмағур гапларни гапирдилар. Шулар рост бўлганда ҳам ўзларининг ишлари эмасми? Бирлари иссиқ-совуқ қиладилар, бирлари қайтариқ қилар эканлар. Бу одамлар орасини бузиш эмасми? Хуллас, улар оммани чалғитиб, пулини оладилар, улар орасидаги меҳр-муҳаббатга раҳна соладилар. Эркакларини шайтон малайларига, аёлларини эса шайтон қанзақларига ўхшатдим Вақти келиб, кирдикорлари албатта фош бўлиб, шармисор бўладилар. Тақдир азал деган гап бор, рост бўлса керак шу. Бинобарин, фолнинг нима кераги бор? Худога ишонган одам олдиндан тақдирни била олармикан, барибир ўзгартира олмайди. Ҳар бир одам ниятини яхши қилиши, ўзгаларга мурувватли бўлишига интилиши керак. Муқаддас жойларга ҳурмат сақлаши лозим. Ўз соғлигининг қадрига ўзи етмоғи ҳам керак, албатта. Фол очиш, очдириш азалдан гуноҳ деб ҳисобланган. Буни сизлар ҳам ўқувчиларга етказмоғингиз керак. Сизлардан илтимос, уларни кўп

ҳам қўлласангиз. Агар нотўғри гап билан сизларни ранжитган бўлсам, узр. Журналингизда оқибат, меҳр-мурувват, ор-номус, оила ҳақида кўпроқ ёзсангизлар, ёшларимизга фойдали бўларди. Ўқувчиларингиз сони янада кўпайган бўлур эди.

**Ф. Абдурахмон қизи,
Тошкент.**

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз журнал орқали гоҳо экстрасенсу фолбинлар фаолиятини ёритар эканмиз, аввало уларга эътикод қилмаслигимизни айтиб кўйишимиз жоиз. Фолбинликнинг гуноҳ эканини биламиз. Чунки бу Куръони каримда қораланган. Бирок бугун кечир, касалман одамларимиз медитсинага ихлос қилмай қўйди. Дўхтирларнинг порахўрликларию локайдликларидан нафратланишмоқда. Биз журналида экстрасенслар, хуусан, Олмаҳон Тожибой қизи ҳақида ёзганимизда, ўн минглаб дардмандлардан хатлар олдик. Хатлар оқими ҳали-вери туггани йўқ. Бу демак, юз минглаб ўзбеклар касал, ожизу нотавон. Тўғри, уларнинг дардини Олмаҳон ёки экстрасенслар енгиллатолмайди. Лекин ишончимиз қомилки, ёрдами тегади. Халқимизда «Ихлос қилсанг чўпдан топ», «Фолга ишонма, фолсиз юрма» каби нақллар бор. Бу ҳам бежиз эмас.

Боз устига кишиларни бир-бирига иситиш, дуо қилиш (яхши дуо), дам солиш шариат ҳукмига зид эмас. Фақат ўзини авлиё кўрсатмаслик, келажак ҳақида қаромат қилмаслик лозим. Чунки ғайб илми ёлғиз Оллоҳгагина тегишли, бандаларга насиб этмаган.

Биз Ф. Абдурахмон қизининг хатидаги фикр-мулоҳазаларни тўғри қабул қиламиз. Ушбу йилдан бошлаб Шарк табобати, инсоннинг ўзини ўзи даволаш усуллари ҳақида ҳам мунтазам мақолалар бериб борамиз.

МУҲТАРАМ ЖҲРНАЛХОНЛАРИ

Ҳар тонг уйқудан кўз очиб, «бугун ташвиш келтиргувчи қандай янгилик эшитаркинмиз» деб, хавотир билан радиого қулоқ тутамиз. Воқеалар оқими шу даражада тезлашиб кетдики, бир ташвишни ҳазм қилишга, идрок этишга улгурмай ўнтаси рўпара бўлиб турибди. Ҳаёт кўлмак эмас, оқар сув деб бежиз айтмаганлар. Янги иморат қуриш беташвиш бўлмайди. Гишт топсангиз, тахта топмайсиз, тахта топсангиз, мих топмайсиз... Биз эса мустақил, озод жумҳуриятимизнинг муаззам келажига пойдевор қўймоқдамиз. Қўшиларимиз, биродарларимиз ҳам шу ҳаракатда. Ҳашар, кўшнига ёрдам бериш ўрнига «ўзим бўлай» деган шорда жавлон уряптилар. Бугунги шошмашошарлик, худбинликка келажакнинг ўзи ҳукм чиқарар. Биздан эса ҳозир сабр-қаноат, фидойилик талаб этилади. Ватанимиз раванқи учун ҳар қандай ишга тайёрмиз, шундай эмасми?

Сиз журналимизни олиб, ўтган сонда «1-2», бу сонда эса «3-4» деган рақамлардан ажабланганингиз табиий, албатта. Ўзимизда қоғоз чиқмаслиги, шу пайтгача

Русия қоғоз билан таъминлайди, деб беғам юришимиз оқибатида ана энди азоб чека бошладик. Пешонамиз деворга урилиб, кўзимиз кеч очилди. Аммо, начора? Русия нархларга эркинлик берди, гўё ҳайвонот боғи эшикларини ланг очиб юборди. Нархлар оч йўлбарсдай ваҳшат сола бошлади. Қоғоз нархи мисли кўрилмаган даражада кўтарилди. Ундан ташқари йўлқира, йўл солиқлари ҳам ошдики, бу нарх-навони эшитсангиз ақлингиз лол қолади.

Хуллас, аҳвол барчангизга маълум. Эндиги масала «Ёшлик» журналини сақлаб қолиш. Эркин нархлар замонида қурбон қилмаслик. Азизлар, Сиз обунга учун тўлаган маблағ журналининг ўн икки эмас, балки икки-уч сонини чиқариш учун етади. Аммо ҳотамтой ташкилотлар кўмак қилини чўзмоқчи бўлиб туришибди, шулар ёрдамида оғир тўсиқларни ошиб ўтармиз, деган умиддамиз.

Сиз вазиятни тўғри англаб, бизни айбламайсиз деб ният қиламиз. Ойнинг ўн беш қоронғи, ўн беш иёруғ, дейдилар, ёруғ кунларга етишини Оллоҳ барчамизга насиб вйласин.



НИГОХ ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИ

Вақт, масофа, вазн ёки са-
ноқ бирликлари ёрдамида
ўлчаш мумкин бўлган,
ҳам жонли, ҳам жонсиз
мавжудотга тегишли энг юксак
натижалар ҳозирги замон тилида
«рекорд» деб юритилади.

Одамзод тарихидаги дастлабки
рекордни 597 йили Сириянинг
Антиохия шаҳри яқинидаги тош эҳ-
ромда 45 йил умрини ўтказган Ав-
лиё Кичик Симеон ўрнатган бў-
лиши ҳам мумкин. Лекин, мана,
ўн тўрт аср ўтибдики, янги-янги
рекордлар билан инсон инсониятни
таажжубга солиб келмоқда. Ҳар
йили минглаб рекордлар ўрнатил-
моқда.

Икки нафар эгизак 69 йиллик
айрилиқдан сўнг дийдор кўришди.
Амриқолик Ричард Хофман тиши

билан мислсиз оғирликни кўтариб,
жаҳон рекорди ўрнатди. Япониялик
Хедеаки Томойори Пи саногининг
40.000 белгисини ёддан айта билди,
ҳинд фуқароси С. Е. Яраман эса
саккиз кун тўхтамасдан гапирди.
Калифорниялик Лэрд Уодрафф бир
дона домино устига 242 тасини тах-
лашга муваффақ бўлди, Бразилия
ҳарбий политсиясининг қирқ аъзо-
си бир километр масофани битта
моготсиклда йиқилмай босиб ўтиш-
ди.

Ҳозирга қадар яшаётган энг па-
кана одам — «митти» Нелсоннинг
бўйи 28,3 дюйм (72 см) экан. У
яшаётган Санга-Доминго шаҳри
шифокорлари хулосасига кўра,
Нелсоннинг бўйи 21 ёшида ўсиш-
дан тўхтаган...

Бўйдорлар

Бўйдорлар ҳақидаги маълумот-
лар кўпинча бўртирилиб, ноаниқ

Давоми. Бошланиши
жўрналнинг аввалги соннда.

кўрсатилади. Сўнги аср давомида тўпланган тиббий текширувларнинг ҳолисона натижаларигина бу кўрсаткичларнинг ҳақиқийлигига ягона далил бўла олади. Афсуски, ҳатто шифокорлар ҳам баъзан бўрттирилган маълумотлар келтирадilar.

Ҳозирги кунда ҳаёт энг новча одам — Габриэл Эставао Моняенинг (1944 йил Мозамбик жумҳуриятидаги Моняказе шаҳрида туғилган) бўйи 265 см эканлиги 1967 йилда Португалия тсирки томонидан маълум қилинганди. Лекин бу кўрсаткичлар ҳам бўрттирилган, Моняенинг асл бўйи 245,7 см, вазни эса 189,6 кг.га тенг экан.

Гаталик Голиафинг (тахминан мелоддан аввалги 1060 йилда туғилган) бўйи 6 юнон кубити ва бир спан (290 см) бўлгайлиги ҳақидаги тахминлар ҳам ўлчов бирликларидаги чалкашликлар ёки яҳудий солномачиларнинг ҳаддан ташқари олақопликларидан далолат беради.

Яҳудий тарихчиси Флавиус Жозефиус (37-38-йилларда туғилиб, тахминан 100-йилда вафот этган), шунингдек, Септуагинта (Тавротнинг юнон тилидаги дастлабки таржималари)нинг айрим рўйхатларидаги маълумотлар Голиафинг бўйини ҳақиқатга яқинроқ қилиб кўрсатган — 4 кубит ва бир спан (208 см).

Тсирк ва шу каби турли хил томошаларда иштирок этувчи бўйдорлар одатда ҳар қандай ўлчаларни таъқиқловчи шартномалар асосида ишлашарди. Уларнинг бўйлари бўрттириб эълон қилиниши анъана тусига кирган эди. Маана, яна бир мисол: покисстонлик Муҳаммад Аълам Чаннанинг бўйи 250,8 см деб кўрсатиларди, лекин 1987 йил 21 августда АҚШнинг Нью Йорк шаҳрида унинг асл бўйи 233,6 см экани аниқланди.


Энг бўйдор эркаклар

1918 йил 22 феврал соат 6.30 да Амриқонинг Иллинойс штатидаги Олтон шаҳрида туғилган Роберт Першинг Уодлоу тиббиёт тарихидаги энг баланд бўйли эркак ҳисобланади. Унинг туғилган вақтидаги вазни 3,85 кило эди. Икки ёшида унинг чурраси тушди, оператсиядан сўнг у ғайритабиий равишда ўса бошлади. 13 ёшида бўйи 218 см, 17 ёшида 245 см.га етди. 1940 йил

27 июнда Вашингтон дорулфунунидаги Тиббиёт мактаби олимлари Роберт Уодлоунинг бўйи 272 см.га етганини аниқлашди. Орадан 18 кун ўтгач, 1940 йилнинг 15 июлида Уодлоу Мичиган штатининг Манисти шаҳридаги меҳмонхонада ўнг тўпиғи шишиб вафот этди. Уодлоу оёқларининг сезиши қобилияти чекланган бўлиб, сўнги бор касалланганда ҳам у ўсишдан тўхтамаган эди. Агар яна бир йил яшганида Уодлоунинг бўйи 274 см.дан ҳам ортиб кетиши мумкин эди. Унинг энг оғир пайти 21 ёшга тўлган кун қайд этилган бўлиб, 222,7 килога тенгдир. Улими вақтида эса унинг вазни 199 кило эди.

Уодлоу 37 АА ўлчамли (47 см) пойафзал кияр, кафтининг ёзиғли ҳолатдаги узунлиги 32,4 см.га тенг эди. У Олтондаги Оуквуд қабристонига узунлиги — 328, эни—81, чуқурлиги—76 см.ли тобутда дафн этилди.

Бугунги кунда яшётган энг баланд бўйли одам Покисстоннинг Бачал-Чанн шаҳрида туғилган Муҳаммад Аълам Чаннадир. Унинг бўйи 233,6 см.га тенг. Муҳаммад 10 ёшга тўлгандагина ота-онаси илк бор ўғилларининг ғайритабиий ўсишига эътибор беришди. У 26 ёшида ўсишдан тўхтади. Муҳаммад 1989 йили уйланди, ҳозирги кунда Сеҳван шаҳрида яшаб меҳнат қилмоқда.

 Роберт Уодлоудан ташқари бўйи 244 см.дан ортиқ яна тўққиз киши бўйдорлар рўйхатида расмий қайд этилган. Уларнинг еттигасида дарозлик мия безларининг нотабиий фаолияти, бурун, тил, лаб, даҳан, қўл ва оёқларнинг катталашиб кетиши касаллиги билан боғлиқ.

АҚШнинг Теннесси штатидаги Галлатина шаҳрилик Джон Виллям Роган (1871—1905)нинг бўйи 264 см эди. Унинг бўйи ўтирган ҳолатида ўлчанганди, чунки тизза ва бел бўғинлари фалажлиги туфайли Роган ўрнидан туролмасди. Унинг бўйи вафотига қадар ўсишдан тўхтамаган.

Джон Ф. Кэррол (1932—1969)—Буффало шаҳри, Нью Йорк штати, бўйи 263,5 см.

Вайно Миллирике (1909—1963)—Хелсинки шаҳри, Финляндия, бўйи 251,4 см. 21 ёшида бу кўрсаткич 222 см. га тенг эди. 30 ёшида у яна ўса бошлади. Вафоти олдида унинг бўйи 246,8 см эди.

Ден Кёлер (1925—1981)—Ден-

тон шаҳри, Монтана штати, бўйи 248,9 см (кейинчалик у Чикагода яшаган). Бўйининг нотабиий ўсиши 10 ёшидан бошлаб кузатилаган. Бўйи 175 см.ли эгизак опалари ҳам бор. Отасининг бўйи 187 см, онасиники эса 177 см бўлган.

Бернард Коин (1897—1921)—Антова шаҳри, Айова штати, бўйи 248,9 см. 1918 йили унинг бўйи 236 см эди, шу боис уни армияга олишмаган. Бўйининг ўсиши вафотига қадар давом этган.

Патрик Коттер (О. Брайн, 1760—1806)—Кинсейла шаҳри, Ирландиянинг Корк графлиги, бўйи 246 см. 1972 йил 19 декабрида жасади қабрдан қазиб олиниб, скелетининг узунлиги текшириб кўрилган.

«Константин» (1872—1902)—Рейтлинген шаҳри, Ғарбий Олмония штати, бўйи 245,8 см. Икки оёғи қорасон билан касаллангач, кесиб ташланган. Бўйи тахминан аниқланган. Унинг ўзи эса бўйи 259 см бўлганини таъкидлаган.

Габриэл Эстевао Моняне (1944 йилда туғилган)—Моняказе шаҳри, Мозамбик. Бўйи 245,7 см. Бели синган, ҳассага таялиб юради.

Сулаймон Али Нашнуш (1943 йилда туғилган)—Ливиянинг Триполи шаҳридан, бўйи 245 см. 1960 йили у Румда жарроҳлик кўригидан ўтган ва бўйининг нотабиий ўсиши тўхтатилган.

Бўйдор аёллар

Аёллар орасида бўйдорлар эркакларга нисбатан оз. Инсоният тарихидаги энг баланд бўйли аёл Хитойнинг Южианг қишлоғида яшаган Сен Чунлиндир. У 1964 йил 26 июнда туғилган. Унинг ғайритабиий ўсиши тўрт ойлик чоғидан бошланиб, тўрт ёшга етмасиданоқ бўйи 156 см (Роберт Уодлоунинг бўйи 5 ёшида 163 см эди), 13 ёшида эса 217 см.га етди. У 1982 йил 13 феврал кун вафот этди, бу вақтга келиб унинг бўйи 247 см. га етган эди.

Бугунги кунда ҳаёт энг баланд бўйли аёл АҚШнинг Индиана штатидаги Индианаполис шаҳрилик котиба Сенди Аллен (1955 йил 18 июнда Иллинойс штатининг Чикаго шаҳрида туғилган) ҳисобланади. Туғилганда Сендининг оғирлиги 2,95 кило эди. У чақалоқлик пайтидан ғайритабиий равишда ўса бошлади. 10 ёшида унинг бўйи 190,5 см, 16 ёшида эса 216 см эди. 1977 йили муртақ безини олдириб ташлагач, унинг бўйи (231,7 см)

ўсишдан тўхтади. Бугунги кунда унинг оғирлиги 209,5 килодир.

1986 йил апрел ойда Мулия (Борнео оролидаги номсиз қишлоқда 1956 йил туғилган) исмли аёлни жарроҳлик йўли билан бўйининг ғайритабиий ўсишини тўхтатиш мақсадида тайёрада Ява оролидаги Сурабай қасалхонасига келтиришди. Унинг бўйи 13 ёшлик чоғида 155 см эди, бироқ орадан ҳеч қанча ўтмай, у ғайриоддий равишда тез ўса бошлади. 1977 йилдан эътиборан тик туролмай қолди, шу боис унинг бўйи ётган ҳолатида ўлчанди ва 233 см.га тенг экани аниқланди. Вазни эса 77 кило эди. Шундан бери бу аёл ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ, оператсия натижаси ҳам номаълум.

Эгизаклар

Эркаклар. АҚШнинг Мичиган штатидаги Троя шаҳрилик Майкл ва Жеймс Лэвералар (1969 йил 27 ноябрда туғилишган) дунёдаги энг баланд бўйли эгизаклар ҳисобланишади. 14 ёшида уларнинг бўйи 216 см эди, ҳозир бу кўрсаткич 233,3 см. га тенг. Уларнинг синглиси Женнифернинг бўйи эса атиги 157,4 см.

Аёллар. Дунёдаги энг баланд эгизак аёллар АҚШнинг Висконсин штатидаги Мадисон шаҳрилик Энн ва Элизабет Жонсонлардир. Эннинг бўйи 185 см бўлса, Элизабетники 188 см. дир.

Дароз эр-хотин

Канадалик Анна Ханен Свон (1846—1888)нинг бўйи 246 см деб тахмин қилинарди, лекин кейинги ўлчовлар унинг асл бўйи 227 см эканини кўрсатди. 1871 йили у Лондонда бўйи 219 см.ли америқолик Мартин ван Бюрен Бейтс (1845—1919)га турмушга чиқди ва шу билан улар дунёдаги энг баланд бўйли эр-хотин бўлиб қолишди.

Миттилар

Новча одамларнинг бўйини орттириб кўрсатишарди деган эдик, миттиларда ҳам худди шуни кузатиш мумкин, фақат кўрсаткичлар энди орттириб эмас, озайтириб кўрсатилган.

Агар 274 см дарозлар учун энг юқори марра ҳисобланса, 58 см катта ёшли миттилар учун ўзига хос «марра»дир. (Солиштириб кў-

ринг: янги туғилган гўдакнинг бўйи 48-50 см бўлади).

Миттилар орасида ателеоз билан касаланганлар (лилипуглар) энг паст бўйли ҳисобланадилар. Уларнинг таналарида номутаносиблик йўқ, фақат гармонал етишмовчилик оқибатида бўйларининг ўсиши тўхтаган. Емон овқатланиш оқибатида ҳам бўй ўсмай қолиши мумкин.

Энг паст бўйли аёл.Тарихдаги энг паст бўйли одам—ҳолландиялик Полин Мастерс 1876 йили Оссендрехт шаҳрида туғилган. Туғилган пайти унинг бўйи 30 см эди, 9 ёшида 55 см. га етди, вазни эса атиги 1,5 кило эди.

Полин 1895 йил 1 март кунини, 19 ёшида Нью Йорк шаҳрида ўпкаси яллиғланиши оқибатида ҳамда менингит касали туфайли вафот этди.

Полин Мастерснинг бўйи 48 см эди деб таъкидлашарди. Бироқ, тиббий текширувлар ёрдамида унинг бўйи 61 см экани аниқланди. Вазни эса бутун ҳаёти давомида 3,4—4 килони ташкил этган.

1979 йили бўйи 50 см, вазни эса 1,98 килоли 9 ёшли Стаматулла исмли грек қизи (туғилганида бўйи 15 см эди) рўйхатдан ўтган. У 1985 йил 22 августда Афинадаги Лирион монастырида вафот этди. Бу пайт унинг бўйи 67 см, вазни эса 5 кило эди.

Энг паст бўйли эркаклар. Бриджуотер шаҳри (Массачусетте штати, АҚШ)да 1791 йилнинг 14 январидида туғилган Калвин Филлипс энг паст бўйли эркак сифатида қайд қилинган. 907 грамм вазнда туғилган Калвин 5 ёшида ўсишдан тўхтаган. 19 ёшида унинг бўйи 67 см, вазни эса 5,4 кило эди. У 1812 йил апрел ойида прогерри—яъни бўй ўсмаслик ва барвақт қариши касаллигидан вафот этди.

1938 йил Пол Дел Рио (1920 йили Мадридда туғилган) Ҳолливудга келди ва «Лайф» жўрнали унинг бўйи 48 см эканини эълон қилди. Бироқ бу ҳеч кимни таажжубга солмади, чунки унинг вазни 5,4 кило эди, бу эса унинг асл бўйи 66 см эканидан далолат берарди.

«Майор Майт» лақаби билан машҳур Вилям Жексон (1864 йили Янги Зеландиянинг Данедже шаҳрида дунёга келган) туғилган пайт вазни 340 грамм, бўйи эса 23 см эди. 1880 йил нўябрида бўйи 53 см, вазни эса 4 килога етди. У 1900 йилнинг декабрида Нью Йорк шаҳрида (бўйи бу пайтда 69 см эди) вафот этди.

1983 йили Порос шаҳри (Гретесия)лик Димитрис Морокоснинг (1963 йил туғилган) бўйи 65 см экани эълон қилинди, лекин бу маълумот текширилмади. Икки йилдан сўнг — 1985 йили Димитрис 22 ёшида вафот этди.

Айни кундаги миттилар

Айни кунда яшаётган одамлар орасида энг паст бўйли зот Доминикандаги Санта Доминго шаҳрида истиқомат қилувчи Нелсон де Ла Росадир. 1987 йили Доминикан тиббиёт уюшмаси уни текширганида бўйи 72 сантиметр, вазни эса 6,81 кило экани аниқланди (янги туғилган боланинг ўртача вазни 3,4 килога тенг). Шифокорларнинг айтишича, Нелсоннинг бўйи ўсишдан мутлақо тўхтаган. Энг қизиғи шундаки, Нелсоннинг оила аъзолари бўйи-баста жиҳатидан ҳам, бошқа жиҳатлардан ҳам оддий одамлардан сира фарқ қилмайди.

Эгизак миттилар

Матиус ва Бела Матуна 1903 йили (Венгриянинг Будапешт шаҳрида туғилишган) энг паст бўйли эгизаклар ҳисобланишади. Уларнинг бўйи 76 см. дир.

Америқонинг Флорида штатида истиқомат қилувчи Джон ва Грег Райслар (1951 йил 3 декабрда туғилишган) айни кунда яшаётган энг паст бўйли эгизаклар ҳисобланишади. Уларнинг бўйи 86,3 см. дир.

Энг узок яшаган миттилар

100 ёшли маррани забт этган фақат икки нафар митти маълум. Нью Жерси штатидаги Нютон шаҳрида туғилган можор Сюзанна Бокони 1984 йили 24 августда 105 ёшида вафот этган. Унинг бўйи 101 см, вазни 16,78 кило эди.

Узоқ яшаган яна бир митти Мэтлока шаҳрида туғилган Анн Клоувз бўлиб, у 1784 йил 103 ёшида оламдан ўтган. Унинг бўйи 114 см, вазни эса 21,7 кило бўлган.

Эркин АБДУРАҲМОН тайёрлади.

(Давоми бор)

Ури Геллер

Жумбоғи

1 БОБ

Кира.— деди Ури.— килаётган ишимга назар сол».

У ўзим билан олиб келган қахва кошқчасини олиб, бош ва кўрсаткич бармоқлари ўртасида кисди. Сўнгра чап кўлининг кўрсаткич бармоғи билан кошқ дастасини аста силай бошлади.

Мен диққат билан тикилиб турардим. Эҳтимол, ҳаётимда илгари ҳеч нарсага бунчалик диққат қилмаган бўлсам керак. Бу зиддиятли шахс билан учрашувни ўн йилдан ортқроқ вақтдан буён кутар эдим. У ҳақда жуда кўп бахслар бўлиб турар, гўё бутун олам аҳли бир-бирига душман мурасасиз икки гуруҳга ажралгандек эди: бу гуруҳлардан бири уни га йриоддий ёки рухий қувватнинг тарихдаги энг буюк намоёнчилиги деб атаса, иккинчи гуруҳ уни жуда ҳам уста кўзбойловчи деб исботлашга уринарди.

Шуни айтиш керакки, Ури кўлидаги кошқча шахсан ўзимга тегишли эди. Мен бу кошқни ва худди шундай яна биттасини бир неча ҳафта бурун Гол-

ландиянинг қаҳфа ширкатидан хадяга олган эдим. Энди эса уч-тўрт дақиқадан буён, яъни уни Геллерга тутказиб, токи қайтиб олгунимча кошқдан кўз узмай тикилиб турардим.

«Фотоаппарат ҳам олиб келганми-сан?» — деди у чап кўлининг кўрсаткич бармоғи билан кошқни охишта силаркан.

Ўзимча у мени чалғитяпти, деб ўйладим. Фотоаппаратни кидириб, уни мослагунимча у кўзимни шамғалат қилиб, кўл кучи билан, ҳеч қандай рухий қувватсиз кошқни букиб қўяди, деб ўйладим.

Бу имкониятни унга бермадим. Ҳатто камерани олиш учун эгилганимда ҳам нигоҳим кошқда эди. Ярим автоматик «Олимпус» фотоаппаратини мослаш шарт эмас, Ури жуда яқин масофада бўлгани учун ойначаси орқали карамасдан ҳам расмга олавериш мумкин эди.

Ури узок вақт бир жойда ўтирмайди, хона бўйлаб тез-тез у ёқдан-бу ёққа юриб, одамлар диққатини чалғитади,

Агар ёдингизда бўлса, бундан бир неча йил олдин марказий телевидение кўрсатувларидан бирида Ури Геллер ўз қобилиятини намоён этган эди. У Лондонда туриб, телевидение орқали нигоҳ кучи билан кўп йиллар тўхтаб ётган соатларни юргизиб юборган, минглаб километр узоқликда телеэкран қаршисида турган қошиқ ва санчқиларни букиб қўйган эди. Бу вақтда у бутун жаҳонга ўзининг мўъжизакор биоқуввати билан танилганди. Шундан кейин у «Менинг ҳаётим» деган китоб ёзди. Езувчи Г. Л. Плэйфайр билан ҳамкорликда эса «Ури Геллер жумбоғи» номли китобни чоп этди. Биз ана шу кейинги китобдан айрим бобларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз. У инсоннинг сирли ва сەҳрли имкониятлари, биологик қуввати ҳақида ҳикоя қилади.

деб огохлантиришган эди. Аммо у ўзининг велотренажерда котиб ўтирарди.

«Хар куни жисмоний машқлар бажаришим зарур, бўлмаса ўз қувватини йўқотиб қўяман», деб тушунтирди у. Ўз қувватини намойиш қилишдан олдин ўн дақиқага яқин велосипед педдалларини айлантирди.

Иккинчи марта сувратга олганимдан кейин, «У эгила бошлади!» дея хитоб қилди Геллер. Мен жавоб кайтармасдан учинчи марта сувратга олдим.

У педдалларни айлантиришдан тўхтаб, қошиқни қўлига олди ва елкаси сатҳида кўтариб турди.

«Энди у тўксон даражагача эгилмагунча буклиб бораверади», деб ишонтирди мени.

Қошиқ, ҳеч шубҳасиз, буклиб кетди. Аммо мен у бармоқларининг кучидан фойдаланмади, деб ишонч билан айтолмасдим. Плёнкаларни ювиб, расм ишлагунча ва уларни синчковлик билан ўрганагунимча бирор муайян фикр айтишни истамасдим.

Ҳар эҳтимолга қарши яна икки бор сувратга олдим. Ури бирорта ҳам шубҳали ҳаракат қилмади ва мени чалғитиш учун ҳам интилмади.

Уша куни фотолабораторияда бир неча соат ўтириб, шунга ишонч ҳосил қилдимки, тўртинчи ва бешинчи сувратларим ўртасида қошиқнинг эгилиш бурчаги анча каттароқ бўлибди. Бу пайтда Урининг ўнг қўли ва чап қўли бармоқлари ҳам ўз ҳолатини ўзгартирмаган эди. Бундан ташқари, сўнгги сувратни олган пайтимда ҳам қошиқ букилаверганини пайқадим.

Буларнинг ҳаммаси кишини хайратга соларди.

Нигоҳий қувват ёки фикр кучи билан моддий ўзгаришлар қилиш имконияти намойишидан сўнг Ури ўзининг яна бир қобилиятини — телепатияни кўрсатиш истагини билдирди. У блокнотида ниманингдир расмини чизишни, сўнгра бу сувратни хаёлан ўзига йўллашга интилишни илтимос қилди.

Мен блокнотни кўрагим сатҳида туриб, амалда ўзим чизаётган нарсага мутлақо алоқаси бўлмаган ҳаракатлар қила бошладим. Қаламнинг ҳаракати ёки товушидан менинг нима чизаётганлигимни аниқламоқчи бўлса, бу унга ҳалакит беради, деб ўйладим. Урининг тоқати тугаб, тезроқ бўлишимни сўраганида кичкина бошча ва унинг тепасида уч нуктали тож расмини чизишга улгурган эдим. Мен чизаётган пайтимда у тескари ўгирилиб, кўзларини бекитиб турди. Сўнгра менга қаради.

«Энди менинг кўзимга қараб, хаёлан ўзинг чизган нарсани менга узат», — деди у тим қора кўзларининг ўткир нигоҳини қадаб.

Бу кўзларга узок тикилиб тура олмасдим. Шунинг учун хаёлан шохнинг боши расмини тасаввур қиларканман, нигоҳимни тез-тез чалғитиб турдим.

«Менга ҳеч қандай ҳабар келмапти», — деди у. Мен яна фикримни жамлашга уриндим. Шундан кейин у олдинга эгилиб, ўзининг дафтарини олди ва тезда ниманингдир расмини чизди. «Бу унчалик тўғри бўлмаса керак, —

деди у, — аммо фикран қабул қилган нарсамнинг бори шу».

Бундай тажрибада текширилаётган шахснинг чизган сувратини у сиздаги расмини кўришдан аввалроқ кўрганингиз маъқул, аксинча у нозик калам билан бир неча чизик тортади-ю. Ўзининг суратини аслига ўхшатади-қўяди. Мен унинг қўлида бундай калам йўқлигини кўриб хотиржам бўлдим. Колаверса, у менинг қўлимдаги суратни кўришдан олдин биринчи бўлиб у чизган расмини кўрдим.

Ўзи эътироф этганидек, расм хато, тўғривоғи, аниқ эмас эди. Аммо иккала сурат ўртасида нозик ўхшашликлар мавжуд эди. У учта доира чизибди: уларнинг биридан хар томонга тўртта чизик тортилган, бошқаси эса мушукнинг кулоғига ўхшайди, ниҳоят, учинчисида мушукнинг боши кулоқлари, кўзи ва мўйлови билан чизилганди.

Мушукнинг боши мен чизган инсон бошига шакли жиҳатидан ҳам, ҳажми жиҳатидан ҳам ниҳоятда ўхшарди. Ури қаламимни олиб, ўзининг ва менинг расмимдаги иккита жойга — бошларнинг юқори ва остки қисмига иккита нукта қўйди. «Агар ана шу икки суратдаги нукталарни миллиметрли рулетка билан ўлчасанг, улар бир хиллигига ишонч ҳосил қиласан», — деди у.

Кейинроқ ўлчаб кўриб, унинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилдим. Яна хайратга тушдим. Агар бу қўлларнинг эпчиллигига боғлиқ бўлганда ҳам ниҳоятда юксак маҳорат намунаси эди.

«Кўриб турибсан, — деди у. — Нимаки қилсам, ҳаммасини чинакамига бажараман».

Албатта унга ишонмаслиқнинг иложи йўқ эди. У кўрсатаётган таъсир кўзбўйлоқчилик ёки моддий нарсаларга ва онга рухий таъсир бўлса ҳам чинакам эканлигига ҳеч шубҳа йўқ эди. Қошиқ буклиб кетди, сурат ҳам қисман бўлса-да, тўғри акс эттирилди, иккаласини ҳам тушунтириб бўлмасди. Унинг рухий қуввати борлигига менда шубҳа қолмаганди.

Гарчи биз Ури билан ўн йилдан орттироқ вақтдан буён хат ёзишиб юрган бўлсак ҳам, танишларимиз ҳам умумий бўлишига қарамасдан бунгача илгари бирон марта ҳам учрашмагандик. Етмишинчи йилларнинг бошидан буён унинг доврўғни диккат билан кузатиб борардим. У Исрондан ташқарида ҳам машҳур бўлган пайтдан буён қачондир у ҳақда ёзмаган деган умид билан унинг тўғрисида жуда кўп материал йиғиб қўйгандим. Шу ўн йиллиқнинг ўрталарида шундай хулосага келдимки, у ёки буюктелепат, ё бўлмаса ниҳоятда уста кўзбўйлоқчи. Бошқа кўплаб кишилар сингари мен ҳам унинг аслида қимлигини билмасдим.

Буни аниқлагунимча у билан алоқаларимиз узилиб қолди. Кейинги йилларда эса у ҳақда эшитган нарсаларим кўпроқ миш-миш бўлди. Миш-мишларнинг ҳам кўпи у ҳақдаги салбий хабарлар эди: гўё у ўз қувватини йўқотганимиш, уни фош этишганимиш, қочиб кетганимиш, Мексикада яшириниб юрганимиш ва ҳ.к. Айни пайтда у қандай-

дир йўллар билан жуда кўп пул топаётганлиги ҳақида гапиринларди.

1985 йилнинг бошида у Англияга кўчиб келганлигини эшитганимдан сўнг у билан учрашувни ўйлаб хижолат чека бошладим. Бир пайтлар у ҳақда ёзган ягона нарсам ҳам унчалик ижобий эмасди. Апрель ойида бир куни қутилмаганда Ури менга ўзи телефон қилиб қолди. Менинг уйимдан пидеа юрганда бир неча дақиқалик масофадаги ижарага олган хонасидан телефон қилаётганини айтди. Очигини айтганда, мен хайрон қолдим. Дунёдаги энг зиддиятли машҳур шахс оstonа олдада турар ва мени меҳмонга қорларди.

Гарчи қалбимда шубҳа уйғонган бўлса ҳам таклифни қувонч билан қабул қилдим. Қизик, деб ўйладим мен, наҳотки у ташвиқотга шунчалик муҳтож бўлса? Ёзувчини бекорга уйига таклиф қилмаётгандир? Чиндан ҳам ўз қувватини йўқотиб, эндиликда уни қайта тиклашга уринаётганмикин?

У ижарада турган уйнинг эшик оғаси столида ётган қунобчадан ижара ҳақи ҳафтасига 800 фунт стерлинг эканлигини аниқладим. Эшик оғаси керакли рақамни териб, жавоб ололмагач, «Бошқа хонага телефон қилиб кўрай», деди. Мазлум бўлишича, Ури Геллер ва унинг онласи бир йўла иккита хонани ижарага олган экан. Унинг ойлик ижара ҳақи менинг йиллик харажатларимга баробар эди. Ахир у икки-уч ойдан буён шу тариқа яшарди.

Ури мени деярли юз йил кўрмаган қардошидек кўриб олди. Шу заҳотиёқ китобларим қандай қабул қилинаётганлиги, ҳозир нима устиде ишлаётганим ва қаерда яшаётганлигимни сўриштира бошлади. Биз умумий танишларимиз ҳақида гаплашдик ва уларнинг фаолияти юзасидан ягона фикрга келдик. Мен чиндан ҳам у қизиқиш билан сўраётганлигини ҳис этдим. «Кейинги пайтда нималар билан шўғулланяпсиз?» — сўрадим ундан. «Ҳозирги пайтда олтин қидиряпман, — деди у, — бунгача эса...» Шундан кейин у кўпмиллатли корпоратсиялар, жосуслик ташкилотларининг номларини ва ҳатто бир-иккита давлат раҳбарларининг исмини санаб ўтди. Тез орада ёзувчи Рене Хайнес таъбири билан айтганда, кўркув оstonаси деб аталган ҳолатга тушдим. — бу ҳолатда мия мухокама қилинаётган мавзу ҳақидаги хабарларни қабул қилмай қўяди, ҳатто уни рад этади.

«Одамлар мендан доимо: «Агар сен шундай телепат бўлсанг, нега шу пайтгача миллионер бўлмагансан?» деб сўрашади. Энди эса мен миллионер бўлдим, деб айта олам!» У мақтанмаётгани, чиндан ҳам ҳақиқатини айтиётганлигини ҳис этиб турардим.

Н. МУҲАММАД
таржимаси

Давоми бор



ТОШПҮЛАТ ТАЖАНГ СУРТУНДА



Э тўрам бормисан? Тушов куни йўқловдим, камандирўпкага кетган экансан, зиёратлар қабул. Қани, ўтир. Хўв, Насим, тўра йигитга нядни чонингдан кўзни шамғалаг қилмаи дамла-чи, хумса! Сен йўқсан, хаммага ўша кундаги воқеани гапирвериб, лабим бичилди. Би-иё сен ҳам эшит-чи киссамни, ўлар жойда эмассан, жилла курсе лабинга дориликка деб беш-ўн пакир ташлаб кетарсан, хайми? Эй, бунақа тушларингни сувга айт, тўра йигит! Тошпўлат акангни чертадиган одам хали дунёга келмаган, билдингми! Ушавда шўртумшук милисаларингни бир жигини эзиб кўярдим-ку, худо хакки, сани ўйладим Тоғаси тўполончи экан деб, сани дептатарини ўртасида оқми-қизилга солмасин, дедим, жиян! Шу дегин, миршабларинг каминани хонасига опкириб, кўлтигиму липламгача обска қилди. Белбоғимдаги носковок минан чувт пичокни устолга териб, хўп терговскага олди-ку, хумсаларинг! «Бу — норхўтикми?», дейди носковокни кўрсатиб. Ха, Норхўтикники, локин зўрлаб олганим йўқ, дедим, ўзи: «Жа-а, шунга зор бўлсангиз, ола қолияг», деб ташлаб кетувди. Баччағарини зуғумидан сезувдим, дарров сенларга келиб чакибди-да! Ит эмган яна бир кўлимга тушсин-чи, десам, хат чиқиб ўтирган битта милса: «Сизни найкаман деб ёзиб кўяман», дейди. Азбаройи худо, оғанда носи бормиди, гапига тушунмадим. Бир гаврлигим тутдя-ю, тагини ишкал чиқмасин деб индамидим. Ушандан бери ўйлаб миям суюлди, қимдан сўрамай бошини кашийди, пиригтни арвойи. «Найкаман» нима дегани, тўрам, шу дейман, мани дилбузордаги найчига ўхшатди-ёв, хумпаринг? Хай, бу гап ҳам ничевў, нос бўлмаса, ана, кўча тўла поприска, биронта мишикига кошимни чимирсам, хатто

оловиниям тутиб беради. Оммо локин, чувт пичокни опкўйгани бало бўлди-ку, тўрам. Худдий кўртвакка-дек пичокни бурнимин тагида силкитиб: «Бу нима? Бу нима?», дейди. Бу кўкрагида ёли бор эр йигитни йўллоши! «Алдаманг, бу холдай оржий!», дейди. Оржий-паржийли билмайман-у, локин сопи холдор садафлигини галапой бўлсанг ҳам кўриб турибсан, хумса! «Ўзингизни гўлликка солманг, бу совук курол-ку!», дейди. Бизга товуги ҳам бўлверади, иссини санга, десам, кўзи чиқди: «Бунинг учун сизни турмага тихиш ёки Сибир килиш керак!», дейди. Хўп савобли тағила колардинг, дедим, хотинни кўлига караб яшаи роса жонга тегди, биз ҳам бир иошшоллигини меҳрибончилигини кўрайлик, эрка бузоқдай хукуматни сенлар эмйб ётавурасанларми, десам: «Майнавозчиликни йигиштиринг! Юринг, машинага чиқинг!», деб ташкарига бошлади. Тўхта, акаси, дедим, аввал носковок минан пичокни кайтар-чи, у онангни маҳрига тушганмас! «Нарсалариягиз фалон статои бўйича конфескон қилинди», дейди. Одамни боласига ўхшаб галир, пажалиска, дедим. «Бу нарсалар даалатни ихтиёрига ўтди», дейди. Хе, ўша Тошпўлатни белбоғига осилган давлатингни хинолай, дедим. Қаҳрим кайнаб, буларингни бир тўнғизни боласидек савалайми дедим-у кейин, буларда нима айб, тавти бўлсанг, сабетска пошшойинг билан панжалаш, деб ўзимни босдим. Хаммаёги темир бир сандик мошинаси бор экан. «Шунга чиқинг», дейди, қани, ўзинг йўл бошла-чи, жунгага, дедим. Важохатимдан капалага учиб, ўзиям мани ёнимга чиқиб ўтиришга мажбур бўлди. Мошина физиллаб кетяпти, дегин, қани энди кўча-кўйни кўриб бўлса, дўппидек дарчасига ҳам ўргимчакдек сим тўкиб ташлаган бу хумсаларинг! Феълимни била-

сан, юрагим тор, милисанг бўлса мошинага чиқиб гунг бўлди-қўйди! Яхшиям, ёмонам гапириб кўрдим, йўқ, тилини нопуштага чайнаб юборганми, мик этмайди, баччағар. Охири, мани қайси гўристонга опкетясан, ит эмган, деб бақиргандим, оғанда носи бор экан: «Шибирга!», дейди. Ўғилбола гап, бир кўнглим бузилди. Во дариг, бу акчасизлик, ншсизлик, уй-рўзгорни хароблигига энди Сибир етмай турувди, деб бу шўрпешанага роса шапатилладим. Юравериб-юравериб, пиригтни арвойи, дунёни чеккасига келиб қолдик-ов, назаримда. Бир маҳал мошинани тўхтатиб: «Тўшинг!», дейди, тушдим. Эшигини «шак» этиб ёнди-ю, қачина кулингни ерни киндигига ташлаб кетди-ворди! Сибир қилди-ми, десам, тикка мнядан офтоб жонивор найзасини санчиб турибди, худоё тавба, худдий ўзимизни Тошканин иссиғи! Атрофда одам деганинг арофат, «чўрт» деб у ёнингдан туртиб ўтади, «мўрт» деб бу ёнингдан туртиб ўтади, қани энди бошига дўпписини чамбарак қилган биттагина ўзвагинг кўзга дориликка кўринса, пиригга сол! Бир пайт дегин, рўпарамга трамбой кеп тўхтади. Шошма-чи, бу шайтон арава каерга борар экан, билан деб, мўйловдор бир маржа хотиндан: «Қуда пайдуш?», деб сўрасам, «Генерал Петрув», дейди. Об-бо, ўзим арани милисидан қутилгандим, пах гинеролинни кўлига тушинишга чизи қолди-я, деб дарров четга ўтдим. Трамбой тўла гиж-гиж урс-жухуд, жа холасиникига тўйга кетаётгандай бамайлихотир, у ёкда гинерол Петрув тўзук ташлаганидан қабаря йўқ овсарларингни! Бир-икки отим нос чеккунча бояги трамбой қайтди, бундок карасам ичи бўш, фақат гинеролдан кочиб қутилган беш-тўрттаси халлослаб ўтирибди, холос. Халиги маржага трамбойни кўрсатиб: «Қуда пай-

дўш?», десам, «Обрезжўва», дейди. Эскижўва киндик қолим тўкилган ваъвими, аммо Обрезжўвани эшитмаган эканман, десам, маржанг кургур бир нарсани фахмига етгандек тиржайди дегин. Мундок рази соляб карасам ойнмтиллани кўкракларин нах Ширвон бибинин



сузма халтасидек-сузма халтасидек, чамамда, белига ҳам кучогим етмас-ов. Локин жа манбоп экан-да, байталинг, шундай хотиннинг бўлса маз-за кип яшайвер, чакалок боладек йўрғакда бокишга ҳам қурби етади бу маржангни! Бир кўйнига кўл солаймикан, дедим-у, ке, ўлкангни бос, бегона юрда шайтошни сўзига учмай, ўзингга ўхшаганидан суриштир-чи, бу қанси элни макони экан, деб кўчани четига ўтдим. Бахтимга арақни лабида бурни кизил битта ўрисвоги тўнкадек думалаб ётибди. Олдидоғи халтасин тўла оби-рахматин шишаси, мендан ҳам баттар баднафс экан, мусофир-пусофирин ризки деб биронтасини тағиза лоақал бир томчи ҳам қолдирмабди, ит эмган. Бир туртсам арағ бош кўтарди. Топариш, бу ер қат, десам, бир балолар деб гўлдирадди. Чамаси, сўкинди-ёв. Вой, ит эмган илён-э, мусофир деб сўкиш экан-да, йўк, Тошпўлат ажанг Сибирдаям ўзини сўктириб кўймайди, ярамас, дедим-у, бетига тарсаки тортиб юбордим. Пазар лаълат шилк этиб тупрокча аптини кўйиб ёғди-қолди. Жула қўфрим ошиб, қахр билан бир томонга йўртиб кетаётувдим, рўпарамдан бўйинга санкидака латта боғлаган битта нўрим чиқиб қолди. Тўдга, дедим, афти-ангоримши кўриб хумсонг мани босмайчи ту-

мон қилди-ёв, сурат бўлди-қолди. Гапир, пирингни арвойи, бунақаси борса куда пайдўш, дедим. Бечорани тили зўрға айланди десангни! Туда, дейди, синтир Луна чаросли, суда Лисон наво, вот туда Шердансув, а суда Вусакў валгай... Пастой, чулчут, дедим, шалгай-балтайин йиғиштир, маюв кўча-чи, десам, Кафан ояв, дейди. Вой, пирингни арвойи-с, бу ерларда кафан овлайдиган жой ҳам бор экан-да, деб ўйлаб турсам, прямў идўш, Махсум Гўрков пайдўш, дейди! «Кафани олиб тўғри гўрковга югур демоқчимсан, хунаса!», деб бир бақиргандим, айриплондек парпарон бўлиб жуфтани ростлаб қолди-ку, хумса! Галавамни қавлаштириб кўрсам, бу Махсум Гўрковни танарканман, бундан ўн йил бурун Зах мазорда гўр қазирди, кейин йўк бўлиб қолди. Кетмони сингурин кўзи хунук эди, биронтасини тириклан кўмган бўлса бу томонларга бадарға қиворган экан-да, деб ўйладим. Ўзинг билла-



сан, тўрам, оғзимга Жулқунбой туфлаб кетмагани, хантовур, мана, Хизрни умрини кўряпман, халиям гўрков-мўрковга тобим йўк, аммо шундай бўлса ҳам ҳамюрт-ку, бир зибрат қилай-чи, деб ўша томонга йўл солдим. Юриб-юриб Махсум Гўрков қани десам, баланд супани устидаги нортундек биттасини кўрсатишди. Олдига бордим. Тикилиб карасам — тош ҳайқал, Махсум Гўрковга бир туки ҳам ўхшамайди хумсан. На бошида ёғ босган дўлписи бор, на елкасида яғир қийиғи, кўлида кетмон ўрнига ҳасса ушлаган, факат аптини чанг босгани рост. Бу қим, нима қаромат кўрсатган ўзи, деб сарик машақ қашшофни тўятатган

эдим, чалабошинини чаккасидаги кўтири кичиб қолди-ёв, шаходат бармоғи билан қаший-қаший нари кетди. Бу шаҳарда пахотки гапта тушунадиган махлук қахат, деб тажавгланиб тургандим, олдимга маҳзум поччангни бужур махсусидек узуп сарик халтўбуз кеп тўхтади-ку, шошма дедим, сабетсқани кўнкасида бир сайр қилсам-чи, паттага ақчам бўлмаса кесиб олмас, деб «лип» этиб чикволдим. Дорин тағидан қочган битта махарабоз ҳайбатимдан чўчиб: «Пажалиска, деб жой бўшатди. Ўтириб, куда пайдўш, десам, «Қади шўрва», дейди. Айни муддао бўлтида, дедим, бир ошқовок шўрвасидан ичиб келарман хумсани, деб ўтиравердим. Йўк, насиб қилмаган экан, пирингни арвойи, бу кўнка судралиб боргунча Қади шўрва тугул, ошпаз ҳам ўчоғ-дастоҳини йиғиштириб жўнаб қолди. Энди қаерга борсам экан, деб қавак қалдани қашиб турувдим, биров ўзайчалаб: «Ха, ота, бу ерда нима қилб юрибсиз?», деса бўладими! Худдий бўбай раҳматли тирилиб келгандай суюниб кетибман. Ўрисвойини юртида мусулмон фарзанди ҳам бор экан-ку, деб бундок ўғирлиб карасам... ким деб ўйлайсан, тўрам? Тополмайсан ҳам-де, хумса! Ешлиқда қаминан минан ошиқ тешишган Салим сўтакни навараси! Ха-ха, худди ўзи, гирмонга битта кўлини ташлаб, Қуруқчўв ағанаганда ўлиб берган Салим сўтакни навараси — Раҳмат пучук! Кўлтуғида сеникидака эшакни терисидан ясолгон попка. Вой, пучуғ-э, деб шартта қучоғлаб олман, дегин. Бечоранг хайрон. Ха, сани нима гуноҳингга Сибир қилди, десам, «Қанака Сибир, қанака гуноҳ?», деб ўзини гўлликка солди. Вой, жа Тошпўлат тоғанг-



ни овар гумли қилма, била, дедим, хойнаҳой, сан хам ҳуҷуматга ёкмайинган гап отганурсини, бу ўрисвойни юртига сургун бўлган сан, дедим. Хумсангин отан саван ўраден ланг очки «Хязиллаш мавг, тоға, бу ер Сибир эмас, аёвди Вой пучуе-ч нима, нани овут моқчимисан? Бу бош не-не синоатларни кечирмаган, манглайга ёзилган экан, Сибиряни ҳам кўрама, дедим, кани, аччанг бўлса, өлпервой, кпринни аздайли, кейин туиниги биронта наван топиш неран, десам: «Бу ер Топиентни четидиги янги район-ку, хозир биз этиб уйга етиб оламиз, тигай», деб кулади хумсане Топиан? Мани чалгитма пучук, дедим, Тошкан шаватни маскани, бу гўрингда аўппи кийган ақчо-му, хаммөкда сарик сурук одамлар ит еткяиб ирибди-ку! Хулласи калом, Раҳмат пучук у десам бу аёди, бу десам у дедди, озари хавтўбуздан хавтўбузга миндириб опкетди, бир пайт бундок қарасам, Чорсуда, ўзимизни Кўналадони тагнав турибман! Э, шавор, пучук, яудди Топиўлат тоғини Сибирдан опкетган савобия топдинг, дедим. Салим сўтагинг кеч балода йўк эди, пучук наварсан — бало, йўл-йўлаккай даима жой билан тавиптириб келди Тўра йигит, бу дейман, Тошкани язимингда катта оғанга тик кийтарган тош санамларинг жи сераб экан-ку, биз кумсалар бундан беҳабар эски шаҳарни тоғ қўчасини чангитиб умримизни ўтказорибмиз. Хавтўбузди кетатуриб очки жингалди бировини кўрсатди дегин, баланд супата чиқиб олган, кўл оркада, кўз оғмонда, шай, худди чагини боғида сайр хиллётгандек тердайиб турибди. Тагин бирини елкасида топ, аўзи билан ер сузиб, хуфиячасига нямандир ётди-читяпти Айбекса, Амир Олимхонни Амтига кутган Прунге бар ку, баччагаринини важдияти хунук-ку, а? Халими отдан тушмабди и? Бу хумга Олимхонни пайлаб ётибдими ё яна биронта гап укмас бек мегингни пайндами, а, лирингни ярайд? Гапдаскани савкин бир сўшасини нах ўртасига дедди тош каллани кундага кўйиб хўйган экан, кўрганмисан? Таваб, тош калланиям шўнчалик сеч соқоли ўсиб кетадими, бафармони худо, ваҳминг келди. Шу, дедим, топ бизни Калалонга блп нарса экан-ку, кесиб хумсаларинг хўл тўйилага ётчиб коларийди, а? Мента айт-чи, тўра йигит, ўзватингни мувдла оламга тикитдин улуғларидан йў-

ми ўши тош каллани ўрнига тургазиб кўйели? Э-э, шошма, шошма, шу топга талаван ишлаб кели, манга кара, акир ўзимизни Жулкунбойчи, Кумишбичини итбичини ётган? Бундок биз намина хам бориб тйрат кип турармин, а, Тўрач? Е окпонишони ўрдани у томонни бола-чақасига мерг кип тавилаб кетгани ростми

хумса? Ия-на, ха, турдинг? Кулофинги кокиб кўлинга бердим и, жа эсанг котди? Бир милат тўтатачи, дўппиғача мян санга хайро Илоҳим, кампанирўпкелан эсон омон келсин, деб оркянган дуо каб турдим, инди бундай зилдан чиқариб бирон нарса депорарсая, а, тўрач?

ЯНГИ ҚИШЛОҚ

САРГУЗАШТЛАРИ

Калвак
Маҳзумнинг хотира
дафтаридан

Шунинг кунни, тўш паяти чолкамбир котган ноляни чойга минтиб тинлов айлаб, чаран камрафтнинг бевафолликларидан хасратлашиб ўятарган эрдик. Волидан меҳрибонингизнинг дили хун бўладурим. «Вой, бойбўлгур э, кандок замонларга келдик-а? Кўл билан берганга куш тўймас бу тилда аетган жульямга нямасини а? Бу барўз кимчатчилик джигга миниб, дайри худоби намайиб, аёди муслимини кайти кисилган фурсатларда шунга ҳам шукр қилмоқ дардор, десам, камбир яна эгли нағмасини бошлаб: «Хамма домланиомлар рўшониликни яқди-ю, ситни йўлиғиз хеч очилмади а? Худони кеч бир эркакни уйда ўтиргилик килмасин экан!» деб жипраб тургани асносида дарбоза тағига мошина келиб тўхтагани маскулим бўлди. Тагирн тасолонинг бир сифоти Раззоқдур, камбир, ризкинизни етказган бўлса ажаб эрмас, дедим, иншоаллох, яхли дилга мушток биронтаси худойн й энфат таклифида келган бўлса «Бе, хозир мурти чикмаган қорин курролар тўлиб ётганда, оғзида тиши йўк гилдек эски домлага кимнинг ҳам кўзи учиб турибди, — дейди камбир тушмагур, — хойнаҳой, на биранга? Турдидур?» Фақирни оёқларингача титриб туриб йўнглим беҳузур бўлди. Кўй, яшн нафас кил, дедим, котган нонга тор пайт-да ул арзандангни йўқламай тур!

Аллоҳга шукрки эшикда ётгани пдамнинг қорсаи кўриниб, чичи хотиржам холда дошлага тушдим. Қарасам, ё Аллоҳ, ўнгимни ё тушимни? Аявалди таснифотинва битганим — Тошкан мулофотлари дан бирида саркотиб мансабиде киллайдурети баландмаком танилим — Ул Жаноб (муборак исмларини овоза қилмоқ жон эмаслар) фақирни йўқлаб кириб келмасунларму! Гўё хулбамизга Хиэр алай хиссалом ташриф буиргандек йўнгилларимиза ёришиб ва Ул Жанобнинг шўпирлари уйимизга олиб кирган топ дол масалликлардан камбирнинг ҳам оғзиди бол томиб, ячир меҳминг каерга ўтказишни билмай давдираб колди «Ово-рагарчинди чинори, Маҳзум, — дедилар Ул Жаноб, — энфотни эўри биздан!» Ва кейин маълум бўлганим, фақирни кишлоқдаги ёғил фарғонди аржумандларини Чилла Беси килдириш ниятида олиб кетгани кирив эмалар. Дарҳол мал-таччосини кийиб, икки чоракти сазлани бишимга кўндириб чикдим.

Блязав си, Дулдулдек учкур ишнинларда янча ярдин, оёва боерлеялардан, кенг даяв-ваштлардан ўтди. Шу мулофотлар ҳам Жанобни кўл остиларивму, деб сўрасам Ул Жаноб нимтабассум килдилар, «ўрнларига йўлларди айтдики «Ха, домла Жаноб рех бар бўлиб келганларидея беррайўнимиз хўп гулаб-янияди,

одамлар хурсанд, ҳаммаёқда мўл-кўлчилик, фаровонлик, бахтимизга юз йил яшасинлар!» Ҳа, Жанобни бошларидан сув ўгириб ичса арзийдур, дедим, аҳли уламога шунчалик хурмат, дини исломга шунчалик хизмат кимда бор! Шу каби ширин-ширин гуфти-гўлар билан манзилга етиб келганимизни сезмай қолибдурмиз. Ул Жанобнинг кишлоқдаги ховли-жойлари шаҳардагисидан чизи берирок бўлса ҳам бағоят салобатли, ҳашамдор экан, кўриб қувондим. Шаҳар уйларига шунча ташриф буюриб фақир Жанобнинг аҳли-аёллари билан ҳеч бақамти келмаган эрдим, бул ерда заифаларини кўриб хол-аҳвол сўрашган бўлдик. Содда, камсуқум, чизи сиқилғонрок, аммо ғоятда боибо аёл эрконлар. Анвойи нози-неъматлар тўкиб ташланган бир хонага кирдик. Жанобнинг ўтиб кетган падари бузриқворлари, мухтарамалидалари ҳаққига бир калима Куръон тиловат қилгач, қуюқсуқ оватлар тортиди. Нафс чизи ором олгач, Ул Жаноб 10—12 ёшлардаги ориқ, рангпар, инжиқлик дардига чалинган фарзандларини етаклаб келиб ёнимга ўтказдилар. Бай-бай, бул гўдак баиайниҳ фақирни ёшлигига ўхшабдир-ку, деб болалик давримизни эслашдик. Исmlарини сўраган эрдим, «Сайдой», дедилар. Каминна «мим»ни айтолмагандек, фарзанди қобиллари «р»ни «й» дейишларидан ҳушхол бўлиб қулишдик. Баъдаз он, Ул Жанобни даъват қилдимки: «Бул Сардори замонани эскича илмга албатта ўқитинг!» «Бунда не маъно кўрасиз?», деб сўрганларида даст алифлом жавоб бердимки: «Қуръон тиловат қилинганда бул йигитчининг кўзлари ва юзларида ажиб бир нур жиwa қиладурки, Аллоҳ илм ато этмиш бандаларидагина бундоқ нур бўлур». Ул Жаноб ўз фарзанди аржумандларига гоҳ у ёндан, гоҳ бу ёндан тикила-тикила савол қилдиларки: «Қаердан билдингиз, мен ҳеч бир ўзгариш сезмадим-ку?» Фақир айтдимки: «Бундай нурни аҳли илмларгина кўра оладурлар. Бул фарзанди қобилни шаҳар ховлиларига олиб тушсинлар, ўша ерда камина ўз илминни фисобиллалоҳ ўргатай». Шул аснода бир четда ийманиб ўлтурган Ул Жанобнинг заифалари гўё чиён чаккандек илкис «ялт» этиб эрларига, сўнг фақирга карамасунларму! Ул Жанобнинг ҳам бирдан аптилари бузулиб, аёлларига каттик бир кўз ташладилар ва каминага юзланиб:

«Таксир, кайси шаҳар ховли ҳақида гапиряпсиз, тушунмадим?», дедилар. Фақирни нафасим ичимга тушди ва фаҳми-фаросатимга «тахсин»лар ўкиб айтдимки: «Каминани ховлилари ўз ховлиларидек, Жаноб, бир ўғлингиз экан-ку, агарчандки, юз ўғлингиз бўлса ҳам ўз уйларидек бизниқида илм таҳсил қилишса, бошимиз фалакка етарди». «Ҳа, шундай денг,— дедилар енгил тортиб Ул Жаноб, сўнг аёлларига мурожаат қилдиларки:— Хўш, ўғлингиз домлага шогирдликка берасанму?» Тор шаҳар ховли-ю, кампирни ачиб-сасиши хаёлдан ўтиб, бирдан фақирни ҳам юрагига ғул-ғула тушмасунму, хайрият, заифалари: «Қайдам, ўзингиз биласиз, хўжайин», дедилар. «Олдин мактабни эвласин-чи, кейин бир гап бўлар, таксир», дедилар Ул Жаноб. Ҳай, бул маслаҳат ҳам бағоят дуруст, дедим чизи енгил тортиб. Алқисса, таомилдаги ирим-сиримларни бажо этгач, Ҳазрати Ёсин тиловатига ўтдим, Ул Жаноб бизларни холи қолдириб, ташқари чиқдилар. Ғоятда шижоат бирлан кироат айлаб миҷғов ул болага дам уриб турган бир фурсатимда, ховлида ажиб бир жонланишлар юз бериб, бир қанча шилёпон кийган бад-хайбат, безовта кишилар кўришиб, Ул Жаноб дарғазаб важоҳатда уларга каттик-каттик дашному танбеҳлар бериб ва яна ўша арконлари бирла шошилиб кўчага равона бўлдилар. Бул ҳолдан фақир ҳам ташвишга тушиб, хотирим мушавваш тортгани ваҷҳидан оятлардан адашиб, бир оз суқутга кетган эрдим, жанобнинг фарзанди аржумандлари: «Домла, кўйкманг, бизни яйўнда ҳам бий-икки та экстиймис бийликчила бой, ўшала тўполон қилгандий, дадам милисага айтса, ҳаммаси қочиб қоладий», дедилар. Эси тирик маст бийликчи қандай маҳлуқ эканлигини бачаи мурғакдан сўрашга эп билмай: «Ақлингизга балли, тўрам,— дедим,— энди сиз жим ўлтиринг, фақир дам солишни давом эттирай». Шул вақт бўсоғода заифани шарпаси сезилиб, азбаройи номаҳрамми деб юзимни четга буриб эрдим, шикастаҳол товуши ҳам эшитилиб қолдики: «Домла почча, иложи бўлса, буларга ҳам дам солиб кўйинг, ҳеч бизларга рўйхушлик бермай кўйдилар, қачон қараса шаҳар, шаҳар! Мабодо, биронтаси иссиқ-совуқ қилмаганиман, деб кўрқаман, айланай!», деб. Фақир не деяримни билмай қолдим ва аёлнинг шаҳар

ховли бобида саволга тутишидан юрагим така-пука эрди. Айтдимки: «Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Иза занант фала туаҳқиқ», яъни гумон қилсанг рост деб билма, деганлар. Гумон ёмон нарса, келин! Ҳай, майли, имкон топилса, орқаварот бўлса ҳам Ул Жанобга дам солиб кўярман, хотиржам бўлсинлар», дедим ва яна дору дароз гуфти-гўлар чўлганмасун, деб Ҳазрати Ёсин тиловатини бошлаб юбордим. Сураи бешинчи бора такрорлаган кезимда яна ховлида бесаромжон ҳаракатлар рўй бериб, ул зоти бобаракот ховлиқиб келиб қолдилар. Юзларидан зўр хавотирлик намоён эрди. «Узр, Маҳзум домла, сизга жуда зарур юмуш чиқиб қолди-ку, майлими?», дедилар. Тиловатдан тўхтаб, бажонидил, таксир, дедим...

Ҳамсоям Шомансур такачининг наварасидан олган икки варақ қоғоз шул воқиотлар билан тўлгани ваҷидан таснифотимни шул ерда мухтасар қилдим ва Аллоҳ ажалга омон берса ҳамда эртага ул бача зуғум қилмай, яна икки варақни дуои хайр эвазига садақа этса қолмиш кечирмишларни, ёзармиз деб,

Калвак Маҳзум Шоший.

Тажанг тоға билан Калвак Маҳзумнинг дил сўзларини қоғозга туширувчи: Абдурахмон ИБРОҲИМОВ.

КАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР ВА ЖУРНАЛХОНЛАР

Ҳаҷон матбуоти таҷрибасидан маълумки, бозор иқтисодийти шароитида ҳеч бир даврий нашр реклама ва эълонларсиз кун кўра олмайди. Биз ҳам ана шу йўлдан боришга қарор қилдик.

АГАР МАҲСУЛОТЛАРИНИГИЗ ЖУМҲУРИЯТНИНГ ЭНГ ОММАВИЙ НАШРЛАРИДАН БИРИ БУЛГАН «ЕШЛИК» САҲИФАЛАРИДА ТАРҒИБ ВА ТАШВИҚ ҚИЛИНИШИНИ ИСТАСАНГИЗ, ТАҲРИРИЯТГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ. ЭШИГИМИЗ ҲАМИША СИЗ УЧУН ОЧИК!

ПӘЛӘ

Биринчи боб

Гётеборг, Шветсия — 1958 йил
иши

74
01 Уллевил стадионида ойна отсангиз орға түшмайди. Иккинчилар маҳон чемпиони чиги соярини учун ўтказилдэгган мусобада Совет Иттифоци тарма илмасыи бразилияликларини йирчи дхсобида мағлуб этишга гувадх бўлиш учун йиллаганлар

Жаҳоннинг турли бурчанлардан лавган музбирлар руслар илмасыининг майдонга тушишнини нутишмонда Улар марказий ҳужумчи Симонинни, модир дарвозабон йшнини, чап канот эрим ҳимовчиси, номанда капитани Наттони, чап канот ҳужумчиси Салниковни ўз йўзлари билан йўршга ошикардилар

Стадионга йилганлардан дхчинни (бразилияликлардан ташқари, албатта) макубий амриколиклардан галаба нутимайган эди Тўра, улар биринчи ўйинда Австрия командасини 3:1 дхсобида мағлуб этишди. Ашмо ўйинга гувадх бўлганлар дхсобиини кучлар илмасыи дхл этилганини сезишди бразилияликлар ийла кучит инглизлар билан бўлган лавинти ўйинда ҳам ўзларини йўршга олишмади. Уйинда дхсоби очилмади, бирок бразилияликлар бунга эришиш учун стхумча туркишмади

Руслар — бошка гап. Улар маҳон биринчилигида или бор четнашайтган эса-да, дхч бир ийинчилиясиз кучли ўи олтиликдан ўрин олишди

Жампалар пайдо бўлишгани дхмон томошабинлар бразилияликлар ийинида майдонга тушган

ФУТБОЛ-МЕЧИНИҲ ХАЁЛИМИ

орик, ўрта бўйли, қорамағиз йигитчани кўриш учун бўйларини чўздилар. Бу йигитча Пеле, яъни камина эдим. Мен «10» рақамли спорт кийимида майдонга тушдим. Мухбирлар бу жинқарча қаердан пайдо бўлди, дея ён дафтарларини титкилашганига ишончим комил.

«Эдсон Арантес ду Насименту. Ёши ўн еттида. Майдон бўйлаб ёш болакайлардай чаққон ҳаракат қилади».

Давлат Мадҳияси бразилияликларнинг дилини жунбушга келтирди, уларда ғалабага ишонч уйғотди, десам муболаға бўлмас. Биз ҳаммамиз, айниқса, мен шунгача худди ухлаётгандек эдим. Фақат Мадҳия оҳанги қулоғимга чалингангина бутун диққатимни ўйинга қаратишим лозим эканини англадим.

Руслар ҳам майдонга тушишди. Улар бизга нисбатан хийла бўлали, дарвозабон Яшин эса ниҳоятда баҳайбат эди, дарвозани беркитиш учун икки қўлини икки томонга ёзса кифоя қиларди. Юрагим орқамга тортиб кетди. Бундай дарвозабонни чув тушириш осон эмас!

Биз майдон бўйлаб тарқалдик. Чап томонимда — Загало, ўнг томонимда — Вава, сал нарида — Диди ва Гарринча. Ҳимоядан огоҳ бўлиш учун ортимга ўгирилдим: Нилтон Сантос, ёнида Зито, сал орқароқда капитанимиз Беллини, унинг орқасида Орландо, Де Сорди, дарвозада эса Жилмар. Зито кафтларини бир-бирига ишқаб: «Қани, йигитлар, бир уларга кимлигимизни кўрсатайлик!», деди. Вава мўйловини шоп қилиб унга кўз қисди.

Ўйин бошландию ҳамма нарса-ни унутдим. Фикру зикримни фақат ўйин банд этди.

Тўп русларда. Улар бир текис, хатосиз ўйнашарди. Бирдан кимдир хатога йўл қўйдию тўпни Гарринча эгаллади. У ҳимоячиларни шундай тез алдаб ўтдики, асти қўяверасиз. Мен унга ёрдамга шошилдим. Гарринча тўпни бор кучи билан тепди. Яшин шердай ташланди — тўп унинг қўлидан дарвоза тўсинига тегиб майдонга қайтди. Гарринча яна тепди, лекин бу сафар тўп майдон ташқарисига чиқиб кетди.

Ўйин бошидаёқ русларнинг ҳимоясида заиф жой борлиги кўзга ташланди. Ҳужумчилар тезкор эдилар, ҳа, лекин бу бизни ташвишлантирмай қўйди. Нилтон Сантос, Беллини, Орландо, Де Сорди,

Зито ва Жилмар уларнинг ҳужумларини бемалол тўхтатиб туришарди. Гарринча эса илҳом билан ўйнади. У бу ўйинни худди бир умр кутгандек эди. У ҳимоячиларни осон алдаб ўтарди. Русларнинг ўйини қовушмаётганини сезган ишқибозлар бақириб-чақириб бизга ён боса бошладилар.

Бир пайт тўп Дидига тегиб ва мен унинг мақсадини дарров пайқадим. Диди тўпни менга шунчалик аниқ оширдики, гўё у орамиздаги масофани қадамлаб ўлчаб чиққандек эди. Тўпни тайёрланмасдан дарвоза томон тепдим. Яшин тўпга ташланди. Омад яна унга кулиб боқди — тўп дарвоза тўсинига тегиб майдонга қайтди.

Мен дарвоза тўсинига олайиб қарадим. Диди бепарво қўл силтади: «Ҳеч қиси йўқ, болакай! Ҳаммаси жойида бўлади. Мана кўрасан!»

Тизамдаги битмаган жароҳатимга оғриқ кирди. Шу пайт тўп яна Дидига тегиб. Мен ундан тўпни қабул қилиб олиш мақсадида яна ташландим.

Ҳимоячи мендан бир қадам ҳам ортда қолмасди. Буни ҳис этган Диди тўпни нариги қанотдаги Вавага узатди. У тўпни тўхтатиб, дарвоза томон тепди. Гол!

Биз Вавани қуршаб олдик. Қувончимиз чексиз эди, ёш боладек кўкка сапчирдик. Яшин ерда чўзилиб ётар, бизга ғамгин тикилиб турарди.

Голдан сўнг анча хотиржам ўйнай бошладик, биринчи бўлимда ҳисоб ўзгармади. Мен икки марта тўп киритиш имкониятини қўлдан бой бердим.

Иккинчи бўлим ҳам биринчидан фарқ қилмади. Руслар бор кучлари билан ҳужумга ташландилар, аммо ҳимоямиз мустаҳкам эди. Русларнинг ҳимоячилари ҳам анча зийраклашишди.

Диди тўп тегиши билан менга оширади, гўё майдонда икковимиздан бошқа ҳеч ким йўқдек. Ҳимоячилар шу бўйи биздан бир қадам ҳам ортда қолишмади. Бизга худди шу нарса керак эди. Чунки Вава назоратсиз қоларди. Бу сафар ҳам мен ташлаб берган тўпни Вава тайёрланмай дарвозага йўналтирди. Яшин тўпга ташланди, аммо унинг баланс бўйи, баҳайбат гавдаси дарвозанинг дахлсизлигини таъминлай олмади.

Уша куни кечкурун ғалабамиз шарафига катта зиёфат берилди. Зиёфатдан сўнг хонамга йўл олдим. Узимни ўринга ташлаб, хаёлга берилдим. Назаримда, ўйиннинг

бошидан охиригача — тўп олишда ҳам, тепишда ҳам ютқазган эдим. Тан олишим керакки, ўйин давомида бироз ҳаяжонландим. Тўп уришим лозим бўлган вазиятларни эслаб эзила бошладим. Шу билан бирга ўзимни унчалик ёмон ўйнамаганлигимни ҳам ҳис қилардим. Ахир, бу ўртоқлик учрашуви эмас, жаҳон биринчилиги, бундан ташқари рақиб ҳам бўш келадиганларданмас. Биз ютдик. Шундай экан, уялишга ҳеч ҳожат йўқ. Кейинги гал албатта ўзимни кўрсатаман.

Қизиқ, айна дамда ота-онам, акам, синглим, Жоржи тоғам, бувим, дўстларим нимани ўйлашяпти экан?

Хаёлларим мени Бауруга етаклади, Бразилия терма жамоасига аъзо бўлгунимга қадар бошимдан кечирганларим бир-бир кўз ўнгимда гавдаланди...

Иккинчи боб

Мен 1940 йил 23 октябрда Бразилиянинг Минас Жерайс вилоятидаги Трес Корасаес шаҳарчасида туғилдим. Мени Эдсон Арантис ду Насименту деб чўқинтиришган бўлса-да, ҳамма Дико деб чақирарди.

Отам Жоао Рамос ду Насименту футболчи ўтган эди. Уни Дондиньо деб аташарди. Футболчиларга у пайтлар жуда кам ҳақ тўлашарди. Бироқ отам футболни жон дилидан яхши кўрар, бир куни келиб мени машҳур жамоалардан бирига таклиф қилишади ва биз одамдай яшай бошлаймиз, деган илинжда юрарди.

1942 йили отамнинг умидлари ушаладиган бўлди. Унинг ўйинини кўрган бир ҳомий Белу Оризонти шахрининг «Атлетика Минеиро» жамоасига таклиф қилди. Отам жомадонни тахтлаб, биз билан бир-бир хайрлаша бошлади. Мен унинг қандай қатъий ишонч билан йўлга чиқаётганини ҳис этардим. У бинойидек ўйнар, ўзини кўрсатиш учун битта ўйин кифоя эканлиги-га ишонарди.

Бироқ, афсуски, унга омад кулиб боқмади. Биринчи (Рио де Жанейронинг «Сан Кростован» клубига қарши) ўйиндаёқ у машҳур футболчи Аугуста билан тўқнашиб, оғир жароҳат олди. Унинг ўнг тиззаси қаттиқ лат еди. Ўйин 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан тугади, аммо отам бошқа ўйинларда иштирок эта олмади. Трес Ко-

расвавга амаллаб этиб олган учун
нўлнга патта гўтқазинди.

Отам шу бўйи оқсоқланганидан
бўлиб қолди бирон футболчи таш-
лашда Жарҳатини соғун молт-
рекс дилдириб, тўп тепаварди.
Чунки унинг учун ягона тирки-
чилиш манабу шун эди.

Булар бари ота онадан эшит-
ганларми. Эзим кўриб гувади бўл-
ган оқсоқлар Сан Паулу вилояти-
даги Бауру шаарни билан боғляки.

Кўч-нўронимизни эшан ва бир
қарн от нўшилган аравага шялаб
йўлга тушганимиз гира-шара бди-
да Улово тизгини бобомнинг кў-
лида. Отам билан мен орда то-
монда, онам олдинда — бобом-
нинг ёнида синглим билан укамни
ушлаб бормоқда.

Афсуски, Баурунинг «Лузитания»
футбол ташаббусига отамни шига
набул иилишмади. Унда она жани-
жал бошлинди. Жоржи тоғам биз-
га ёрдам бермиш учун ўйинчили-
нига бошлади.

Биргина мен тиркичилиш таш-
лашчи напигини билмас, Бауруда
ўзимни ниҳоятда бахтиёр хис этар-
дим. Чунки нўшини тонадонларда
болалар жуда айп, эртадан кеч-
гача улар билан ўйнардим. Отам
билан «Бауру Атлетико» жамоа-
сининг ўйинларига кайда қилмак
борардим. Тўп сотиб олишга пуд-
миз йўли эди. Каттакан аркавлар
пайпоғини ятта-пугта ва доғозлар-
га тўядириб, нўлбола тўп асаб ол-
ди. Бразилияда болалар ойна
турган кунидан тўп тепишди.
Юршани тўп тепишдан кейин ўр-
ганашди. Манаки футболга ма-
ликишим отамга ёқмасди. Унам
Жанрга карасангина футбол ўй-
натгани чаккишига рузса? тегарди.
Мен у пайтлар футболчи бўлиш-
ни эмас, учувчинини орзу килар-
дим.

Этти ёшимда этми тазаловчи
бўлиб ишлай бошладим. Жоржи
тоғам эиша мойи билан таъминлаб
турди. Бир ҳафта ним соғи нийим
тозаятади, деб унма-чи юрдим.
Аммо Рубен Аурудада менига ми-
жоз топилмади. Шундан сўнг
ийинки шаъба стадионга боришим
учун онамдан рузса? олаб бяринг,
деб отамдан кайтмос килдим. Не
ажабки, онам йўк демади. Шу ку-
ни мен икин арзувайи ишладим.

Сақия ёшимда ниҳоят отам аш
толди, касалзонада санитарини ки-
ла бошлади. У поля ювар, гуяла-
ларни тўлаб велар, қадда лай-
матаб тарқатар — зуллак нима иш
тўри келса, ўшини бажарарди.
Отамнинг иш тепиши ҳаётимизни
ўзгартириб юборди. Тиркичилиш

Билойдан изга тушганди бўлди.

Этми тазаловчи билан бирга бўш
вақтларим отамга ёрдам бари бош-
ладим. Унинг ўрнига қадда лай-
натардим, тувалларни тазалардим.
Бўш вақтлар жа отам ўтириб ўзи
ўйнаган жамоалар ва бирга ўйнаш
насиб этган футболчилар ҳақида
хикоя қиларди. Бир кунни отам мени-
га эмас — Франсиги амалким қаким-
да сўзлаб берди.

— Сен ҳам тудди унга ўқшаш
зўр футболчи бўласан, — деди
сўзимнинг охирида. — Уни Шяму ду
Жомас деб аташарди. Одамлар
қануз унинг ўйинини тлашарди.

Бир кунни оқшом отам мени ёни-
га чакирди. Уша оқшом қануз
эсимда.

— Дино, бундан кейинги рама-
ларинг қандай? — деб сўради
отам.

Мен ўйиниб турдим-да.
— Учувчи бўлмоқчиман, — де-
дим.

— Чакки эмас, — деди отам. —
Бироқ учувчи бўлиш учун нима-
варни билиш кераклигидан та-
бардоримсан?

— Албатта, — дедим мен. —
Самолёт ҳайдашни билиш керак.
Стан жилмайиб нўйди.

— Шунинг ўзи атарли эмас, деб
нўрқаман. Учувчалар самолёт ҳай-
дашдан бошқа нана сўп карсаларни
билиш керак. Аввал ўқиш би-
лан ёзишни ўрган. Ал Нима де-
динг!

— Унда қачон пойафзал тазал-
лайман?

— Уқишдан иккиб ҳам улгурасан.

— Футбол-чи, қачон футбол
ўйнайман?

Отамнинг юзига нулги югурди.
— Футболга ҳам вақт тепаган,
— деди нўз нисиб. — Ангр сөн
менинг ўялмасан.

Шу тазалит мен мантабга кат-
най бошладим.

Ҳар қандай саманз шар бола
дарсдан ташнади нўрған у ёни бу
оқсоқлардан ҳаёт ҳақидаги тасав-
вурини бойитиб боради. Шундай
оқсоқлардан бири зотиранда нил-
ланиб илган. Дам олаш кунни ше-
дар касалзонаси ёнида футбол
ўйнаётган эдик. Болалардан нил-
дир касалзона ертўласи дараза-
сидан чиларга нўралади. Бу ўли-
зона даразаси эканини биз бил-
масдик. Бола нўралаган пайт ҳа-
лопатга учраган учувчининг уст-
бошларини ачиб, қоринни аркашга
тайерланишгаётган зили буни цай-
си бола биринчи бўлаб нўрганини
эслаб қайману, аммо айтган сўз-
лари қануз нулотим эстида. «Эй,

болалар! Ертўлада бир одам этиб-
ди. Герос ўйнайман, у ўлини».

Мен ҳам барча наби дараза сори
ошидик. Худди шу пайт шифо-
лорлардан бари даяон бўлган учув-
чининг камзулини ачайтган зилан
Хира еритияган зона бугунгидан
эсимда: даяорларга кафея ёпиш-
тирилган, полдаги данолум эс-
вириб, йиртилиб кетган.

Бир нача нумгача кечалари бо-
синиқраб, алтос-даянов тушлар нў-
раб чакдим. Шундан сўнг мен
учувчи бўлиш орзугидан воз ке-
дим.

Худди ўша пайтлар мени Пела
деб атай қошлашди. Бу ном навар-
дан пайдо бўлди, нил мени зиг
аввал шундай деб атади. — Билмай-
ман. Билишимча, бу сўз португал
тилида ҳам, бошқа тилда ҳам деч
қандай маъно англатмайди. Оши-
ларим ҳам бу ном қандай келиб
чаккилини айтиб беришолмади.
Тўғри, бир ўртоғимнинг гапига
қараганда, Бауруга келиб ўртоқ-
лашиб қолган турди мени биринчи
бўлиб Пела деб атаган экан. «Ҳар
гача, — деб эслайди дўстам, — тўл-
га сенинг нўлинг темианда, «Пела»
деб бақарарди у. Манамча эле-
лел — туркча «бешаъна» дегани».

Бошқа тазминларга қараганда,
Минжада бир вақтлар биле деган
машаур футболчи ўтган экан. Бо-
лалигимда уни «Белль» дея олмай,
«Пела» дея зиянман. Тўнқиз ёшим-
дан буён тақишларимнинг барча-
си учун Пеламан. Фақат ота-онам
ва қариндошларим мени қозиргача
Дино деб аташарди. Мен ийлик-
ча бундай тазаллуслар радио-
шарҳловчилар ташаббуси билан
юзига келмасмикан, деган зейлга
бораман. Футбол ўйини эшиттири-
лаётган чош братиливчи шарҳлов-
чилар шундай тез гапиришадими,
нуломет бўлиб кетишарди. Албатта,
бундай лайида Пела, Диди, Васа,
Пела дейиш анча қулмай. Мен бра-
зилияча нил-шарифларни тўлиқ
айта оладими футбол шарҳлов-
чилари борлигига ишонмайман.

« Эссон арентас ду Насимен-
ту Сабастян да Силва Танорю»
Тейшайра Араужодан тўпни қа-
бул ичиб олиб, Волдемар Жлоо
Мендес де Моранс Филюга ошар-
ди. У Артур Рибейру Карвалей Жозе
Бритони илаб ўтиб, тўпни Руй Мо-
рейра Акагоги Гимаравалсуга узат-
ди. У эса тўпни боши билан дар-
возага йўялади.»

Буни айтганича ўйиннинг орми
ўтиб кетади-ку, ахир!

Давом бор



Осмондан тушишдими,
ё...

✱ а, ха всло муболага жойи йук бунинг: сира кутилмаганда, тасодифан пайдо бўлишди улар мусика оламида, осмондан тушишдими, ё ердан чиқишдими — ҳеч ким англаёлмади. Пайдо бўлганлари ҳамон минг-минглаб мухлисларни шайдо қилганлари ва хануз аллақандай илохий қудрат-ла бутун дунёни ўз санъатларига ром этиб келаётганларини ҳисобга олсак... «осмондан тушишган» деган тахминимиз

ҳақиқатга яқинроқ. Улар ҳали эпидигана атак-чечак қилаётган палладаёқ: «Битлз» нурафшон келажак сари интиланган ёш авлодни бузиш, уни разолат боққоғига тортиш мақсадидла буржуа корчалонлари томонидан ташланган қўпорувчи», дея ёзган ҳушёр шўро матбуоти ҳам мазкур фикримизни тўла-тўхис тасдиқлайди. Кейин буни уларнинг ўзларидан ҳам сўраб билсақ бўлади, бундай имконият бизда бор:

— **Жон** (Леннон. — О. Б.), *кейинги пайтлар шўро матбуотида сизларга «мафқуравий қўпорувчи-*

лар» дея тўн кийдириш ниҳоятда авж олди. Бунга муносабатингиз қандай?

Жон: Ҳеч қайсишга ҳали бирор марта ҳам парашутга сакрамаганимизни инobatга олсак... нишонса бўлади.

Хўш, ким эди ўзи улар — сира қутилмаганда, тасодифан, худди осмондан тушгандек пайдо бўлиб, бутун дунёни ўзинга ром этган бу тўрт ўғлон? Асл қўпорувчилар ким эканлиги аниқ бўлган ушбу кун улар ҳақида нима дейиш мумкин?

Кунлардан бирида,
Ливерпулда

Узоқда, Тошкентнинг энг баланд тоmidан ҳам кўрилмайдиган ерда — Инглис тошининг Ливерпул (Тахтапул билан адаштириб ўтирманг тағин!) шаҳрида тўрт шумтака яшар экан.

Биринчисининг исми **Жон** экан. Бўйи бир қаричгина бўлишига қармай, ҳамма — маҳалла-қўйдан тортиб ўқитувчиларгача — ундан безор экан (яъни, бизнинг «тил» билан айтганда, мелисахонада алоҳида ҳисобда туришга тал-тайёр номзод!). Безорилиқдан бўшаган пайтларида эса у китоб ўқиркан, сурат чизаркан, ҳикоялар ёзаркан, қуй басталаркан.

Иккинчисини эса **Макка** деб аташаркан (маккажўхори билан адаштирмаслигиниғиз учун тушунтирамиз: исми — Пол, шарифи — Маккартни: «Макка» ҳудудидан шушдан келиб чиққан). У электр ускуналар ишлаб чиқарувчи корхонада хизмат қиларкан. Ишдан чиқиб эса барча тенгмўйсалари катдори қизларнинг кетидан чопаркан, гитара чалиши машқ қиларкан.

Учинчисининг исми **Жорж** экан. Эрка ўғил бўлгани учунми, ё тортинчок, одамовилиғи боисми, ҳамма уни «аммининг бузоғи» деб атаркан. Бу, албатта, унинг китик патига тегмай қолмас экан, доим нима қилиб бўлмасин бу «ёрлик»дан қутулиш ҳаракатида юраркан. Айниқса, уни сартарошхонага олиб келиш ота-онаси учун ўлим билан баробар экан. Шу билан у нуқул сочи ўсияк, паҳмайиб юраркан.

Тўртинчисини эса **Ринго** деб аташаркан (асл исми — Ричард). У гехника коллежи тингловчиси экан (яъни, бизнинг «тил»га ўзирганда — «пэтэучи»). Унинг жону дили илғора чалиш экан. (Албатта, Оврупоча погорани.) Бу — эллигиччи

Йилларнинг биринчи чорагига тааллуқли гаплар. Улар ҳали бир-бирларини танишмади, вақти келиб тақдир йўлларини бирлаштириши мумкинлиги ҳам ҳеч бирининг хаёлида йўқ. Жон — ўқитувчилари ҳамда маҳалла-қўйни безор қилиш, безорликдан бўшган лойқалари эса сурат чизиш, хикоялар қоралаш, куй басталаш билан банд. Пол — электр ускуналар корхонасида ишлаш, ишдан чиқиб эса барча тенгмўйсалари қатори кизларнинг кетидан қолиш, гитара чалишни машқ қилиш билан овора. Китмир ошналари ёпиштирган «аммамнинг бузоғи» деган «ёрлик»дан қутулишга жиддий жазм этган Жоржини эса шўрлик ота-онаси хануз саргаршоҳонага қувиб киритолмай ҳалак. Ринго — одатдагидек, техника коллежида сабоқ олиш, бўш вақтларида эса моҳир ногорачи бўлиб етишишни орзу қилиш билан машғул.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмайди ва Рингонинг орзуси амалга ошадди. Бу тўртовлон бир гуруҳга бирлашиб, бирга кўшиқ ёзиб, бирга куйлай бошлагач рўй беради. Дунёга машҳур «БИТЛЗ» гуруҳи шу асно юзага келади. (Чамаси, бу ном шуниси билан уларни ўзига тортганки, «битлз» сўзида бир эмас, иккита маъно мужассам — «бит» (зарб) ҳамда «битлз» (қўнғизлар). Шунингдек, улар бу номни машҳур кўшиқчи Бадди Холлининг «Чриккетс» («Чирилдоқлар») гуруҳи номига таассубан танлашган, деган тахминлар ҳам мавжуд.)

«Битлз» дунёга келиши баробарида танишларимиз ҳаётда ҳам ўзгаришлар юз бермай қолмайди, албатта. Хусусан, Жон — расман шoir ва бастакор Жон Леннонга, Макка — Пол Маккартнига, Жорж — Жорж Харрисонга, Ринго эса — Ринго Старрга айланади. Бир пайтлар уларни «безори», «аммамнинг бузоғи» деб атаганлар уялиб қолишади. Кетларидан қопган лойқалар назар-писанд қилмаган кизлар ҳам, таниқки, энди лаб тишлашган...

Мисли кўрилмаган доврुक, шон-шухрат...

Бирок бу биргина уларнинг исм-шарифларига, шунда ҳам фақат расман таъсир этди, дея қомил ишонч билан айтишимиз мумкин. Қандай бўлишса, шундай қолинди улар — ўша-ўша самимий, ўша-ўша бегубор... Бунга уларнинг ўз қўллари билан битган таржиман ҳолларига қараб ҳам бемалол ишонч ҳосил қилса бўлади.

Жон

Исм-шарифи — Жон Леннон
Туғилган йили — 9 ўктябр 1940 йил
Туғилган жойи — Инглистон, Ливерпул шаҳри
Бўйи — 180,3 см
Вазни — 72 кило
Кўзи — кўйкўз
Сочи — кўнғиртоб
Ака-укаси (опа-сингиллари) — йўқ

Қайси мусиқа асбобларини чалишни билади — гитара, нағма, фортепьяно

Маълумоти — ўрта мактаб, санъат коллежи

Севимли машғулотлари — кўшиқ тўқиш, шеър, дoston қоралаш, сахна асарлари машқ қилиш, сурат чизиш; аёллар, «ойнан жаҳон», улфатгарчилик

Суюкли таомлари — «кэрри» қайласи аралаштирилиб пиширилган димлама гўшт ҳамда илвирга

Ёқтирадиган ичимликлари — виски ва чой

Ёқтирадиган кийими — сомбре-ро (испанча сербар соябонли калпок)

Яна нималарни ёқтиради — чарч камзул ҳамда ок-сарикдан келган аёлларни

Нимани жини суймайди — бe-фаросит, аҳмоқларни

Шахсий ҳаётдаги орзуси — тенги йўқ мусиқа асари яратиш

Қасб-қори билан боғлиқ орзуси — бой-бадавлат бўлиш, дунёга донг таратиш

Пол

Исм-шарифи — Пол Маккартни
Туғилган йили — 10 июн 1942 йил

Туғилган жойи — Инглистон, Ливерпул шаҳри
Бўйи — 180,3 см
Вазни — 72 кило
Кўзларининг ранги — оч жигарранг

Сочининг ранги — тимқора
Ака-укаси (опа-сингиллари) — укам бор, исми Майк

Қайси мусиқа асбобларини чала билади — гитара, ногоря, фортепьяно, банжо (америколикларнинг торан мусиқа асбоби)

Маълумоти — ўрта мактабни таъмомлаган

Нимани ёқтиради — куй-қўшиқ тўқишни, аёлларни, уйқун

Суюкли таоми — коворилган жўжа (тобоки)

Суюкли ичимлиги — сут
Ёқтирадиган либоси — замш костюм

Яна нималарни ёқтиради — мусиқа тинглашни, ойнаи жаҳон томоша қилишни

Нимани жини суймайди — соқол-мўйлов қиртишлашни

Шахсий ҳаётдаги орзуси — ўз суратининг «Ленди» жўрналининг муқовасида кўриш*

Қасб-қори билан боғлиқ орзуси — мусиқа оламида юксак, мавкега эришиш

Жорж

Исм-шарифи — Жорж Харрисон
Туғилган йили — 25 феврал 1943 йил

Туғилган жойи — Инглистон, Ливерпул шаҳри

Бўйи — 180,3 см
Вазни — 64 кило

Кўзларининг ранги — тўқ мовий
Сочининг ранги — кўнғиртоб

Ака-укаси (опа-сингиллари) — Луиза исми олам, Пит ва Гарри исми укаларим бор

Қайси мусиқа асбобларини чала билади — гитара, фортепьяно, ногора

Маълумоти — ўрта мактабни туғатган

Неча йилдан бери мусиқа билан шугулланади — ўн етти ёшидан

Севимли машғулотлари — машина ҳайдаш, пластинка тинглаш, аёллар

Суюкли таомлари — кўй гўштидан тайёрланган кийма котлет, чучвара

Суюкли ичимлиги — чой

Суюкли либоси — бари бир

Яна нималарни ёқтиради — айтдим-ку, машина ҳайдашни

Нимани жини суймайди — соқолдиқлишни

Шахсий ҳаётдаги орзуси — ҳеч қандай йўқ, ўзига хос овозга эга гитара ясаш

Қасб-қори билан боғлиқ орзуси — нимагаки интилсак, бари рўёбга чиқсин!

Ринго

Исм-шарифи — Ричард Старкей (Ринго Старр)

Туғилган йили — 7 июл 1940 йил

Туғилган жойи — Инглистон, Ливерпул шаҳри

Бўйи — 172,7 см

* Лекин бундан шарафга «Ешлик» жўрнали муқовасида лойиқ топилишини хаёлига ҳам келтирмаган ҳайна-ҳай!

Вазни — 61 кило
Кўзларининг ранги — совиё
Сачининг ранги — тўқ кўшнр
Ака-укаси (опа-сингиллари)
 йўк

**Қайси мусиқа асбобларини ча-
 лишни билади** — ногора, гитара
Маълумоти — ўрга мактаб, тех-
 ника коллежи

**Неча йилдан бери мусиқа би-
 лан шугулланади** — 10 ёшидан

Суюкли машғулотлари — тунда
 машина хайдаш; отишма ва кув-
 ли кувдиларга тўла филмларни то-
 моша килиш, унқу

Суюкли таъми — димланган қий-
 ма

Суюкли ичимлиги — виски

Суюкли либоги — крестюм

Яна нималарни ёқтиради — поп-
 гачи уловда сайр этишини

Нимани жини суймайди — пиёз
 билан Доналд лақабли ўрдакча-
 чи (Уол Дисней кўнрчок филмла-
 рининг маълум ва машҳур қаҳра-
 монини)

Севимли бастакорлари — Пол
 Маккартни ҳамда Жон Леннон

Шахсий ҳаётдаги орауци — кў-
 ша қариш, ували-жували бўлиш

**Қасб-қори билан боғлиқ орау-
 га** — мусиқа тоқини забт этиш

Доимо хушёр шўро мат-
 буотининг қаҳрамонлари-
 мизга ўз вақтида берган
 «объектив» яъни ҳолиса-
 нилло баҳоси билан биз юқори-
 да танишдик агар ёдингизда бўл-
 са. Бундай узил-кесил тўхтама
 келишда улар айнан қайси ман-
 баларга ёки қайси мўътабар таш-
 килотнинг қимматли йўриқла-
 рига таянишган — бизга мутлақо
 қоронғу. Биз фақат шуни била-
 мизки, ўша, қаҳрамонларимизни
 махсус топширик билан шўролар-
 нинг «нурафшон келажак сари
 интилган ёш авлодини бузиш, ра-
 зозлат ботқоқига буткул чўктириш»
 учун жўнатган буржуа қорчалон-
 ларининг ўзлари ҳам ёктириш
 маган уларни кўпда, гуруҳга бир-
 лашиб қўйлай бошлаган қуларидан
 эътиборан, бутун дунё олқиш-
 лаётганига ҳам қарамай, эҳ-хе,
 не маломатларни ёғдиришмаган!
 Яъни доимо хушёр шўро матбуоти
 тили билан айтганда, шундоқ ҳам
 нобакор буржуа ёшларини бузиш-
 моқда, баттар разозлат ботқоқи-
 га ботиришмоқда. қўйиб берсанг
 чўктириб ҳам юборишди, дея хи-
 соблашган, улар билан муроаса-
 сна, таъбир жоиз бўлса мангу
 жангга киришишган.

Тайинки, бунда буржуа қорча-

лонлари асосан ўзларнинг ҳад-
 дан ортик «разил ва чиркин» бур-
 жуа матбуотларига таянишган,
 жангга, йўқсилларнинг буюк даҳо-
 си таъбири билан айтганда, «...ким
 кўпроқ ақча иткитса, ўшанинг но-
 ғорасига ўйнашга рози» лак-лак
 мухбирлар қўшинини ташлашган.

Қанча муддат, қаерларда да-
 вом этмади дейсиз 50-чи йиллар-
 нинг адоғида Ливерпул газетлари
 саҳифаларида бошланган бу жанг!

Қаерга қадам қўйишмасин —
 хужум, тошбўрон...

Аниқроғи — сўзлар, саволлар
 бўрони.


Кизик, қаҳрамонларимиз бу бў-
 ронда ўзларини қандай ҳис этиш-
 ди, буидайин қаҳратонга қандай
 дош беришди экан?..

Мангу жанг майдонига чизгилар

— **Дейлик, янги қўшиқ тўқи-
 динлар. Уни ким қўйлашни қан-
 дай ҳал қиласизлар?**

Жон: Жуда осон. Бир ерга
 йиғиламиз, ким қўшиқ сўзларини
 яхшироқ эсласа — ўша қўйлайди.

— **Қўшиқларингизни, айниқса,
 уларнинг матн қисмини жуда кўп
 савалашади. Танқидга муносаба-
 тингиз қандай?**



ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Очқич:

1) 23, 1, 6, 5, 14, 10, 1 январни бешинчи иқлим-

диндур. Маълумнинг жанрасида воқе бўлибтур.

2) ... Андижондурим, вазатта воқе бўлибтур.

3) Фаргона вилоятининг пойтахтидур. 24, 4, 3 туринийдур.

4) Шаҳар ва бозорисида турки билмас икки йўқтур.

5) Яна бир 12, 20 қасабасидур. Андижоннинг шар-

ни жануби тарафидур, шарқда мойил, Андижондин
 тўрт йилоч йўлдур. Ҳазоси зўб ва оқар суви фаровон-
 дур.

6) 26, 11, 20, 13, 1, 10, 9 июлятн Умаршайх Мирзо
 твсарруфида эдим, китобларда Шош битирлар, баъзи
 Чоч битирларим, ананони чочий андин иборатдур...

7) Самарқанд биле Кеш орасида бир тоғ тушубтур.
 Итман дабони дерлар, сангтарошлиқ қилур тошларни
 тамон бу тоғдин элтурлар. Баҳорлар саҳросида ва шаҳри
 ва бола ва томи зўб сабз бўлур учун 20, 1, 14, 6, 17, 1, 7, 18
 ҳам дерлар.

8) 1, 4, 3, 20, 16, 6, 7, 16, 13 назари йўқ икки эди.
 Туркий тили биле то шаър айтубтурлар, ҳеч ним анча
 иўб ва зўб айтқан эмас.

9) [Ҳинрий ҳисоб билан 913] йилнинг охирида сешан-
 ба ичмаси зулқайда ойининг тўртинда офтоб зўт бирик-
 да эди. Кобулиннинг арнида 14, 2, 8, 11, 25, 10 мутавал-
 лид бўлди.

10) Сабзау гуллар биле жаннат бўлур Кобул баҳор
 Хосса бу мавсумда Борон азисин 15, 2, 4, 7, 1, 14, 11, 6.

11) 17, 1, 19, 14, 2, 10 дарёсиким, Хўжанд сўйиға
 машғурдир, шарқ ва шимолый тарафидин келиб, бу
 [Фаргона] вилоятининг ичи бирла ўтуб, гарб сори оқар...

12) Ҳайвонотчим, Ҳиндустон мавзусидур... Яна бир
 10, 1, 22, 21 тўтн бўлур, кушранг, қип-қизил. Яна баъзи
 рангларни ҳам бор.

Очқични ҳал этиб, шаклдаги рақамларин навоблар-
 даги маълум ҳарфлар билан алмаштирсангиз, буюн ва-
 тавидошимизнинг мазкур асаридаги бир рубоний аён бў-
 ладн.

Фозилжон ОРИПОВ тўзган.

1-чи сондаги «Ёшлик» саҳифаларида» топқирлик машқининг жавоблари:

1. Шукрullo. 2. «Чинриқ». 3. «Тилсим». 4. «Арбани».
5. «Карава». 6. Замина. 7. «Такишув». 8. «Гулжиз».
9. «Иисоф». 10. «Сўроқ». 11. Қўнқор. 12. Ҳиноя. 13. «Ни-
 гоқ». 14. «Итиҳо». 15. Усмонов. 16. «Остона». 17. Амринов
 [Наънат]. 18. Мариев. 19. Эдигей. 20. Воҳидов [Эрин].

Пол: Агар уларнинг барча гапларини жиддий қабул қиладиган бўлсак, унда факат махфиялар куйлашимиз лозим.

— *Кўшиқларингиздан бирида Бетховен номи тилга олинади. У ҳақда, унинг ижоди ҳақида фикрингиз қандай?*

Ринго: О, таъзим қиламан. Айникса, унинг шеърини қошида.

— *Нима сабабдан сизлар сира сиёсатга ҳизикмайсизлар?*

Жон: Нега энди, кизикмай. Биз факат сиёсатдонлар билан кизикмаймиз.

— *Кўчага сайр қилгани чиқсанглари, сизларни ҳеч ким танимаса, «Фалончи келяпти!», дея оғзи ланг очилиб қолмаса ёки «Дастхатингизни берсангиз!», дея бир парча қогоз кўтариб, қаршингизга югурмаса... Шундай бўлишини истармидингиз?*

Жон: Бундай хол жуда кўп бўлган илгари — чўнтагимизда ҳали хемири йўк пайтлар. Бундай «лаззат»дан худонинг ўзи асрасин.

— *Мухлисларингизнинг телбаваш қилиқларини қийқириқларига қандай қарайсиз?*

Ринго: Ижобий. Ўйлашимча, бу соғлиқ учун хатто фойдали хам.

— *Бирок қанчадан-қанча одам эс-ҳушидан айрилипти-ку бунинг оқибатида, томошалар чоғи ерда гужанак тушиб ётиб қолганларга наҳот сира кўзингиз тушмаган?*

Ринго: Шундайми? Йў-ук, бу фирт телбалик.

— *Ринго, бир нарса хусусида сўрасак бўладими?*

Ринго: Марҳамат!

— *Айтинг-чи, нега ҳар бармоғингизга иккитадан узук тақиб олгансиз?*

Ринго: Қанча уринмай, сира уларни бурнимдан булок қилиб чиқаролмай ҳалакман. Шунга.

— *Ойнаи жаҳонда ҳам, тамоша чоғларида ҳам нуқул тамаки тутатганингиз-тутатган. Бу, ахир, ёшларга ёмон таъсир қилади-ку?!*

Ринго: Нима, сиз бизга жамоат қошида тинимсиз ичишни маслаҳат берармидингиз? Бундан кашандалик минг карра афзалроқ-ку?!

— *Ҳозир, шу ернинг ўзида бизга ўз санъатларингизни намойиш этишга қодирмисизлар? Ҳеч бўлмаса битта қўшиқ эшитайлик?*

Жон: Майли, бажону дил! Агар пулини олдиндан тўлаб кўйсаларинг...

— *Муваффақиятларингизнинг гаровини нимада деб ҳисоблайсизлар?*

Жон: Матбуот ишлари бўйича махсус котибимиз борлигида деб.

— *Урушни қораловчи қўшиқлар куйлаш ниятинглар борми?*

Жон: Бил нимакин куйлаган бўлсак ёки куйласак, барни урушга қарши.

— *Жон, сизга бир савол. Маълумки, сиз бодий ижод билан ҳам жиддий шугулланасиз, бир қанча китоблар муаллифисиз. Агар сир бўлмаса айтинг-чи, китобларингизни қай тариқа ёзасиз?*

Жон: Ҳеч қанака сир жойи йўк бўнинг. Хаёлимда тугилган нарсани нари-бери бир парча қогозга тушираман-да, дуч келган чўнтагимга солиб қўяман. Шу тарика сепки-сепки чўнтакларим тўлади ва қарабсизки, китоб тайёр-да.

— *Томошалар оралигида, меҳмонхонада нима билан шугулланасизлар?*

Жорж: Кўнқада савр қилвмиз.

— *Амиқога йўлни қандай топдинглар?*

Ринго: Гренландиягача учиб келдик-да, чапга бурилдик.

— *Нега сиз сира жилмаймайсиз-а, Жорж, билсак бўладими?*

Жорж: Лабим ейниб қолади, деб кўркаман.

— *Детройтда* «Йўқолсин «Битлз» шнори остидаги тадбирлар кундан-кунга кенг қанот ёзмақда. Бунга муносабатинглар қандай?*

Пол: Бунга жавобан биз тел кунлар ичида «Йўқолсин Детройт!» шнори остида тадбир бошламоқчимиз.

— *Сизглик психиатрларнинг фикрича, сизлар инсоният учун хавфли эмишсизлар. Шу ростми?*

Жорж: Биз эмас, ўша психиатрлар инсоният учун хавфли аслида.

— *Жорж, айтишларича, сира бошингиз касалдан чиқмас эмиш-а?*

Жорж: Ҳа, рост, йилда бир рақ касали билан оғриб тураман.

— *Фаранглар ҳали «Битлз» ҳақида бир тўхтамага келишгани йўқ. Сизларнинг улар ҳақида фикрингиз қандай?*

Жон: О, бизга ёқади Битлз. Қандай лаззат бахш этишини билсангиз эди улар бизга!

— *Аёлларнинг кўкрақ қисмадан воз кечилган чўмилиш кийимига қандай қарайсиз?*

Ринго: Эсимизни таннбмизки, шунақасини киямиз-ку ўзи.

— *Томошалар пайти ҳаётингиз учун хавфли ҳолатлар ҳеч тугилганими?*

Пол: Бир марта каминани муҳлислари чакмоқтош билан ухшатиб сийлашган. Тўппа-тўғри кўзини пойлаб отишган азаматлар, томоша тугагунча очолмаганман. Чикатога эса саҳнага тўк жигарранг тусли ҳайвон тудуми, кизил равлги резина копток ҳамда аркон келиб тушган. Шу қадар кизншиб кетибманки, бир қути «Уинстон» сигаретининг бошига қандай етганими билмай қолибман. Яна бир гал эса Детройтдаги «Олимпия» стадиёнида шундоқкина кулоғим тагдан чакмоқтош визиллаб ўтиб кетган.

— *Наҳот сизларни бу ташвишлантирмайди?*

Пол: Қогоз, латта-путта ёки шу каби енгил нарсалар отишаётганида амаллаб чидаса бўлади. Бирок навабит залворли буюмларга етгач...

— *Фазодаги ҳалокатлар ҳақида фикрингиз қандай?*

Жон: Биронтасини ўз кўзингиз билан кўрган бўлсангиз, билдингки, қолганлари хам шундан асло фарк қилмайди.

— *Амиқо ойнии жаҳонининг қайси кўрсатувлари сизга кўпроқ манзур?*

Жон: Менга Амиқо ойнаи жаҳони шуиси билан манзур бўлдики, унинг барча ўн саккизта қанали бирдек кизикарли, аммо ҳеч қайсиси бинойидек тасвирга эга эмас.

— *Бу қадар юксак мавқе ҳамда шон-шўҳратга эришишларингизнинг, дунёга донг таратишларингизнинг сабабини нимада деб биласизлар?*

Жон: Тасаввур хам қилолмай-миз. Агар билгалимизда эди, тўртта сочи ўсиқ нусхани топардик-да, гуруҳга бирлаштириб, уларга ҳоқийлик қилардик.

— *Мухлисларингиз сизларга кўп ёзишадими?*

Ринго: Биз ҳар куни улардан икки мингтага яқин хат оламиз.

Жон: Ва сўзсиз уларнинг ҳар бирига жавоб қайтарамиз.

Хорижда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма Жон Леннон, Пол Маккартни, Жорж Харристон ва Ринго Старр ҳақида билади. Биз эсам ҳеч нарса билмаймиз, жуда бўлмаганда кимдир улар ҳақида нимадир эшитган, холос...

Худди шу боис биз бугун сизларга «Битлз» ҳақида ҳикоя қилдик.

Осмондан «тушириб», уларнинг суҳбатини олгувчи Очил БЕДАСТУРХОН

* Детройт — Амиқодаги шаҳар